ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

N4938

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 9 (575.1) + 9.008.4 (575.1)

**ХАЙДАРОВ МУРОДИЛЛА
МАХМУТАЛИЕВИЧ**

ТУРКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ МАРКАЗЛАШТИРИШ СИЁСАТИ ОҚИБАТЛАРИ (1917-1924 ЙИЛЛАР)

07.00.02-Ватан тарихи мутахассислиги
тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

ИЛМИЙ РАҲБАР:
Тарих фанлари доктори
профессор ***Р. Ҳ. МУРТАЗАЕВА***

ЎзР ФФНТИ

ТОШКЕНТ-1998

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....1-18

I- БОБ. ТУРКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ СИЁСИЙ МАРКАЗЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ҲАРАКАТЛАРИ

1.1-§. Туркистонда миллий демократик ҳаракатнинг кучайиши. Ўлкада Советлар тузуми ўрнатилишининг ўзига хос хусусиятлари.....19-50

1.2-§. Туркистонда Советлар бошқаруви тизими-Марказ сиёсий ҳукмронлигининг ўрнатилиши.....50-87

1.3-§. Марказлаштириш сиёсатига миллий раҳбар ходимларнинг муносабати 88-115

II-БОБ. ТУРКИСТОН ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ МАРКАЗЛАШТИРИШ СИЁСАТИ

1.1-§. Туркистон ўлкасида Октябр тўнтаришидан кейинги иқтисодий аҳвол. Очарчилик ва унинг оқибатлари.....116-133

1.2-§. Туркистонда хўжалик ташкилотларининг фаолияти: камчилик ва нуқсонлар.....133-157

1.3-§. Туркистон қишлоқ хўжалигининг пахта яккаҳокимлигига асосланиши ва ўлканинг хом-ашё базаси сифатида сақланиши.....158-177

ХУЛОСА.....178-182

ИЛОВА..... I-YII

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....YIII-XXII

КИРИШ

Тадқиқотнинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, истиқлол мафкураси яратилаётган ҳозирги шароитда тарих фани олдида ҳам миллий ўзлигини тугал англаган жамият аъзоларини тарбиялашдек шарафли вазифа турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобида қуйидагича уқтирган эди: "Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади"[1].

И. Каримов мамлакатимизнинг бир гуруҳ тарихчи олимлари билан бўлган учрашувида юртимизнинг ҳаққоний тарихини яратиш, тарих фанини жонлантириш юзасидан кенг ҳаракат дастурини белгилаб берди[2]. Унда ижтимоий тараққиётнинг ҳаётий ривожланиш босқичларини чуқур ўрганиш зарурияти, миллий тарихнинг юксалиш ва инқирозли даврларини мустақиллик мафкураси нуқтаи-назаридан тушунтириш мустамлакачи чор ва совет тузумлари сиёсатининг салбий оқибатларининг барча кўринишларини ёритиб бериш, жамиятнинг маънавий-аҳлоқий камол топишида тарих фанининг ролини ошириш таъкидлаб ўтилди. Бу вазифанинг бажарилиши асносида миллий ўзлик ва қадриятларга бегона бўлган социалистик тузумнинг халқимиз турмушига зўрлаб тиқиштирилганлиги, шунингдек, Туркистонда совет ҳокимиятининг марказлаштириш сиёсатининг стратегияси ва ноқобил амалиёти ҳамда салбий оқибатларини танқидий ўрганиш алоҳида долзарблик касб этади.

Бу муаммоларни илмий-назарий жиҳатдан синчиклаб ўрганиш зарурияти ва жамоатчилик ўртасидаги кучли эҳтиёж энг аввало шунда кўринадики, коммунистик мафкура ҳукмронлик қилган совет режими

---

1. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, "Ўзбекистон", 1997, Б.140.

2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. Ўзбекистон, 1998, 31б.

йилларида Ўзбекистон тарихининг совет даври сохталаштирилди. Натижада узоқ йиллар давомида ижтимоий онгга "октябр инқилоби" маҳаллий аҳоли томонидан қувонч билан кутиб олинди, Ўзбекистон тарихий ривожланишида эса совет ҳокимияти тўғри йўл кўрсатди деган афсона ўрнашиб қолди. Октябр тўнтариши ўлка халқларининг миллий ўз-ўзини бошқариш ҳақидаги орзу-умидларини чиппакка чиқарганлиги борасида эса сукут сақланди.

Туркистон ўлкасидаги янги Совет ҳукумати ўзининг дастлабки қадамларидан бошлабоқ Россия марказидаги большевикларнинг барча директива ва кўрсатмаларни ўз фаолиятига асос қилиб олиб, халқимизнинг ўз тарихий тақдирини ўзи танлашдек адолатли ва қонуний ҳуқуқини поймол қилди ва Кремлнинг марказлаштириш сиёсатини зўравонлик билан амалга оширди.

Совет ҳокимиятининг улуғ давлатчилик шовинизмига асосланган бундай мустамлакачилик сиёсати Туркистондаги маҳаллий ҳалқларнинг ҳақли равишда кучли норозилигини келтириб чиқарди. Туркистон мухторияти қизил аскарлар томонидан қонга ботирилгач, ўлкада истиқлолчилик ҳаракати бошланиб кетди. Ҳокимият органларидаги миллий раҳбар ходимлар имкониятлари даражасида Марказнинг зўравонлик сиёсатига қарши кураш олиб бордилар. Бу кураш Ўзбекистон янги тарихининг қарийб 75 йиллик бутун совет даврида давом этди.

Тоталитар режим томонидан Туркистонда ўтказилган марказлаштириш сиёсатининг оқибатлари аянчли бўлди. Ҳатто бунинг таъсири бугунги кунда ҳам сезилмоқда. Шунинг учун ҳам Туркистон республикасида совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида олиб борилган марказлаштириш сиёсатини чуқур илмий тадқиқ қилиш бугунги кунда долзарб мавзуга айланди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқ қилинаётган мавзунинг тарихшунослиги анча бой бўлиб, большевиклар томонидан 1917 йилда амалга оширилган Октябр тўнтариши ва унинг Туркистон халқлари тақдирига таъсири, ўлкада ўрнатилган большевикча режим ва

унга қарши олиб борилган истиқлол курашлари, совет ҳокимиятининг Туркистондаги марказлаштириш сиёсати оқибатлари доимий равишда тарихчилар диққатини ўзига тортиб келган.

Мавзуга тегишли бутун адабиётларни икки даврга ажратиш мумкин: биринчиси, - 20-80 - йиллар, яъни совет даврида яратилган адабиётлар бўлса, иккинчиси, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин нашр қилинган тадқиқотлардир.

Биринчи даврнинг ўзи ҳам уч босқичдан иборат бўлиб, бу даврнинг биринчи босқичи 20-йилларда яратилган асарларни ўз ичига олади. Дастлабки тадқиқотлар асосан матбуотда ва турли тўпламларда эълон қилинган бўлиб, уларнинг муаллифлари тарихчилар, иқтисодчилар, хўжалик ходимлари ва давлат арбоблари эди. Бу муаллифлар расман "Капитализмдан социализмга ўтиш" деб номланган даврни баҳолашга уринганлар ва жамиятнинг ўша пайтдаги мураккаб ва тушкун ҳолатини акс эттириб, юз бераётган зиддиятли жараённинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилганлар. Илк мақолаларда[1] "социалистик ҳокимият"нинг национализациядаги тартибсиз сиёсати билан келиша олмаслик, бу жараёнда ўлканинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари ҳисобга олинмаганлиги, "миллионлаб майда ишлаб чиқарувчиларнинг хоҳиши ва ташаббуслари сиқиб қўйилганлиги", натижада ишлаб чиқаришнинг майда товар соҳаларида "маълум даражада вайронагарчиликлар" юз берганлиги, мамлакат эса иқтисодий ва ижтимоий жиҳат-

---

1. Пославский Ю. Об органах управления народным хозяйством Туркестанской республики //Народное хозяйство Туркестана, 1919, №1,с2-4; Маркович И. Вопросы национализации// Там же, №17, с.1-2; Муромский. Экономическая политика Туркестана// Три года Советской власти. Ташкент, 1920, с.17-33; Плетнев В. Экономическая политика Советской власти// Там же, с.34-44; Сольц И. К истории К.П.Т.//Там же, с.45-53; Асфендиаров С. Хозяйственное строительство и национальная проблема//Известия Турк ЦИКа. 1922. 1 февраль и др.

дан тушкунликка тушиб қолганлиги кўрсатилади. Шунингдек, Туркистон ўлкасида очарчилик юз бераётган ва юз минглаб одамлар очликдан қирилаётган бир пайтда Марказга кўп миқдорда ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари олиб кетилаётганлиги таъкидланади.

20-йилларда бу мавзуга оид ўнлаб китоблар нашр қилинди[1]. Бу соҳадаги дастлабки йирик асар Туркбюро аъзоси Г.И.Сафаровнинг китоби бўлиб, унда Туркистоннинг иқтисодий ва сиёсий аҳволи, Россия бу ўлкани босиб олгандан кейинги вазият ва Туркистонда совет ҳокимиятининг қай тарзда ўрнатилиши ҳамда бу ерда Марказ томонидан ўтказилган мустамлакачилик сиёсати тасвирланади. Г.Сафаров Туркистондаги октябр тўнтаришини асосан рус аҳолиси амалга оширганлигини, маҳаллий аҳоли унга бефарқ қараганлигини ҳаққоний равишда таъкидлайди.

Туркистондаги иқтисодий сиёсат моҳиятини очиб бериш, унинг иқтисодий аҳволи, Марказ - РСФСРнинг ўлкага нисбатан ўтказаётган марказлаштириш сиёсати, "социалистик давлат" учун муҳим аҳамиятга эга бўлган Туркистон минтақасининг иқтисодий мақоми масалалари бир гуруҳ мутахассислар томонидан тайёрланган "Туркистон республикасининг хўжалик ҳаётидан очерклар"[2] китобида кўрсатиб берилди. Ушбу катта ҳажмдаги муҳим тадқиқотнинг асосини хўжалик ташкилот-

---

1.Сафаров Г. Колониальная революция (опыт Туркестана). Москва, 1921; Очерки по экономике Средней Азии. Под.ред. Ю.И.Пославского и Г.Н.Черданцева. Ташкент, 1922; Борисов Н. Октябрь в Туркестане. Т.,1922; Мусбиро РКП(б) в Туркестане, 1,2 и 3-Туркестанские Краевые Конференции РКП 1919 -1920 гг. С введением тов. Рыскулова. Т., 1922; Рыскулов Т. Революция и коренное населения Туркестана. Сборник статей, докладов, речей и тезисов с предисловием автора. Часть 1. 1917-1919гг. Т., 1925; Очерки революционного движения в Средней Азии. Сборник статей М., 1925; Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. Т., 1926; Алексеенков П. Крестьянское восстанке в Фергане. Т., 1927; Он же. Кокандская автономия. Т., 1931; Ходжанов С. К 10-летию Туркестанской Советской Автономии Туркестана.Т., 1928 и др.

2.Очерки хозяйственной жизни Туркреспублики. Т.,1921.

ларининг ҳисоботлари ва маърузалари ташкил этиб, уларда ўлканинг халқ хўжалиги ва турмушининг бошқа соҳаларига оид янги статистик ҳамда ҳужжатли маълумотлар. Туркистонни тадқиқ этган тадқиқотчиларнинг ёзишлари, кузатишлари ташкил этади.

Китобнинг "Туркистон Республикасининг иқтисодий таърифи" ва "Совет Туркистонидаги саноатга раҳбарлик қилувчи ташкилотлар" бўлимларида минтақани хом ашё базаси сифатида янада ривожлантиришнинг умумий йўналишлари, яъни хўжалик сиёсатининг асосий принциплари илмий асосланган бўлиши ва Туркистоннинг Марказ хўжалик алоқаларидаги ўрнини аниқ белгилаб бериш ҳамда Россия билан муносабатлар масаласи алоҳида таъкидланди.

Турор Рисқулов ўзининг машҳур китобида[1] Фарғона водийсидаги 1917-1919 йилларга оид вазиятни кўрсатиб беради. Т.Рисқулов Фарғона водийсида совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейинги аҳволни, биз ҳозир шундай пайтга етиб келдикки," ҳар куни ўн минглаб кишилар қирилиб кетмоқда ва шундай пайт келиши мумкинки, бутун бир миллат йўқ бўлиб кетади",- деб таърифлайди.Совет ҳокимиятининг Туркистон Республикасида юритган шовинистик ва мустамлакачилик сиёсати, Фарғона водийсидаги очарчилик ва унинг даҳшатли оқибатлари таниқли давлат арбоби Рисқулов китобида ўзининг ҳаққоний баёнини топган.

Хулоса қилиб айтганда, 20-йилларда яратилган асарларда тарихий ҳақиқат нисбатан холис кўрсатилади. Жамиятдаги фикрлар хилма-хиллиги тадқиқотларда ҳам ўз аксини топган эди.

30-йилларнинг бошидан бошлаб совет жамиятида қарор топган тоталитар режим тарих фанига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Совет тарихшунослигидаги биринчи даврнинг иккинчи босқичи ўз ичига

1.Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана. Часть 1. 1917-1919гг. Т., 1925.

30-йиллардан бошлаб то 80-йилларнинг ўртасигача яратилган асарларни[1] олади. Мазкур даврда умумлаштирувчи йирик тадқиқотлар[2] яратилиб, уларда октябр тўнтариши ва Туркистондаги большевикча режимнинг ўрнатилиши, совет ҳокимияти ўтказган сиёсат кўрсатиб берилди.

В.Лаврентьев асари Туркистонда капитализмнинг ривожланишини (чор Россияси томонидан Туркистон босиб олинган даврдан 1917 йил гача) бир бутун таҳлил қилган дастлабки тадқиқотдир. Муаллиф Туркистондаги Октябр тўнтаришидан кейинги ишлаб чиқариш муносабатларини чоризм давридаги "иқтисодий муносабатларда ўрнатилган туб ўзгаришларнинг давомидир"[3], деб кўрсатиб ўтади.

Е.Зелькина ўз тадқиқотида октябр тўнтариши арафасида ва ундан кейинги дастлабки йилларда Туркистондаги аграр ва деҳқонлар масаласини ёритади. У 1925 йилгача, яъни ер-сув ислоҳоти ўтказил-

---

1.Лаврентьев Вл. Капитализм в Туркестане (Буржуазная колонизация Средней Азии). Ленинград., 1930; Зелькина Е. Очерки по аграрному вопросу в Средней Азии. М, 1930; Арманруни А., Габидулин Х. Очерки панисламизма и пантюркизма в Росии. Рязань, 1931; Манжара Д.И. Революционное движение в Средней Азии в 1905-1920 гг. Т., 1934; Житов К.Е. Победа Великой Октябрской социалистической революции в Узбекистане. Т., 1957; Иноятов Х.И. Ўзбекистонда Октябрь революцияси. Т., 1958; Хакимов М.А., Серый Я.М. Борьба большевиков за создание национальной советской государственности в Туркестане. Т.,1961; Назаров М. Туркистон интервенция ва гражданлар уруши даврида (1918-1920й.) Т., 1961; Вахобов М.Г. Ўзбек социалистик миллати. Т., 1961; Аминова Р.Х. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане (1917-1920гг).Т., 1963; Нуруллин Р.А. Советы Туркестанской АССР в период гражданской войны. Т.,1965; Он же. Борьба компартии Туркестана за осуществление политики "военного коммунизма". Т.,1975; Бойконов Р.Туркистонда Октябрь революцияси историографиясига доир (1917-1967йй.). Т.,1968; Яковенко Л.И. Продовольственная политика Коммунистической партии и её осуществление в Туркестане (1918-1954). Душанбе. 1974 и др.

2. Очерки истории Коммунистической партии Туркестана. Т. 1964; История гражданской войны в Узбекистане. Т1,2. Т. 1964-1970; Победа Советской власти в Средней Азии и Казахстане Т., 1967; Ўрта Осиё Коммунистик ташкилотларининг тарихи. Т.,1969, Ўзбекистон ССР тарихи. Бош муҳаррир И.М.Мўминов. Т.3. Т.,1971; Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана Т.,1974; История рабочего класса Советского Узбекистана. Т.,1974 и др.

3.Лаврентьев Вл. Капитализм в Туркестане (Буржуазная колонизация Средней Азии). Ленинград. 1930. с.12. 151-152.

гунга қадар, "Ўрта Осиё қишлоқларида социалистик инқилобгина эмас, ҳатто буржуа-демократик инқилоби ҳам бўлмади"[1], деб таъкидлайди.

Айрим адабиётларда[2], Марказнинг Туркистон халқ хўжалигига қўпол суръатда аралашуви, ўлка иқтисодиётини марказлаштиришга нисбатан кўрган чора-тадбирлари Туркистонни оғир иқтисодий инқироздан чиқариш, саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг ягона тўғри йўли деб, очиқ равишда уқтирилди.

Ярим асрдан ортиқ вақт давомида яратилган ушбу тадқиқотларнинг умумий руҳини социалистик жамиятдаги тоталитар тузум ва унинг тепасидаги партократия белгилаб берди. Марксча-ленинча назария фанда тўлиқ ҳукмрон бўлган ушбу даврда қарашлар силлиқлаштирилиб, бир қолипга солинди. Коммунистик мафкурадан бошқа ҳар қандай фикрга, у ҳатто соғлом ақл-идрок билан баён қилинган бўлса-да, аёвсиз ўт очилди.

Биринчи даврнинг учинчи босқичи 80-йилларнинг иккинчи ярмини ўз ичига олади. Бу пайтда совет жамиятида бошланган қайта қуриш: янгиланиш руҳи ва ошкоралик, миллий онгнинг уйғониши ва кўтарилиши бизни ўз тарихимизга янгича муносабатда бўлишга ундади. Шу жиҳатдан олганда 1989 йил 15-16 ноябрда Ўзбекистон ФА Тарих институтида "Ўрта Осиё ва Қозоғистонда Октябрь инқилоби: назария, муаммолар, ўрганиш истиқболлари" мавзуида ўтказилган республикалараро илмий конференция муҳим ўрин тутади. Конференция материалла-

---

1. Зелькина Е. Очерки по аграрному вопросу в Средней Азии. М.,1930,с.82.

2. Развитие экономики и культуры Советского Узбекистана. Т.,1957; Чунтулов В.Т. Народного хозяйства СССР. Киев, 1962; Производительные силы Узбекистана и перспективы их развития. Т.,1967.

ри рус тилида алоҳида тўплам ҳолида нашр қилинди[1]. Конференция ишига раҳбарлик қилган Р.Е.Ражапова Ватан тарихшунослигида биринчи бўлиб Туркистондаги мухторият ҳаракатининг назарий асосларини ишлаб чиқди, муаммонинг методологик жиҳатини кўрсатиб берди[2].

Шунингдек, тўпламдан жой олган Р.А.Нуруллин, И.А.Алимов, Ф.Ҳ.Қосимов, Р.М.Абдуллаев, С.С.Аъзамхўжаев, М.Қ.Ҳасанов, В.А.Семенютанинг[3] илмий мақолаларида Ўзбекистон янги тарихининг 1917-1924 йилларга оид энг драматик воқеалари: Октябр тўнтариши ва унга маҳаллий ташкилотлар, Туркистон мухторияти ҳукумати ва унинг фаолияти биринчи марта холис тадқиқ қилишга уринилди. Бу уриниш матбуотда эълон қилинган кўплаб мақолаларда[4] ва айрим монографияларда[5] ҳам ўз аксини топди. Шу билан бирга В.А. Семенюта, Е.А.Прилуцкий, В.А.Ивановнинг диссертацион тадқиқотларида[6] Туркис-

---

1. Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, перспективы изучения. Отв. ред. сборника Р.Я.Раджапова. Т., "ФАН", 1991.

2. Раджапова Р.Я. К вопросу о диалектике социалистического, демократического и национального в социальной революции (историографические аспекты проблемы)//Там же.с.8-32.

3. Қаранг: Октябрьская революция... с.225-238, 239-249, 177-186, 94101, 102-116, 159-176,225-264.

4. Ҳасанов М. Туркистон мухторияти: Ҳақиқат ва уйдирма //фан ва турмуш,1990. №9-11; Исмоилов Ҳ. Туркистон 1917 йилда //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1990 йил 27 июл. Алимов И.А. Левацкие перегибы в решении религиозного вопроса в ТАССР// Общественное науки в Узбекистане. 1981. №1,с.31-40; Ражабов К. Ленин билан баҳсланганлар.//Саодат,1991,№4,5-6б.; Унинг ўзи."Совет ҳокимияти бизга қимматга тушди" //Ёш куч, 1991,№11,20-21б.; Акрамов А. Босмачилик ҳаракати ва унинг моҳияти //Ҳаёт ва иктисод,1991, №7, 58-63б.

5.Каримов Р.Х. Социально-экономическое развитие Узбекистана. в 1921-1925гг. узловые аспекты, исторический опыт. Т.,1989; Исхаков Ф.Б. Прошлое глазами историка. Т., 1990; Акромов А., Авлиякулов К. В.И.Ленин, Турккомиссия и укрепление Советской власти в Средней Азии. Т.,1991 и др.

6.Семенюта В.А. Опыт решения продовольственного вопроса в Туркестане в первые годы советской власти (1917-1920гг.) Автореф.дисс... канд.ист.наук. Т.,1991; Прилуцкий Е.А. Национально-государственное строительство в советском Туркестане 1918-1920гг. Автореф.дисс... канд.ист.наук. Т.,1991; Иванов В. Создание и деятельностие Туркполитпросвета (1921-1924гг.) Автореф. дисс.. канд.ист.наук. Т., 1991 и др.

тон Республикасидаги ижтимоий-сиёсий вазият, озиқ-овқат масаласи, миллий-давлат қурилиши, сиёсий-оқартув муассасаларининг аҳволи таҳлил қилинди. Лекин бу тадқиқотларда чекланганлик ва ўз фикрини очиқ баён қилолмаслик ҳолатлари кўринди.

1991 йил 1 сентябрда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгач, тарихчилар олдида кенг имкониятлар пайдо бўлди. Ўн йиллар давомида сиёсийлашган тарих фани мустақиллик шарофати билан ўзининг ҳақиқий вазифасига, яъни тарихни ҳаққоний ва холис равишда ёзишга киришди. Демак, мустақиллик эълон қилингандан кейин тадқиқ қилинаётган мавзу тарихшуносликнинг иккинчи даври бошланди.

Мустақиллик йилларида тарихчилар баракали меҳнат қилишди. Янгича методологик услубда ёзилган рисолалар[1], дарсликлар[2], турли тўпламлар[3] билан бир қаторда Ж.З.Мирзаев, Ш.Ғ.Ғоибназаров, Қ.К.Ражабов, Н.А.Норжигитова, А.Х.Рахмонқулова, А.М.Худойқулов, Ж.Тошқулов, Ф.Х.Набиев, С.А.Кошонов, С.С.Аъзамхўжаев, Н.Г.Озеро-

---

1. Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана:Эволюция социального положения. 1917-1937 гг. Т.,1992; Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти.(Мустакиллигимиз тарихидан сахифалар). Т.,1996.

2.Ражабова Р.Ё. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917-1993 йиллар). 9-синф учун. Т.,1994; Раджабова Р.Я.и др. История Узбекистана.(1917-1993 гг.) 9-класс.Т.,1995.

3.20 асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида Ўзбекистонда тарих фани (тарихшунослик очерклари). 1,2-қисмлар. Масъул муҳаррир Д.А.Алимова Т.,1994; Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш сахифаларидан. Т.,1996; Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги мулоҳазалар. Т.,1997; Независимость и история:новые подходы к из учению истории Узбекистана.Т.,1997.

ва, Х.М.Куллиев, Р.М.Абдуллаевнинг диссертацион тадқиқотларини[1] ажратиб кўрсатиш мумкин.

Қ.К.Ражабов ўзининг номзодлик диссертациясида катта ҳажмдаги архив ҳужжатлари, ўзимизда ва хорижда нашр қилинган адабиётлар асосида Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатининг яхлит тарихини ярата олди. Унинг тадқиқотида шу пайтгача "босмачилик" деб ноҳақ равишда қораланган бу ҳаракат аслида советча режим ва босқинчи қизил армияга қарши олиб борилган истиқлолчилик ҳаракати эканлиги биринчи бўлиб исботланди. Н.А.Норжигитова Туркистондаги "босмачилик" ҳаракати совет даври тарихшунослигини замонавий нуқтаи назардан туриб таҳлил қилади. С.С. Аъзамхўжаев ўзининг докторлик диссертациясида ўлкадаги мухториятчилик ҳаракати, Туркистон мухторияти ҳукумати ва унинг фаолияти ҳақида батафсил тўхталади. Р.М.Абдуллаев Туркистонда 1917-1918 йиллардаги миллий-сиё-

---

1.Мирзаев Дж.З. Развитие кооперативной формы хозяйствования в условиях рыночных отношений в Туркистане. Опыт и проблемы. Автореф.дисс...канд.ист.наук. Т., 1994; Гонбназаров Ш.Г. Общественное развитие Узбекистана в XX-х годах. Противоречивость политических тенденций. Автореф.дисс... д-ра. полит. наук. Т.. 1994; Раджабов К.К. Истиқлолчилик ҳаракати в ферганской долине:сущность и основные этапы развития (1918-1924гг.). Автореф.дисс... канд.ист.наук. Т..1995; Норжигитова Н.А. Историография "Босмаческого движения" в Туркестане (советский период). Автореф.дисс... канд.ист.наук.Т..1995; Рахманкулова А.Х. Общественно-политическая жизнь Узбекистана (20-е годы). Автореф.дисс...канд.ист.наук. Т..1995; Худойкулов А.М. Просветительская деятельность джадидов Туркестана (конец XIX-начало XX в.) Автореф.дисс...канд.ист.наук Т., 1995; Набиев Ф.Х. Проблемы и противоречия социальной политики в Туркестане (1917-1927 гг.) Автореф.дисс...докт.ист.наук Т..1995; Ташкулов Дж.З.Основные направление политико-правовой мысли народов Узбекистана во второй половине XIX - первой четверти XX вв. Автореф. дисс... д-ра юрид. наук.Т..1995; Комонов С.А. Большевики В Туркестане (В1918-1922 г). Доктрина и реальность. Автореф. дисс... ист.наук. М.1995; Агзамходжаев С.С. Туркистон мухторияти:Борьба за свободу и независимость (1917-1918гг.).Автореф.дисс... д-ра.ист.наук. Т..1996; Озерова Н.Г. Дехканство Туркестана в условиях перехода к нэпу(1921-1924).Автореф.дисс...канд. ист. наук. Т.,1997;Куллиев Х.М.Складывание экономических и духовных основ тоталитарного строя в Туркестане (1917-1920). Автореф. дисс...канд.ист.наук. Т..1998; Абдуллаев Р.М. Национальные политические организации Туркестана в 1917-1918 годы. Автореф.дис.. док.ист.наук. Т..1998.

сий ташкилотларнинг шаклланиши ва фаолиятини кўрсатиб берди. Х.М.Куллиевнинг тадқиқотида Туркистондаги тоталитар тузумнинг иқтисодий ва маънавий асосларининг юзага келиши тасвирланади.

Чет элларда ҳам ушбу мавзуга тааллуқли бир қатор тадқиқотлар яратилган. Масалан, таниқли инглиз тарихчиси Эдвард Каррнинг "Совет Россияси тарихи" (14 жилд) номли асари[1] ва бошқа тадқиқотларида[2] совет ҳокимиятининг Туркистон республикасидаги сиёсати, большевикларнинг зўравонлигига қарши олиб борилган курашлар, миллий етакчилар Ф.Хўжаев ва Т.Рисқулов ҳақида қизиқарли маълумотлар берилади.

Бироқ ушбу улкан ҳажмдаги тадқиқотларда Туркистондаги Совет ҳокимияти юритган сиёсатнинг фақат айрим томонлари ёритилди. Бунинг устига Ўзбекистонда 70 йилдан ортиқ ҳукм сурган мустабид совет тузуми даврида марказлаштириш сиёсати тарихини холис ёритиш имконияти ҳам деярли бўлмади. Мустақиллик шарофати билан мустамлакачилик кишанидан халос бўлган республикамиз тарихчи олимлари олдида совет тоталитар режими асоратларидан тезроқ қутилиш вазифаси кўндаланг қўйилди. Тадқиқотчи худди шу ҳолатларни назарда тутиб, 1917-1924 йилларда Туркистонда совет ҳокимиятининг марказлаштириш сиёсати оқибатлари тарихи мавзуини танлади.

Диссертациянинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади қилиб Туркистонда совет ҳокимиятининг марказлаштириш сиёсати оқибатларини ёритиш қўйилди. Бу мақсадга эришиш учун тадқиқотда қуйидаги асосий вазифаларни амалга ошириш керак:

-Туркистонда миллий демократик ҳаракатнинг кучайиши жараёни-

1.Эдвард Карр. История Советской России. Том.1,2. Большевистская революция. 1917-1929. М.,1990.

2.Карр Э.К. Русская революция от Ленина до Сталина 1917-1929.М.,1990.

ни кўрсатиш. мухторият ғояларининг амалдаги кўриниши бўлган Туркистон мухторияти ҳукумати фаолиятини тасвирлаш;

-ўлкада советлар тузуми ўрнатилишининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш;

-Туркистонда Советлар бошқарув тизими - Марказ сиёсий ҳукмронлиги ўрнатилишининг сабабларини таҳлил қилиш;

-Туркистон ўлка Мусулмонлар бюроси мисолида марказлаштириш сиёсатига миллий раҳбар ходимларнинг муносабатини кўрсатиш;

-Туркистон халқ хўжалигини бошқаришда совет ҳокимияти томонидан юритилган марказлаштириш сиёсатини очиб ташлаш;

-ўлкадаги очарчилик ва унинг даҳшатли оқибатларини ҳаққоний тасвирлаш;

- Туркистон республикасидаги хўжалик ташкилотлари фаолиятида рўй берган камчилик ва нуқсонларни ажратиб кўрсатиш;

-ўлкани хом-ашё базаси ва тайёр маҳсулотлар келтириладиган бозорга айланишини ёритиш;

-Туркистонда сиёсий бошқарувни ташкил этиш ҳамда ўлка иқтисодиётини марказлаштиришда Марказ органлари ва ташкилотлари ўйнаган мудҳиш ролни батафсил кўрсатиш.

Тадқиқотнинг даврий чегараси. Муаллиф Туркистон республикасидаги совет ҳокимиятининг марказлаштириш сиёсати оқибатларини кўрсатишда унинг даврий доираси қилиб 1917-1924 йиллар чегарасини олди. Айнан ушбу даврда Туркистон ўлкасида муҳим ўзгаришлар юз берди. 1917 йил феврал инқилобидан кейин Туркистонда демократик ҳаракатлар кучайди. мухториятчилик ҳаракатининг амалдаги кўриниши бўлган Туркистон мухторияти ҳукумати ташкил топди. 1917 йил ноябрда Тошкентда большевиклар қизил аскарларнинг найзалари остида куч билан совет ҳокимиятини ўрнатишди. Туркистон республикасида

советча режим 20-йиллар бошида узил-кесил қарор топди. 1924 йил охирида Ўрта Осиё республикаларида миллий давлат чегараланиши ўтказилиши натижасида Туркистон республикаси тугатилди.

Диссертациянинг назарий-методологик асоси. Жаҳон илм-фани томонидан тўпланган янгича сиёсий фикрлаш ижтимоий жараёнларни назарий ва методологик таҳлил қилиш билан белгиланади. Тадқиқотнинг етакчи илмий концепцияси муаммога цивилизацион ёндашув ҳисобланади. Синфлар ва синфий кураш ҳақидаги ҳукмрон ғоялар билан суғорилган Марксча-ленинча концепциядан фарқли ўлароқ бу янги илмий концепция халқнинг миллий қадриятлари, урф-одати ва турмуш тарзини тан олиш билан бирга ўзининг тўпланган билимлари ва хаётий фалсафаси билан уни янада бойитиб, ўрганилаётган муаммонинг барча қирраларини янгича баҳолар мезони асосида ишлаб чиқиш имконини беради.

Тадқиқотнинг методологик асосини ишлаб чиқишда Ўзбекистон республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари муҳим рол ўйнади. Бу асарларда мустақил давлатчилик ғоялари, миллий истиқлол мафкураси ҳар томонлама пухта таҳлил қилинган, сифат жиҳатдан мутлақо янги миллий давлат қурилиши, демократик ҳуқуқий жамият барпо қилиш йўллари кўрсатиб берилган.

Манбаларнинг шарҳи. Тадқиқотнинг асосий манбаси бўлиб архив материаллари хизмат қилди. Бу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (Ўзбекистон МДА) - 17, 18, 25, 27, 36, 39, 41, 111, И-1, И-22, И-128, И-1044 - фондларда сақланмоқда.

Архив ҳужжатларининг бир қисми ҳужжатлар тўплами шаклида илгари эълон қилинган эди[1]. Шунингдек, Туркистондаги турли иқтисо-

---

1.Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Т.,1 май 1918г.- Сентябрь 1919г. Документы и материалы. Алма-Ата, 1963; Победа Октябрской революции в Узбекистане. Сборник документов. 1-2-3.Т., 1963-1972; Сборник важнейших декретов, постановлений и распоряжений Правительство ТАССР за 1917-1922 гг. Т.,1922; Социалистическое переустройства сельского хозяйва в Узбекистане (1917-1926гг.). Сборник документов. Т.,1962; Хроника событый Великой Октябрской социалистическон революции в Узбекистане. Февраль-ноябрь 1917г. Т.,1962; Хроника событий Великой Октябрской социалистической революции в Узбекистане. Ноябрь 1917 г.-Июнь 1918 г. Т.,1975.

дий кенгашлар ва хўжалик ташкилотларининг нашр қилинган ҳисоботлари[1] ҳам асосий манбалардан бири бўлди.

Архив материалларини таҳлил қилиш жараёнида улар бир нечта гуруҳга ажратилди:

1. Туркистон Республикаси Советлари съездларининг стенографик ҳисоботлари;

2. Туркистон Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши (Ц С Н Х), Туркистон Иқтисодий Кенгаши (Турк ЭКОСО), Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (Средаз ЭКОСО) каби хўжалик ташкилотларининг фаолияти ёритилган ҳужжатлар, бу иқтисодий органларнинг конференция, съезд ва турли анжуманларда қабул қилинган қарор ва резолюциялари;

3. Марказ ва Туркистон республикасидаги статистик бошқармаларнинг ҳисоботлари;

4. Очарчиликка қарши кураш комиссиясининг маълумотлари;

5. Туркистондан Россия марказига жўнатилган хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақидаги ҳужжатлар.

Шунингдек, манбалар сифатида 1917-1920 йилларда Тошкент, Самарқанд, Қўқон шаҳарларида ўзбек ва рус тилларида нашр қилинган турли газета ва журналларни ҳам айтиб ўтиш лозим. Хусусан, 1919-1920 йилларда Тошкент шаҳрида чоп этилган "Народное хозяйст-

---

1.Отчёт 1-съезда Экономических совещаний Туркреспублики. Составлен по стенографическим отчётом А.Н.Апухтиным под ред. Д.П.Красновского Т.,1922; Отчёт 2-съезда Экономических совещаний Туркестанской республики 26-30 ноябрь 1922 г. (с резолюциями).Т.,1923; Отчёт о деятельности Туркестанского Экономического Совета за февраль-сентябрь.Сентябрь 1921г. Составлен ЦСУ Туркреспублики под ред. Д.Л.Красновского. Т.,1922; Отчёт о деятельности С.Н.К. и Экономического Совета Туркестанской республики. На 1 октября 1922 г. Под ред. Д.П.Красновского. Т.,1922; Материалы по статистике труда Туркреспублике. Вып. 1-4. Т., 1922-1924; Хозяйственный план Туркреспублики на 1923-24 .гг. Т.,1923; Первая Экономическая Конференция Средне-Азиатских республик-Туркестана, Бухары и Хорезма. 5-9 марта 1923г. Стенографический отчёт.Т.,1923; Перспективы хозяйства Туркреспублики. 1924-1929гг. Т., 1924; Статистический ежегодник Туркреспублики. 1917-1923гг. Сост-н под ред. Д.П.Красновского Т.. 1-2. Т.,1924.

во Туркестана"("Туркистон халқ хўжалиги") журнали республиканинг ўша вақтдаги иқтисодий аҳволини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Бу журнал Туркистон Х Х М К ининг органи ҳисобланади.

Тадқиқ қилинаётган мавзунинг манбаси сифатида яна Туркистоннинг ўша даврдаги машҳур арбоблари Мустафо Чўқай ўғли[1], Ахмад Закий Валидий[2], Мунаввар Қори[3] кабиларнинг аввал хорижда, сўнгра ўзимизда нашр қилинган хотираларини айтиб ўтиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Янгича тафаккур ва фикрлаш доирасида ҳамда архив фондларидаги ўрганилмаган манбалар ва уларнинг танқидий таҳлили асосида диссертант Ватанимиз тарих фанида биринчи бўлиб Туркистондаги совет ҳокимиятининг марказлаштириш сиёсати оқибатлари тарихини яратди.

Диссертацияда Октябр тўнтариши арафасида ва ундан кейин Туркистонда юз берган воқеалар : бир томондан, миллий демократик ҳаракатнинг кучайиши, Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ташкил топиши; иккинчи томондан, большевикларнинг зўрлик билан ҳокимият тепасига келиши, ўлкада советлар тузуми ўрнатилишининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинди. Муаллиф асосий эътиборни совет ҳокимиятининг Туркистонда сиёсий марказлаштириш борасида кўрган чора-тадбирлари ва республика халқ хўжалигини бошқаришда большевиклар қўллаган марказлаштириш сиёсати ҳамда унинг салбий оқибатларини кўрсатишга қаратди.

Бу сиёсатни амалга оширишда Москвадан жўнатилган Туркқомиссия, Туркбюро, РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси каби нуфузли комиссия

1.Мустафо Чўқай ўғли. Истиклол жаллодлари (1917 йил хотиралари).Т..1992.

2.Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер. Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар. Т..1997.

3.Мунаввар Қори. Хотираларим. Турон тарихи. Тўплам. №1-3. Т.. 1992-1994.

ва бюролар билан бир қаторда Марказдаги Олий хўжалик ташкилотларининг "хизмати", шунингдек, Туркистон ХКС ва Туркистон МИК да масъул лавозимларда ишлаган европалик коммунистларнинг шовинистик ва мустамлакачилик сиёсати, республикадаги турли хўжалик ташкилотларининг фаолияти диссертацияда танқидий равишда таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги яна шундан иборатки, унда кўплаб архив ҳужжатлари ва бошқа манбалардан илк марта фойдаланилди.

Диссертациянинг амалий аҳамияти. Тадқиқот Туркистонда Совет ҳокимиятининг сиёсий ва иқтисодий марказлаштириш сиёсати оқибатларини кўрсатишга бағишланган. Унинг материаллари ва илмий хулосаси Ўзбекистон Янги тарихининг ушбу даврини янада чуқурроқ тадқиқ қилиш учун замин яратади. Тадқиқотдан Олий ўқув юртлари, коллеж ва Ўрта мактабларда ватанимиз тарихини ўқитишда, ўқув қўлланмалари ва дастурлари тузишда фойдаланиш мумкин.

Диссертация мундарижаси Кириш, икки боб, хулоса, илова ҳамда фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

I - БОБ. ТУРКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ СИЁСИЙ МАРКАЗЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ҲАРАКАТЛАРИ.

1.1§. Туркистонда миллий демократик ҳаракатнинг кучайиши. Ўлкада Советлар тузуми ўрнатилишининг ўзига хос хусусиятлари.

1917 йил 27 февралда Петроградда демократик инқилоб ғалаба қилди. Самодержавие тузуми ағдариб ташланиб, 2 март куни Муваққат ҳукумат тузилди.

Петроградда бошланган инқилоб унинг мустамлакаси бўлмиш Туркистон ўлкасига ҳам ўз таъсирини ўтказа бошлади. Натижада Туркистонда ҳам ишчи ва солдат депутатлари Советлари тузила бошланди. Афсуски, бу ердаги солдат ва ишчилар аҳоли ўртасидаги тинчликни сақлаб қолишдан манфаатдор эмас эди. Феврал инқилобидан кейин Туркистонда юзага келган ушбу вазиятни Георгий Сафаров (1891 - 1942й.) қуйидагича ифодалайди: "... бу ердаги солдат ва ишчилар оммасига рус мустамлакаси ҳукмронлигидан қутқарилган ички осойишталик, фуқаролар тинчлиги ва "миллий бирлик"ни сақлашнинг ҳеч қандай маъноси йўқ эди. Ўзини "демобилизация қилган" ва кейинчалик "қизил гвардиячи"га айланган солдат мусулмонларнинг юқори қатламлари, уламо ва бойлар билан "алоқани йўқотмаслик"ка интилган мустамлакачи маъмурият томонидан ўзига ваъда қилинган қулай турмуш шароитини маҳаллий аҳолини талаш эвазига қўлга киритди Рус келгиндилари тўғрисида ҳатто гапирмаса ҳам бўлади: феврал инқилобидан бошлаб улар қишлоқ ва овулларга худди ўз ҳамёнларидек хўжайинлик қила бошладилар. Агар "солдатча истеъмолчилик коммунизми" тўғрисида гапириш мумкин бўлса, бу айнан шу ерда, чоризм мустамлакасида юз берган эди"[1].

1.Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). Москва. Госиздат, 1921. С.62-21.

Европалик аҳоли яшайдиган янги шаҳардаги сиёсий ҳаракатлар маҳаллий аҳолига ҳеч қандай таъсир кўрсатмади. Бу хусусда С.Гинзбург шундай ёзади: " Шаҳар худди икки қисмга бўлингандек эди. Эски шаҳар аҳли аҳолини тезлик билан миллий мухторият учун курашга тайёрлаётган ўз буржуазияси ташвиқотларига ишониб, ўзларича турмуш кечиришарди, янги шаҳарда бўлса сиёсий партиялар ва гуруҳлар ўртасида кураш борарди, бироқ уларнинг мазмуни қишлоқ ва овул учун тушунарсиз эди. Амалда феврал инқилобидан кейин ҳокимият подшо қўлидан буржуазия қўлига ўтди. Буржуазия Туркистонга хомашё манбаи ва ўз мустамлакасидек қарашда давом этди"[1].

Туркистондаги мусулмон зиёлилар Петроградаги Муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватлашди. Афсуски, Муваққат ҳукумат уларнинг бу ишончини оқламади. 1917 йил Петроград ва Туркистондаги инқилобий жараёнларнинг марказида турган Мустафо Чўқаев (1890-1941й.) бу ҳақда кейинчалик ўзининг хотираларида шундай эътироф қилган эди: "Кўп туркистонликлар, айниқса қариялар, 1917 йили инқилобни Русия билан Туркистон орасида кечилмас зовур очган 1916 йили Туркистон қўзғолонининг мантиқий натижаси деб қабул этган эдилар. Ёзиққи, бизнинг бу қувончимиз узоқ сурмади. Инқилоб бизнинг умидларимизни йиқди, ишончимизни битирди, алданганимизни очиқ кўрсатди...

Биз у замон 1917 йили инқилобнинг миллий давлат қуришимиз имконини бераҳагига умид этган ва шунга инонган эдик. Биз бу умид ва ишончимизда алданган бўлиб чиқдик"[2].

1.Гинзбург С. Басмачество в Фергане //Очерки революционного движения в Средней Азии. Сборник статей. Москва, Научная Ассоциация Востоковедения при ЦИК СССР, 1926, С.131.

2.Мустафо Чўқай ўғли. Истиқлол жаллодлари (1917 йил хотиралари). Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт - матбаа бирлашмаси, 1992, 8-9-бетлар.

1917 йилда ўлка мухторияти масаласи Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида асосий масала бўлиб қолди. Туркистонга мухторият мақомини бериш ғояси нафақат демократик зиёлилар ўртасида, ҳатто оддий одамлар орасида ҳам анча оммалашган эди. Ижтимоий тафовутларга қарамай, бутун Туркистон жамиятида ўлканинг мустамлака мақомини тугатишга интилиш кайфияти устивор эди.

Миллий озодлик учун бошланган ҳаракат бу ерда янги ҳокимиятнинг рус муассасалари билан бир қаторда "Шўрои Исломия", "Шўрои Уламо", "Мирваж ул-ислом", "Мифтоҳ ул-маориф", "Равнақ ул-ислом", "Иттифоқ ул-муслимин", "Турон" ва бошқа турли мусулмон ташкилотлари пайдо бўлишига олиб келди[1].

1917 йил 7-15 апрел кунлари Тошкентда ишчи ва солдат депутатлари Советларининг I Туркистон ўлка съезди бўлиб ўтди[2]. Бу съезднинг 263 делегати ўз таркиби жиҳатидан асосан европаликлардан иборат 75 Советнинг вакили эди. Съезд ўз иши давомида Туркистон маҳаллий аҳолисининг ижтимоий - сиёсий жиҳатдан юксалишига туртки бўлган ва уларнинг орзу-умидлари ифодаси бўлган муҳим масалалар - ўлкага мухторият бериш, миллий тенгсизликни тугатиш каби масалаларга ўз муносабатини билдирмади ва уларни ечимини таъсис мажлисига қолдирди.

Улуғ давлатчилик шовинизми съездда европаликлар томонидан сўзланган нутқларнинг аксариятига хос хусусият эди. Бу ҳол, айниқса, Қўқондаги народник социалистлар группасининг вакили Некоранинг қуйидаги сўзларида яққол кўринади: "Инқилобни рус инқилобчилари,

---

1. Аъзамхўжаев С. Туркистон бирлиги учун (Мустақиллигимиз тарихидан саҳифалар). Тошкент, "Фан" нашриёти, 1995, 4-бет.
2. Ўзбекистон МДА, И-1044-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 365-368-варақлар.

рус ишчилари, рус солдатлари амалга оширдилар. Шунинг учун Туркистонда ҳам идора, ҳокимият биз русларникидир. Ерлилар биз нима берсак, шу билан қаноатланишлари керак..."[1].

1917 йил 7 апрелда Муваққат ҳукумат қарори билан кадет Н.Н. Шчепкин раислигида Туркистон Комитети ташкил қилинди. У "ўлкани бошқариш хусусида жойнинг ўзида пайдо бўладиган масалаларни ҳал қилиш" мақсадида тузилган эди. Туркистон Комитетининг дастлабки таркибидаги 9 аъзосидан 4 нафари: Алихон Букейхонов (1870-1937й), Муҳаммаджон Танишбоев (1879-1939й), Садри Мақсудий ва Абдул Азиз Давлетшинлар туркий миллатларнинг вакиллари эди[2]. Бироқ, Муваққат ҳукуматнинг Туркистон Комитети ўлкадаги ижтимоий сиёсий воқеаларни ўзгартира олмади, яъни жамиятда демократик ақидалар қарор топмади.

Муваққат ҳукумат Туркистон генерал - губернаторлигини Туркистон Комитетига алмаштириш билан, аслини айтганда, мустамлака ўлка бошқарувини моҳият эътибори билан аввалгича қолдириб, унинг фақат ташқи номини ўзгартирди, холос. Бу нарса, шубҳасиз, сезилмасдан қолмади ва тез орада Туркистон Комитети билан маҳаллий жамоат ташкилотлари ҳамда Советлар ўртасида қарама-қаршилик вужудга келишига сабаб бўлди.

1.Съезд бўлиб ўтаётган 10 апрелда Петрограддан Тошкент шаҳрига етиб келган М.Чўқаев унинг ишида қатнашади ва ушбу ҳодисага гувоҳлик беради. Бу ҳақда батафсил қаранг: Мустафо Чўқай ўғли. Истиқлол жаллодлари (1917 йил хотиралари). 23-бет.

2.Бу ҳақда қаранг: Мустафо Чўқай ўғли. Истиқлол жаллодлари (1917 йил хотиралари). 33-35-бетлар.

Бир томондан, кескинлик кучайиб бораётган ана шундай вазиятда, иккинчи томондан, Туркистон маҳаллий аҳолисининг ошиб бораётган ижтимоий-сиёсий фаоллиги шароитида Тошкентда 1917 йил 16 апрелда "Шўрои Исломия"нинг Тошкент ташкилоти ташаббуси билан чақирилган Бутунтуркистон мусулмонларининг I қурултойи иш бошлади. Унда ўлканинг барча маҳаллий халқларидан вакил бўлган 150 делегат қатнашди. Кун тартибига кўпгина масалалар киритилди: Вақтли ҳукуматга муносабат; Россияда бошқарув шакли ҳақида; Бутунроссия Таъсис мажлисига тайёргарлик; Туркистонда маҳаллий фуқаролик масалалари; Туркистонда диний муассасалар; молиявий ишлар; олдинги замонлардан қолган муассасаларни янгилаш; озиқ-овқат масаласи; урушга муносабат; мардикорлар масаласи; ўлка "Шўрои Исломия" сини ташкил этиш; Бутунроссия мусулмонлар съездига делегатлар сайлаш; ер-сув масаласи ҳақида[1].

Россияда бошқаришнинг бўлғуси шакли ва Туркистон мусулмонларининг ташкилий бирдамлиги ҳақидаги масалалар қурултойнинг диққат маркази бўлди.

Қурултойда давлат бошқаруви ва уни ташкил қилиш масалалари бўйича Аҳмад Закий Валидий (1890-1970й.) маъруза қилди. Асли башқирдистонлик бўлган Валидий Туркистонда 1917 йилдаги сиёсий жараёнлар марказида турган сиймо эди. У Туркистон мухторияти ғоясининг изчил тарафдори ва бу йўлда собитқадам курашган инсондир[2]. Валидий ўз сўзида федерация ғоясини тарихий далиллар билан исбот-

---

1.Аъзамхўжаев С. Туркистон бирлиги учун. 5-бет.

2.Бу ҳақда батафсил қаранг: Шигабдинов Р.Н.Ахмад Заки Валиди и идея автономии Туркестана //Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. Тошкент, "Фан", 1996, 34-39-бетлар.

лашга муваффақ бўлди. Валидий кейинчалик ўзининг машҳур "Хотиралар" китобида ёзишича, уни Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875-1919й.), Обиджон Маҳмудов, Муҳаммаджон Танишбоев, Ашурали Зоҳирий, Абдураҳмон Ўразаев, Вадим Чайкин ва бошқалар қизғин қўллаб-қувватлашди. Федерация ғоясига аввал Мунаввар Қори Абдурашидхонов (1878-1931й) ва Убайдулла Хўжаев[1] (1882-1938й) қўшилмади, бироқ сўнгра улар ўз ғоявий нуқтаи назарларини ўзгартириб, федералистлар сафига ўтди[2]. Натижада қурултой барча ўлкалар, шу жумладан, Туркистон учун ҳам кенг мухторият бериладиган Россия Федератив Демократик Республикаси тузиш ғоясини якдил қувватлади.

Бутунтуркистон мусулмонлари I қурултойнинг сўнгги мажлисида марказий раҳбар орган - Туркистон ўлка мусулмон Шўроси (Краймуссовет) ташкил этилиши ҳақида қарор қабул қилинди. Уни ташкил этилишидан асосий мақсад миллий озодлик ҳаракатига ташкилий ва марказлаштирилган характер касб этиш учун барча парчаланган, бир-бири билан боғлиқ бўлмаган жамият, қўмита ва иттифоқларни бирлаштириш эди. Чунки, бу пайтда фақат Тошкентнинг ўзида бирор низом ёки дастурсиз фаолият юритаётган 200 га яқин жамият бор эди.

Туркистон мусулмонлари Марказий шўросига Мустафо Чўқаев раис, Закий Валидий бош котиб, Мунаввар Қори, Обиджон Маҳмудов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Убайдулла Хўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Ислом Шоахмедов ва бошқалар аъзо қилиб сайланди. Мунаввар Қори ва Садриддинхон Афанди бошчилигида Тошкент қўмитаси тузилди[3]. Шу-

---

1.Ушбу ўринда таниқли жадид намояндаси, Тошкентлик адвокат Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев кўзда тутилмоқда.

2.Қаранг: Ахмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер. Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар. Тошкент, "Адолат", 1997, 47-48-бетлар.

3.Таққослаш учун бир-бирига қаранг: Мустафо Чўқай ўғли. Истиклол жаллодлари (1917 йил хотиралари), 25-26-бетлар; Ахмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер..., 48-49-бетлар.

нингдек, Беҳбудий раҳбарлигида Самарқанд ва Носирхонхўжа бошчилигида Фарғона бўлимлари ҳам ташкил топди[1].

Марказий Шўронинг органи сифатида "Кенгаш" номли газета ҳам чиқа бошлади. Газетанинг бош мухаррири З.Валидий эди. Бу газетада имзосиз чиққан дастурий мақолаларни Валидий ва Мунаввар Қори ёзишган. Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитети қарорига кўра, 1917 йил 1 июлдан бошлаб "Наҳот" газетаси Туркистон мусулмонлари депутатлари Ўлка Шўроси ихтиёрига бутунлай ўтди[2].

Шундай қилиб Туркистоннинг бирлиги ва яхлитлиги томон муҳим қадам қўйилди. Тарихда илк марта Бутунтуркистон миқёсида мусулмонлар қурултойи чақирилди, унда туб халқларнинг мухторият томон қаътий интилиши, ўз анъаналари, урф-одатлари турмуш тарзини изчил туриб ҳимоя қилиш айтилди. Бу манфаатларининг ифодачиси бўлган Миллий марказ - Туркистон мусулмонлари Марказий Шўроси ташкил топди.

Афсуски, бирлашиш жараёнлари хар доим ҳам бир текис ривожланмади. Мунаввар Қори бошчилигидаги "Шўрои Исломия" дан 1917 йил июн ойида "Шўрои Уламо" ажралиб чиқди[3].

1.Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти (Мустақиллигимиз тарихидан саҳифалар). Тошкент "Фан", 1996, 14-бет.

2.Ўзбекистон МДА, И-1044-фонд, 1-рўйхат, 36-иш, 10-варақ.

3. 1917 йил 28 августда Кўқон шаҳридаги Жомеъ мадрасасида "Уламо" жамиятининг йиғини бўлди. "Шўрои Уламо" ташкилоти аъзоларининг 1917 йил 1 сентябрда қабул қилинган баённомасига асосан Кўқонда "Уламо" жамияти тузилди.

"Уламо" жамияти бошқаруви аъзолари қилиб Мулла Муҳиддинхон Мулла Улуғхон Тўраев (раис), Мулла Маҳмуд Маҳзум Муҳаммад Муродов (ёрдамчи), Имом Назар Эрназар Мирзаев (котиб), Солихон Ашур Муҳамедов (ёрдамчи), Аҳмаджон Исоқбой Ҳожиев (хазиначи), Орифхон Ҳусаинов (ёрдамчи), Комилхон Раҳимбобоев, Алихон Хўжа Исмоилбоев, Миён Қудрат Мулла Эшон Хонов, Муҳаммад Али Охун Ҳожи Муҳаммадбоев, Аъзамхон Аҳмадхонов, Том Муҳаммад Нур Муҳаммадов сайланишди. Бу ҳақда батафсил қаранг: Ўзбекистон МДА, И-1044-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 32-33-бетлар.

Шерали Лапин[1] (1868-1919й) унинг Тошкент шўъбасига асос солди. Уламо жамияти ўз дастурида Ислом динининг анъанавий асослари бўйича иш кўришини маълум қилса-да[2], аслида генерал Ликошин бошчилигидаги рус монархистлари доирасига яқинлашди[3]. Ўтмиш ҳаёт тарафдорлари бўлиб майдонга чиққан уламочиларнинг жадидлар билан ғоявий келиша олмаслиги, айниқса, жадидларнинг аёлларни ижтимоий фаолиятга жалб қилиш ҳақидаги тараққийпарвар фикрларига уламочиларнинг буткул қаршилиги мустақиллик учун ҳаракат қилаётган миллий кучларнинг бирлашишида қўшимча қийинчилик туғдирди.

Натижада "Шўрои Исломия" ва "Шўрои Уламо" жамиятлари ўртасида шиддатли ғоявий кураш кетди. Бунинг устига "қадимчилик" ва "жадидчилик" яна қайтадан авж олди. Бу ҳақда ўша давр воқеаларининг иштирокчилари Закий Валидий ва Мустафо Чўқаев ўз хотиралари-

---

1. Шерали Лапининг 1917 йилгача бўлган ижтимоий фаолияти ҳақида қаранг: Ўзбекистон МДА, И-1-фонд, 12-рўйхат, 1645 - иш; Дулатова Д.И., Нуртазина Н.Д. "Докладная записка" Серали Лапина //Вестник КазГУ. Историческая серия. Алматы-1997, №5, С.10-17

2. "Шўрои Уламо" жамиятининг дастури қуйидаги тартибда тузилган эди:

1) Мусулмонларни умумий бирлашиши муносабати билан миллий-диний қадриятларни юксалтириш, сиёсий фаолиятда маърифий тараққийпарвар усуллардан фойдаланиш;

2) Миллий қадриятларни ҳимоя қилиш учун вақтинчалик ва доимий нашрларни йўлга қўйиш;

3) Мусулмон фуқаролар ўртасида келиб чиқадиган диний ихтилофларни ҳал этишга рухсат бериш;

4) Мадрасалардаги ижтисодий мухтожликнинг олдини олиш, талаба ва устозларни ҳимоялаш, уларга яхши таҳсил олишларида кўмаклашиш...".

Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон МДА, И-1044-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 32-33-варақлар.

3. Қизиғи шундаки, "Шўрои Уламо" жамияти раҳбарлари Туркистонда 1917 йил бўлган Октябр тўнтаришидан кейин совет ҳокимияти билан бирга ишлашга рози эканликларини эълон қилдилар. Фақат бунинг учун совет ҳукумати уларнинг "Ислом социализми" ғояларидаги айрим талабларни инобатга олиши лозим эди. Бу ҳақда батафсил Шерали Лапининг маърузасига қаранг: Ўзбекистон МДА, 39-фонд, 1-рўйхат, 11-иш, 3-10-варақ.

да батафсил сўз юритишади. Хусусан, М.Чўқаевнинг бу хусусда ёзган қуйидаги фикрлари характерлидир:

"Шўрои Исломия" билан "Уламо жамияти"ни келиштириш йўлидаги уринишлар ҳеч қандай фойда бермади. Қурултойларимизнинг бирида Туркистоннинг ҳар тарафидан келган вакиллар қатнашуви билан бир хайъат тузилди. Бу хайъат икки уюшмани келиштирув йўлларини қидирди. Хайъат бу мақсад Шайхантовур мадрасасида "Уламо жамияти" тўпланишига қатнашди. Аммо ҳеч қандай натижага эришолмади.

"Уламо жамияти" Тошкентда халқ табақасининг кучли нуфузидан фойдаланилмоқда эди. Бу вазият "Уламо жамияти"нинг сиёсий ҳатти-ҳаракатдаги уйгунсизликларини ҳам беркитиб кетмоқда эди.

"Уламо жамияти" ва "Шўрои Исломия" орасидаги келишмовчилик бизнинг умуммиллий курашимизни заифлаштирмоқда ва ишларимизни чувалаштирмоқда эди. Иккинчи тарафдан "Уламо жамияти" нинг сиёсий программаси миллий ҳаракатимизнинг очиқ душманларига бизга қарши қурол бермоқчи эди"[1].

Тошкентдаги ишчи ва солдат депутатлари Совети мусулмонлар ўртасидаги ушбу бўлинишдан усталик билан фойдаланишга уринди. Сентябр воқеалари натижасида Тошкент Совети ҳокимиятни қўлга олишга ҳаракат қилди.

1917 йил 10 сентябрда Тошкентда Бутунтуркистон мусулмонларининг II қурултойи очилди[2]. "Шўрои Исломия" ташаббуси билан чақирилган ушбу қурултой ҳокимиятни солдат, ишчи ва крестьян депутут-

---

1. Мустафо Чўқай ўғли. Истиклол жаллодлари (1917 йил хотиралари), 29-30-бетлар.

2. Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. Том I. Ташкент, Изд-во АН Узбекской ССР, 1963, С-311.

лари Советларига беришга қарши чиқди. Ушбу қурултойда қабул қилинган резолюцияларда миллий демократия ўзи тутадиган йўлнинг принципиал асосларини биринчи марта қатъий қилиб айтди: ҳукумат демократик сиёсат юргизадиган бўлсагина мусулмонлар бу ҳукуматда иштирок этишлари мумкин ва иштирок этишлари керак; халқнинг эркинлик билан ўз-ўзини белгилаш ҳуқуқи Туркистон аҳолиси учун биринчи даражали аҳамиятга эга;
ўлка мусулмон Шўроси бутун мусулмонлар аҳолиси номидан иш кўрадиган ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиб борадиган қонуний органдир.

Бироқ мусулмонлар қурултойининг чақириғи ҳеч кимнинг қулоғига кирмади. 12 сентябрда Тошкентдаги Александровск паркида (ҳозирги Амир Темур ҳиёбони) солдат ва ишчиларнинг озиқ-овқат масалаларини муҳокама қилиш учун бошланган митинги[1] ўз-ўзидан кескин сиёсий тусга кирди. "Наша газета"нинг ёзишича, митингда тўпланганлар томонидан большевиклар таклифи билан қабул қилинган резолюцияда ҳокимиятни Советларга ўтказиш тўғрисида фикр билдирилди[2]. Шу ернинг ўзида поручик Е.А. Перфильев (эсер) бошчилигида Муваққат инқилобий қўмита тузилди. Унинг таркибига 5 сўл эсер, 4 большевик, 3 меньшевик ва 2 анархист киритилди[3].

---

1. Ушбу митинг ҳақида Н.Борисов айтган мулоҳазалар характерлидир:
"Бу митинг қатнашчилари фақатгина иқтисодий қийинчиликлар сабаблигина тўпланишди. Иқтисодий танқислик оқибатида озиқ-овқат маҳсулотларини ҳисобга олиш ва тақсимлаш мақсадида Советлар ҳокимиятни қўлга олишга ҳаракат қилди. Митинг муваққат ҳукумат, уруш ва ҳалқаро муносабатлар масаласига заррача даҳл қилмади". Бу ҳақда қаранг: Борисов Н. Октябрь в Туркестане. Ташкент, 1922, С.15-25.
2. Наша газета, N117, 14 сентября 1917г.
3. Тошкент вилояти давлат архиви (Тошкент ВДА), 10-фонд 13-рўйхат, 2-иш, 110-варақ.

Ўша куннинг ўзида Ҳуррият уйида ўтказилган йиғилишда Тошкент Советининг ижроия қўмитаси қайта тузилди. 16 сўл, 11 меньшевик, 8 большевик киритилган ушбу қўмитанинг раиси ҳам сўл эсерлар партиясининг аъзоси Н.М. Черневский эди[1]. "Наша газета" Тошкент Советининг органи деб эълон қилинди[2]. Бу газета энди большевистик йўналишда чиқа бошлади.

Большевиклар ҳокимият учун курашда ҳеч нарсадан чўчимадилар. Улар "ишчи ва солдат депутатлар Советлари" ниқоби остида ҳокимиятни эгаллашга қатъий равишда интилдилар. 15 сентябрда бўлган Тошкент Советининг йиғилишида Ижроия қўмита қайтадан сайланди. Унга раис қилиб солдат П.А. Домогатский (сўл эсер) сайланди. 17 социал-демократ, 16 эсер ва 3 партиясиз кирган ушбу ижроия қўмитада энди большевиклар ҳал қилувчи овозларга эга бўлишди. Сўл унсурлар Тошкент янги шаҳар совети раҳбариятини ўзгартириб, уни қўлга олдилар. Муваққат инқилобий қўмита эса тарқатиб юборилди.[3] Ижроия қўмита таркибига киритилган И.Тоболин ва Ф.Колесов октябр тўнтаришидан кейин Туркистон тарихида мудҳиш рол ўйнадилар.

Ўлкадаги европалик аҳолига таянган ишчи ва солдат депутатлари Советлари синфийлик заминида туриб большевикларни ёқладилар. Натижада Туркистон ўлкасидаги сиёсий вазият кескинлашиб борди.

Тошкент Советининг ушбу ҳаракатларидан ташвишланган бош министр А.Керенский Петроградда туриб, 15 сентябрнинг ўзидаёқ Муваққат ҳукуматнинг Туркистон Комитети раиси В.П.Наливкинга телеграмма йўллади. Керенский телеграммада Тошкент Советининг бутун

---

1. Хроника событий Великой Октябрьской Социалистической революции в Узбекистане февраль - ноябрь 1917г. Ташкент "Фан", 1962, С.175;Ўзбекистон МДА,И-128-фонд, 2-рўйхат, 453-иш, 220-варак.
2. Муравейский С. Материалы по истории Октябрьской революции в Туркестане. Ташкент, 1922, С.12.
3. Тошкент ВДА, 10-фонд, 13-рўйхат, 2-иш, 116-варақ.

Туркистон ўлкасида ҳокимиятни ўз қўлига киритиш учун ҳаракат қилаётганлиги даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкин, деб Наливкинни огоҳлантирди.[1]

16 сентябрда ушбу телеграммани олган Наливкин ўзини округ қўшинларининг вақтинчалик қўмондони деб эълон қилди ва ўлкадаги бутун ҳарбий кучларни фақат ўзига бўйсинишга чақирди.[2]

Тошкент большевиклари сўл эсерлар билан ҳамкорликда сентябр воқеаларини ривожлантириб, ишчи ва солдатларни ҳокимиятни тортиб олишга ундадилар ҳамда Туркистон ўлкасини бирodаркушлик уруши хавфи остида келтириб қўйдилар. "Туркистон ўлкаси бош комиссари" қилиб тайинланган генерал П.А.Коровиченко қўмондонлигидаги Муваққат ҳукумат жазо экспедициясининг 24 сентябрда Қозон шаҳридан Тошкентга келиши ва бу ерда ҳарбий диктатуранинг ўрнатилиши[3] вазиятни янада кескинлаштириб юборди. Асосан европаликлардан иборат Тошкент ишчилари умумий иш ташлаш бошладилар. Тошкент шаҳрида ҳарбий ҳолат жорий қилинди.[4]

Сентябр воқеалари Туркистоннинг ижтимоий ҳаётида чуқур из қолдирди. Улар жамиятдаги сиёсий қарама-қаршиликни кескинлаштириб, ўлкадаги ишчилар ҳаракати билан миллий ҳаракатнинг кейинги йўлларини бир-биридан ажратиб юборди.

Худди ана шу вақтда миллий озодлик харакати мафкурачилари бутун мусулмонлар бирлашуви шиорини олдинга суриб чиқдилар. Бу эса "Шўрои Исломия" билан "Шўрои Уламо" жамиятларининг биргаликда ҳаракатланишларига имконият яратиб берарди. "Эй Туркистон халқи му-

---

1. Ўзбекистон МДА. И-1044-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 14-варақ.
2. Ўзбекистон МДА. И-1044-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 79-варақ.
3. Агзамходжаев С. В преддверии драмы. Туркестанский комитет Временного правительства // Звезда Востока, 1993, №2, с.146.
4. Ўзбекистон МДА. И-1044-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 226-варақ.

сулмонлари, - деб ёзган эди Фитрат "Ҳуррият" газетасида, - Тангри учун, пайғамбар учун, дин учун, миллат учун, келинг, бирлашайлик, орамиздаги шахсий тортишмалар, синфий айриликлардан кўз юмайлик. Ислом динининг биринчи буйруғи бўлган-қардошлик ва иттиҳод боғлари билан боғланайлик. Қўлни-қўлга берайлик. Ҳақ йўлида, дин йўлида, Ватан йўлида, миллат йўлида жадидмиз, қадиммиз, мулломиз, боймиз, бир ерда тўпланайлик".[1]

Маҳмудҳўжа Беҳбудий ҳам дин ва миллатни иттифоқ этишга, ислоҳот ўтказишга, зиёли ва тараққийпарварларни, бой ва уламони бирлаштиришга даъват этди. У тараққийпарвар уламоларнинг халқ орасида обрўйи унчалик катта эмаслиги, шу боис, қадимги уламолар билан иттифоқсиз иш олиб бориш мумкин бўлмай қолгани тўғрисида куюниб сўзлаган эди.[2]

Туркистон ўлкасидаги миллий ҳаракат ўз ривожининг янги даврига кирди. Жипслаштирувчи жараёнлар кучайиб, унда "Шўрои Уламо"нинг салмоғи тобора сезиларли даражада ортиб борди. Унинг ташаббуси билан Тошкентда 1917 йил 17-20 сентябрда туркистонлик ва қозоқ мусулмонларнинг қурултойи ўтказилди. "Уламочилар" билан "Шўрои Исломчилар" ўртасидаги узоқ ва қизғин баҳсларга қарамай, қурултой келишиш йўлларини топишга муваффақ бўлди. "Шўрои Исломия", "Турон", "Шўрои Уламо" ва бошқаларни бирлаштириш йўли билан бутун Туркистон ва Қозоғистон учун умумий бўлган "Иттифоқи муслимин" деган сиёсий партия тузишга қарор қилинди. Шу қарорда "Шўрои Исломия", "Турон", "Шўрои Уламо" - барчаси халқ жамиятлари бўлиб.

---

1. Ҳуррият, 1917 йил 25 июль.
2. Аъзамхўжаев С. Мухторият // Миллий тикланиш, №42, 1997 йил 28 октябрь.

биргалашиб, ягона куч сифатида иш кўриш вақти келгани алоҳида таъкидланади.[1]

Бироқ қурултойнинг аҳамияти миллий-сиёсий ташкилотларнинг ислом уламолари байроғи остида бирлашишга бўлган ҳаракати билан чекланиб қолмасди. Бу қурултойда Туркистоннинг миллий-давлатчилик тузуми ҳақида турли фикрлар билдирилди. "Улуғ Туркистон" газетасида ёзилишича, қурултой "мулла Муҳаммадхўжа Эшон ва мулла Сиддиқхўжа эшонларнинг бошқаруви шакли ҳақидаги нутқларини тинглаб, дуою ижобат ила Туркистон Мухториятини тайин этишни жазм қилди". Истеъдодли тарихчи С.Аъзамхўжаевнинг ёзишича, бу - Туркистон ўлкасининг маҳаллий ва миллий мухторияти бўлиб, ўз ички ишларини мустақил ҳал этажагини билдирар эди.[2]

Шундай қилиб, "уламочилар" қурултойидаги асосий масала Туркистон ўлкасининг бўлғуси сиёсий бошқаруви тўғрисида бўлиб, унда демократик Россия таркибида ҳудудий мухтор федерация - "***ТУРКИСТОН ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ***" тузилиши ғояси олға сурилди.[3] Демак, ушбу қурултой, Совет тарихчилари даъво қилганидек, Туркистонни Россиядан ажратиб олиш тўғрисидаги сепаратистик талабни ҳеч қачон ўртага ташламаган.[4] Чунки бундай фикрни 1917 йил ёзи ёки кеч кузида, ҳатто 1918 йил эрта баҳорида ҳам ўртага ташлаш учун Туркистонда

---

1. Улуғ Туркистон. 1917 йил 30 сентябр.

2. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти, 23-бет.

3. Бу ҳақда батафсил қаранг: Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т. 1. С-442-446, 562-564; Туркестанский курьер. N243, 11 ноября 1917 г.

4. Бу ҳақида қаранг: Раджапова Р.Я. К вопросу о диалектике социалистического, демократического и национального в социалной революции (историографического, аспекты проблемы) // Октябрская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, перспективы изучения, Ташкент "Фан" 1991, с.8-32.

объектив шароитнинг ўзи ҳали етилмаган эди.

Мазкур қурултойда қабул қилинган ҳужжатлар ўлканинг келажак ижтимоий-сиёсий тузумини ўзида яққол акс эттирар эди. Жумладан, Туркистон федерациясининг қонун чиқарувчи олий ташкилоти парламент бўлиши ва у "умумий, тўғридан-тўғри, тенг ва яширин овоз бериш йўли билан беш йиллик муддатга Туркистонда яшаб турган барча миллатларнинг тенг вакиллари асосида" сайланмоғи кўзда тутилган эди.

Туркистон парламентининг қонун чиқарувчилик вазифалари Россия республикасининг асосий қонунлари ва шариат талабларига мос бўлмоғи зарур деб топилди. Бунда Туркистон федерацияси ўз пулини муомалага чиқариши, ўз милициясига эга бўлиш, тинч вақтларда чет давлатлар билан ўз чегарасини қўриқлаш учун қўшин сақлаши мумкин бўларди. Уруш вақтида чегарани қўриқлаш вазифаси эса Россия республикасининг ҳукумати томонидан ташкил этилиши. Туркистон федерациясининг қўшинлари бутунлай Россия ҳукумати буйруғига бўйсуниши таъкидланади.[1]

Туркистон мусулмонларининг биринчи сиёсий партияси - Турк адами марказият (федералистлар) фирқаси" ҳам мана шу сиёсий масалаларга ўз муносабатини белгилаб олди.[2] Миллий демократия етакчилари Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Обиджон Маҳмудов, Садриддинхон махдум Муҳаммад Шарифхўжа қози ўғли ҳамда Қўқон, Андижон, Скобелев, Тошкент, Самарқанд ва Кавказ уламолари, мударрислар ва фиқҳ олимлари томонидан тузилган

1.Победа октябрьской революции в Узбекистане. Т-1, с-442-446.

2.1917 йил 12-14 июлда Скобелев шаҳрида бўлган Фарғона вилояти мусулмон ташкилотларининг 4-қурултойида умбу партия тузилганлиги эълон қилиниб, унинг дастури ва низоми тасдиқланган эди.

федералистлар фирқасининг маромнома (дастур) ва низомида[1] Россия демократик республикаси таркибида ва мусулмонлар ижтимоий ҳаётининг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда Туркистонда миллий-ҳудудий мухторият принциплари негизида демократик республика тузиш ғояси чуқур асосланган эди. Масалан, фирқа маромномасининг дастлабки икки моддаси қуйидагича кўринишда эди:

"1-Русияда маҳаллий ва миллий адами марказият (федерасия) асоси узра халқ жумҳурияти ташкил этмакдур.

2-фирқа Туркистон, Қирғизистон, Қофқоз ва Бошкирдистон китъалари (ўлкалари) учун ва бошқа миллий ва маҳаллий мухторият, Идил бўйи ила Қирм тоторлари учун ва бошқа, Русияда яшайдургон турк (қавмлари) халқлари учун миллий мухторият талаб қиладур".[2]

Маромномада ёзилган қуйидаги айрим фикрлар 80 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлишига қарамасдан бугунги кунимиз учун ҳам долзарблигича қолмоқда:

- Мухториятли қитъалар дохилий масъалалар (идорий, молий, шаръий, маданий, адлий ва маориф ишлари)да мустақилдур.

- Ҳуррияти виждон (виждон эркинлиги) том маъносила ижро қилинуб, аҳолидан ҳеч ким дини, мазҳаби ва эътиқоди учун таъқиб ва тазйиқ қилинмас.

- Ҳар ким ўз фикрини, ҳаёлини сўйламакда, матбуот ва бошқалар воситаси ила нашр ва эълон қилмокда ихтиёрлидур.

- Уй ичларида бўлсун, очиқда бўлсун, истаган масъалаларини музокара ва ҳал этмак учун ҳар кимнинг йиғилиб, ижтимоий ясамокға

1.Қаранг: Турк адами марказият (федералист) фирқасининг маромномаси; Турк адами марказият фирқасининг низомномаси // Фан ва турмуш, 1990, N7, 6-8-бетлар.

2.Турк адами марказият (федералист) фирқасининг маромномаси // Фан ва турмуш, 1990, N7, 6-бет.

(йиғилмоққа) ҳаққи бордур.

- Жамият ёки бир иттифоқ ясамоқ учун ҳеч кимдан рухсат сўрамакға эҳтиёж йўқдур.

- Паспорт усули битирилуб, хоҳ мамлакат дохилинда ва хоҳ хорижинда ўлсун, ҳар ким хоҳлагон ериға ҳеч кимдан сўрамасдан кетмоққа ҳақлидир.

- Фирқа борча солиғларни битируб ва барҳам беруб, фақат ер, сув ва тижорат даромадлари ва бошқа шаръий йўллардан солиғ пули олмак тарафдоридур. Бу солиғнинг миқдори даромаднинг ортмоғига қараб миқдор ва ҳам фойдада ортуб борадур.

- Дорилфунун ва бошқа олий мактаблар жумласи дохилий (ички) ишларида ихтиёрли ва тадрисотда озод бўлурлар.

- Олий мактабларда жумла туркларнинг умумий адабий тили ва шеваси илан дарс берилур[1].

1917 йил 18 октябрь соат 15^{00}да Тошкентдаги Оқ уйда Мусулмонларнинг ҳарбий қурултойи очилди[2]. "Улуғ Туркистон" газетасида ёзилишича, ўлкадаги Мусулмон ҳарбийларининг ушбу қурултойи 26 октябргача давом этиб, унда 25 делегат иштирок қилди. Қурултой муҳим қарорларни, шу жумладан, сентябр воқеалари бўйича Муваққат ҳукумат сиёсатини қувватловчи резолюцияни қабул қилди[3].

Қурултойда Туркистон Мусулмонлари ҳарбий Шўроси тузиш, Мусулмон роталари ва батальонлари ташкил қилиш тўғрисида ҳам муҳим

---

1. Қаранг ва бир-бирига таққосланг: Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т. 1. С. 193 - 194; Турк адами марказият (федералист) фирқасининг маромномаси // Фан ва турмуш, 1990, N7. 7-8- бетлар.
2. Ўзбекистон ИДА, И-1-фонд, 31-рўйхат, 1176-иш, 197-варақ.
3. Улуғ Туркистон, N35, 1917йил 4 ноябрь.

қарор қабул қилиндики[1]. бу ҳол ўлкадаги миллий демократик ҳаракатнинг мусулмон аскарлари ўртасида ҳам сезиларли мавқега эга бўлаётганидан дарак берар эди.

Сиёсий партиялар тузилиши, улар томонидан дастурий ҳужжатлар қабул қилиниши Туркистондаги миллий ҳаракатнинг энди етукликка эришганидан далолат берар эди. Бироқ, Петроградаги Октябр тўнтариши оқибатида 1917 йил октябр-ноябр ойларида Туркистон ўлкасида, хусусан, Тошкент ва Қўқонда юз берган воқеалар миллий-озодлик ҳаракатини бутунлай бошқа йўналишдан кетишга мажбур қилди[2].

1917 йил октябр ойида большевиклашган Тошкент Совети солдатларни ўз томонига оғдира бошлади. Асли россиялик ишчилар ҳам унга эргашди. Ўлкада иқтисодий қийинчиликлар зўрая бошлади. Коровиченко қўмондонлигидаги жазо отряди билан Тошкент совети ўртасида қуролли тўқнашувлар бўлди. Мусулмонлар Шўроси ҳокимиятни ишчи ва солдат депутатлари Советига берилишига қарши эканлигини биз юқорида таъкидлаб ўтган эдик. "Бу мақсад октябр тўнтариши кунларида, аҳолининг озгина қисми-европалик ишчилар Тошкент гарнизони аскарларини ўз томонларига оғдириб олиб ва шу қуролли кучларга таяниб, ҳокимиятни ўз қўлларига олганларида айниқса кучайди"[3]. Тошкентдаги октябр тўнтариши қатнашчилари 1 ноябрда Коровиченко ва Муваққат ҳукуматнинг Туркистон Комитетини қамоққа олдилар. Худди шу куни Тошсовет Туркистонда Совет ҳокимияти ўрнатилганлигини эълон

---

1. Хроника событий Октябрьской революции в Узбекистане. февраль-ноябрь 1917г. Ташкент, "Фан", 1962, С.226.

2. Тадқиқотимиз мавзу доираси чегараланганлиги боис биз умбу ўринда муаммонинг бу томонларига тўхталиб ўтирмадик. Бу ҳақда батафсил қаранг: Ражабова Р.Ё. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917-1993 йиллар). Тошкент, 1994, 9-72-бетлар; Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. Тошкент, 1996, 11-55-бетлар.

3. Истиқлолимизнинг тарихий илдизлари (Давра суҳбати) // Шарқ юлдузи, 1995, N 11-12,5-бет.

қилди. Тарихчи Р.Ҳ. Каримовнинг ёзишича, 1917 йил 1 ноябрда Советлар Термиз ва Каттақўрғонда, 25 ноябрда Янги Бухоро (Когон)да, 28 ноябрда Самарқандда, 7 декабрда Наманганда ҳокимиятни ўз қўлига олди[1].

"Большевиклар ғолиб чиқдилар. Бир оз муддатдан сўнг генерал комиссар Коровиченко ўлдирилди. Унинг ҳарбий ўринбосари қочиб кетди. Анчадан сўнг, 13 декабрда Доррер ўлдирилди. Бутун Туркистонда умумий ҳибсга олишлар, ўлдиришлар бошланди"[2], - деб чуқур қайғу билан кейинчалик ёзган эди ўша давр воқеаларининг шоҳиди Мустафо Чўқаев.

Демак, 1917 йил ноябр ойининг бошида большевиклар фақатгина қурол кучига таянган ҳолда Тошкент шаҳрида ҳокимиятни қўлга киритишди. Бу ҳолни архивларда сақланиб қолган ўша даврга оид кўплаб расмий ҳужжатлар ҳам исботлайди. Туркистон республикаси ҳукуматининг раҳбарларидан бири кейинчалик қуйидаги фикрни эътироф этишга мажбур бўлган эди. Туркистон бир неча ўн йиллар мобайнида чоризм мустамлакаси бўлиб келди ва бу ҳол барча ижтимоий кайфият ва муносабатларда ўзининг ўчмас муҳрини қолдирди. Самодержавие томонидан олиб борилган мустамлакачилик кайфияти ва сиёсати амалдор ва хизматчи унсурлардан ташқари ҳатто рус темир йўлчиларига ҳам ўз таъсирини ўтказган эди. Шунинг учун тўнтаришнинг бошиданоқ Совет ҳокимиятини бу ерда фақат рус кишилари амалга оширди. Туб аҳолидан эса мустамлакачи маҳаллий ҳокимиятга алоқадор кишиларгина унда қатнашиши мумкин бўлиб, туб

---

1. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. Тошкент, Комуслар Бош таҳририяти. 1997 160 - бет.

2. Мустафо Чўқай ўғли. Истиқлол жаллодлари (1917 йил хотиралари). 77-бет.

аҳолининг қолган катта қисми учун бу ғоялар бегона ва тушунарсиз эди."[1] Чунки Туркистондаги рус ишчилари ва крестьянларга чоризм даврида жуда қулай шароитлар яратиб берилган эди. Улар маҳаллий аҳолига қараганда бир неча марта ортиқ маош олар. яшаш шароити уларникига нисбатан яхши эди. "Ишчилар синфининг яхши ҳақ тўланадиган энг юқори қатламини , яъни Туркистондаги ишчилар аристократиясини рус ишчилари ташкил қиларди. Улар ишчилар синфининг 22,3 фоизини ташкил қилгани ҳолда ишчиларнинг юқори қатламини деярли эгаллаб олган эди. Маҳаллий ишчи келиб чиқиши боис бир хил вазифада ишловчи рус ишчисидан кам хақ олиши одатий ҳол эди."[2]

Мустамлакачилик тузумини барқарор бўлишида таянч вазифасини ўтаган европали унсурлар томонидан ғалаба қилган октябр тўнтариши маҳаллий аҳолининг манфаатларига мос келмаслиги равшан эди. Бу фикрни Турор Рискулов (1894-1938й) ҳам ўз даврида бир неча марта таъкидлаб ўтган эди.[3]

Туркистондаги коммунистик ташкилотлар тарихини тадқиқотчиси И.Сольцнинг ушбу фикрлари ҳам бу ҳодисани тасдиқлайди: "Туркистонда феврал ва октябр инқилоблари Питер ва Москвадаги революцияларнинг акс садоси сифатида пайдо бўлди. Ўлкада совет ҳокимияти чор ва Керенский ҳукумати мағлубиятидан сўнг ўз-ўзидан вужудга келди. Бу ҳокимият аввалги мустамлакачилик тузуми таянчи бўлган европалик аҳоли қўлида ўйинчоқ бўлиб қолди. Бу кўз юмиб бўлмайдиган

1.Ўзбекистон МДА 17-фонд. 1-рўйхат. 39-иш. 17-18 варақлар.
2.Лавреньтев Вл. Капитализм в Туркестане(бур.колонизация Средней Азии. с 139-140 Ленинград.1930.
3.Бу ҳақда батафсил қаранг: Рыскулов Т. Восстание туземцев Туркестана в 1916 году. // Очерки революционного движения о Средней Азии. Сборник статей . Москва. 1925. с 45-122.

ҳақиқат эди... 1918 йил давомида Туркистонда партия ташкилотлари ташкил топди ва улар ўзини совет давлатининг асосчилари қилиб кўрсата бошлашди. Бу ташкилотлар сафида маҳаллий миллат вакиллари-қирғиз, ўзбек, туркманлар бўлмаган. Бундай коммунистик партия Туркистондаги инқилобнинг тартибсиз тўлқинида сузишга мослашган эди, лекин уни бошқаришга эмас... Бу партияда бошқарувнинг мустамлакачилик руҳи ҳокимлик қиларди".[1]

Туркбюро таркибида Петроградда Тошкентга келиб кейинчалик ишлаган машҳур "инқилобчи" Г.Сафаров 1917 йил октябр воқеаларини, большевиклар партиясининг ўша пайтдаги мавқеини қуйидагича тасвирлаган эди: "Большевиклар партияси бу ерда воқеаларни бошқармади. Фақат айрим большевиклар инқилоб тўлқинининг устига чиқиб олдилар. Партия бўлса октябр инқилобидан сўнг ташкил қилина бошланди. Мантиққа зид бўлишига қарамасдан , Туркистонда большевиклар партияси Совет ҳокимиятини эмас, балки Совет ҳокимияти ҳамда Советлар ҳокимиятини ташкил қилиш зарурияти бу ерда большевиклар ва сўл эсерлар партиясини яратди. Бунинг оқибати шу бўлдики, большевиклар ва сўл эсерлар партияси дастлабки кунлардан бошлабоқ авантюристлар, амалпарастлар ва жиноятчи унсурларнинг бошпанасига айланди. Характерли томони шундаки, "большевиклар" ўзларини "большевиклар ҳукумат партияси" деган расмий ном билан атамадилар.. Шунинг учун ҳам пролетариат диктатураси биринчи қадамидан бошлаб типик мустамлакачи кўринишида бўлди: рус ишчилари "Туркистон халқларини бошқариш"ни ўз қўлларига олдилар"[2].

1.Сольц Н. К истории К П Т Три года советской власти Ташкент, Туркгосиздат, 1920, С 45-46.

2.Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). С. 71.

Туркистон большевиклари ўлкадаги бутун ҳокимиятни ўз қўлларига олиш учун шафқатсиз курашга киришдилар. Демократик кучлар эса бу ҳолга қатъий норозилик билдирдилар. Масалан, 1917 йил 13-17 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган шаҳар ўз-ўзини бошқариш ташкилотларининг Туркистон ўлка съезди қатнашчилари ҳокимиятни тўлалигича большевиклар қўлига ўтишига кескин қаршилик кўрсатишди[1]. Съезд ҳокимият масаласига оид қуйидаги резолюцияни қабул қилди: "Туркистонда ҳокимиятни Ишчи, деҳқон ва солдат депутатлари қўлига ўтиши билан ҳокимият масаласидаги мунозара шундай хулосага келди:

1. Россия инқилоби кўтарган халқларнинг озодлиги, тенглиги, дўстлиги шиорлари асосида Туркистон аҳолисининг 98 фоизини ташкил этувчи, 10 млн. сонли мусулмон аҳолиси миллий-маданий ўз-ўзини бошқаришнинг барча ҳуқуқларига эга;

2. Мусулмонларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва умуминсоний тараққиётга бўлган қизиқиши Қуръон ва Шариат қонунларидан ўзгача бўлиши мумкин эмас.

Мусулмонлар инқилоб натижасида қўлга киритган ҳуқуқларини амалга оширар экан Россиядаги сиёсий партияларнинг бирортаси таркибида фаолият кўрсатиши ва уларнинг партиявий курашишларида қатнашиши мумкин эмас. Лекин Россия фуқаролари билан умумий жамият манфаатларини ҳисобга олиб мамлакатни таъсис мажлисига олиб борувчи ҳокимиятни қўллаб - қувватлаши мақсадга мувофиқдир;

3. Бутун Россия доирасида ҳокимият қандай тузилишидан қатъий назар мусулмонлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқларини маҳаллий шароитни яхши билган, мусулмонларнинг урф-одатлари ва яшаш шаро-

---

1. Ўзбекистон МДА. И-1044-фонд. 1-рўйхат. 12-иш. 27-28-варақлар.

итлари билан яхши таниш бўлган, халқнинг хоҳиш-иродасига кўра янгича ҳаёт тартибларини жорий қила оладиган кишилардан иборат маҳаллий ҳокимият орқали амалга оширишлари мумкин. Шунинг учун маҳаллий ҳокимият биринчи навбатда мусулмон вакилларидан ва маълум миқдорда бошқа сиёсий ташкилотларда фаолият кўрсатувчи, лекин мусулмонларга хайрихоҳ бўлган вакиллардан ташкил топиши керак;

4. Ҳокимиятни маҳаллий аҳоли манфаатлари учун тасодифий ва бегона бўлган харбийлар, ишчилар ва деҳқон (крестьян)ларнинг майда гуруҳлари қўлидагина тўпланиб қолиши демократия принципларига мос эмас ва маҳаллий аҳолини ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлидаги эркин ҳаракатларига кафолат бера олмайди"[1].

Юқоридаги сабабларга кўра съезд мазкур қарорни қабул қилди:

"1. Тошкент шаҳрида қуйидаги ташкилотлардан сайланган фуқаролар қисми бўйича 12 кишидан иборат Туркистон Ижроия Комитети таъсис этиш: Солдат, ишчи ва крестьян депутатлари съездидан 3, шаҳар ўз-ўзини бошқариш ташкилотидан 3 ва Мусулмонлар съездидан 6 киши. Мусулмонлар съездига Комитетни ташкил этиш ва ҳокимиятни дарҳол ўз қўлига олиш топширилсин[2].

Ўлка мусулмонлари съезди бир вақтнинг ўзида Россия республикаси ҳукуматига таъсис мажлиси Туркистонни бошқаришнинг алоҳида шаклини ишлаб чиққунга қадар Туркистон Ижроия Комитети ва унинг кенг ваколатини тасдиқлаш ҳақида талабнома берсин.

2. Тошкент шаҳрида 24 кишидан иборат Тошкент Ўлка Шўроси тузилсин. Тошкент Ўлка Шўроси таркибига 6 та солдат, ишчи ва крестьян депутатлари Советларидан, 6 та шаҳар ўз-ўзини бошқариш ташкилотидан ва 12 та ўлка мусулмонлари съездидан сайланган ва-

---

1. Ўзбекистон ИДА, И-1044-фонд, 1-рўйхат, 12-иш, 28-варақ.
2. Қаранг: Свободный Самарканд, №119, 18 ноября 1917г.

киллар киритилиши лозим; Туркистон Ижроия Комитети Тошкент Ўлка Шўросига масъулдир.

3. Туркистон Ижроия Комитетининг ҳамма ҳаражатлари давлат хазинаси ҳисобидан, Ўлка Шўросиники эса ўзи ташкил қилган ташкилотлар ҳисобидан қопланади"[1].

Афсуски, шаҳар ўз-ўзини бошқариш ташкилотларининг ўлка съездида айтилган ушбу оқилона фикрлар большевикларнинг ҳокимият томон "зафарли юришлари"ни тўхтатиб қололмади. 1917 йил 15-22 ноябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ишчи, солдат ва крестьян депутатларининг III ўлка съездида ҳокимият масаласида қизғин мунозаралар бўлди. Большевиклар гуруҳи коалицион ҳукумат тузиш ҳақидаги таклифни рад этиб, ҳокимиятни Марказий Россиядагидек бўлишини ёқлаб чиқдилар. Большевиклар номидан нутқ сўзлаган Бутунроссия МИК аъзоси Ф.И.Колесов қуйидагича иддао қилди: "Ишчи, солдат ва крестьянлар ғалаба қозонишди, шунинг учун ҳокимиятни фақат улар ўз қўлларига олишлари керак"[2].

Съездда "Шўрои Уламо" ташкилоти Тошкент шўъбасининг раиси Шерали Лапин "турли мусулмон гуруҳларининг бирлашган кенгаши"(12-15 ноябрда бўлган) қабул қилган резолюцияни таклиф қилди. Резолюциянинг умумий мазмунига кўра Туркистонда ички бошқарувнинг барча тармоқлари бўйича қонун чиқарувчи ҳуқуққа эга бўлган соф мусулмон мухторияти ўрнатилиши керак эди.[3]

Шунингдек, мусулмонларнинг мухторият бошқаруви Ислом социализми ақидалари асосида юритилиши лозим: яъни, капиталнинг ўсишига

---

1. Ўзбекистон МДА, И-1044-фонд, 1-рўйхат, 12-иш, 28-варақ.
2. Победа Советской власти в Средней Азии и Казахстане. Ташкент."Фан",1967, с 384-385.
3. Бу ҳақда батафсил ушбу диссертациянинг 22-23-бетларига қаралсин.

йўл қўймаслик; бой табақалардан мажбурий равишда "закот" ва "ушр" ундириш; ер-сув масалаларини шариат қонун-қоидалари асосида бошқариш; кам ерли деҳқонларга давлат ерларидан фойдаланиш имкониятларини яратиш ва шулар билан шахсий мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш.

Туркистон Россия Федерацияси таркибида Туркистон Мусулмон Федерацияси деб эълон этилади. Унда бошқарув шариат асосида олиб борилади[1], деб белгилаб қўйилди.[2]

1.Резолюция Шерали Лапин томонидан ёзилган бўлиб, у "Улако" Тошкент ташкилотидан "Рус социалистларига" деб номланади. Резолюцияда Ш.Лапин Туркистонда бўлаётган хунрезликларнинг илдизини ислом ва христиан дунёсининг азалий курашлари, христианларнинг салб юришлари, империалистик урушлардан қидиради. Муаллиф ислом динининг умуминсоний жиҳатлари ҳақида большевиклар кўнглида ҳурмат уйготишга уринар экан, Европада юзага келган социализм ғоялари исломдан тарқалган деб уқтиради. Мурожаатномадан мусулмонларнинг икки оқими: миллий зиёлилар (жадидлар) ва уламочилар ўртасидаги келишмовчиликларни яққол кўриш мумкин. Ш.Лапин мухторият тарафдорлари ва тараққийпарвар зиёлиларни большевиклар билан келиша олмасликда айблайди. Большевиклар билан фақат уламочилар биргаликда фаолият олиб бориши мумкин бўлгани ҳолда большевиклар уларни рад этганлиги катта хато бўлганлигини исботламоқчи бўлади. Афсуски, муаллиф Туркистон тақдири ҳал қилинаётган бир вақтда мусулмонлар ўртасида якдиллликнинг йўқлиги большевикларга кўл келишини кўра олмайди. Бу ҳақда батафсил қаранг: Ўзбекистон МДА, 39-фонд, 1-рўйхат, 11-иш, 3-10 - варақлар.

Ушбу резолюция лойиҳасини Мустафо Чўқаев ўз пайтида кескин танқид қилган эди. Чунки мазкур ҳужжат дастлаб Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитетига топширилган бўлиб, "кейинроқ айни лойиҳа янчик ўзгартмалар билан Туркистон большевик шўроларнинг учинчи қурултойига тақдим этилди". М.Чўқаев ўз фикрини давом эттириб, бу лойиҳада сиёсий тушунчадан асар йўқлилигини таъкидлайди. У Шерали Лапин тўғрисида "Заволли Шерали мусулмон" деб киноя билан ёзади 1917 йилда Туркистондаги миллий ҳаракатнинг ўзаро қарама-қарши икки қутбини бошқарган таниқли бу арбоблар 1919 йил Бокуда сўнгги марта учрашишади. Бу ҳақда қаранг: Мустафо Чўқай ўғли. Истиқлол жаллодлари, 28-29 бет.

Ушбу ўринда характерли бир далилни келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Шерали Лапин томонидан асримиз бошларида айтилган ушбу фикрлар билан Ливия хумхурияси президенти Муаммар Каддафийнинг машҳур "Яшил китоб" асарида баён қилинган Ислом социализми тўғрисидаги ғоялари муайян даражада бир-бирига ҳамоҳангдир. Араб дунёсидаги машҳур сиёсатчи бўлган Каддафийнинг ғоялари "учинчи жаҳон назарияси" сифатида машҳурдир. Таққослаш учун бир-бирига қаранг: Муаммар Каддафи. Зелёная книга. Москва, "Международные отношения", 1989.160 с.; Муаммар ал-Каззофи. Яшил китоб. Тошкент, 1992, 112-бет.

2. Ўзбекистон МДА,39-фонд,-рўйхат,11-иш,3-10-варақлар.

Шерали Лапин ўз маърузасида уламочилар қурултойи резолюциясини шарҳлар экан, у қуйидагича баёнот берди: "Мусулмонлар ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойилига мувофиқ, бутун ҳокимиятни тўла равишда талаб қилишга ҳақлидирлар, лекин улар келгинди унсурларга ён босиб, уларнинг вакилларини ҳокимиятга қўйдилар"[1].

Ш. Лапин нутқи муҳокама қилингач, меньшевиклар ва ўнг эсерлар вакиллари ўлка Совети таркибига мусулмонлар вакилларини ҳам киритишни таклиф қилишди. Бироқ бу таклиф турли сабабларга кўра қатъий қаршиликка учради. Лапин таклиф қилган платформа рад қилингач, у съездни ташлаб чиқиб кетди. Худди ўша куни Советларнинг III Ўлка съезди декларация қабул қилди. Унда баён этилишича "ҳозирги вақтда мусулмонларни ўлка инқилобий ҳокимиятининг олий ташкилотига киритиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки маҳаллий аҳолининг солдат, ишчи ва крестьянлар Советлари ҳокимиятига муносабатлари ноаниқ, шунингдек, маҳаллий аҳоли орасида пролетар синфий ташкилотлари бўлмагани туфайли улар ўлканинг олий ҳокимиятида ваколат ташкил этиб, фракциянинг мададига таяна олмайдилар". Бу эса большевиклар тарафидан миллий масалада қилинган жуда катта сиёсий хато эди. Бунда айрим раҳбарларнинг шовинистик кайфиятлари очиқ намоён бўлди.

Шундай қилиб, большевиклар билан сўл эсерлар ўртасидаги келишувга мувофиқ ҳукумат таркибидаги 8 ўрин сўл эсерларга ва 7 ўрин большевиклар билан максималистларга берилди. Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Советининг раиси этиб большевик Ф. И. Колесов

---

1. Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). с 69.

сайланди. Ҳукумат таркибига маҳаллий аҳолидан биронта ҳам вакил киритилмади[1].

Маҳаллий миллатларни сиёсий жараёнга аралаштирилмаганлиги ўлка халқларининг Совет ҳокимиятига бўлган ишончсизлигини янада кучайтирди. Ҳатто Туркистондаги европалик аҳолининг демократик қатламлари ҳам большевикларнинг бундай маккорона сиёсатига қарши чиқдилар. Ҳукумат тузишда улуғ давлатчилик шовинизми[2] ақидаларига амал қилинганлиги янги ҳокимиятнинг сиёсий фаолиятини олдиндан белгилаб берди.

Ўша суронли йилларда Марказдан келиб Туркистонда ишлаган Д.И.Манжара ўзининг эсдаликларида ёзишича, "биринчи Туркистон Советлари ҳукумати"га маҳаллий миллат вакиллари киритилмаганлиги жуда ёмон бўлган. Бу ҳодиса маҳаллий халқ орасида комиссар лавозимига муносиб номзодлар йўқлигидан эмас, аксинча, руслар ҳокимлигини мустаҳкамлашдан иборат эди. "Бундай миллатчиликнинг асосий сабаби,-дея таъкидлаганди Манжара, - раҳбарликдаги большевик ўртоқлар онгида "улуғдавлатчилик шовинизми" руҳининг қаттиқ ўрнашиб қолганлиги, шунинг учун ҳам уларнинг ҳукумат таркибига киритилмагани эди"[3].

Ҳукуматнинг бундай зиддиятли таркиби ўлкада европали аҳоли ҳукмронлигини мустаҳкамлади. Йўқотилиши интизорлик билан кутилган

---

1. Бу ҳақда қаранг: Сборник декретов и приказов Совета Народных Комиссаров Туркестанской Федеративной Республики (с 23 ноября 1917 г по 1 июля 1918 г). Ташкент. 1918. С. 1; Ўзбекистон МДА. 25-фонд, 1-рўйхат, 108-иш, 113-варақ.

2. Бу шовинизмнинг илдизлари ҳақида қаранг: Ленин В.И. Великороссларнинг миллий ифтихори ҳақида //В.И.Ленин Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида. Ташкент, "Ўзбекистон".1984. 196-200-бетлар.

3. Кўчирма қуйидаги мақоладан олинди: Зоҳидов Т. 14 комиссар сири //Фан ва турмуш. 1992.№8-10. 8-9 бетлар.

мустамлакачилик янгича асосда бошланиб кетди. "Туркистондаги мустамлакачилик ҳатто Совет ҳокимияти тараққиётининг бутун бир йўналишини белгилаб берди"[1]. Бу ҳолатни Султонбек Хўжанов[2] (1894-1938 й) кейинчалик шундай изоҳлайди: "Эскича қараш, мустамлакачилик таъсири бошқарув органларида ҳам бор эди"[3].

Ушбу ўринда большевик раҳбарлари томонидан 1917 йил ноябр ойида Петроградда қабул қилинган икки ҳужжат хусусида бир оз тўхталмоқчимиз. Россия Халқ Комиссарлари Советининг раиси В.Ульянов (Ленин) ва Миллатлар иши Халқ Комиссари Иосиф Жугашвили-Сталин 2 ноябрда "Россия халқлари ҳуқуқларининг декларацияси" ва 20 ноябрда Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига"[4] мурожаатномани имзолашди.

"Дабдабали" декларацияда халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи расмий равишда тан олинган эди: "Россия халқларининг тенглилиги ва суверенлиги; Россия халқларининг ўз тақдирларини ўзлари эркинлик билан белгилашлари, ҳаттоки ажралиб чиқиш ва мустақил давлат тузиш ҳуқуқи; ҳамма ва ҳар қандай миллий имтиёз ва чеклашларни ва миллий-диний имтиёз ва чеклашларни бекор қилиш..."[5].

Декларацияга асосланиб қабул қилинган "махсус мурожаатно-

---

1. Сафаров Г.Национальная политика Советской власти //Три года Советской власти. с.23.
2. Бу ҳақда қаранг: Ражабова Р.Я. Султонбек Хўжанов//Инқилоб жангчилари. Тошкент "Ўзбекистон", 1990, 52-74-бетлар.
3. Ходжанов С.К. К 10-летию Туркестанской Советской Автономии Туркестана. Изд. "Правда Востока". Ташкент, 1928. с.14.
4. Қаранг: В.И.Ленин Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида 489-491, 492-495-бетлар.
5. В.И. Ленин Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида. 490-бет.

ма"да эса қуйидаги баландпарвоз фикрлар бор эди: "Россия мусулмонлари, Волга бўйи ва Қрим татарлари, Сибир ва Туркистоннинг қирғиз ва сартлари, Закавказьенинг турк ва татарлари, Кавказнинг чечен ва тоғлиқлари... Сизнинг дин ва урф-одатларингиз, сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз бундан буён эркин ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан баҳузур туза беринг из. Шундай қилишга ҳақлисиз... Ўз мамлакатингизга ўзингиз хўжайин бўлмоғингиз лозим! Ўз турмушингизни кўнглингиздагидай ва ўз хоҳишингизга мувофиқ қилиб ўзингиз тузмоғингиз лозим. Сиз шундай қилишга ҳақлисиз, чунки сизнинг тақдирингиз ўз қўлингизда..."[1].

Россиядаги большевиклар ҳукуматининг раҳбарлари Ленин ва Сталин томонидан халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ҳақида эълон қилинган ушбу дабдабали декларациялар, қанчалик баландпарвоз ваъдалар бермасин, амалда бир парча қоғоздан ибрат қуруқ ташвиқот бўлиб чиқди.

Россиядаги октябр тўнтариши рус халқи ва Россиянинг ўзи учун ҳам фожиали бўлди. Рус тарихчилари бу "инқилоб"нинг даҳшатли оқибатлари ҳақида қуйидагича ёзишган эди: "Россияда сўнгги 32 йил (1917-1949й.) ичида бўлиб ўтган воқеаларни ҳалокатли деб атамаслик учун мутлақо сўқир ёки муттаҳам бўлиш керак... Рус инқилоби фақат Россия тарихида эмас, балки бутун инсоният тарихидаги улкан хатодир"[2].

---

1. В.И. Ленин Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида. 493-494-бетлар.

2. Ильин И.А. О причинах русской революции // Посев, 1993 г., N2, С9.

"Посев" журнали бу фикрни давом эттириб, бошқа мақолада тубандаги аччиқ ҳақиқатни ёзишга мажбур бўлган эди: "Шундай қилиб, урушсиз даврда, Россиядаги инқилоб ва инқилобий ўзгаришлар пайтида халқ 60.700.000 киши йўқотди"[1].

Туркистон ХКС 1917 йил охирларида ўз қарори билан "Шўрои Исломия" ва бошқа маҳаллий демократик ташкилотларни тарқатиб юборди. Бу ташкилотларнинг раҳбарлари кейинчалик Туркистон мухторияти ҳукуматига[2] қўшилиб, истиқлолчилик ҳаракатини олиб бордилар[3]. Шуниси характерлики, "Шўрои Уламо" ташкилотининг Тошкент шўъбаси фақат 1918 йил 13 майда ёпиб қўйилди[4].

Юқорида келтирилган далилларга таяниб, қуйидагича хулосага келиш мумкин:

1. Туркистон ўлкасида феврал инқилобидан сўнг кучли сиёсий уйғониш бўлди. Туркистонда турли жамоа ва сиёсий уюшмалар тузила бошланди.

2. 1917 йил февралдан октябргача бўлган даврда жадидчилик-жиддий ўзгаришларни бошдан кечирди. Жадидчилик айни шу даврда маърифий ҳаракатдан сиёсий ҳаракатга айланди. Жадидлар жойларда "Шўрои Исломия" тузуми яратилишининг ташаббускори бўлдилар.

3. 1917 йил 1 ноябрга қадар ўлкадаги сиёсий вазиятни учта асосий куч белгилади. Булар муваққат ҳукуматнинг Туркистон Комитети, Туркистон ўлкаси Мусулмонлар Шўроси (Краймуссовет), ишчи ва солдат депутатлари ўлка Совети эди.

---

1. Курганов И. Три цифры // Посев, 1993й, №2, с19.
2. Туркистон мухторияти ҳукуматининг фаолияти ҳақида ушбу тадқиқотнинг 1-боби 2-параграфига қаранг.
3. Каримов Р. 1917 йил воқеалари ва Туркистонда Совет тузумининг ўрнатилиши // Ўзбекистон Республикаси Энциклопедия. 14 - бет.
4. Ўзбекистон МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 35-иш, 280-варақ.

4. Миллий демократия етакчилик қилган ўлка Мусулмонлар Шўроси Муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватлашни давом эттирса-да, ишчи ва солдат депутатлари Советидаги большевиклар фаолиятига изчил суратда қаршилик қилди. Ўлка Муссовети аслида Туркистонда февралдан кейин шаклланган ҳокимият тизимининг учинчи бутоғи эди.

5. Бу даврда Бутунтуркистон мусулмонларининг тўртта қурултойи ўтказилди. Биринчи қурултойда демократик Россия таркибида Туркистон мухториятини ташкил этиш ғояси олға сурилди. Иккинчи қурултойда фақат мусулмон депутатларнинг ўлка Шўроси Туркистон мусулмон аҳолиси манфаатларини ҳимоя қилиши мумкин, деган фикр қатъий қилиб қўйилди. Мусулмонлар Шўроси ҳокимиятни ишчи ва солдат депутатлари Советига берилишига қарши эканлиги айтилди. Октябрь тўнтариши кунларида Шўро аъзолари Қўқон шаҳрига кўчдилар ва бу ерда IV Ўлка қурултойи чақирилди. Туркистон мухторияти деб ном олган демократия миллий республика ташкил этганлиги бу қурултойнинг энг муҳим натижаси бўлди.

6. Афсуски, миллий демократия етакчилари доим ҳам келишиб иш юритмадилар. Натижада " Шўрои Исломия" ва "Шўрои Уламо" жамиятлари ўртасидаги зиддиятлардан ўлкадаги сўл кучлар жуда усталик билан фойдаланишди. Адолат юзасидан айтганда, "Шўрои Уламо" раҳбарлари аввал рус монархияси, сўнгра большевизм ғоялари билан ўз ҳаракатларини мувофиқлаштиришга беҳуда равишда уриндилар.

7. Туркистонда октябр тўнтариши асосан европали аҳоли томонидан амалга оширилди. Унда маҳаллий миллат вакиллари деярли иштирок қилмади.

8. Ишчи ва солдат депутатлари III ўлка съездида тузилган янги ҳукумат - Туркистон Халқ Комиссарлари Совети большевик ва

эсерлардан ташкил топган бўлиб, улар европалик аҳоли вакиллари эди. Туб жой аҳолисидан биронта киши ҳам ҳукумат таркибига киритилмади.

1.2§. Туркистонда Советлар бошқаруви тизими - марказ сиёсий ҳукмронлигининг ўрнатилиши.

Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети ўзининг тузилиши ва бошқарув аппаратлари жиҳатидан мутлақо фарқли ҳукумат эди. Туркистон ХКС таркибига кирган 15 та комиссарлик ўлкани бошқарув ишларини бутунлай қамраб оларди. Биз учун бу бошқарув тизимининг ўзига хос ва фарқли томони шундаки, у ташкил топган заҳоти Россиядаги Марказий ҳукуматни тан олди.

1917 йил 23 ноябрда Туркистон ХКС раиси Ф.Колесов Петрограддаги Халқ Комиссарлари Совети номига юборган телеграммада қуйидагиларни таъкидлаган эди: "Комиссарлар Совети ўз олдига сизнинг ҳамма декретларингизни амалга ошириш вазифасини қўйди. Маҳаллий аҳоли Таъсис мажлисини хотиржамлик билан кутмоқда. Почта - телеграф хизматчиларнинг забастовкаси тугатилди. Аҳоли қўзғалишининг асосида очлик ётиши мумкин. Бизнинг тўла қўллаб-қувватлашимизни ҳисобга олишингизни сўраймиз"[1].

Туркистон ўлкаси янги ҳукумати ўша куннинг ўзида аҳолига қилган мурожаатида ҳам ўзининг асл мақсадларини яшириб ўтирмади. Мурожаатда ҳам телеграммада бўлгани каби қуйидаги фикрга алоҳида урғу берилган эди: "Халқ Комиссарлари Совети марказий ҳокимият-

---

1. Победа Октябрской революции в Узбекистане. Т.1. С. 578.

нинг барча декретларини оғишмай амалга оширади ва ўз фаолиятида съезднинг юқорида кўрсатилган қарорларига амал қилди. Бу топшириқларни бажариш йўлидаги ҳар қандай қаршилик Советлар томонидан кескин чоралар кўриш билан кутиб олинади..."[1].

Демак, Туркистон ХКС ўз фаолиятининг биринчи кунларидан бошлаб "совет сиёсатини амалга оширишга, Туркистон ўлкасида совет ҳокимиятини мустаҳкамлашга қаттиқ ва астойдил киришди... Барча маҳалий Советларга зудлик билан қизил гвардия тузишга киришиш таклиф қилинди"[2]. Ўлка Комиссарлиги таркибида бўлган ва бошқарувда асосий рол ўйнайдиган ҳарбий, ташқи савдо, шунингдек, почта, телеграф ва темир йўллар бошқаруви масалалари бутунлай Марказдаги тегишли идоралар ихтиёрига бериб қўйилдики, оқибатда Туркистон Х К С ижрочи органга айланиб қолди. Марказдан юборилган барча масъул ходимлар, турли комиссия ва ташкилотлар ўз сиёсатларини қўғирчоқ органга айланган ўлка Х К С орқали юргиздилар[3].

Петроградда ҳокимиятни зўравонлик билан қўлга олган большевиклар партияси ва Ленин бошчилигида тузилган ҳукуматнинг "моҳияти" хусусида бир оз тўхталсак. Бу Туркистондаги воқеаларни аниқроқ таҳлил қилишимиз учун ҳам керак. Октябр тўнтариши Туркистон ўлкасида чиқадиган русча газеталарда алланечук тасодиф, нохуш ҳодиса, ҳаттоки, Ватан ва жамият олдидаги жиноят қабилида таҳлил этилади. "Свободный Самарканд" газетаси эса ҳатто "РСДРП нинг Самарқанд ташкилоти 25 октябрда Петроградда воқеъ ўлғон фитнани қо-

---

1. Ўзбекистон МДА, И-22-фонд, 1-рўйхат, 1350-иш, 74-варақ.
2. Ўрта Осиё Коммунистик ташкилотларининг тарихи. Тошкент, "Ўзбекистон", 1969, 215-б.
3. Бу ўринда лоақал большевиклар партиясининг "доҳийси" Ленин томонидан Москвада тузилиб, Тошкентга жўнатилган Туркомиссия, Туркбюро фаолиятини эслатиб ўтмоқ жоиз. Биз Туркомиссия фаолияти ҳақида сал қуйироқда батафсил тўхтаб ўтамиз.

ралаб чиқди", деган хабар босади[1].

Октябр тўнтариши кунларида М.Горький "Новая жизнь" газетасида эълон қилган "Демократияга"номли мақоласида большевиклар тўғрисидаги даҳшатли ҳақиқатни қўрқмасдан очиқ равишда, улар сиёсати оқибатларини эса ҳайратланарли даражада олдиндан кўрган ҳолда қуйидагича ёзган эди: "Ленин, Троцкий ва уларнинг йўлдошлари ҳокимиятнинг чирик заққуми ила заҳарланиб бўлдилар. Уларнинг сўз эркинлиги, демократия эришган шахс ҳуқуқларига бўлган шармисор муносабати бунга гувоҳдир.

Сўқир мутаассиб ва васвасага чалинган жаҳонгашталар олди-кетини ўйламай, гўёки, "социал инқилоб" томон елмоқдалар, аслида эса бу йўл-ўзбошимчалик йўли, инқилобнинг ва йўқсилларнинг ўлим йўлидир.

Мазкур йўлда Ленин ва сафдошлари Петербург атрофидаги хунрезлик, Москвани вайрон қилиш, сўз эркинлигини пучга чиқариш, бемаъни ҳибсга олувлар сингари ўз вақтида Плеве ва Столипин қўлланган қабиҳлик ва жиноятларга қодирлигини намоён қилдилар..."[2].

Горькийнинг бу мақоласини Тошкентда рус тилида чиқадиган айрим газеталар босиб чиқарди[3].

Октябр тўнтариши кунларида Петроградда яшаган Нью-Йорклик Америка фуқароси, черков пастери А.Саймонс ватанига қайтгач, 1919 йил 12 февралда сенатда бўлган судда ўзи гувоҳ бўлган воқеалар тўғрисида қуйидагича кўрсатма берган эди: "... большевикча инқилоб ғалаба қозонгани учун маълум даражада террордан миннатдор бўлиши

---

1. Қаранг: Ҳамид Исмоил. Туркистон 1917 йилда //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, №30, 27 июль, 1990 й.
2. Горький М. Несвоевременные мысли и рассуждения о революции и культуре (1917-1918гг). Москва, "Интерконтакт", 1990, С.76.
3. Қаранг: Туркестанские ведомости, 16 ноября 1917г.

керак... Менинг қўлимда бир ҳужжат бўлиб, унда большевиклар ўз жанговар шиорлари билан халқни қуролланишга чақирганлиги айтилади. У тахминан шундай жаранглайди: "пролетариат ишини ҳимоя қилиш учун қуролни ишчилар қўлига топшириш зарур". Бундай вазият большевикча инқилоб ютуғини таъминлади..."[1].

Саймонснинг террор тўғрисидаги фикрлари, Петроградда ўз кўзи билан кўрган воқеалари ҳақида берган гувоҳликлари большевиклар "инқилоби" ва унинг ички моҳиятини тушунишда ёрдам беради. Россияда асрлар мобайнида шаклланган маиший турмуш тарзи ва урф-одатларни бузиб ташлаш учун большевиклар қўлида кучли ҳокимият бўлиши керак эди. Бу ҳокимият - пролетариат диктатураси бўлиб, большевиклар партияси баландпарвоз шиорларга ва алданган ишчи ва солдатларни ўз орқасидан эргаштиради.

Файласуф ва тарихчи олим Н. А. Бердяев пролетариат диктатураси ҳақида қуйидагича фикр юритади: " Пролетариат диктатураси, яъни коммунистик партия диктатураси буржуа давлатларига қараганда нисбатан кучли ва мустабид давлат ҳокимиятини ифодалайди. Марксча назарияга кўра, давлат доимо синфий ҳукмронлик ташкилоти, ҳукмрон синфларнинг эзилган ва эксплуатация қилинган синфлар устидаги диктатураси бўлган. Синфлар йўқолганидан сўнг давлат ўз-ўзидан ўлади ва ташкилотчи жамият билан алмашади. Синфлар ҳозирча бор экан, давлат ҳам мавжуд бўлади. Аммо синфларнинг бутунлай йўқолиши пролетариат инқилобидан кейин дарҳол йўл бермайди. Ленин Россияда октябр инқилобидан сўнг бирдан коммунистик жамият қурилишини умуман ўйламаган ҳам. Ҳали олдинда тайёргарлик жараёни ва

---

1. Октябрьская революция перед судом американских сенаторов. Официальный отчёт "Оверменской комиссии" сената. Москва. Профиздат. 1990. С.18.

қаттиқ курашлар турар эди. Мана шу тайёргарлик жараёнида, ҳали синфсиз жамиятга тўла ўтилмаган бир даврда, кучли марказлашган ҳокимиятга эга давлатга буржуа синфлари ва уларнинг қаршилигини бостириш учун пролетариат диктатураси зарур... Лениннинг фикрича, демократия пролетариат учун ва коммунизм қуриш учун мутлақо керак эмас. У пролетариат инқилоби томон олиб бормайди. Буржуа демократияси коммунизм сари тарихий ривожлана олмайди, буржуа демократик давлатини эса коммунизм қуриш учун яксон қилиш керак. Демократия ҳатто пролетариат инқилоби ғалабасидан кейин кераксиз ва зарарли бўлиб, диктатурага тамоман қарама-қаршидир. Демократик эркинликлар коммунизм подшолигини қуриш учун фақат халақит беради... Коммунизм қурилишининг дастлабки босқичи эркин ва тенг бўлолмайди. Ленин буни тўғридан-тўғри айтган. Пролетариат диктатураси қаттиқ зўравонлик ва тенгсизлик асосида бўлади"[1].

Туркистонда ҳам большевиклар, юқорида айтиб ўтилганидек, пролетариат "манфаатлари" дан келиб чиқиб сиёсат юритдилар. Ўлкадаги янги режим чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатидан ошиб тушди. Туркистон ўлкаси иккинчи марта Марказий Россияга сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қарам бўла бошлади.

Ўлкада ҳокимиятнинг фақат ишчилар ва европали унсурлар қўлида бўлиб қолиши Туркистондаги барча демократик кучларни янги ҳукуматга бўлган ишончсизлигини кучайтириб юборди. Большевиклар ва сўл эсерлар мусулмон аҳолисининг ўлкани бошқаришга бўлган қонуний ҳуқуқини инкор қилиб, ҳокимият тўғрисидаги масалани келишиб ҳал қилиш имкониятини йўққа чиқардилар ва шу билан Туркистон сиёсий

---

1. Бердяев Н.А. Истоки и смысл русского коммунизма. Москва, "Наука", 1990. С.103-104.

ҳаётидаги кучларнинг келгусида мухолиф туриб қолишини олдиндан муқаррар қилиб қўйдилар.

Тошкент Совети ва ўлка Х К С Туркистон уламочилари қурултойида қабул қилинган мамлакатни идора этишни ерли халқ қўлига топшириш тўғрисидаги қарорни рад қилиб, янги ҳукумат таркибига маҳаллий миллат вакиллардан биронта ҳам кишини киритмагандан кейин "Шўрои Исломия" ташкилоти миллий масалани ҳал этишга мустақил равишда ўзи киришди.

"Тошкентда совет ҳокимияти ўрнатилгач, - деб ёзган эди тарихчи П. Алексеенков, -ўлка мусулмонлар Шўросининг раиси Мустафо Чўқаев Фарғонада аксилинқилобнинг кучли таянчи мавжудлигини ҳисобга олиб, у ерга қочиб борди. 10 ноябрлар атрофида у Қўқонда эди ва эртаси куниёқ Скобелев ёки Марғилонда бўлди...

Мустафо Чўқаев изидан ўлка мусулмонлар Шўроси-"Шўрои Исломия" ҳам Тошкентдан Қўқон шаҳрига кўчиб борди. "Шўрои Исломия" ўз атрофига нафақат Фарғона водийсидаги, балки бутун Туркистондаги аксилинқилобчи кучларни тўплади"[1].

Мустафо Чўқаевнинг ўзи бу ҳодисага қуйидаги тарзда жонли шарҳ берди: "1917 йил бизнинг "сиёсий туғум" йилимиз эди. Мухторият эса бизнинг қўрқа-қўрқа отган биринчи "Миллий-сиёсий" одимимиз эди"[2].

1917 йил 26-28 ноябрда (янги ҳисоб билан 9-11 декабрда) Қўқон шаҳрида Туркистон ўлка мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой ишининг бутун тафсилотлари ўша давр газе-

---

1. Алексеенко П. Кокандская автономия Ташкент, Узгиз, 1931. с.19-20.

2. Мустафо Чўқай ўғли. Истиқлол жаллодлари (1917 йил хотиралари).44-бет.

таларига тарих учун муҳрлаб қўйилган." 26 ноябр соат 12 да ташкилий ҳайъат аъзоси Мустафо Чўқаев қурултойни очиқ деб эълон қилди",-деб ёзилган эди "Туркестанский вестник" газетасида[1].

Қурултойда Мустафо Чўқаев Россия ва Туркистоннинг сиёсий ва иқтисодий аҳволи хусусида қисқача маълумот беради. Унинг айтишича, Марказда юз бераётган воқеалар, чекка ўлкалар ўзларини ва шу билан бирга Буюк миллий инқилобни қутқарув йўлларини мустақил муҳокама этувини тақазо қилур. Октябр ҳунрезлигини бошдан кечирган Россия ва Туркистон ўз тақдирлари ҳақида мулоҳаза юритмаклари лозим. Эндиги оғир аҳвол озиқ-овқат танглиги туфайли янада мушкуллашиб, очарчиликка ўтай деб тураётир. Нотиқ бу чигалликдан чиқув йўллари ҳақида гапириб, ўлкада ҳукм сураётган Совет ҳукуматининг йўли бегуноҳ қурбонларнинг қонига беланган деб таъкидлайди. Чунки мазкур ҳокимият ҳунрезликнинг олдини ола биладиган мусулмонларсиз ўрнатилган. Ҳамкорлик ҳақидаги таклифларимиз ҳам исёндан сўнг улар томонидан рад этилди[2].

Маълумки, мусулмонларнинг ушбу нуфузли қурултойи ва унда қабул қилинган қарорлар ўн йиллар мобайнида "миллатчилар гуруҳининг йиғинида эълон қилинган буржуа мухторияти" деб талқин қилиб келинди. Ҳужжатлар эса ушбу ҳолнинг бутунлай тескариси бўлганлигини исботлайди. Масалан, муфтий Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз маърузасида[3] қурултойнинг Туркистон халқлари тарихида улкан ижобий, тарихий ҳодиса ва бурилиш даври эканини таъкидлаб, "Қурултойимиз қа-

---

1. Туркестанский вестник. 9 декабря 1917 г.
2. Қаранг: Ҳамид Исмоил.Туркистон 1917 йилда...
3. Қаранг: Беҳбудий Маҳмудхўжа. Танланган асарлар.Тошкент. "Маънавият". 1997. 30 бет.

бул қилаётган қарорлар шунинг учун ҳам аҳамиятлики, унда Туркистон аҳолисининг европалик вакиллари ҳам иштирок этмоқдалар"[1], деди. Беҳбудий қурултой ҳайъатида мусулмонлар билан бир қаторда насроний гуруҳларнинг делегатларидан ҳам вакиллар бўлишини ёқлаб чиқди. Уни вилоятдан келган депутатларнинг кўпчилиги қўллаб-қувватлади. Қўқонлик депутат Обиджон Маҳмудов Беҳбудий фикрини давом эттириб, қуйидагиларни қўшиб қўйди: "Биз қурултой ҳайъатига вилоятлар бўйича эмас, балки қайси динга мансублиги ва миллий этник гуруҳларига қараб, кенг фикрли, билимли ва ишбилармон кишиларни сайлашимиз керак". Натижада демократик мусулмон зиёлилар талаби билан Туркистон аҳолисининг европалик қисми вакиллари ҳам қурултойда тенг ҳуқуқли бўлиб иштирок этдилар[2].

Туркистонни бошқариш шакли тўғрисидаги масала уч кун давом этган қурултойнинг диққат марказида турди. Бу масала муҳокамасига кенг ўрин берилишининг яна бир сабаби Туркистон маҳаллий аҳолисининг хоҳиш иродаси бўлган ўлканинг мухтор республика деб эълон қилинишига большевикларнинг салбий муносабатлари амалиётда аниқ кўриниб турган эди. Қурултойнинг барча қатнашчилари мухторият ва мустақиллик эълон қилиш фикрини қўллаб-қувватлади.

Қурултойда 1917 йил 27 ноябр (янги ҳисоб билан 10 декабрь) куни кечқурун қабул қилинган қарорда шундай дейилади: "Туркистонда яшаб турган турли миллатга мансуб аҳоли Россия инқилоби даъват этган халқларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаш хусусидаги иро-

---

1. Туркестанский вестник, 9 декабря 1917 г.

2. Дониёров Ш. Мухторият қисмати //Шарқ юлдузи, 1991, N12, 160 бет.

дасини намоён этиб, Туркистонни федератив Россия республикаси таркибида ҳудудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилади, шу билан бирга мухториятнинг қарор топиш шаклларини Таъсис мажлисига ҳавола этади"[1]. Сўнгра қурултой "Туркистонда яшаб турган миллий озчилик аҳоли ҳуқуқларининг муттасил ҳимоя қилинишини тантанали равишда эълон қилади"[2].

28 ноябрда (янги ҳисоб билан 11 декабрда) таркиб топаётган мазкур давлатнинг номи аниқланиб, ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ деб аталадиган бўлди[3]. Бутунроссия Таъсис мажлиси чиқарилгунга қадар ҳокимият Туркистон Муваққат кенгаши ва Туркистон халқ (миллат) мажлиси қўлида бўлиши керак эди[4].

Туркистон Муваққат Кенгаши аъзоларидан ҳукумат тузилиши керак эди. Қурултойда тузилган ушбу Муваққат ҳукумат таркибига қуйидаги 8 киши[5] сайланди:

1. Муҳаммаджон Танишбоев - бош вазир, ички ишлар вазири;

---

1. Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. т-II. Ташкент, "Фан". 1972. с.27.

2. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти, 32-бет.

3. Улуғ Туркистон,1917 йил 8 декабрь; Туркестанский вестник. 1 декабрь 1917 г.

4. Туркистон мухторияти ҳукумати ва унинг фаолияти ҳақида батафсил қаранг: Хасанов М. Туркистон мухторияти: ҳақиқат ва уйдирма // Фан ва турмуш. 1990. №9. 4-6-б; №10,8-9-б; №11. 6-7-б; Хасанов М. Альтернатива. Из истории Кокандской автономии. // Звезда Востока. 1990. №7. с.105-120; Он же."Кокандская автономия" и некоторые ее уроки. // Общественные науки в Узбекистане. 1990,№2. с.41-52; Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. Тошкент."Фан". 1996. 60 бет; Агзамходжаев С.С. Туркистон мухторияти: борьба за свободу и независимость (1917-1918 гг.) Автореферат диссертации на соискание учёной степени доктора исторических наук. Ташкент, 1996, с.60.

5."Улуғ Туркистон", 1917 йил 13 декабрь.

Муваққат ҳукумат таркибига аслида 8 киши эмас, балки 12 киши киритилиши керак эди. Қолган 4 ўрин эса европалик аҳоли вакиллари орасидан номзодлар кўрсатилиши учун уларга ажратилди. Ушбу ҳолатдан ҳам Туркистон мухторияти қанчалик демократик ва халқчил ҳукумат эканлиги аён бўлади.

2-чақириқ Давлат Думасининг аъзоси, Муваққат ҳукумат Туркистон комитетининг аъзоси, темир йўл муҳандиси.

2. Ислом Султон Шоаҳмедов (Шагиахмедов) - бош вазир ўринбосари; Бутунроссия Мусулмонлари кенгаши Марказий қўмитасининг аъзоси, ҳуқуқшунос.

3. Мустафо Чўқаев - ташқи ишлар вазири; Муваққат ҳукумат Туркистон комитетининг аъзоси, Туркистон ўлка Мусулмонлар Шўросининг раиси, ҳуқуқшунос.

4. Убайдулла Хўжаев - ҳарбий вазир; Бутунроссия Мусулмонлари кенгаши Марказий қўмитасининг аъзоси, ҳуқуқшунос.

5. Ҳидоятбек Юрғули (Юрали) Агаев-ер ва сув бойликлари вазири; агроном.

6. Обиджон Маҳмудов - озиқ-овқат вазири; Қўқон шаҳар думасининг раиси ўринбосари, жамоат арбоби.

7. Абдураҳмон Ўразаев - ички ишлар вазирининг ўринбосари; ҳуқуқшунос.

8. Соломон Абрамович Герцфельд - молия вазири; ҳуқуқшунос[1].

Қурултойда 28 ноябр куни Туркистон Миллат мажлиси очилиши тўғрисидаги қарор ҳам тасдиқланди. Миллат мажлиси 54 нафар аъзодан иборат бўлиб, қурултой қарорига биноан " 36 нафар мусулмонлар ва 18 нафар ғайри мусулмонлардан сайланадур. 36 мусулмон вакиллари

---

1. Туркистон мухторияти ҳукумати таркибида сал кейинроқ анча ўзгаришлар бўлади. Ҳукумат жумҳурраиси қилиб Муҳаммадхон Таниибоев ўрнига Мустафо Чўқаев сайланди. И.Шоаҳмедов (Герцфельд ўрнига) молия вазири, Обиджон Маҳмудов адлия (юстиция) вазири. Потелиахов (О.Маҳмудов ўрнига) озиқ-овқат вазири полковник Маъди Чанишев (Убайдулладев Хўжаев ўрнига) ҳарбий вазир қилиб сайланди. Шунингдек, Носирхон тўра Комолхонтўраев маориф вазири, Саидносир Мирзалилов ҳукумат хазиначиси лавозимларини эгаллашди. Тарихчи П.Алексенковнинг ёзишича, ҳукумат таркибига йирик капиталист Вадьяев ҳам киритилди.

Туркистоннинг 5 вилоятидан бўлиб: Фарғона -10 нафар, Самарқанд-5 нафар, Сирдарё-9 нафар, Еттисув -6 нафар , Закаспий-2 нафар; 4 нафар эса бутун Туркистон шаҳар думалари тарафидан тайин бўлурлар"[1]. 18 нафар эса ўлканинг европали ташкилот ва фирқаларига, жумладан, темир йўлчилар иттифоқи, ишчи ва солдат депутатлари совети, социал демократлар, дашноқцутюн, ерли жуҳудлар, яҳудийлар, эсерлар, украинлар, поляклар ва бошқаларга бериши кўзда тутилган эди. Демак, ташкил этилаётган ҳукумат таркибига турли миллий гуруҳлар вакилларининг қатнашуви кўзда тутилди. Демократик руҳдаги миллий зиёлилар қурултойда қабул қилинган дастурий ҳужжатларга ўзига хослиги билан ажралиб турадиган халқчил ва демократик ғояларни киритишди.

Қурултой жараёнида Туркистон Миллат мажлиси 32 кишидан иборат қилиб сайланди. "Шўрои Уламо" нинг раҳбари Шерали Лапин Миллат мажлиси таркибига унинг раиси сифатида киритилган бўлса ҳам, аммо унинг ўзи бу таклифни рад этди. Қурултойда сайланган Миллат мажлиси аъзоларининг рўйхатини ушбу ўринда келтириб ўтишни биз ўзимизга бурчли деб ҳисобладик.

Фарғона вилоятидан: Ислом Султон ўғли Шоаҳмедов, Абдулқодир Кушбегиев, Носирхонтўра Камолхонтўраев, Ҳидоятбек Юрғули-Оғаев(Юрали Агаев) , Обиджон Маҳмудов , Тошхўжа Ашурхўжаев, Жамшидбой Қорабеков, Абдураҳмонбек Ўразаев, Миродил Мирзаахмедов; Сирдарё вилотидан: Мустафо Чўқаев, Шерали Лапин, Саид Жаъфарбой Саидов, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Саидносир Миржалилов, Исматулла

---

1. Кўчирма ушбу мақоладан олинди: Ҳамид Исмоил. Туркистон 1917 йилда...

Убайдуллин, Садриддинхон Шарифхўжаев, Қўнғирхўжа Хожинов, Самарқанд вилоятидан: Абдусамад Абдусалимов, Соломон Абрамович Герцфельд, Убайдулла Дорбисалин, Мусо Акчурин, Мустафо Мансуров; Еттисув вилоятидан: Муҳаммаджон Танишбоев, Иброҳим Давлетшин; Закаспий вилоятидан : Халил Ширинский, Толибжон Мусабоев, Алихонтўра Шокирхонтўраев, К.Рахмонбердиев, Одилжон Умаров, Собиржон Юсупов, шаҳар думаларидан: Маҳмудхўжа Беҳбудий, Убайдулла Хўжаев.[1]

Қурултой тугагач, 1 декабрда Туркистон мухториятининг Муваққат ҳукумати аъзолари (барча 8 киши) имзолаган махсус Мурожаатнома эълон қилинди. Ушбу Мурожаатномада Туркистондаги барча аҳоли: ирқи, миллати, дини, жинси, ёши ва сиёсий эътиқодларидан қатъий назар, улар якдиллик ва ҳамжиҳатликка даъват этилган эди. Хусусан, Мурожаатномадаги қуйидаги фикрлар диққатга сазовордир:

"Туркистондағи ҳамма уюшма қаватларнинг ҳозирги куннинг бир муҳим ва масъулиятли масалалари олдида турғонлиғи ҳолда Туркистонда турли миллатларнинг маданий суратда тараққийларин ва алар орасиндағи дўстлиқни таъмин этар учун Туркистоннинг ҳар еринда ҳаққониятли суратда тартиб ва интизом ўрнашдирурға интилиб, краевой съезд муваққат Туркистон ҳалқи Шўроси (Миллат мажлиси) сайлади. Бу Шўро ҳайъатидин Туркистон мухториятининг муваққат ҳукумати вужудга келтириб, аларға ушбу хизматлар топширилди: мумкин қадар тез орада Туркистон Учредительний собраниясин чақирув, Туркистон ҳалқин овқат жиҳатидан таъмин этув чораларига киришув, ...Туркистон мухториятининг молия ишларин таъсис қилурға киришув, халқ милицияси вужудга келтирувчи ҳамда Туркистонда ерлашган миллатлари-

---

1. Ушбу рўйхатни бир-бирга таққослаш учун қаранг: Эл байроғи, 1917 йил 9 декабрь; Улуғ Туркистон, 1917 йил 18 декабрь, Туркестанский вестник; 5 декабрь 1917 г.

нинг ҳуқуқларин сақлов учун тегишли тадбирлар қилув.

Ҳозир ҳар бир занжирлардан қутулғон Туркистонға ўзининг ерина ўзи хўжа бўлиб, ўз тарихин ўзи вужудга келтирув соатин сўқди. Биз олдимизда турғон масалаларнинг муҳимлигин ва улуғлигин комил суратда англаб, ҳам ишлаган ишларимизнинг ҳақлиғина ишониб, худодан мадад тилаб ишга бошлаймиз"[1].

Туркистон мухторияти ҳукумати қисқа фурсат ичида халқ ўртасида катта эътибор қозонди. Янги ҳукумат фаолияти фақат Қўқонда ёхуд Фарғона водийсида эмас, балки бутун Туркистон минтақасида яшаётган туб ерли халқлар томонидан қизғин қўллаб қувватланди. Фитрат[2], Чўлпон[3], Ҳамза[4] сингари оташқалб шоирларимиз мухторият ҳукуматини алқаб, ўтли сатрлар битишди. Фитрат муҳторият эълон қилинган тунни " миллий лайлатулқадримиз" деб атади. Демократик кайфиятда бўлган европали аҳоли вакиллари ҳам мухторият ҳаракатига илиқ муносабат билдиришди. Масалан, ўша пайтда рус тилида чиқаётган газеталарнинг бирида С. Никифоров ушбу фикрларни баён қилган эди: " Даврimиз учун муҳим бўлган қурултой қарорлари ушбу миллий чекка ўлканинг ҳаётида янги саҳифа очилишини англатадир. Биз-ўлка истилочилари, фақат истилочилик ҳуқуқига биноан ягона маданият тарғиботчилари эканлигимиз, халқ оммаси эса-мағлублар сифатида биз ғолиблар учун тажрибадан ўзга нарса эмаслиги хақидаги шовинистик ва том маънода ғайритараққий мулоҳазани улоқтириб ташлашимиз вақти келди!"[5]

---

1. Туркистон Мухториятининг Муваққат ҳукумати тарафидан Улуғ Туркистон, 1917 йил 8 декабрь.
2. Фитрат. Муҳторият// Ҳуррият , 1917 йил 5 декабрь
3. Чўлпон. Озод турк байрами //Эл байроғи. №3 1917 йил декабрь.
4. Ҳамза. Туркистон мухториятина // Улуғ Туркистон, 1918 йил 11 январь
5. Свободний Самарқанд, 7 декабрь 1917 г.

Туркитон мухториятига муносабат масаласи 1917 йил 26-30 декабрда (янги ҳисоб билан 1918 йил 8-12 январда) Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган мусулмон ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари I фавқулодда съездининг асосий диққат марказида бўлди. Бу съездда бутун Туркистон минтақасидан келган 200га яқин вакиллар қатнашди. "Улуғ Туркистон" газетаси ҳақли равишда ёзганидек, "ҳозир Туркистон мухторияти рабочий, деҳқон ва аскарлар тарафидан буюк бир миқдорда вакиллар сайланиб, Мухторият идораси тамомила демократия асосина қўйилди."[1]

Съезд очилишини Туркистон ўлкаси ҳарбий Шўроси раҳбари Ориф Клевлеев қутлади. Муваққат Мажлис номидан Ислом Шоаҳмедов нутқ сўзлади. Съездни Қозон мусулмонларининг Ҳарбий Шўроси вакиллари аскар Исмат Убайдулин, Кавказ мусулмонларидан Пири Мурсилзода, Самарқанд ишчи ва солдат депутатлари Совети вакили Пономарёв, Қўқон уезд комиссари Акаев, Қўқон шаҳар ҳокими ўринбосари Обиджон Маҳмудов, Тошкент ҳарбий Шўроси аъзоси Султонов, эсерлар партияси номидан Миллер ва бошқалар ҳам табриклашди. Фақат большевиклар партиясининг вакили, Ўлка меҳнат комиссари П.Полторацкий сеъздда дағдағали оҳангда нутқ сўзлаб, халқимиз тарихидан илк демократик ҳукуматни "бойлар мухторияти" деб туҳмат қилади. "Биз камбағаллар мухториятига қарши эмасмиз,-деб мунофиқлик билан гапини давом эттиради Полторацкий. - Биз мухторият учун курашдик.."[2]

Съездлаги мусулмон вакиллари Полторацкийнинг бундай иғво ва алдовларига учмадилар. 30 декабрда Туркистон мухторияти ҳукуматини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарла-

---

1. Улуг Туркистон, 1918 йил 4 январь.
2. Ўзбекистон ИДА,25-фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 74-75 варақлар.

ри Советига ишончсизлик билдириш тўғрисида резолюция қабул қилиндики, бу ҳол қурултой қатнашчилари сиёсий онгининг етуклик даражасидан нишона эди. Ушбу резолюцияда қуйидаги фикрлар бор эди:

"1) Туркистон ўлкаси Халк Комиссарлари Совети барча аҳоли, айниқса, мусулмонлар хоҳиш-истакларининг ифодачиси эмаслигини;

2) Туркистон ўлкаси халқлари иродаси икки съездда мухторият эълон қилинганида ифодаланганлиги;

3) Туркистонда ягона ҳукумат органи бутун мусулмонларнинг қурултойида ташкил топган ва мусулмон ишчи, аскар ва деҳқонларнинг съездида тўлдирилган Туркистон мухторияти ҳукумати эканлигини эътиборга олиб.

Мусулмон ишчи, деҳқон ва аскарлар съезди Туркистон Халқ Комиссарлари Советига ҳокимиятни дарҳол Туркистон Мухторияти ҳукумати ва Миллат мажлисига топширсин деб истак билдиради, чунки ушбу съезд Мухтор Туркистондаги барча демократик қатламлардан ташкил топиб, бутун пролетариат ўй-фикрларининг ифодачисидир..."[1].

"Улуғ Туркистон" газетасининг ёзишича, 1918 йил 7-10 январ (янги ҳисоб билан 20-23 январ)да Қўқон шаҳрида бўлган Туркистон социал-инқилобчилар (эсерлар) партиясининг II съезди ҳам Туркистон мухторияти ҳукуматини ёқлаш ҳакида бир овоздан қарор қабул қилди. Съезд ишида Қўқон, Скобелев (Фарғона), Андижон, Марв, Самарқанд, Ашхабод, Қизил Арват шаҳарлари ва нефт конларидан вакил бўлиб келган делегатлар қатнашган эдилар[2].

Тарихчи П. Алексеенков шунинг учун ҳам қуйидагича эътироф қилишга мажбур бўлган эди: "Шўрои Уламо", "Шўрои Исломия", "Ўлка

---

1. Победа Октябрьской революции в Узбекистане. т.II. с.82.
2. Улуғ Туркистон, 1918 йил 19 январь.

Мусулмонлар ишчи Шўроси"... Бир сўз билан айтганда, Туркистондаги бутун миллат, барча синфлар, барча халқлар Туркистон буржуазияси бошчилигидаги Мухториятни қатъийлик билан талаб қилишмоқда"[1].

Афсуски, ўлка большевиклари Туркистон мухторияти ҳукуматига катта хавф деб қарадилар. Мухтор ҳукуматнинг халқ ўртасидаги юксак обрў-эътибори ва нуфузи большевикларни ташвишга солиб қўйди. 1918 йил 19-26 январда (янги ҳисоб билан 1-8 февралда) Тошкентда бўлган Туркистон ўлкаси ишчи, солдат ва крестьян депутатларининг фавқулодда IV съездида мухториятга муносабат масаласи асосий ўринда турди. Съездда большевиклар фракцияси томонидан сўзга чиққан Тошкент Советининг раиси И.Тоболин сурбетларча шундай деди: "Мухториятни ҳаётга татбиқ этиш учун ҳали вақт эрта. Чунки биз бу ишни амалга оширсак, мухториятнинг биринчи шарти сифатида рус қўшинлари ўлкадан чиқиб кетиши керак бўлади"[2].

Мухторият ҳукумати съезд номига телеграмма йўллаб, 20 мартда Таъсис мажлиси ўтказиш мўлжалланаётгани, депутатликка учдан бир ўрин европалик вакилларга ажратилгани, камчиликни ташкил этган миллатлар ҳуқуқи таъминланиши, ўлкада демократик принципларни ҳаётга татбиқ этишга киришилажагини уқтирди[3].

Бироқ Советларнинг IV съезди Туркистон мухторияти ҳукумати ва унинг аъзоларини қонундан ташқари ҳолатда деб ҳисоблади, ҳатто ҳукумат аъзоларини қамоққа олиш ҳақида қарор қабул қилди[4]. Мухто-

---

1.Алексеенко П.Кокандская автономия. с.42.

2.Қаранг: Турсунов Х.Т. Образование Узбекской Советской Социалистической Республики. Ташкент."Фан". 1957, с.28.

3.Хасанов И. Туркистон мухторияти: ҳақиқат ва уйдирма // Фан ва турмуш. 1990. N10. 9-бет.

4.Наша газета, N20, 25 января 1918г.

риятни эълон қилиш масаласини эса ноаниқ муддатга кечиктириб қолдирди.

Съезд большевиклар фракциясининг Туркистон мухторияти тўғрисидаги резолюциясини қабул қилди. Большевиклар муттаҳамлик билан Туркистоннинг қонуний ҳукуматини "қорагуруҳчилар тўдаси" деб оламга жар солдилар. Ушбу резолюцияда миллатнинг асл фарзандлари шаънига айтилган қуйидаги туҳматлар ҳам тиқилиб ётибди: "Рус ва қорагуруҳчилар тўдаси томонидан бошқарилаётган буржуа мухториятига шафқатсиз кураш эълон қилар экан, революцион социал-демократлар партияси ўлкада пролетар автономиясини тузишга интилмокда. Шу максадда биз мусулмон пролетар оммаси ичида касаба уюшмалари ва депутат Советлари ташкил қилишимиз керакки, улар мусулмон пролетариати ўртасида синфий ўз-ўзини англашни ривожлантирсин"[1].

Шундай қилиб, Советларнинг IV съезди большевикларнинг тазйиқи остида қонуний кучга эга бўлган, туб ерли аҳоли манфаатларининг ҳимоячиси бўлиб майдонга чиққан ўлкадаги илк демократик ва халқчил ҳукумат - Туркистон мухторияти устидан ўзларича ҳукм чиқарди. Бу "ҳукм"нинг ижро қилиш большевиклар учун қийин иш эмас эди.

Съезд тугаганидан кейин атиги уч кун ўтгач - 30 январда (янги ҳисоб билан 12 февралда) Туркистон Х К С мухторият ҳукуматини тугатиш учун ҳарбий ҳаракатларни бошлади. Туркистон большевиклари бунинг учун қизил аскарлардан ташқари арманларнинг "Дашнокцутюн"[2] партияси аъзоларидан тузилган қуролли дружиналардан ҳам кенг фойдаланди. 30 январ кечқурун Скобелев (ҳозирги Фарғона) шаҳридан

1.Победа Октябрьской революции в Узбекистане. т.II,с.126.

2. Бу ҳақда қаранг: Ражабов Қ. "Совет ҳокимияти бизга қимматга тушди" //Ёш куч. 1991. № 11. 20-21-бетлар.

Қўқонга дастлабки қизил аскар отрядлари тўп ва пулемётлар билан етиб келишди[1]. Бу отряднинг командири К. Осипов эди. Туркистон ўлкаси Х К С 14 февралда (эски ҳисоб билан 1 февралда) Фарғона вилоятида ҳарбий ҳолат эълон қилди[2].

Миллий матбуотнинг ёзишича, 31 январ (янги ҳисоб билан 13 феврал) тушдан кейин жанг ҳаракатлари бошланди. Бу ҳолни Туркистон мухторияти ҳукуматининг бошлиғи Мустафо Чўқаев кейинчалик ўзининг хотираларида қуйидагича ифодалайди: "Қўқон шаҳри ўққа тутила бошлаганди. Ҳар томонда ўқ отишлари, қўл бомбалари портлаши эшитиларди, узоқдан тўп гумбурлаши келарди... Қўқон ҳар тарафдан ўраб олинган эди. Самарқанд, Тошкент ва Фарғонадан большевик аскарлари келдилар... Шунингдек, ҳар томондан бизнинг одамлар ҳам келдилар. Бироқ буларнинг кўпчилиги узун таёқ, тўқмоқ, болта, бўюк пичоқ каби нарсалар билан қуролланган эдилар"[3].

Жанг ҳаракатлари ўша пайтда Тошкентда нашр қилинган "Улуғ Туркистон" газетаси саҳифаларида қуйидагича ўзининг холис талқинини топган: "Биринчи феврал (янги ҳисоб билан 14 феврал) эртасинда янгидан сўғиш бошланган. Бу кун крепўстдан 20 қадар ядрў юборилған (отилган)... Сартларнинг ушбу сўғиш вақтинда эски шаҳарда ё эса қишлоқларда бўлғон ўруслар ила минг дўстона муомала қилғанликлари айрим очиқ суратда маълум бўлғон. Минг кўп ўруслар мусулмон орасина қочиб қутулғонлар. Сартлар фақат ўрусларға қўшилған арманларға қаршилиғина оёқлағанлар. 2 феврал (15 феврал)да шаҳарда ёнғинлар бошланғон. Тунда Ҳўқандни минг зўр ўт ёқтиси

---

1. Хроника событий Великой Октябрьской революции в Узбекистане. Ноябрь 1917 г.-Июнь 1918г. Ташкент."Фан".1975.С.91.
2. Ўзбекистон МДА. 25-фонд, 1-рўйхат, 35-иш, 56-варақ.
3. Мустафо Чўқай Ўғли. Истиклол жаллодлари (1917 йил хотиралари), 45-49-бетлар.

қоплаған. Ёнғинлар ила бир вақтда таловлар ҳам бошланған... Сўғишнинг учинчи кунинда магазинларни талов бошланған. Таловчилар турли шубҳали кишилардан иборат бўлған..."[1].

Архив ҳужжатлари ҳам ушбу фикрлар тўғрилигини тасдиқлайди. Қизил аскар ва арман дашноқларига қарши бўлган дастлабки жангда мухториятнинг миллий қўшинидан ташқари (манбааларда уларнинг сони 2.000 киши атрофида кўрсатилади)[2] Қўқонлик тинч аҳоли вакиллари ҳам қатнашди. Асосан болта, чўкич, таёқ кўтарган халойиқнинг сони 10.000 минг кишига етган. Шундай бўлишига қарамасдан, қуролсиз бу кишилар қизил аскарларнинг Қўқон шаҳрига қилган ҳужумини уч кун давомида мардонавор қайтаришди. "Мухториятчилар тарафида ўлимга борувчилар ҳаракат қилган маълум. Кафанга ўралган бу кишилар ғазаватда қатнашиб, шаҳид бўлсалар, жаннат дарвозалари бизга очилади, деган эътиқод билан жангга киришган"[3].

Шу кунларда мухторият ҳукумати ичида ҳам кескин зиддиятлар кучая бошлаган эди. Ҳукумат аъзоларининг бир қисми Қўқон янги шаҳар большевиклари юборган ультиматум асосида улар билан музокарани давом эттиришни ёқлаб чиқади. Аслида музокаралар дастлаб қон тўкилишини олдини олиш мақсадида ҳукумат раиси М.Чўқаевнинг ташаббуси билан 16 февралда бошланган бўлиб, мухториятчилар большевикларга ўз талабларини баён қилишган эди. Аммо Қўқон ревкоми қонуний ҳукуматнинг адолатли талабларига рози бўлмагандан сўнг, бу музокаралар ўз-ўзидан тўхтаб қолган эди. 17 феврал (эски ҳисоб билан 4 феврал)да большевиклар ўз талаблари асосида қайтадан му-

---

1. Кўчирма ушбу мақоладан олинди: Хўқанд фожиаси //Саодат, 1992, №12, 14-15-бетлар.
2. Қаранг: Улуғ Туркистон, 1918 йил 21 январ.
3. Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 243-иш, 26-варақ.

зокара бошлашни таклиф қилишди. Табиийки, уларнинг шовинистик талабларини Мустафо Чўқаев бошлиқ мухторият ҳукумати рад қилди. 18 февралда большевиклар янги талаблар билан мухторият ҳукуматига мурожаат қилишди. Бу гал ҳам уларга рад жавоби берилди. Бахтга қарши, ўша 18 февралда М.Чўқаев ҳукумати уламочиларнинг тайзиқи билан истеъфога чиқди. Жумҳурраис М.Чўқаев Қўқон шаҳридан жўнаб кетишга мажбур бўлди. Ҳарбий вазир Маъди Чанишев қамоққа олинди. Ҳукуматнинг бошқа аъзолари ҳам большевиклар томонидан қўлга олинди[1].

Қўқон шаҳри қўрбошиси лавозимида фаолият кўрсатаётган Эргаш шу пайтдан эътиборан тарих саҳнасида пайдо бўлади . У 18 февралдан бошлаб амалда мухторият ҳукуматининг раҳбарига айланди. 19 февралга ўтар кечаси Туркистон ўлкаси ҳарбий комиссари Е.Перфильев бошчилигидаги пиёда, отлиқ ва артиллерия қисмларидан иборат 11 эшелон Қўқонга кела бошлади. Шу вақтгача қизил аскарлар шаҳар ичига ёриб кириб босқинлар уюштирган бўлсалар, улар энди тўлиқ равишда шаҳарни талон-тарож этишга киришдилар. Шаҳар устига ёндирувчи снарядлар уч кун давомида тўплардан отиб турилди. Эргаш Қўрбоши йигитлари билан большевик аскарлари ўртасида бўлган қақшатқич жангда устунлик яхши қуролланган қизил гвардиячилар томонида бўлди. Натижада мухторият қўшинининг тирик қолган қисми Эргаш бошчилигида шаҳарни тарк этди. Шундай қилиб, 1918 йил 19 фев-

---

1.Қаранг: Мустафо Чўқай ўғли. Истиқлол жаллодлари (1917 йил хотиралари). 49-50-бетлар.

ралда (эски ҳисоб билан 6 февралда) Қўқон шаҳрида фаолият кўрсатаётган Туркистон мухторияти ҳукумати большевикларнинг қонли ҳужумлари натижасида ағдариб ташланди. Афсуски, ҳукумат ағдарилгач ҳам Қўқон ва унинг атрофларидаги тинч аҳолини талаш ва ўлдириш баттар авжига чиқди. Фақат Қўқоннинг ўзида уч кун давомида 10.000 киши ўлдирилди[1]. Собиқ хонлик пойтахти бўлган Қўқон шаҳри буткул вайронага айлантирилди.

"Улуғ Туркистон" газетаси чуқур қайғу билан хабар берганидек, 20(7) февралга ўтар кечаси "Эски Хўқанд ўт денгизидан хароб бўлиб, ғоят даҳшатли манзара ҳосил бўлғон... 20 (7) февраль Хўқанд тарихининг энг даҳшатли куни эди. Арманилар айрича "фаолият" кўрсатганлар. Эски шаҳардаги ҳамма магазинлар, савдо фирмалари, банклар ҳам озми-кўпми яхшироқ кўринган хусусий квартираларнинг ҳаммаси таланғон... 21 (8) февралда таловлар давом этган, эски шаҳринда ва ҳам янги шаҳринда бир текис талағонлар"[2]. Газетадаги ушбу мақола "Хўқанд ҳозир ўликлар шаҳри" деган даҳшатли хабар билан тугайди.

Қонли хунрезликни кўрган Қўқон эски шаҳари ва яқин атрофдан келган мусулмон делегациялари большевиклардан музокаралар бошлашни илтимос қилишди. 22 (9) февралда Қўқон шаҳридаги Рус-Осиё банки биносида большевиклар томонидан тайёрланган "Тинчлик шартномаси" имзоланди. Ушбу шартноманинг иккинчи моддасида: "Аҳоли Ўлка Халқ Комиссарлари Совети ҳокимияти ва барча маҳаллий совет ташки-

---

1. Таққослаш учун қаранг: Мамагдиев Ш.П. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. Ташкент "Фан", 1961. С.55-56б; Тоҳир Каххор. Хур Туркистон учун. Тошкент, "Чўлпон", 1994, 80-бет.
2. Қаранг: Хўқанд фожеаси // Саодат, 1992, N12, 15-бет.

лотларини тан олади". - деб ёзилган эди[1]. Ҳа, ўққа тутилган, ўлдирилган, таланган ва таҳқир этилган қўқонликларнинг тирик қолган қисми совет ҳокимиятини тан олишга мажбур бўлди.

Совет тарихчиси М.Цвибакнинг қуйидаги эътирофи бу фикр асосли эканлигини тасдиқлайди: "Навбатдаги босқич Қўқон мухторияти бўлди. Фақатгина мухторият ҳукумати йўқ қилингандан кейин Ўрта Осиё советлаштирилди"[2].

Шундай қилиб, Туркистоннинг туб жой аҳолиси учун мутлақо ёт бўлган совет ҳокимияти зўравонлик билан тан олдирилди. Туркистон мухторияти ҳукумати атиги уч ойча мавжуд бўлган бўлса ҳам, у эрксевар халқимизни миллий мустақиллик ва истиқлол учун курашга даъват этиб кетди. 1918 йилнинг эрта баҳорида аввал Фарғона водийсида, сўнгра бутун Туркистонда кўтарилган И С Т И Қ Л О Л-Ч И Л И К Ҳ А Р А К А Т И[3] (совет тарих фанида босмачилик деб нотўғри талқин қилинган) айнан Қўқон фожиаларидан кейин бошланганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Марказдаги большевиклар ҳукумати чекка ўлкалар, шу жумладан, Туркистонда ҳам "советча асосдаги автономия" (мухторият) ўрнатишга қаттиқ киришди. Бу ишни бажариш учун Москвадан кўплаб партия ва совет ходимлари Туркистон ўлкасига юборилди. Ленинниng буйруғи билан большевик П.А. Кобозев Ўрта Осиёнинг фавқулодда комиссари

---

1. Алексеенко П. Кокандская автономия. С. 70.

2. Цвибак М.Классовая борьба в Туркестане. //Историк-марксист, Москва, 1929, Т. II. С.142-143бетлар.

3. Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракати Қ.Раҳабовнинг диссертацион тадқиқоти ва бошқа илмий мақолаларида атрофлича ва холис ёритилганлиги учун биз бу мавзуга алоҳида тўхтаб ўтирмадик. Бу ҳақда батафсил қаранг: Раджабов К.К. Истиклолчилик харакати в Ферганской долине: Сущность и основные этапы развития (1918-1924гг.) Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата исторических наук. Ташкент, 1995, 32 С.

қилиб жўнатилди. 1918 йил апрель ойининг бошларида Кобозев Тошкентга етиб келди ва 10 апрелда у Туркистон ўлкасини бошқаришга киришганлигини эълон қилди"[1]. Кобозев амалда бутун Туркистондаги ҳокимият жиловини ўз қўлида маҳкам тутиб турди.

1918 йил 20 апрел -1 майда Тошкентда Туркистон ишчи, солдат, крестьян, мусулмон ва деҳқон депутатлари Советларининг V Ўлка съезди бўлиб ўтди. 22 апрелда съезд Москвадан Ленин ва Сталин имзолари қўйилган телеграммани олди. Ушбу телеграммада большевиклар ҳукуматининг раҳбарлари Туркистонга "советча асосдаги автономия" инъом қилишларини баён қилишган эди. Телеграмма ушбу сўзлар билан бошланади: "Халқ Комиссарлари Совети ўлкангизнинг Совет тартиблари асосида автономия бўлишини қўллаб-қувватлайди, бунга кўнглингиз тўқ бўлсин; ...сизлар бутун ўлкада Советларнинг кенг тармоғини вужудга келтирасиз, мавжуд советлар билан тўла ҳамкорликда иш олиб борасиз"[2].

Съезд делегатлари Ленин ва Сталиннинг кўрсатмаси асосида 30 апрелда "Россия Совет федерациясининг Туркистон Совет Республикаси ҳақидаги Низом"ни қабул қилдилар. Ушбу Низом Туркистонда автоном республика тузилганлигини эълон қилди.

Низомнинг дастлабки 2 моддаси қуйидагича кўринишда эди:

"1. Туркистон ўлкасининг ҳудуди Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси деб эълон қилинади.[3] Туркистон республикасининг таркибига бутун Туркистон мамлакатининг Хива ва Бу-

---

1. Ўзбекистон ИДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 35-иш, 214-варақ.
2. В.И.Ленин Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида, 318-бет.
3. Афсуски, жуда кўп тарихчилар низомдаги ушбу сўзларга эътибор бермай, 1918 йил 30 апрелда Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (Турк АССР) тузилди деб ёзадилар. Аслида эса Т С Р Р С Ф тузилган эди. Биз ушбу тадқиқотда қулай бўлганлиги учун Туркистон республикаси атамасини ишлатдик.

хородан ташқари, ҳозирги жуғрофий чегараси доирасидаги ҳамма ҳудуд киради.

2. Туркистон Совет Федератив Республикаси автоном тарзда бошқарилади, Россия Совет федерацияси марказий ҳукуматини тан олади ва ўз фаолиятини у билан мувофиқлаштиради"[1].

Низомда яна "Туркистон Федератив Республикасининг қонун чиқарувчи олий орган-ишчи, солдат, крестьян ва мусулмон деҳқон депутатлари Советларининг съездидир"; қонун чиқарувчи доимий олий орган Марказий Ижроия Комитетидир; ижро қилувчи ҳокимият ва ўлкани бошқариш Халқ Комиссарлари Совети қўлида бўлади; жойларда ҳокимият маҳаллий Советларга ва уларнинг ижроия комитетларига тегишлидир, деб кўрсатилган эди[2].

Съезд Совет Туркистонининг қонун чиқарувчи олий органи - 36 кишидан иборат (18 тадан большевик ва сўл эсерлар кирган) Марказий Ижроия Комитетини сайлади. Туркистон МИК раиси қилиб Марказдаги ҳукуматнинг фавқулодда комиссари П.А. Кобозев (ҳамраис қилиб А.Солькин) сайланди[3]. Шунингдек, Туркистон Халқ Комиссарлари Совети таркибига 16 та киши (9та большевик ва 7 та сўл эсер) киритилди. Ф.Колесов Туркистон Х К С раиси қилиб сайланди[4]. Биринчи марта маҳаллий миллат вакилларидан 4 киши: С.Жўрабоев, С.Юсупов, Ш. Остонбоев, С.А.Азимбоев республика Марказий Ижроия Комитетига сайланди[5]. С.Турсунхўжаев (соғлиқни сақлаш халқ комиссари) ва

---

1. Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т.II, С.251.
2. Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т.II, С.252.
3. Ўзбекистон МДА, 17-Фонд, 1-рўйхат, 1- иш, 1-7-в., 2-рўйхат, 1 - иш, 157-167-варақ.
4. Туркистон МИК ва ХКС таркибини таққослаш учун қаранг: Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Т.1. Май 1918г. - сентябрь 1919 г. Документы и материалы. Алма-Ата, 1963, С.26-27; Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т.II, С. 252-253б.
5. Айрим адабиётларда МИК таркибига маҳаллий миллат вакилларидан 11 киши сайланди деб *нотўғри кўрсатилган. Бу ҳақда қаранг:* Хасанов М. Туркистон мухторияти. ҳақиқат ва уйдирма // Фан ва турмуш. 1990, N 11, 7 бет.

С.Ашурхўжаев (Миллий ишлар Халқ Комиссари) - туб миллатларнинг дастлабки вакиллари сифатида ҳукумат таркибига киритилди. Шунингдек, татарлардан Исмоил Габитов ички ишлар ва Ҳ.Иброҳимов адлия халқ комиссарлари қилиб сайланди.

Афсуски, "советча асосдаги автономия" табиатан миллий мухторият бўлмай, балки ҳудудий бир автономия эди. Бунинг устига ушбу "мухторият" самараларидан биринчи галда ўлкадаги европали аҳолининг асосан пролетар қисми баҳраманд бўлди.

Туркистон Советларининг V съездида Туркистондаги мавжуд аҳволга тўғри баҳо беришга интилганлар ҳам бўлган эди. Масалан, делегат Гаврилов ўз нутқида большевикларга қарата шундай мурожаат қилади: "Агар халқнинг тинчлигини сақлай олсангиз - биз сиз томондамиз, агар бародаркушлик урушини тўхтата олсангиз - биз сиз томондамиз, агар ўзингизнинг бунёдкорлик фаолиятингизни кўрсата олсангиз - биз сиз томондамиз! Бўлмаса,...". Залнинг большевиклар ўтирган томонидан "Йўқолсин аксил инқилобчи, йўқолсин сотқин!" деган овозлар эшитилаётганда Тоболин нотиққа шундай жавоб беради: "Кимки биз билан бўлмаса, у бизга қаршидир! Бизни тушунишни истамаганларга рус инқилоби шафқатсиз муносабатда бўлади. Бундай кишиларга бизнинг орамизда ўрин йўқ!"[1]

Тоболин лукмасида большевиклар партиясининг ўзак масалалари яққол кўриниб турибди. Бундай ошкора дағдағадан хавотирланган Марказнинг вакили Кобозев съездаги нутқида большевикча сиёсатни ниқоблашга уринади: "Социализмда диктатурага ўрин йўқ. Ҳозир мав-

---

1. Ўзбекистон МДА. 17 - фонд. 1 - рўйхат. 1- иш. 1 - варақ.

жуд бўлган пролетариат диктатураси бор-йўғи социализмга ўтиш даври учун хос ҳодиса"[1].

1918 йил 17-25 июнда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Туркистон большевикларининг ўлка конференцияси Туркистон коммунист-большевиклар партиясининг I съезди деб номланди. Ўлкадаги коммунистик гуруҳлар ушбу съездда илк марта ташкилий жиҳатдан расмийлашиб, Туркистон Компартиясига (РКП (б) таркибида) асос солдилар. Съездда И.Тоболин раислигида 7 кишидан иборат Марказий комитет сайланди[2]. Марказком таркибига маҳаллий коммунистлардан Низомиддин Хўжаев ҳам киритилди.

Туркистон Инқилобий трибуналининг раиси К.Сорокин марказнинг ғоявий раҳнамолигини ушбу съездда сўзлаган нутқида алоҳида таъкидлади. Съезд ишига раҳбарлик қилган В.Вотинцев ("Наша газета" муҳаррири) бўлса партиявий марказ-Марказий Комитетнинг фаолиятини қуйидагича кўрсатиб берди: "Партиявий марказ олдида ҳамма аъзолар маъсул бўлиши шарт. Унинг қарорлари партия аъзолари учун темир қонун бўлиши керак. У бизнинг пўлатдек кучли интизомимизнинг ифодачиси бўлиши ва унга диктаторлик ваколатлари берилиши лозим"[3].

"Темир қонун", "пўлатдек кучли интизом", "диктаторлик ваколатлари" каби синфий хислатларни ўзида жамлаштирган Туркистон Компартияси РКП (б) га бўйсунар эди. Кремл большевиклари берган ҳар қандай топшириқ қулоқ қоқмай ижро қилиниши оқибатида Туркистон минтақасини Россияга сиёсий ва иқтисодий қарамлиги мустаҳкам асосда йўлга қўйилди.

---

1. Ўзбекистон МДА, 17 - фонд, 1 - рўйхат, 1 - иш, 2 - варақ.
2. Резолюции и постоновления съездов Коммунистической партии Туркестана (1918-1924 г.). Ташкент, "Узбекистан", 1968, С.14.
3. Материалы и документы съезда Компартии Туркестана, Сост Антропов П, под. ред. Алексеинова П.А., Ташкент, Средазпартиздат, 1934, с. 47.

Туркистон большевикларининг анжуманида қабул қилинган қарорлар ўлканинг кейинги тақдирида ўта салбий рол ўйнади. Масалан, Қўқондаги мухторият ҳукуматини тугатишда "жонбозлик" қилган арман дашноқларининг йўлбошчиси съездда илиқ кутиб олинди. Тоболиннинг айтишича, коммунистлар оғир вазиятларда "Дашноқ " партиясининг ёрдамига суянишган эди[1]. Большевиклар томонидан "Совет Туркистони"га айлантирилган минтақада ҳокимиятнинг сиёсий марказлаштириш борасидаги ҳаракати кучайди. Туркистонда Марказнинг сиёсий ҳукмронлиги Советлар бошқарув тизими орқали шаклланди ва изчиллик билан амалга оширишга киришилди.

Шундай қилиб, Советларнинг V съезди Туркистонни Россия таркибидаги ўлка сифатида эълон қилиб, давлат бошқаруви ва халқ хўжалиги соҳасидаги сиёсатини Марказдаги совет ҳукумати белгилашини "қонуний" акт билан муҳрлаган бўлса, Туркистон большевикларининг I съезди ҳам Россиянинг партиявий, ғоявий ва назарий ҳукумронлигини тан олиб, шимолдаги бу давлат қўл остида бўлишини ёқлаб чиқдилар.

1918 йилнинг иккинчи ярмида Туркистондаги совет ҳокимияти, аслини айтганда, қил устида туриб қолди. Фарғона водийсида бошланган истиқлолчилик ҳаракати бутун Туркистонни қамраб олган эди. Лекин большевиклар ташвиқоти рўй бераётган ҳодисаларнинг асл моҳиятини ўлка аҳолисига бузиб кўрсатарди. Оқибатда маҳаллий аҳолининг бир қисми совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун бўлаётган курашга тортилди. Совет жамияти миллий ўлкаларда ўз сиёсатини амалга оширувчи ижрочиларга муҳтож эди.

---

1. Материалы и документы I съезда КПТ; Ташкент, Средазпартиздат, 1934 С. 41; Наша газета, 22 июня 1918 г.

1918 йил 5-14 октябрда бўлган Туркистон республикаси Советларининг фавқулодда VI съезди ғоявий курашлар жараёнида кечди[1]. Назарий ва сиёсий жиҳатдан етилмаган, чала савод бўлган компартия етакчилари ва комиссарлар ҳокимияти учун бўлаётган курашда ўзларининг шовинистик кайфияти ва манманликларини яққол кўрсатдилар. Съездда етакчи лавозимлардан четлатилган И.Тоболин ва Ф.Колесов -"эски коммунистлар" гуруҳи билан Марказдан келган ходимлар -"ёш коммунистлар" гуруҳи ўртасида қаттиқ кураш авж олиб кетди. Улуғ давлатчилик сиёсати ва шовинизмнинг ашаддий тарафдори бўлган Тоболин съездда ўз фикрларини қуйидагича баён қилган эди: "Туркистонда инқилобни мен амалга оширдим. Сизларни большевик қилган ҳам мен. Сизларга бўйсунишни истамайман"[2].

Узоқ тортишувлардан кейин, низони бартараф қилиш мақсадида Тоболин вақтинчалик М И К составидан ва Колесов Х К С таркибидан чиқарилди. Лекин ушбу можаро кейинчалик съезд доирасидан чиқиб кетиб, Туркистон республикасидаги сиёсий вазиятни ҳам кескинлаштириб юборди. Чунки бу пайтда ўлкадаги сиёсий ва иқтисодий аҳвол ўта қалтис эди. Шундай аҳволда низо армия қисмларига ҳам ўтиб кетди. Пировардида, Туркистон коммунистларининг II съездида бу масала махсус муҳокама қилинди.

Советларнинг VI съездида янги таркибдаги Туркистон М.И.К. (раиси В. Вотинцев) ва Х К С (раиси В.Фигельский) сайланди. "Туркистонда ҳукумат биринчи марта нукул коммунистлардан тузилди"[3].

---

1. Қаранг: Ўзбекистон МДА. 17-фонд. 1-рўйхат. 40-иш. 175-в; 39-фонд. 1 рўйхат. 220 - иш. 9-в.

2. Антропов Т. 2-ой краевой съезд РКП(б) в Туркестанской республике. //Революция в Средней Азии Сборник №2. Ташкент. 1929. С. 27-28.

3. Ўрта Осиё коммунистик ташкилотларининг тарихи. 329-бет.

Советларнинг фавқулодда VI съездида (Россия Социалистик Совет Федерациясининг) Туркистон республикаси Конституцияси қабул қилинди[1]. А.Ф. Солькин нутқида Конституция комиссиясининг иш "фаолияти" ҳақидаги очиқ ҳақиқатни айтишга мажбур бўлган эди: "Советларнинг V съездида Туркистон республикаси Конституциясини яратиш учун тузилган комиссия ҳеч қандай иш қилмади. Қачонки телеграф орқали Бутунроссия Конституцияси олингач, Туркистон Республикаси Конституциясининг асосий қоидалари ишлаб чиқилди"[2].

Туркистон республикаси Конституцияси биринчи марта Россия Федерацияси билан Туркистон Республикаси ўртасидаги ҳуқуқ ва ваколатларни белгилади. Конституциясининг 3-бўлим 7-боб 3-параграфи иловасида ёзилишича, мудофаа, ташқи алоқалар, почта-телеграф, денгиз ишлари, темир йўллар, божхона, савдо-сотиқ, саноат ва молия масалалари федерал ҳукумат бошқарувида қолдирилди[3].

Туркистон совет республикасининг биринчи Конституциясини тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнида жиддий хатоликларга йўл қўйилди. "Конституцияда, биринчидан, давлатнинг миллатларга бўлган муносабати тўғрисида гапирилмади; иккинчидан, Конституция рус тилида нашр қилинди ва умумхалқ эътиборига шундай ҳавола қилинди"[4].

Туркистон ўлкаси Мусулмонлар бюроси раиси Турор Рисқулов ҳам

1.Конституция матни асл нусхада айнан шундай номланади. Лекин тадқиқотчилар ҳозиргача уни Туркистон АССР (Т.А.С.С.Р.) Конституцияси деб атамоқда.

2. Ўзбекистон МДА. 17-фонд. 1-рўйхат. 4-иш,...

3. Бир -бирига таққослаш учун қаранг: Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т.II, С.519; Хакимов Н.А., Серый Я.И. Борьба большевиков за создание национальной советской государственности в Туркестане. Ташкент, "Ўзбекистон", 1964, С.121-124.

4. Камилов А.А. Деятельность народного комиссариата по национальным делам Туркестанской АСР по решению национальных проблем в Туркестане. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата исторических наук. Андижон, 1993, С.17.

кейинчалик бу ҳақда сўзлаб, "Туркистоннинг Конституцияси Россияникидан кўчириб олинган ва уни жиддий ўзгартиришга тўғри келади", - деб очиқ равишда айтган эди.

Шундай қилиб, Россиянинг Туркистондаги сиёсий ҳукмронлиги, биринчидан, ўлкада советча асосдаги автономиянинг ўрнатилиши билан йўлга қўйилган бўлса, бу жараённинг иккинчи босқичи, давлат бошқаруви асосий функцияларининг федерал ҳукуматга топширилишини конституция йўли билан "қонуний" расмийлаштирилиши бўлди.

Россия Туркистоннинг сиёсий ва иқтисодий қарамлигини ҳуқуқий йўл билан "қонуний" жиҳатдан мустаҳкамлагач, ўлкани бошқариш учун Марказ манфаатларининг сўзсиз ижрочиси бўлган ўз эмиссарларини жўната бошлади. Туркистон Марказ билан вақтинчалик боғланиб турган қисқа муддат ичида (1919 йил январ -апрел) Кремл ҳукумати бу ерга "тажрибали партия ва совет ходимлари"дан иборат ана шундай эмиссарлар юборишни мунтазам йўлга қўйди.

1919 йил 12 февралда "РКП (б) МК ва РСФСР Х К Сининг Туркистон ишлари билан шуғулланувчи алоҳида муваққат комиссияси тузилди. Ш.Э.Элиава раислик қилган бу комиссияга А.С.Киселёв ва П.А. Кобозев киришган эди.[1]

Муваққат Туркомиссиянинг вазифалари РКП (б) МК кўрсатмаси билан миллатлар ишлари халқ комиссари И.В. Сталин томонидан 12 февралда ёзилган "Туркистондаги Советлар ва партия ташкилотларига" махсус хат ва "Правда" да 2 мартда босилган "Бизнинг Шарқдаги вазифаларимиз" номли мақолада батафсил баён қилинди. РКП (б) М К Пленумда (17 мартда бўлган) муваққат Туркомиссия таркибига қў-

---

1. Ўзбекистон ССР тарихи. Бош муҳаррир И.М. Мўминов.Т.III. Тошкент. "Фан",1971. 192-193-бетлар.

шимча равишда Ф.И. Голошчекин ва Г.И. Бокийлар киритилди[1]. Лекин комиссия аъзоларидан фақат П.Кобозев бошчилигидаги бир гуруҳ ходимлар 4 март куни Тошкентга етиб келишди, холос. Комиссия Тошкентда бўлган Осипов исёни (1919 йил январдаги) натижасида деярли раҳбариятсиз қолган Туркистон республикасида бутун бошқарувни ўз қўлига олиши , ўлкада Россия ҳукуматининг декрет ва қарорлари сўзсиз бажарилишини қатъий назорат қилиши керак эди.

Туркистон республикаси Советларининг Фавқулодда VII съездида(7-31.III-1919) унинг президиуми раиси этиб сайланган П.А.Кобозев (муваққат Туркомиссия аъзоси) шундай даъво қилган эди: "РСФСР ҳукуматининг қабул қилган ҳар бир қонуни Турк М И К томонидан Туркистонда амалга оширилиши шарт"[2]. Ушбу съездда нутқ сўзлаган Солькин ўлкадаги ҳақиқий аҳволни эса қуйидагича шарҳлайди: "Биз Туркистон ўлкасида энг юқори орган сифатида ўзимиз амалга ошираётган хато ва жиноятларни ишчиларга кўрсатишимиз керак. Бу жиноятлар аксилинқилобчилар ва оқгвардиячилар қилаётган жиноятлардан қолишмайди...Ишчилар ўзларини барча халқ бойликларининг хўжайини деб билишади, ўзларини ҳаммага ва ҳамма нарсага бошлиқдек ҳис қилишади. Улар 8 соатлик иш кунида 4 соат ишлашади. Совет ҳокимияти учун жон фидо қилишга тайёр қизил армия эса босқинчилик билан шуғулланмоқда".[3]

Маълумки, Советларнинг V ўлка съездида (1918 йил апрел) С.Ашурхўжаев бошчилигида Миллий ишлар халқ комиссарлиги тузилган

---

1. Гражданская война и военная интервенция в СССР. Энцикло-педия. Москва, "Советская Энциклопедия", 1987, С.608.

2. Назаров М.Актуальные и малоизученные проблемы борьбы КПТ с оппозиционными группами. // Историография, источниковедения истории Компартии Туркестана. Ташкент. "Узбекистан", 1989 с 37.

3. Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 20-иш, 33-варақ.

эди. 1918 йил 10 августда бўлса комиссарлик тўғрисида махсус низом қабул қилинди. Миллий ишлар халқ комиссарлигида статистика, ташкилий-ташвиқот ва маданий-оқартув бўлимлари ташкил қилинди[1].

Бироқ Турк республика ҳукумати аъзоларидан Казаков[2], Успенский, Солькин ТуркМИК ҳузуридаги миллий ишлар секциясини тарқатиб юборишини сўраб Советларнинг VII съездига лойиҳа тақдим қилдилар. Шовинистик ва улуғдавлатчилик кайфиятларидан қутулолмаган бу комиссарлар мазкур секциянинг "миллатчиликнинг бир кўриниши сифатида баҳоладилар"[3].

Миллий масаладаги мураккаб вазиятни ҳисобга олган РКП(б) МК 1919 йил 3 июлда "Ҳокимиятга мутаносиб вакиллик тўғрисида" деган қарорини қабул қилишга мажбур бўлди. Қарорда Туркистон туб аҳолисининг партияга мансублиги шарт қилиб қўйилмасдан, уни мутаносиб равишда давлат қурилиш ишларига кенг жалб қилиш зарур деб кўрсатилди. Шунингдек, унда маҳаллий аҳолининг мол-мулкини реквизиция қилишни тўхтатиш вазифаси ҳам қўйилган эди. Бироқ Туркистон республикасидаги мустамлакачи коммунистлар 20 июлда бўлган ўз йиғилишларида радиограмма орқали олинган бу қарорни эълон қилмаслик, ҳатто митингларни таъқиқлаш тўғрисида келишиб олдилар. Лекин радиограмма ошкор бўлгач, шов-шув кўтарилди ва бу қарорни эълон қилишга мажбур бўлдилар.

---

1. Ўзбекистон МДА, 36-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 86-87-варақлар.

2. А.Казаков Тошкентдаги Осипов исёнидан сўнг амалда Туркреспубликасининг раҳбарига айланган эди. У билан Кобозев ўртасида ҳокимият учун кескин кураш давом этар эди. 1919 йил январ ойининг охирида Муваққат Реввоенсоветнинг раиси бўлган Казаков Советларнинг умбу фавкулодда VII съездида Туркистон МИК раиси қилиб ҳам сайланди. Успенский унинг ўринбосари бўлди. Бу съездда К.Сорокин Туркистон Х К С раиси қилиб тайинланди.

3. Назаров М. Туркистон интервенция ва гражданлар уруши даврида Тошкент, Ўздавнашр, 1961, 74-бет.

Туркистон Компартиясининг 1919 йил сентябр - октябр ойларида бўлган IV съездида радиограмма муҳокамасида сўзга чиққан Т.Рискулов Совет ҳокимияти йўл қўяётган жиноятни, зўравонлик ва мустамлакачилик кўринишларини кескин танқид қилади. Туркистондаги совет режими ва большевикча сиёсатнинг асосий тамойиллари қандай амалга оширилаётганлиги ҳамда ўлкадаги туб аҳолига бўлган муносабатни очиб беради[1].

Афсуски, Туркистон Советларининг VIII съездида (6-IX-4-X 1919 й) ҳам бундай кайфиятларга бутунлай барҳам берилмади. Съездда "кераксиз ва фойдасиз ташкилот сифатида" Миллий ишлар халқ комиссарлигини тугатиш ҳақида қарор қабул қилинди. Мустамлакачилик оғуси билан заҳарланган Казаков гуруҳи съездда номигагина тафтиш қилинди, холос.[2] Кескин тортишувлардан кейин ноилож қолингач; "мутаносиб вакиллик" ҳақидаги РКП(б) МК кўрсатмасини амалга оширишга қарор қилинди. Съезд Туркистон республикаси Х К С ини тугатиб, унинг ўрнига уч совет: Мудофаа, Иқтисодий ҳамда Маданият ва маориф кенгашлари тузишга қарор қилди. Бу жиддий хато орадан анча вақт ўтгач тузатилди[3].

Ўлка Советлари VIII сеъздининг иқтисодий секцияси: "Туркистондаги иқтисодий сиёсат марказдаги иқтисодий сиёсат билан ҳамо-

---

1. Қаранг: Мусбюро РКП(б) в Туркестане. 1.2. и 3-Туркестанские Краевые Конференции РКП 1919-1920гг. С введением товарища Рискулова. Ташкент. Туркгосиздат. 1922. С.54-60.

2. Советларнинг VIII съездида Казаков бошчилигидаги Туркреспублика раҳбарлари билан Марказдан келган Кобозев ўртасидаги кураш авжига чикди. Аслида коммунистларнинг ҳокимият учун бўлган ўзаро талашида П.Кобозев зўрга голиб чиқишга муваффақ бўлди. Туркистон ИИК Президиумидаги Успенский гуруҳи тугатилди. Бу гуруҳ Казаков билан биргаликда туб халқларга қарши шовинистик муносабатини ошкора равишда намойиш қилган эди. VIII съездида Казаков ўрнига И.Апин Туркистон ИИК раиси қилиб сайланди.

3. 1920 йил 25 февралда Туркистон республикаси Х К С қайтадан таъсис этилиб. Совнарком раиси қилиб Я.З. Рудзутак тайинланди.

ҳанг ҳолда олиб борилиши керак ҳамда бу сиёсатнинг бош вазифаси кўпроқ хомашё ишлаб чиқариб, Марказга жўнатишдан иборат",-деб резолюция қабул қилди[1]. Бундай йўл-йўриқ ва тадбирлар Туркистонни Совет Россиясининг бой хомашё базаси сифатида қолаверишини тасдиқлар эди, холос.

Туркистондаги советча режим ҳақида С. Гинзбург айтган ушбу фикр аҳамиятлидир: "Амалда совет ҳокимияти рус жамиятининг мустамлакачи қисми қўлига ўтиб қолди ва улар очиқ қуролли талончилик сиёсатини олиб боришди. Ҳукуматнинг реквизиция, конфискация ва шунга ўхшаш актлари деҳқонлар кўзига чоризм сиёсатидан ҳам ёмонроқ бўлиб кўринди"[2].

Архивда мавжуд ўша даврга оид кўплаб расмий ҳужжатлар ҳам бу фикрлар тўғри эканлигини тасдиқлайди. Масалан, Ички ишлар халқ комиссарлигига жўнатилган "Туркистон республикасида совет ҳокимиятининг умумий аҳволи тўғрисида"ги хабарномалардан бирида қуйидаги сўзлар бор: "Шуни очиқ айтиш керакки, жойларда совет ҳокимияти ҳам, совет аппарати ҳам йўқ. Унинг ўрнига тўлиқ тушунмовчиликлар борки, бунинг натижасида маҳаллий аҳолида советларга ишончсизлик ва душманлик кайфиятлари пайдо бўлмоқда"[3]. "Ҳокимиятнинг маҳаллий органлари ҳақида"ги бошқа хабарномада эса бундай дейилади: "Кўпчилик директива ва буйруқлар ҳаётга зўравонлик, баъзида репрессия йўли билан амалга оширилди"[4].

Хусусан, солиқ йиғувчи отрядлар маҳаллий аҳолини тинимсиз талаш билан шуғулланди. Уларнинг асосий "ҳунари" мислсиз зўравон-

---

1. Зоҳидов Т. Ватан ҳимоячилари // Турон тарихи. Тўплам. №1. 1992, 15-бет.
2. Гинзбург С.Босмачество в Фергане, С.131-132.
3. Ўзбекистон МДА. 39-фонд, 1-рўйхат, 450-иш, 30-варақ.
4. Ўзбекистон МДА. 39-фонд, 1-рўйхат, 450-иш, 31-варақ.

лик, ҳунрезлик ва босқинчилик эди. Самарқанд вилоятидаги Фалгар қишлоғида солиқ йиғувчи отряд қишлоқ ижроия қўмитаси раиси ва бир неча кишиларни отиб ташлагач, бу ерда яшовчи бутун аҳолининг мол-мулкини тортиб олади. Воқеа баён қилинган ҳужжатда худди шундай дейилади: "Фалгарликлар Совет ҳокимиятига содиқ кишилар отиб ташланганлигини кўриб, совет ҳокимиятидан норози эканликларини очиқ айта бошлашди. Фалгарликлар бундай адолатсизликни Ҳамид "босмачи" ҳам қилмаслигини, агар Совет ҳокимияти шундай сиёсат юргизса, уларда бир неча ойдан кейин ҳеч вақо қолмаслигини галиришмоқда"[1]. Бундай ҳодисалар бутун Туркистон республикаси учун одатий ҳол саналиб, зўрланган ва таҳқирланган, отилган ва осилган, лекин руҳан чўкмаган миллатнинг фожиасини янада яққолроқ кўрсатади.

Туркистон ўт-олов ичида ёнаётган бир пайтда - 1919 йил 8 октябрда В.И.Ленин Бутун Россия М И К ва РСФСР Х К С ининг Туркистон ишлари бўйича комиссияни (қисқача Туркомиссия) Ш.З. Элиава (раис), М.В.Фрунзе, В.В.Куйбишев (раис муовини), Г.И.Бокий, Ф.И. Голошчекин, Я.Э.Рудзутакдан иборат таркибда тузиш тўғрисидаги қарорни имзолади[2]. 1919 йил 4 ноябрда Элиава, Куйбишев, Голошчекин, Рудзутакдан иборат таркибидаги Туркомиссия Тошкентга етиб келди[3]. Фрунзе ва Бокий бирмунча вақт Самарада ушланиб қолиб, сўнгра Тошкентга келишди[4]. Олдиндан шуни таъкидлаш ўринлики, Туркистон

---

1. Ўзбекистон МДА. 39-фонд, 2-рўйхат, 19-иш, 145-варақ.
2. В.И. Ленин Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида, 539-540-бетлар.
3. Акрамов А., Авлиякулов К. В.И.Ленин, Туркомиссия и укрепления Советской власти в Средней Азии. Ташкент, "Ўзбекистон", 1991. С.48-49.
4. Туркомиссия РКП(б) МКининг 1922 йил 16 августдаги қарорига мувофиқ 1923 йил мартда ўз фаолиятини тўхтатди.

комиссияси амалда минтақадаги барча партия, совет, хўжалик ва ҳарбий ташкилотларга раҳбарлик қилиб, *Марказдаги большевикча сиё*сатни қатъий равишда амалга оширишга киришди. Туркомиссия ўлкамиз тарихида ўта машъум рол ўйнади[1].

Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилиши ва ўлкада пролетариат диктатурасининг амал қилишидан келиб чиққан зиддиятли масалалардан бири бу-кадрлар масаласи эди. Октябр тўнтаришидан кейин кадрлар масаласида икки катта хатога йўл қўйилди. Биринчидан, давлат қурилиши ва давлатни бошқарув ишларидан маҳаллий миллат вакиллари четлаштирилди; иккинчидан, кадрларни танлашда саводлилик даражаси ва касбий маҳорат инобатга олинмади. Масалан, Туркистон ўлкаси Х К С ининг биринчи таркибига кирган 15 киши мутахассислигига кўра қуйидаги соҳа вакиллари эди:" 4 ишчи, 2 ўқитувчи, 2 врач, 2 ҳарбий киши (лекин офицер эмас), биттадан нотариус, котиб, чизмачи, табелчи ва темир йўл техниги"[2].

Натижада Туркистондаги давлат ва партия раҳбарлари билимининг саёзлиги, коммунистларнинг ўлкани бошқаришга тайёр эмаслиги жиддий оқибатларни келтириб чиқарди. Тарихчи А.Головановнинг ёзишича, шундай катта ўлка Х К С раиси - Ф.Колесов ўтмишда чизмачи, Туркистон коммунистларининг етакчиси ва Туркистон М И К Муваққат раиси - И.Тоболин ўртача савиядаги ҳуқуқшунос, ҳарбий комиссар Е.Перфильев кучер бўлишган эди[3].

---

1. Туркомиссиянинг "фаолият" ҳақида ушбу тадқиқотнинг 1, - боби 3-параграфида батафсил тўхталб ўтамиз.

2. Маликов М.Г. Революционно-демократической блок большевиков и левых эсеров Туркестана в Октябрской революции //Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, преспективы изучения. С.121.

3. Голованов А.А.Крестьянство Узбекистана: Эволюции социального положения 1917-1937гг. Ташкент, "Фан", 1992, С.31.

Туркистонда Совет ҳокимияти қурила бориши билан ижтимоий муносабатдаги зиддиятлар кучайди. Бошқарув аппаратида таркиб топган катта бюрократик механизм дард устига чипқон бўлди. Туркистон Республикаси "халқ" комиссарликларида кучли бюрократия авж олиб кетди[1]. Бугунги кунгача асорати сақланиб қолган советча бюрократиянинг табиатини атоқли рус файласуфи Н. А. Бердяев шундай изоҳлайди: "Пролетариат диктатураси давлат ҳокимиятини кучайтирар экан, бутун мамлакатни ўргимчак тўри сингари босиб кетган ҳаддан ташқари улкан бюрократияни вужудга келтирди. Бу янги Совет бюрократияси чоризм бюрократиясидан кучли бўлиб, янги имтиёзли кишилар табақасини етиштирдики, улар халқ оммасини шафқатсиз эзиши мумкин" [2].

Шундай қилиб, Туркистонда Совет ҳокимиятининг марказлаштириш сиёсати Туркистон мухторияти ҳукумати тор-мор қилингач, тўлиқ изга тушиб кетган эди. Совет ҳокимияти Туркистонни Россияга бўйсундириш учун Марказнинг ҳар қандай қарор ва декретлари сўзсиз бажарилишини таъминловчи европали большевиклар хизматидан унумли фойдаланди. "Ленин юборган сафдошлар" деб совет тарихшунослигида ҳамду сано ўқилган, бундай большевиклар Тошкентдаги европали коммунистлар билан бир қаторда туриб (ҳокимият учун бўлган курашларни истисно қилганда), минтақада советча режим ўрнатилиши учун туб аҳоли вакилларига қарши кескин кураш олиб бордилар. Москва ҳукумати томонидан ўлкани "совет тартиблари асосида автономия" деб эълон қилишга рухсат берилиши Туркистондаги мустамлакачилик тузуми ўзгармасдан давом этишини аввалдан бошлаб белгилаб берди.

---

1. Қаранг: Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 136-варақ.
2. Бердяев Н.А. Истоки и смысл русского коммунизма, С.105.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистонда Россиянинг сиёсий марказлаштириш сиёсати қуйидагича амалга ошди:

1. Туркистон мухторияти ҳукумати туб миллат вакилларининг ҳақиқий манфаатини ифодалагани ва ўлкада биринчи демократик ҳукумат бўлгани учун ҳам куртаклигидаёқ большевиклар томонидан шафқатсиз равишда тор-мор келтирилди.

2. Марказнинг хоҳиш-иродаси ҳисобга олиниб, "советча асосдаги автономия" эълон қилинди ва совет "мухторияти" ўлка бошқаруви сиёсий негизининг асоси деб белгилаб қўйилди.

3. Марказнинг Туркистонни бошқаришдаги ҳукмронлиги республика Конституциясининг (аслида Россия Конституциясининг сал ўзгарган шакли) қабул қилиниши натижасида "қонуний" йўл билан "ҳуқуқий" жиҳатдан мустаҳкамланди.

4. Советлар тузуми ва большевикча режимга қарши Фарғона водийсида бошланган истиқлолчилик ҳаракати тез орада бутун Туркистон минтақасини қамраб олди ва умумхалқ курашига айланиб кетди.

5. Совет бошқарув аппарати Туркистондаги туб халқларнинг миллий ва диний қадриятларини назар-писанд қилмай ўз ишларини олиб боришди.

6. Туркистонда Россия манфаатларининг устиворлигини таъминлаш учун марказий ва маҳаллий бошқарув органларида асосан европали ходимлар хизмат қилишди.

7. Туркомиссия ўлкадаги бутун ҳокимиятни тўлалигича ўз қўлида тўплаб, фақат марказ манфаатларини амалга оширувчи "давлат ичидаги давлат" функциясини бажарди.

8. Совет ҳокимиятининг Туркистон Республикасида турмушга татбиқ қилган декрет ва қарорлари туб халқларни мустамлакачилик кишанида сақлаб, уларни асоратда тутиб туриш учун хизмат қилди.

1.3§ Марказлаштириш сиёсатига миллий раҳбар ходимларнинг муносабати

Туркистонда совет ҳокимиятининг олиб борган мустамлакачилик сиёсати ва қаттиқ марказлаштириш йўлидаги ҳаракатлари ТССР[1] бошқарув органларида фаолият кўрсатаётган миллий раҳбар ходимларнинг кучли норозилигига сабаб бўлди. Миллий коммунистлар дастлаб "октябр ғоялари"дан ўз халқлари бахт-саодати йўлида фойдаланмоқчи бўлдилар. Лекин улар бу ғояларни Туркистоннинг ўзига хос хусусиятларига мослаштиришга ҳаракат қилган эдилар.

Афсуски , Туркистон тақдири ва унинг бир бутунлиги учун қайғурган бу миллат фидоийларининг ватанпарварлик ҳаракати ўлкадаги европали большевиклар томонидан қаттиқ қаршиликка учради. "Совет ҳокимияти арбоблари"нинг шовинистик сиёсати, миллий ва диний ҳис-туйғуларни таҳқирлаши, туб аҳоли манфаатларини назар-писанд қилмаслиги, бир сўз билан айтганда, совет мустамлакачилик сиёсатини юритиши миллий коммунистларнинг баъзиларини олдинроқ, қолганларини эса кейинроқ большевиклар ҳокимиятидан ҳафсаласи пир бўлишига олиб келди. Миллий коммунистлар эндиликда ўлкадаги большевиклар сиёсатига очиқ равишда қарши чиқа бошладилар.

Миллий раҳбарлардан Туркистон республикасида Турор Рискў-

1.1920 йил 19-24 сентябрда бўлган Туркреспублика Советларининг IX съездида Туркистоннинг янги Конституцияси қабул қилинди. Бу Конституцияга мувофиқ Туркистон Совет Республикаси - ТСР эндиликда Туркистон Совет Социалистик Республикаси - ТССР деб аталадиган бўлди.

лов[1], Қайғусиз Отабоев, Абдулла Раҳимбоев, Санжар Асфандиёров, Назир Тўрақулов[2], Иномжон Хидиралиев, Султонбек Хўжанов[3], Низомиддин Хўжаев[4], Мунаввар Қори Абдурашидхонов[5], Абдулла Авлоний[6], Бухоро ҳалқ республикасида Файзулла Хўжаев[7], Фитрат[8], Абдулқодир Муҳиддинов[9] каби арбоблар миллат ва ватан учун жон фидо қилишга тайёр инсонлар эди. Катта террор йилларида кейинчалик жисмоний жиҳатдан маҳв этилган бу шахслар шароит тақозоси билан Совет ҳокимияти идораларида ишлаб, туб халқларнинг манфаати учун ўз мухолифларига қарши йўлбарсдек олишдилар. Совет ҳокимиятининг дастлабки даври-1918-1920-йилларда уларнинг фаол саъй-ҳаракатлари билан сезиларли натижаларга эришилди.

Туркистондаги миллий раҳбар ходимларни бирлаштиришда хусусан Турор Рисқулов (1894-1938 й.) раҳбарлик қилган ўлка Мусулмонлар бюроси катта рол ўйнади.

Маълумки, маҳаллий миллат вакилларини давлат аппарати ишига

---

1. Т.Рискулов ва унинг фаолияти ҳақида қаранг: Ражабов К.Ленин билан баҳслашганлар //Саодат, 1991, N4, 5-6 б.: Унинг ўзи. Турор Рисқуловнинг таржимаи ҳоли //Саодат, 1992, N3-4, 17-18 б.: N5-6, 8-9 б.

2. Н. Тўрақулов, А. Раҳимбоев, С. Асфандиёров, Қ.Отабоев ва уларнинг фаолияти ҳақида қаранг: Маҳмудов М. Барҳаёт сиймолар. Тошкент,"Ўзбекистон",1991,26-35, 36-52, 53-75, 76-90 бетлар.

3. И.Хидиралиев ва С. Хўжанов ҳақида қаранг: Инқилоб жангчилари. Тошкент, "Ўзбекистон", 1990, 85-98, 52-74 б.

4. Н.Хўжаев ҳақида қаранг: Юсупов Э.Ю.,Зиемов Ш.С. Аср билан бирма-бир. Тошкент, "Ёш гвардия", 1983,54-57 б.

5. У ҳақида қаранг: Холбоев С. Мунаввар Қори //Мулоқот, 1987, N1, 24-25 б.

6. У ҳақида қаранг: Қосимов Б., Абдулла Авлоний. Тошкент, "Ўқитувчи", 1979 й. 56 бет.

7. Ф.Хўжаев ва унинг фаолияти ҳақида қаранг: Ваҳобов М.Ғ. Файзулла Хўжаев //Мангу барҳаёт сиймолар. Тошкент, "Ўзбекистон",1968,385-409 бетлар.

8. Фитрат ва унинг фаолияти ҳақида қаранг: Қулжонов А.,Абдурауф Абдураҳим ўғли Фитрат //Гулистон,1996,N4,30-38 б.

9. А. Муҳиддинов ва унинг фаолияти ҳақида қаранг: Эргашев Б. Отец, сын, внук...//Правда Востока, 11 декабря 1991 года.

жалб этиш масаласи ўлка Советларининг ҳар бир съездида қизғин мунозараларга сабаб бўлса-да, деярли самарасиз тугарди. Ниҳоят, 1919 йил март ойида бўлган Советлар VII фавқулодда съездининг миллий ишлар секциясида бўлган мажлисларда бу масала яна кун тартибига қўйилди. Кескин мунозараларда мусулмон депутатлари совет ҳокимиятининг маҳаллий аҳолига бегоналиги, мусулмонларга ишончсизлик билан қараши, уларни ҳокимият ташкилотларига яқинлаштирмаслигини кескин танқид остига олган эдилар. Туркистон фронтлар ҳалқаси *ичида қолиб, ўлкада истиқлолчилик ҳаракати авж олган, маҳаллий* аҳоли ишончидан маҳрум бўлган ва куч билан омонат сақлаб турилган Совет ҳокимиятининг тақдири ўша пайтда қил устида осилиб турган эди. Секция ўлка партия комитети республиканинг маҳаллий миллат вакиллари орасида етарли даражада иш олиб бормаётганлигини, турли миллатга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тобора кескинлашаётганлигини кўрсатиб ўтди. Секция Туркистон Компартиясининг ўлка комитетига ишончсизлик билдириш тўғрисидаги ўзининг машҳур қарорини қабул килди. Қарорда буюк давлатчилик шовинизми майллари кучаётганлиги, туркистонлик туб ерли аҳоли вакиллари республиканинг юқори органларидаги раҳбарлик ўринларига мутлақо тайинланмаётганлиги таъкидланди.

Лекин съезд иши давомида маҳаллий аҳолига нисбатан бўлган ҳурматсизлик аниқ кўриниб турди. Съезднинг Фарғонадаги аҳвол муҳокама қилинган ёпиқ мажлисида нутқ сўзланган А.Казаков[1] мақтанчоқлик билан шундай деди:

---

1. А.Казаковнинг ушбу съездда Туркистон М И К раиси қилиб сайланганлиги Советларнинг бу анжумани катнашчилари кайфиятининг якқол натижаси бўлиб, бу ҳол съезднинг шовинистик карорларида ҳам ўз аксини топди.

"Сафонов отряди икки ҳафтадан сўнг қатъий ҳаракатлар қилиши ҳақида хабар юборди. Сафонов отряди ўзини тартибга келтирган куниёқ Фарғона вилояти бўйича салб юриши ўтказилади"[1].

Советлар VII съездининг 8мартдаги ёпиқ мажлисида Т.Рисқулов қуйидагиларни таъкидлади: "Руслар ҳеч қандай асосга эга бўлишмаса, ҳам, мусулмон меҳнаткашлари ва мусулмон раҳбарларига ишончсизлик билдиришмоқда. Менинг ўзим очликка қарши кураш комиссиясида ишлаганимда бўлиб ўтган воқеаларга асосланиб мусулмон йўқсилларининг раҳбари сифатида бизга ишончсизлик билан қарашаётганликларини биламан". Рисқуловнинг бундай ҳақли талабига ашаддий шовинист Успенский шундай жавоб беради: "Озиқ-овқат директорияси билан бирга очликка қарши кураш комиссиясини ҳам судга бериш керак. Ишончсизлик масаласига келсак, коммунистик қурилишда ишлашни билиш керак, мусулмонлар орасида эса ҳали онгли ишчилар ва раҳбарлар кам"[2].

Съезд қатнашчиларидан бири Алиев ўз нутқида таъкидлашича, туркий тилни рус тили билан бир қаторда давлат тили деб эълон қилингани билан аслида унга амал қилинмаяпти. Маҳаллий тилда гапирилса, залда шовқин кўтарилмоқда, *мабодо аҳвол шундай давом этса*, мусулмон делегатлари норозилик билдирадилар ва съездни ташлаб кетадилар, деб пировардида огоҳлантиради нотиқ[3].

Съездда яна мусулмон аҳолисини ҳисобга олиш, сафарбар қилинишдаги хатолар натижасида маҳаллий аҳоли қаттиқ ташвишга тушиб қолганлиги, мол-мулкини олиб яшаш жойларини ташлаб кетаётганлиги *алоҳида таъкидлаб ўтилди*. Маҳаллий коммунистларнинг етакчиси Низомиддин Хўжаев ўз маърузасида қўрқмасдан советча режимнинг

---

1. Ўзбекистон МДА. 17-фонд. 1-рўйхат. 17-иш. 15-варақ.
2. Ўзбекистон МДА. 17-фонд. 1-рўйхат. 17-иш. 10-варақ.
3. Ўзбекистон МДА. 17-фонд. 1-рўйхат. 17-иш. 12-варақ.

мустамлакачилик моҳиятини қуйидагича очиб ташлайди: "Бу ердаги мусулмонлар ҳарбий ишга яроқсиз, улар тараққиётдан орқада қолишган", деб даъво қилишмоқда. Коммунистлар мени гапларимдан хафа бўлишмасин, маҳаллий йўқсиллар мустамлакачилик тузумида эзилиб ва хўрланиб келди, ҳозир ҳам улар қуллик асоратида ва ҳозир ҳам уларнинг устидан ҳукмронлик қилувчи кучлар бор. Партиянинг I съездида рус тили билан бирга туркий тил ҳам давлат тили деб эълон қилинган эди, амалда эса ҳозиргача... Мен ўз тушунчам бўйича гапираман, балки сўзларим ёқмаётгандир, балки ҳақиқат кўзни ачиштираётгандир...

Агар ким қулдорлик психологиясида турган бўлса, эшитиб олсин, мен қул эмасман ва бўлмайман ҳам... Афсуски, бу ерда рус психологияси ҳукмронлик қилмоқда"[1].

Мазкур съездда европали большевиклар нуқул руслардан иборат президиум ташкил қилдилар ва мажлисни алоҳида равишда олиб бордилар. Т. Рисқуловнинг кўрсатишича, "президиум съездни олиб боришда уқувсизлик кўрсатди. Шунинг учун президиумга ҳеч қандай ишонч йўқ, уни қайтадан сайлаш керак". Рисқулов бу сўзларни айтгач, съездни тарк этди ва унинг ортидан бутун мусулмон делегатлари зални ташлаб чиқиб кетдилар[2].

Съезд ўтаётган кунларда Туркистон коммунистларининг II ўлка партия конференцияси ҳам бўлиб ўтди. Конференция ўлка Мусулмонлар бюроси тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу бюро зиммасига туб аҳоли ўртасида иш олиб боришни ташкил этиш вазифаси юклатилди. Ўлка партия комитети Мусулмонлар бюросининг функциялари ва вази-

---

1. Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 34-иш, 458-варак.
2. Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 109-варак.

фалари тўғрисида махсус Низом ишлаб чиқиш таклиф қилинди. 1919 йил 30 март куни Т К П Ўлка Комитети Мусулмонлар бюроси (қисқача Мусбюро) таркибига Т.Рисқулов (раис), Н.Хўжаев, А.Муҳитдинов, Й.Иброҳимов ва Ю.Алиев сайланди.[1]

1919 йил 1 ва 6 апрелда Туркистон Компартиясининг ўлка комитети қўшимча равишда махсус қарорлар қабул қилиб, унда мусулмонлар бюросининг вазифа ва функцияларини белгилаб берди. Қўшимча қарорда Мусбюро ўлка партия комитетининг бўлими сифатида, унинг раҳбарлиги ва назорати остида мусулмон аҳолига нисбатан ўлка партия комитети зиммасида бўлган барча ишларни бажариши ва шу тариқа унинг ёрдамчи органи бўлиши лозим деб кўрсатилди. Мусулмонлар бюросига "Иштирокиюн" (ҳозирги "Ўзбекистон овози") газетасига муҳаррирлик қилиш вазифаси ҳам юклатилди[2].

Мусулмонлар бюроси атиги ўн ой давом этган фаолияти даврида ўлка миқёсида мусулмон Коммунистлари ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйишга, катта ташкилий ишларни олиб боришга эришди. Мусбюро Туркистондаги туб халқларнинг манфаатини ҳимоя қилишга қаттиқ киришди.

Адолатли тузум ҳақидаги ғояларга катта ишонч билан қараган ўлка Мусбюроси фаоллари бу ғояларни тарғиб ва ташвиқ этиш билан бирга совет ҳокимиятининг амалдаги сиёсати бу ғояларга мутлақо зид эканлигини, мустамлакачилик асослари сақланиб қолганлигини, миллий сиёсатдаги адолатсизликлар, умуман ҳокимият сиёсатидаги барча ноҳақлик ва адолатсизликларни кескин танқид остига олади-

---

1. Ўрта Осиё Коммунистик ташкилотларининг тарихи, 362-бет.
2. Қаранг:Рисқулов Т.Р. Избранные труды. Алма-Ата."Казахстан", 1984, с.56

лар[1].

Мусулмонлар бюроси ва ўлка партия ташкилоти аъзоларининг 1919 йил 23 апрелда бўлган умумий йиғилишида Фарғона водийсидаги кескин сиёсий вазият ҳар томонлама муҳокама қилинди. Ўлка Мусбюроси аъзолари ушбу йиғилишда истиқлолчилик ҳаракати тобора авж олаётган Фарғонадаги мураккаб аҳволни ўрганиб чиқиб, совет ҳокимиятидан вазиятни барқарорлаштириш, иқтисодиётни тиклаш учун умумий авф эълон қилиш, аҳолини тинч меҳнатга қайтариб, унинг вайрон қилинган хўжалигини қайтадан қуриш, водийдаги совет ташкилотлари ва қизил армия сафларини миллатчилик, буюк давлатчилик шовинизми ҳамда мустамлакачилик руҳида унсурлардан тозалаш, арман дашноқларини қуролсизлантириш, миллий зулмга чек қўйиш, Фарғона вилоятига давлат ва партия ташкилоти масъул ходимларидан иборат махсус делегация юбориб, кескин чоралар кўришни талаб қилдилар[2].

Ўлка Мусулмонлар бюроси томонидан қабул қилинган махсус қарорда, жумладан, шундай дейилади:

"1. Республика Марказий Ижроия Комитети томонидан Эргаш, Мадаминбек, Маҳкам, Холхўжа гуруҳидаги мусулмон аскарларга умумий авф эълон қилишга эришиш;

2. Уларнинг ҳаётини қоғоздагина эмас, амалда тўлиқ таъминлаш, вайрон бўлган хўжалигини тиклашда ёрдам бериш;

3. Миллатни бошқа миллат томонидан эзилишига қарши аёвсиз кураш очиш;

4. Шу билан бир қаторда арман иғвогар унсурларини қуролсиз-

---

1. Зиядова Д.Ҳ. Мустақиллик учун курашнинг ўқилмаган саҳифалари (Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. Тошкент, "ФАН", 1996, 66-бет.

2. Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркистана. Часть 1. 1917-19 гг. Ташкент, Узгиз, 1925, с.88.

лантириш"[1].

Бу қарор остида Мусбюро раиси Т.Рисқулов имзоси қўйилган эди. 1919 йил 24 апрелда бу қарорни Туркистон Х К С тасдиқлашга мажбур бўлади. Қарорда кўрсатилган Туркистон МИК ва ТКП Ўлка комитетининг фавқулодда комиссияси тузилиб, у Фарғона водийсига юборилади. Туркистон Х К С раиси К.Сорокин бошқарган бу нуфузли комиссия таркибига Т.Рисқулов, Миллий ишлар халқ комиссари С.Турсунхўжаев, Маориф комиссари П.Билик, МИК аъзоси А.Хусанбоев, Н.Хўжаев ва бошқалар кирган бўлиб, улар 2 майда бу ерга етиб келишди, 7 майда эса Туркистон М И К Фарғонадаги истиқлолчилик ҳаракати иштирокчиларига умумий авф эълон қилади[2].

Т.Рисқулов комиссия аъзоси сифатида фаол иш олиб боради. У Фарғона водийсидаги Совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бораётган қўрбошиларнинг вакиллари билан учрашиб, уларнинг талабларини эшитади. Т.Рисқулов томонидан 1919 йил 11 майда Андижон шаҳрида туриб Туркистон МИК раиси А.Казаков номига ёзилган мактубда[3] водийдаги вазият батафсил таҳлил қилинади. "Босмачилар"га қарши кураш ниқоби остида қизил аскар ва арман дашноқлари томонидан қилинган жиноят ошкор баён қилинади. Т.Рисқулов ўз мактубида "совет ҳокимияти" тўғрисидаги аччиқ ҳақиқатни қуйидагича тасвирлайди: "Қизил армия отрядлари қароқчиларга қарши кураш ўрнига бутунлай ичкиликбозлик билан шуғулланишди, қурол ва ўқ-дориларни худди шу қароқчиларга сотишди... Арманлар сарт қизларини зўрлаб номусини топташди, аёллар ва болаларни чопишди... Партия ташкилотлари кўплаб

---

1. Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 3-варақ.
2. История гражданской войны в Узбекистане, т.1, с.324.
3. Қаранг: Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 14-иш, 74-75 - варақлар.

зиён келтирган турли-туман нолойиқ унсурлар билан ифлосланган (ичкиликбозлик, пораҳўрлик оддий ҳолга айланган).

Совет ҳокимияти, ўртоқ Казаков, бизга қимматга тушди. Ҳаддан ташқари тартибсизликларни кўриб юрак сиқилади ва қалбда кучли оғриқ пайдо бўлади. Фарғонада ҳақиқий совет ҳокимиятини жорий этиш учун жуда улкан ишлар турибди. Бизларга жуда кўплаб ходимлар ва раҳбар коммунистлар зарур, чунки совет ҳокимияти тепасида ўтирганлар бу ишга ярамайди..."[1].

1919 йил 24–30 майда Тошкент шаҳрида ТКП Ўлка комитети Мусулмонлар бюросининг 1-конференцияси бўлиб ўтди. Конференция ишини бошқарган Мусбюро раиси Т.Рисқулов "Ҳозирги аҳвол тўғрисида"ги катта маърузасида қуйидагиларни таъкидлаган эди: "Ишчи-деҳқон ҳукуматнинг Туркистон шароитидаги икки йиллик мамлакат бошқаруви, афсуски, ўзаро ишончсизликни кучайтириб, чуқурлаштириб, тескари натижага олиб келди. Мусулмонлар инқилоб ғояларини амалдаги фаолият билан мос келмаслигини ўзлари кўриб ишондилар. Мамлакатнинг барча бурчакларида ҳокимиятдан норозилик овозлари эшитилмоқда. Ўлка аҳолиси 95 фоизининг ҳуқуқи ҳисобга олинмади. Бу норозилик давлат ҳаётининг барча жабҳаларига сингиб кетди... Масалан, озиқ-овқат тақсим қилишни олайлик, ҳамма жойда мусулмон манфаатларига бефарқ қаралиб, баъзи жойларда бу жиноят даражасига етиб борган. Халқ хўжалигида ҳам ахвол шу. Кўпчилиги ёт, салбий унсурлар, ҳатто жиноятчилардан тузилган Қизил армия фаолияти натижаларини узоқ кутишга ҳожат бўлмади (айниқса, Фарғона вилоятидаги дашноқлар фаолияти). Қизил армиянинг интизомсиз отрядлари қишлоқ-

---

1. Кўчирма қуйидаги мақоладан олинди: Ражабов Қ. "Совет ҳокимияти бизга қиммат тушди" Турар Рисқулов мактуби // Ёш куч, 1991, N11, 20-21-бетлар.

ларга келиб, "реквизиция" шиори остида аҳолини таладилар, қўлларига тушган ҳамма нарсани: этиклар, кўрпа ва гиламлардан бошлаб энг оддий буюмларгача орқа-ўнгиларига қарамай тортиб олдилар, аҳолини азобга қўйдилар. Агар армиядаги ичкиликбозликни ҳам қўшсак, ҳокимият ва қуролли кучларга бўлган ишонч нега йўқолганини тушуниб оласиз. Тинч аҳолини ҳимоя қилиш учун борган армия аҳоли турмушида оғир яралар пайдо қилди. Маҳаллий раҳбарларга нисбатан ишончсизликни яширмайдиган ҳам бўлишди"[1].

Конференцияда сўзга чиққан Ю.Алиев ҳам бу ҳақида ушбу фикрларни билдирган эди: "Туб аҳолига нисбатан юритилаётган ишончсизлик сиёсати давримизнинг сурункали касаллигига айланиб қолди. Ишончсизлик билдирган жаноблар миллатчилик сиёсатини амалга оширмоқдалар... Бу хилдаги муносабат фақат жойларда эмас, балки айнан ўлка марказида ҳам содир бўлмоқда"[2].

Миллий раҳбар ходимларга, умуман, туб ерли аҳолига нисбатан европали большевикларнинг ишончсизлик сиёсати ва ўлкада мустамлакачилик зулмини давом эттираётганлиги I конференция қарорларида ўзининг ошкора баёнини топди. "Ҳозирги аҳвол тўғрисида"ги резолюцияда шундай дейилади: "Фарғонадаги аҳвол миллий масалада совет сиёсатининг қанчалик нотўғри ва бир томонлама эканлигини равшан кўрсатади, у ерда мусулмон пролетариатининг ҳуқуқлари шу қадар бузилганки, мусулмонларни хўрлаш учун уларга қарши арман миллий "Дашноқцутюн" партияси қуроллантирилди; натижада мусулмон коммунистлар ишлашдан маҳрум бўлдилар, ўзларига нисбатан ишончни кўр-

---

1. Ўзбекистон МДА.39-фонд, 1-рўйхат, 137-иш 8-варақ: Мусбюро РКП(б) в Туркестане. 1,2 и 3-Туркестанские Краевые Конференции РКП 1919-1920 гг. с введением товарища Рыскулова. Ташкент, Туркгосиздат, 1922, с.9-10.
2. Ўзбекистон МДА.39-фонд, 1-рўйхат, 137-иш, 6-варақ.

мадилар ва қувғинликка учрадилар"[1].

Конференцияда қабул қилинган "Жойлардан қилинган нутқлар тўғрисида"ги резолюцияда ҳам туб ва келгинди халқлар ўртасида миллий ихтилоф ва тенгсизликлар мавжудлиги, давлат қурилишида мусулмон меҳнаткашлари иштирок этмаётгани, маориф ва ер масаласида руслар имтиёзли аҳволда эканлиги таъкидланди[2].

Маҳаллий аҳолига ишончсизлик шу қадар кучли эдики, Марказнинг Туркистондаги фавқулодда комиссари П.Кобозев I конференцияда мусулмонларнинг қўйнини қуйидагича пуч ёнғоққа тўлдиради: "Туркистон республикаси аҳолисининг 95 фоизини мусулмонлар ташкил қилади, аҳолининг фақат 5 фоизи руслардан иборат ва айнан ушбу 5 фоиз аҳоли бутун ҳокимиятни ўз қўлларига тўплаб олганлар. Шундай қилиб, миллий зўравонлик, яъни озчиликнинг миллий зўравонлиги бўлмоқда. Лекин бу вақтинчалик ҳол.
Қачонки, мусулмон дунёси тайёр бўлганда биз унга республикани бошқаришни топширамиз ва унга ёрдам берамиз"[3].

Русларнинг қўлида ҳокимиятни сақлаб қолиш учун астойдил ҳаракат қилган ва мустамлакачилик сиёсатини изчил юритган Тоболин, Колесов, Казаков, Сорокин, Успенскийларнинг фикридан Марказдан Туркистонга жўнатилган комиссарлар орасида "маҳаллий аҳолига мўтадил кайфияти билан шуҳрат қозонган" Кобозевнинг сўзлари ҳеч қандай фарқ қилмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

ТКП Ўлка Комитети Мусулмонлари бюросининг 12-19 сентябр кунлари Тошкентда бўлиб ўтган II конференциясида бу масалалар яна

---

1. Мусбюро РКП(б) в Туркестане. 1,2,3-Туркестанские Краевые Конференции РКП(б) 1919-1920 г. с введением товарища Рыскулова Ташкент, Туркгосиздат 1922, с.18.
2. Мусбюро РКП(б) в Туркестане..., с.19.
3. Мусбюро РКП(б) в Туркестане, с.5.

ҳам кескинроқ тарзда кун тартибига қўйилди. Конференцияда "Ҳозирги аҳвол тўғрисида" маъруза қилган Т. Рисқулов Марказдан юборилган кўрсатмага қарамай, Туркистонда аҳвол ўзгармагани, Совет ҳокимияти мустамлакачилик сиёсатини давом эттираётганини кескин фош қилиб ташлади. Рисқулов ўз сўзида жумладан шундай деди: "Бизнинг талабларимиз ва марказдан берилган кўрсатмаларга қарамай, Туркистонда унинг манфаатларига зид сиёсат юргизилмоқда. Бизга ишончсизлик билдириб, сизга ҳокимият берилса барбод бўлади, сиз ҳали тайёр эмассиз, дейишмоқда. Биз бундан норозимиз... Бизни сал бўлмаса шовинизмда айблашмоқда, улар биз миллий сиёсат юрита олмаслигимизни тушунмаяптилар. Туркистонда Совет ҳокимияти ағдарилса, биринчи зарба мусулмон пролетариати ва коммунистларга тушишини жуда яхши биламиз"[1].

Рисқулов ўз нутқида Туркистон МИК раиси Казаков ва унинг ўринбосари К.Успенский (у сўл эсерларнинг собиқ лидери эди), Х К С раиси Сорокин гуруҳининг шовинистик сиёсатини қатор далиллар билан кўрсатиб беради.[2]

Маҳаллий аҳолига паст назар билан қараш айниқса давлат бошқарув аппаратидаги ходимлар масаласида яққол кўринар эди. Шунинг учун ҳам Рисқуловнинг талаби ҳақли эканлигини миллий раҳбарлардан бири Султонбек Хўжанов қуйидагича тасдиқлайди: "Ҳокимият органларида европали ва маҳаллий аҳолининг ажратилиши амалда бўлмоқда. Сорокин партиянинг 3-съездида ижроия қўмита мажлисларининг бирида баъзи масалаларни ҳал қилишда эски шаҳар вакилларини хонадан чиқариб юборилганлигини айтишди"[3].

---

1. Мусбюро РКП (б) в Туркестане. с.35-36.
2. Қаранг: Рыскулов Т.Р. Избранные труды.с.67-68.
3. Ходжанов С. К *10-летию* Туркестанской Советской Автономии Туркестана. Ташкент. изд. "Правда Востока", 1928, с.12.

Т. Рисқуловнинг шахсан ўз қўли билан ёзилган таржимаи ҳолида[1] мусулмонлар бюроси фаолиятига ҳамда ўзи томонидан ўша даврда амалга оширилган ишларга холис баҳо берилади. Рисқулов таржимаи ҳолида қуйидаги фикрларни ёзган эди: "Фаолиятимнинг иккинчи босқичи РКП коммунистик ташкилоти Мусбюроси даври билан боғлиқ. Мен бутун куч ва ғайратимни мана шу Мусбюро ташкилоти ишларига бахш этдим. Мусбюро даври бу Туркистондаги маҳаллий меҳнаткаш аҳолининг катта силжиш даври эди. Мусбюро ўзини дастлаб Туркистоннинг соҳиби сифатида намойиш қилди. Мусбюро атрофида фақат маҳаллий коммунистлар ва меҳнаткаш омма эмас, балки тенг ҳуқуқли хорижий революцион партиялар ҳам бирлашдилар. (масалан, ёш бухороликлар, ёш хиваликлар, озарбойжон, форс коммунистлари ва бошқалар. Мусбюро атрофида бизнинг қарашларимизни тўғри тушунадиган кўпгина рус ўртоқлар ҳам бирлашдилар. Ҳозирда Бухоро ва Хивада ишлаётган кўп ходимлар илгари Мусбюрода ишлашган. Мусбюро чегарадош мамлакатларда улкан ташвиқот аҳамиятига эга эди. Бу ҳакда ҳали босмадан чиқарилмаган "Туркистонда Мусбюро иши" брошюрамда батафсил баён қилганман. Мусбюро иши натижасида ички қурилиш жиҳатидан ҳамма ерда Советлар, Исполкомлар, қишлоқ ва овулларда партия ячейкалари ташкил топди, бошқа томондан эса, мустамлакачи унсурлар позициясининг заифлашуви билан сиёсатга таъсир қилиш Марказий Россиядан келган ходимлар ва маҳаллий аҳоли қўлига ўтди".[2]

---

1. Қаранг: Ўзбекистон МДА, 86-фонд.1-рўйхат, 1525-иш, 4-15 - варак.

2. Кўчирма умбу мақоладан олинди: Ражабов К. Турор Рискуловнинг таржимаи ҳоли. // Саодат. 1992, №5-6, 8-9 бетлар.

Маълумки, 1919 йил 8 октябрда Ленинниинг махсус фармони билан Ш. Элиава бошчилигидаги Туркистон Комиссияси ташкил қилинган эди. Турккомиссияга берилган мандатда Туркистондаги партия ташкилотини тарқатиш, навбатдан ташқари съезд ёки конференция чақириш, МК директиваларини амалга оширишда қатъий ҳаракат қилиш каби фавқулодда ваколатлар берилган эди.

Турккомиссия РКП(б) ва совет хукуматининг Туркистон республикасидаги барча давлат ва партия органлари устидан умумий раҳбарлик ва қатъий назорат қилиш учун тузилганлиги ҳатто ўша пайтда ҳам яшириб ўтирилмаган эди. 10 октябрдан РКП(б) М К Турккомиссияга "Туркистонда РКП(б) МК номидан олий партия контролини ва раҳбарликни" амалга ошириш вазифасини топширди.[1] Дарҳақиқат, Турккомиссия аъзолари бу ерга келгач, Туркистон МИК ижроия органига айлантирилди.

Турккомиссияга ўлканинг сиёсий ва иқтисодий ривожланишини Россия билан боғлиқ ҳолда олиб бориш вазифаси топширилган эди. Сиёсий ва иқтисодий қарам қилишнинг узоқни мўлжаллаб тузилган бундай қабих режасининг салбий оқибатлари ҳатто Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган бугунги кунда ҳам анча сезилмоқда. Бу ҳолни ўша пайтдаги мустамлакачи рахбарлардан бири Любимов Туркистон Советларининг IX съездида (1920 й. сентябр) қуйидагича эътироф қилган эди: "Россия пролетариати бу ерда ваколатли вакилларини ўзининг ғоявий раҳбарлигини амалга ошириш учун , ўзининг куч-қудратини намойиш этиш учун, бизнинг бу ердаги фаолия-

---

1. Ўрта Осиё Коммунистик ташкилотларининг тарихи. 400 бет.

тимизни ўзининг куч-қудрати билан қўллаш учун жўнатди".[1]

Туркқомиссия аъзоларидан 4 киши 1919 йил 4 ноябрда Тошкент шаҳрига етиб келганлигини биз юқорида айтиб ўтган эдик. 15 ноябрда бўлган Туркқомиссия, ТКП Ўлка Комитети, Ўлка Мусулмонлар бюроси Ажнабий коммунистлари комитетининг қўшма мажлисида "ТКПнинг раҳбар органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўғрисида" ги резолюция қабул қилинди. Туркқомиссия ўлкадаги учта мустақил партиявий ташкилот: ТКП ўлка комитети, Мусбюро ва ажнабий коммунистлар Ўлка комитети мавжудлигини номақбул топиб, уларни ягона РПК(б) ТКП Ўлка комитетига бирлаштириш тўғрисидаги қарори бажарилишини талаб қилди. Туркистондаги туб халқлар ўртасида қисқа муддат ичида катта обрў қозонган Ўлка Мусулмонлар бюроси"ўзига давлат муассасаси функцияларини ўзлаштириб олганликда" айбланиб, унинг мусулмон коммунистик партиясини тузишга интилиши қораланди. Мусбюро ўз тарихий вазифасини, яъни мусулмонлар орасида ташкилий иш олиб бориш ва уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш каби вазифаларни бажариб бўлган ташкилот сифатида тугатилиш лозим, деб топилди.[2]

Аслида, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ўлка Мусбюроси маҳаллий аҳоли орасида катта ишонч ва обрў қозониб, таъсир кучи ошиб бораётган, ошкора танқид руҳи билан совет ҳокимиятига халақит қилаётган , большевикча режим моҳиятини фош этиб, уларнинг асл қиёфасини кўрсатиб бераётган йирик маҳаллий ташкилот сифатида ўз фаолият доирасини таборо кенгайтираётган эди. Чунки 1919 йилнинг

---

1. Ўзбекистон ИДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 194 иш, 42 варақ.
2. Зиядова Д.Х. Мустақиллик учун курашнинг ўқилмаган саҳифалари. 69-бет.

охири ва 1920 йилнинг бошларида Т.Рисқулов бошчилигидаги бир гуруҳ маҳаллий коммунистлар масъул лавозимларни эгаллай бошлаган эдилар. Дастлаб Туркомиссия Рисқулов етакчилигида маҳаллий коммунистлар билан ҳисоблашишга мажбур бўлди.

Т.Рисқулов сиёсий фаолиятининг Туркистондаги энг юқори чўққиси 1920 йил бошларига тўғри келади. Шам ўчиши олдидан бир порилаб ёнганидек, Мусулмонлар бюроси ҳам ўзларининг сўнгги конференцияларини ўтказиб, унда Туркистон янги тарихидаги бурилиш босқичини бошлаб берувчи қарорлар қабул қилишди. Афсуски, бу қарорлар кўп ўтмай Туркомиссия томонидан рад этилди ва миллий коммунистлар қувғинга учрадилар.

1920 йил 20-27 январда, деярли бир вақтнинг ўзида, ТКП Ўлка Комитети Мусулмонлар бюросининг III конференцияси ва Туркистон Компартиясининг V ўлка конференцияси бўлиб ўтди. Мусбюро III конференцияси делегатлари айни пайтда V ўлка конференциясининг делегатлари ҳам эди. Ҳар икки конференция ишида Т.Рисқулов фаол иштирок қилди. Мусбюронинг сўнгги конференциясида Т.Рисқулов миллий масала тўғрисида 25 январда қизиқарли маъруза қилди. У ўз сўзида Туркистонда ҳукм сураётган буюк давлатчилик шовинизмини қуйидагича очиб ташлади: " Чоризм давридан буён давом этаётган мустамлакачилик тартиботини йўқотиш зарур. Миллий қарама-қаршилик ҳозиргача тугатилмаган. У европали аҳолининг кеккайган варварлик хулқ-атворидан куч олмоқда. Мусулмон аҳолисининг ўртасига социал инқилоб ғояларини татбиқ этиш ўрнига бемаъни ва ноҳуш ҳодисалар содир қилинмоқда. "[1]

Миллий масала бўйича III конференцияда қабул қилинган резо-

---

1. Мусбюро РКП(б) в Туркестане, с.77.

люцияда ҳам бу ҳол ўз аксини топган.

Резолюцияда кўрсатилишича, Туркистонда чоризмнинг шафқатсиз мустамлакачилик сиёсати натижасида маҳаллий аҳоли дилида ҳукмрон миллатга нисбатан шу қадар ишончсизлик ва нафрат пайдо бўлганки, ҳукмрон миллат пролетариати томонидан маҳаллий миллат ҳуқуқларига эҳтиёткорона муносабатда бўлгандагина бу нарса барҳам топиши мумкин. Лекин амалиётда бу қоида бузилаётганлиги резолюция бандларида алоҳида таъкидланади. Натижада туб аҳоли вакиллари ҳокимият бошқарувидан четда қолишмоқда.[1]

Шунингдек, мусулмонлар конференцияси Туркомиссия қарорига бўйсунган ҳолда, ўзи учун, мажозий маънода айтганда жаноза намозини ўқишга мажбур бўлди. Лекин жаноза намози билан биргаликда ўзига хос Мустақиллик қасидаси ҳам янграган эди.

Конференцияда Туркистондаги уч мустақил партиявий ташкилот: Т К П Ўлка комитети, Мусулмонлар бюроси ва ажнабий коммунистлар комитети бошчилигида ягона коммунистик партияга бирлаштирилди. "Туркистон туркий халқларининг коммунистик партияси" деб конференция резолюциясида расмий ном олган бу партия туркий халқлар кенг меҳнаткашлар оммасининг партияси бўлиши, РКП(б) М К ига нисбатан област (ўлка) комитети ҳуқуқларидан фойдаланувчи ва унга бўйсунувчи ўз Марказий Комитети томонидан бошқарилиши керак эди.[2]

"Туркистон туркий халқларининг коммунистик партияси" (совет тарихий адабиётларида "Турк Компартияси") тузилишини Мусбюро сўнгги конференцияси делегатлари қизғин қаршилашди. Рисқулов томонидан Туркистон Совет Республикаси (Т С Р) номини ўзгартириб,

---

1. Қаранг: Мусбюро РКП (б) в Туркестане. С. 78
2. Мусбюро РКП (б) в Туркестане, с. 80.

уни "Турк республикаси" (Тюркская республика) деб аташ таклиф қилинганда бу фикр ҳам катта олқишларга сазовор бўлди ва Конференция иштирокчилари томонидан қўллаб қувватланди.

"Турк республикаси"га Туркистон Совет Республикаси (Т С Р) дан ташқари қўшни миллий республикаларда (ҳозирги Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон давлатларида ҳам) яшовчи барча туркий халқлар кириши керак эди. Рисқулов ўз сўзида Туркистон Республикаси Конституциясини қайта кўриб чиқиш, мусулмонларнинг алоҳида армиясини тузиш ва Қизил армиянинг мусулмон бўлмаган барча қисмларини Туркистондан олиб чиқиб кетиш масаласини ҳам кун тартибига кескин равишда қўйган эди.

Т. Рисқулов томонидан Туркистон Компартиясининг V ўлка конференциясида қилинган "Миллий масала ва миллий коммунистик секциялар тўғрисида"ги маъруза қизғин муҳокама ва мунозарага сабаб бўлди[1]. Рисқулов ўз маърузасида Турк республикаси ва Турк компартияси тузиш ҳақидаги фикрларини яна бир марта асослаб берди.

Рисқуловнинг "Туркистон туркий халқларининг коммунистик партияси" тузиш ҳақидаги таклифи энг аввало ўлка бошқарувида коммунистик партиянинг роли тобора ошаётганини назарда тутиб, мамлакат бошқарувида маҳаллий халқлар иштироки ва уларнинг сиёсий фаоллигини таъминлаш, умуман олганда, мусулмонлар бюроси фаолияти тажрибасидан келиб чиқиб, уни шу йўналишда давом эттиришни кўзда тутган эди.

Мусулмон ташкилотларининг III конференциясида қабул қилинган "Туркистон мухторияти ва Конституцияси хақидаги резолюция" V ўлка

---

1. Қаранг: Ўрта Осиё Коммунистик ташкилотларининг тарихи. 41-бет.

конференцияси делегатлари томонидан ҳам маъқулланди. Ушбу резолюция асосида Т.Рисқулов таклиф қилган "Турк республикаси" тузиш ғояси ётган эди. Қуйида ўша машҳур резолюциядан парча келтирамиз:

"I. Беш вилоят - Сирдарё, Еттисув, Фарғона, Самарқанд, Каспийорти вилоятларидан иборат Туркистон қирғиз, ўзбек, қорақалпоқ, қипчоқ, таранчи, татар, дунган ва бошқалардан иборат туркий ҳалқлар (шунингдек, тожик, келиб чиқиши турк бўлмаган маҳаллий яхудийлар, ҳамда бошқа четдан келган рус, армани, яҳудийлар) мамлакатидир.

II. РСФСР Конституциясининг иккинчи моддасига мувофиқ, Туркистон мухтор республикаси Миллий Совет Республикаси деб ҳисоблансин, унда ўз тақдирини ўзи белгиловчи маҳаллий халқ туркий халқлардир. Шу туфайли ҳудудий мазмун касб этувчи "РСФСР Туркистон Республикаси" номи "РСФСР Турк республикаси" деб ўзгартирилсин.

III. Совет Турк республикаси ўз давлат фаолияти ва Конституциясини маҳаллий аҳолининг тарихий, иқтисодий, турмуш талабларига жавоб бера оладиган асосда қуриши лозим.

IV. Туркистоннинг беш вилояти ўртасидаги жуғрофий чегаралар тўсиқ ҳисобланмасин.

V. Туркистон Республикаси Советларининг VI съездида тасдиқланган Конституцияси қайта кўриб чиқилсин. Советларнинг IX съездини ўтказиш учун янги, маҳаллий ҳаётга мувофиқ келадиган, РСФСР меҳнаткашлари ва эзилган халқлари ҳуқуқлари Декларацияси асосидаги янги Конституция ишлаб чиқилсин.

VI. Эзилган халқлар меҳнаткашларини байналминал жипслаштириш манфаатларини кўзлаб, туркий ҳалқларни татар, қирғиз, бошқирд

ўзбекларга ажратиб бўлиб ташлаш ва алоҳида майда республикалар тузиш учун интилишларга коммунистик ташвиқот йўли билан барҳам берилсин.

VII. Конференция синфий кураш муваффақиятларини кўзлаб, республика ҳаётининг айрим умумфедератив аҳамиятга молик соҳаларини марказлаштиришга қаршилик билдирмаса-да, Туркистоннинг марказдан узоқлиги, ҳудуди катталиги, этнографик, топографик, турмуш хусусиятларини назарда тутиб, Совет Турк республикаси марказий ҳокимиятга ички қонунчиликда кенг ҳуқуқлар берилишини зарур деб ҳисоблайди. Бундан ташқари эндиликда давлат ташкилотларида турк тилининг давлат тили сифатида киритилиши учун зарур чоралар кўриш лозим"[1].

Резолюция матни Туркистон М И К раиси Т.Рисқулов[2] томонидан ёзилган ва имзоланган эди[3].

Мусулмонлар бюроси ва ўлка конференциясида ушбу қўшма резолюциянинг қабул қилиниши Туркистон тарихида муҳим воқеа бўлди. Тарихчи Д. Зияева тўғри айтганидек, Совет ҳокимияти йилларида бу ҳужжатнинг тўла матни ҳеч қаерда қайд этилмади, унинг мазмуни "Турк республикаси" тузиш ва "Турк партияси" ташкил этишни кўзлаган *тор маънодаги миллатчилик қобиғига* ўралган мақсадларни ифодаловчи, байналминалчилик тамойилларига зид бўлган хато қарашлар деб қораланди. Бу ҳужжат аслида Туркистон Республикасидаги тегишли ташкилотлар (ҳатто Туркқомиссия) томонидан маъқулланган, ўлка-

---

1. Кўчирма қуйидаги мақоладан олинди: Зиёева Д. Кимнинг сўнгги халқалари // Жамият ва бошқарув, 1997, №1,61-62-бетлар.

2. Т.Рисқулов 1920 йилнинг январь ойида Туркистон М И К раиси қилиб сайланди. Туб миллат вакилларидан биринчи бўлиб у бундай шарафли вазифага лойиқ кўрилган эди. Т.Рисқулов 1922-1924 йилларда Туркистон Х К С раиси лавозимида ҳам ишлади.

3. Ўзбекистон МДА.17-фонд.1-рўйхат, 214-иш,121-123-вараклар.

да деярли қаршиликка учрамаган, давлат мустақиллигини тинч йўл билан қўлга киритиш имконини берувчи муҳим расмий ҳужжат эди.[1]

Резолюцияда ифодаланган фикрлар сиёсий вазият тақозоси билан қисман социализм ғояларига мослаштирилган бўлса-да ягона олий мақсад Туркистонни марказ исканжасидан қутқариб, уни парчалаб юборилишидан сақлаб қолиш , маҳалий ўз- ўзини бошқаришга эришиш эди.

Шундай қилиб, Мусбюронинг сўнгги III конференцияси ва ТКП нинг V ўлка конференцияси муҳим қарорлар қабул қилди. Туркбюро таркибида кейинчалик Туркистонда ишлаган Г.Сафаров, бу конференцияларнинг ижобий аҳамияти мустамлакачиликни ғоявий "қуролсизлантириш"дан иборат бўлган, деб бежиз равишда айтмаган эди.[2]

Т.Рисқулов Москвага, РКП (б) М К ва В.И. Ленин номига бир неча марта радиограмма орқали бу резолюция ҳақида хабар юбориб, уни тасдиқлашни сўрайди.[3] Бироқ 1920 йил 22 февралда Тошкентга етиб келган Туркомиссиясининг нуфузли аъзоси М.В. Фрунзе бундай қарорни кескин қоралайди. 23-24 февраль ва 3 мартда бўлиб ўтган Туркомиссия, Туркистон М И К ва ТКП Ўлка Комитетининг қўшма мажлисида шу масала кўриб чиқилди. Туркомиссиянинг иккиланиб турган бошқа аъзолари В.Куйбишев, Ф. Голощекин ва Ш.Элиава ҳам мажлисда М.Фрунзе ва Я.Рудзутакнинг фикрларига қўшиладилар. Туркомиссия ўлка халқларининг миллий ҳуқуқларини назар-писанд қилмай Марказнинг кўрсатмаси билан юқоридаги қарорларни ноқонуний тарзда бекор қилди. Рисқулов ва унинг тарафдорлари миллий оғмачиликда

---

1. Зиядева Д. Х. Мустақиллик учун курашнинг ўқилмаган саҳифалари 70-71-б.
2. Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана).с.112.
3. Ўзбекистон МДА. 17-фонд. 1-рўйхат. 214-иш. 137-варақ.

айбланди, уларга ўйлаб чиқарилган "пантуркист" тамғаси босилди. Рисқулов ва унинг маслакдошлари Тошкентда ўз фикрларини Марказдан келган инқилобчиларга тушунтира олмасликларини англаб етгач, 1920 йил май ойида Москвага боришди.

Туркистон М И К раиси Т. Рисқуловнинг Москвага келишидан сал олдин, 8 мартда РКП (б) М К Туркистон автономияси ва партия қурилиши ҳақидаги қарорни қабул қилди, натижада, "Туркистон туркий халқларининг коммунистик партияси ва Турк республикаси" тузиш ҳақидаги қарор РКП (б) М К томонидан ноқонуний равишда рад қилинади.

"Туркистон автономияси тўғрисидаги Низом" деб номланган РКП (б) М К ининг ушбу қарорида федерал ҳукумат органлари бўлган мудофаа, ташқи алоқалар, темир йўл, почта ва телеграф алоқаси, молия ишларини Бутунроссия миқёсида марказлаштириш уқтирилди[1].

Рисқулов бошчилигидаги Туркистон делегацияси РКП (б) МК нинг бу қарорига норозилик билдириб, "Туркистонда давлат қурилиши тўғрисидаги Низом" лойиҳасини ҳимоя қилиш учун 1920 йил 17 майда Москвага келди. Туркистон МИК раиси Т. Рисқулов ўша куниёқ партия МК ига ушбу ҳужжат матнини топширади. В. И. Ленин мазкур ҳужжат билан 25 майда танишиб чиқади ва унга "Архивга, Туркистон тўғрисидаги" деб ёзиб қўяди[2].

Мазкур низом лойиҳасида, жумладан, қуйидаги талаблар битилган эди:

а) Туркистонда кучли мусулмон армиясини ташкил этиш ва рус-

---

1. Воскобойников Э., Зевелев А. Турккомиссия ВЦИК и Совнаркома РСФСР и Туркбюро ЦК РКП (б) в борьбе за укрепление Советской власти в Туркестане. Ташкент, Госиздат, 1951, с. 94.

2. Қаранг: В. И. Ленин Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида, 654-бет.

лардан тузилган қизил армия қисмларини тугатиш;

б) Туркистон республикасида харбий комиссариатни тиклаш, унга қизил армия тузиш ва тарбиялашни топшириш.... Туркистонда харбий қисмларни фақат маҳаллий аҳолидан тузиш;

в) Туркистонда бутун ҳокимиятни Советлар съездига, Туркистон М И К ва Х К С ига топшириш;

г) Туркқомиссияни тугатиш;

д) Туркистонга Мусулмон ҳарбий ва сиёсий ходимларни жўнатиш"[1].

Шунингдек, ушбу Низом лойиҳасида Туркистон фронти ҳарбий инқилобий кенгаши (Туркфронт Революцион ҳарбий совети) ҳуқуқларини чеклаш; ташқи алоқалар, ташқи савдо ва ҳарбий масалаларни РСФСР ваколатидан чиқариб Туркистон МИК ихтиёрига бериш талаб қилинган эди.

Туркистон делегацияси Марказга ўз талабларини топширар экан, Туркқомисссия фаолиятига алоҳида тўхталди. Делегация аъзолари Т. Рисқулов ва Н. Хўжаев Туркқомиссия Ўлкада мустамлакачилик сиёсатини давом эттирмоқда ва мусулмон аҳолисидан Қизил армия тузишга қарши чиқмоқда, деб маълум қилдилар[2].

Т. Рисқулов Москвада бўлган чоғида Туркистонни Ўзбекистон, Туркманистон ва Қирғизистон қилиб бўлиб ташлашга қарши чиқди ва ўзбек, туркман, қозоқ, қирғизларни ягона туркий халқ эканлигини исботлашга ҳаракат қилди[3]. Рисқуловнинг фикрича, "Турк совет республикаси" Туркистон, Татаристон, Бошқирдистондаги барча халқлар-

---

1.Историография,источниковедения истории Компартии Туркестана. Ташкент, "Ўзбекистон", 1989, с.41-42

2.Ўзбекистон ИДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 39-иш, 24-варақ.

3.Акрамов А., Авлиякулов К. В. И. Ленин, Турккомиссия и укрепления Советской власти в Средней Азии. Ташкент, "Ўзбекистон" 1991, с.135.

ни ҳамда Бухоро ва Хоразмда монархик тузум ағдарилгач, келажакда у ердаги халқларни ҳам бирлаштириши керак эди[1].

В. И. Ленин туркистонликларнинг низом лойиҳаси билан синчиклаб танишиб чиқди ва буни партиянинг миллий сиёсатига зид деб қатъиян рад қилди. Ленинниинг мулоҳазалари ва махсус тузилган комиссиянинг лойиҳаси М К Сиёсий бюросининг 1820 йил 29 июнда "РКП(б)нинг Туркистондаги асосий вазифалари тўғрисида" деган умумий ном билан қабул қилган тўртта қарорига асос қилиб олинди. РКП(б) М К қарорида ташқи савдо, ташқи алоқа, ҳарбий масалалар РСФСР тасарруфидаги соҳалар эканлиги таъкидланди.

Ўлкани марказга тобе этиш мақсадида тайёрланган кишанниинг сўнгги халқалари бўлган бу қарорлар Туркистоннинг давлат мустақиллигига тинч йўл билан эришишга бўлган сўнгги умидларни ҳам пучга чиқарди. Туркистонда советча режимдаги янги мустамлакачилик тузуми қарор топа бошлади.

"Ленин ҳузурига нажот истаб бориб, чирқиллаб қолган Рисқулов ва унинг тарафдорлари 18 июлда Туркистон Комфирқасининг Ўлка Комитети ва Туркистон МИК таркибидан чиққанликларини эълон қилишди"[2].

Туркомиссия 19 июлда Рисқуловнинг сафдошлари кўпчиликни ташкил қилган Ўлка Комитетини тарқатиб юбориш ва Туркистон Компартиясининг муваққат М К ини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

---

1. Т.Рисқулов асослаб берган ягона Туркистон давлатини тузиш тўғрисидаги фикрлар 20-йилларнинг ўртасига келганда Файзулла Хўжаев томонидан янада ривожлантирилди ва бу давлатнинг жуғрофий ўрни қилиб қадим Турон мамлакатининг сарҳадлари олинди. Бугунги кунда ўртага ташланган "Туркистон-умумий уйимиз" шиорининг илдизлари чуқур бўлиб, уни даставвал Ф. Хўжаев ва Т. Рисқуловлар назарий жиҳатдан ишлаб чиққан эди.

2. Ражабов К. Ленин билан баҳслашганлар // Саодат. 1991. N4. 6-бет.

Назир Тўрақулов муваққат Марказий Комитет Ижроия бюросининг маъсул котиби қилиб сайланди. Айни вақтда Туркистон М И К таркибини янгилашга ҳам қарор қабул қилинди. Унинг раиси қилиб Т. Рисқулов ўрнига *Абдулла Раҳимбоев тайинланди*[1].

1920 йил 29 июлда Туркомиссиянинг янги таркиби Г. Я. Сокольников бошчилигида Москвада тасдиқланди[2]. Бу воқеадан роса бир ой олдин Туркомиссия таркибидан РКП(б) МК Туркистон бюроси (қисқача Туркбюро) ажралиб чиққан эди. Туркбюро партия ташкилотларини назорат қилиши, республика коммунистларининг "ғоявий штаби" бўлиши керак эди. Туркбюронинг дастлабки таркиби РКП(б) МК Ташкилий бюроси томонидан ўша 29 июлда қуйидагича тасдиқланди: Г. Я. Сокольников (раис), Л. М. Каганович, Я. Х. Петерс, Г. И. Сафаров, Я. З. Суриц[3]. Туркбюро Туркомиссиясининг издоши сифатида минтақада Марказнинг мустамлакачилик сиёсатини ўтказишга интилди[4].

1920 йил август ойининг ўрталарида Т. Рисқулов Москвага ишлаш учун чақириб олинади. Шу пайтдан бошлаб Рисқулов ва унинг маслакдош дўстлари алоҳида назорат остига олинади, уларга нисбатан турли-туман тайзиқлар қилинади. Таниқли жадид мунаввари, Мусулмонлар бюроси аъзоси Мунаввар Қори Абдурашидхонов ўзининг хотираларида ушбу ҳолни қуйидагича эслайди: "Бу гуруҳ коммунистлар "Рисқуловчилар" *деб номланиб, қувғин қилина* бошланди. Командировкага юбориш

---

1. Қаранг: Ўрта Осиё коммунистик ташкилотларининг тарихи. 460-бет.

2. Туркомиссия РКП(б) М.К қарори билан 1922 йил 15 августда тугатилди.

3. Гражданская война и военная интервенция в СССР. Энциклопедия. Москва, 1987, с.612.

4. Туркбюро фаолиятини 1921-1922 йилларда Я. З. Рудзутак, А. А. *Иоффе ва С. И. Гусев бошқарди.* Туркбюро таркибига маҳаллий раҳбарлардан Ф. Хўжаев, Қ. Отабоев, А. Раҳимбоев, Н. Тўрақулов киришган эди. 1922йил май ойида Туркбюро РКП(б) М. К. Ўрта Осиё бюроси қилиб қайта тузилди.

баҳонасида ишдан бўшатиш кучайди. Мен бу вақтда Маориф халқ Комиссарлиги аъзоси ва турк бўлими раиси бўлиб ишлардим. Бошқалар қатори мен ҳам ишдан олиндим...

IX қурултойдан сўнг[1] Рисқулов гуруҳи бутунлай енгилди. Тўрақулов гуруҳи ғалаба қилди. Бизлар (Рисқулов тарафдорлари) мағлублар қаторида "командировка" олишимиз керак эди. Шу сабабдан Бокудан қайтганимдан кейин мени Шаҳид Аҳмадиев Маориф Халқ Коммисарлигига чақириб, Бухоро Халқ Маорифига Қори Йўлдош ихтиёрига юборди. Мени у коллегия аъзоси қилиб тайинлади..."[2].

1920 йил 1-8 сентябрда Боку шаҳрида Шарқ халқларининг I қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда қабул қилинган қарорлар Туркистон халқларининг кейинги тақдирида муҳим рол ўйнади. Бокудаги ушбу қурултойда Турор Рисқулов, Мунаввар Қори, Салимхон Тиллахонов, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Обиджон Маҳмудов, Тўрақул Жонузоқов, Зайниддин Қори Насриддинов, Ҳожи Сафо Жўрабеков каби туркистонлик миллат фидойилари қатнашдилар. Қурултой ишида Туркиядан келган Анвар Пошо (уни Москвадан шахсан Ленининг ўзи юборган эди) ҳам иштирок этади ва катта нутқ сўзлайди. Қурултой фаолиятига раҳбарлик қилган Коминтерн раиси Н. Е. Зиновьев бўлса Бошқирдистон миллий ҳукуматининг собиқ раиси, машҳур жадид мунаввари ва муборизи Аҳмад Закий Валидийга бу анжуманга қатнашиш учун рухсат бермайди[3].

Т. Норбўтабеков қурултойда сермазмун нутқ сўзлади. У Совет ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсатини ўз нутқида қуйидагича фош

1.1920 йил 19-24 сентябрда бўлган Туркистон Советларининг IX съезди кўзда тутилмоқда.

2.Мунаввар Қори. Хотираларим. Нашрга тайёрловчи: С. Холбоев // Турон тарихи. Тўплам. N1, 1992, 19-20 бетлар.

3.Ражабов К. Истиқлолимизнинг тарихий илдизлари // Маърифат, N61, 1996 йил 17 август

қилди: "Биз озодлик, тенглик ва бирodарлик шиорлари фақат қоғозда эмас, балки ҳаётда ҳам амалга ошишини талаб қиламиз... Мусулмон дунёсининг бошқа қисмларида Туркистонда бўлган ҳодисалар қайтарилмаслиги учун мен ўзимизнинг ҳокимиятни огоҳлантириб қўймоқчиман. Биз уч йил ичида олиб борган сиёсатни, ундаги хатоларни биламиз ва шундай деймиз: "Ўз ичларингиздаги аксилинқилобчиларни йўқ қилинг, миллий келишмовчилик уруғини сочаётган келгинди унсурларни йўқ қилинг, коммунизм ниқоби остида ишлаётган замонавий мустамлакачиларни йўқ қилинг!"[1]

Туркистонлик 40 та мусулмон делегатлари ушбу анжумандан сўнг ўзаро кенгаш чақиришади. Ушбу қурултой ва кенгашда туркистонлик вакиллар Совет ҳокимияти фаолиятидан норози эканликларни ошкора баён қиладилар. Улар "Туркистондаги Совет ҳокимиятига қарши тарғибот" ишларини авж олдиришга ва "Октябрь инқилобининг уч йиллиги кунида умумхалқ қўзғолони кўтаришга" чақирадилар[2].

Хулоса қилиб айтганда, Турор Рисқулов бошчилигида тузилган Ўлка Мусулмонлар бюроси ўзининг атиги ўн ойлик фаолияти давомида Туркқомиссиянинг мустамлакачилик сиёсатига қарши изчил кураш олиб борди. Миллий раҳбар ходимлар совет ва партия ташкилотларида ишлаб туриб ҳам Туркистоннинг мустақиллиги ва бирлиги учун кураш тарихига ёркин саҳифалар битишди.

Туркистоннинг асл фарзандлари коммунистик мафкурани қисман қабул қилсалар-да, ўз халқлари манфаатларига содиқ бўлиб қолдилар, уни ҳимоя этишдан воз кечмадилар. Туркистон мустақиллиги ва

---

1. I съезд народов Востока. Баку, 1-8 сентября 1920г. Стенографический отчёт. Петроград, изд-во Коммунистического интернационала, 1920. с.87-89.

2. Раҳабов К. Истиқлолимиз сарчашмалари //Гулистон, 1997, №1 10 бет.

равнақи ғояси билан яшаб, улар бу қутлуғ мақсад йўлида имконияти борича мавжуд совет тузумига қарши кураш олиб бордилар.

"Турк республикаси" ва "Турк Компартияси" тузиш ҳақидаги Рисқулов ғояси 1920 йил январда бўлиб ўтган Ўлка мусулмон ташкилотларининг III Конференцияси ва Туркистон Компартиясининг V Конференциясида ўз амалий тасдиғини топди. Конференция қабул қилган қарорларни Туркистон М И К Президиуми ҳам маъқуллади. Республикадаги учта олий орган томонидан тасдиқланиб, қонуний тусга тусга кирган мазкур қарорларни Туркомиссия аъзолари ўз мажлисларида бекор қилишди. Марказ ҳам бу борада адолатсиз ҳакам ролини қойилмақом қилиб ўйнашдан нарига ўтмади.

1920 йил ёзидан бошлаб Туркистон Республикасида вазият кескин ўзгарди. Т. Рисқулов ва унинг маслакдошлари масъул лавозимлардан истеъфога чиқиб ҳокимият тепасига Туркомиссия ва Туркбюронинг хоҳиши билан ҳисоблашадиган кишилар келди (Назир Тўрақулов гуруҳи). Фақат марказнинг кўрсатмалари билан иш олиб борган Туркомиссия Туркистондаги бутун ҳокимият органларини ўз қўлларига олиб, республикада янги совет мустамлакачилик тузумини қарор топтириш учун жон-жаҳдлари билан интилдилар. Совет ҳокимиятининг сиёсий марказлаштириш борасидаги ҳаракатлари пировардида Туркистонда ўзининг машъум ниҳоясига етди. Туркистон республикаси оқибат натижасида Россиянинг хом-ашё ўлкасига иккинчи бор айлантирилди. Собиқ жадидлар бўлган Туркистондаги миллий зиёлиларни ҳам энди тақдирга тан. беришдан бошқа иложи қолмади. Бу ҳолни сал кейинроқ Мунаввар Қори афсус билан қуйидагича ифодалаган эди: " 21-йилдан бошлаб жадидлар катта хато қилди. Туркомиссия томонидан қилинган ҳаракатларни *мустамлакачилик дедик. Ҳақиқатдан, улар мустамлакачи* экан, уларга қарши курашмай, бутун ишни ташлаб, араз қилиб, ўзимизни четга олиш катта хато бўлган"[1].

---

1. Қаранг: Қосимов Б. Жадидчилик // Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари. Тошкент, "Университет". 1993. 26-бет.

II-БОБ. ТУРКИСТОН ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ МАРКАЗЛАШТИРИШ СИЁСАТИ.

2.1-§. Туркистон ўлкасида Октябр тўнтаришидан кейинги иқтисодий аҳвол. Очарчилик ва унинг оқибатлари.

Туркистонда 1917 йил кузидаги давлат тўнтаришидан кейин ўтказилган иқтисодий сиёсат ўлка иқтисодиётини Марказ иқтисодига бўйсундиришдан иборат бўлди. Туркистонда 1917 йил охиридан бошлаб то 1918 йил баҳоригача 330 дан ортиқ саноат корхонаси, кўплаб ҳунармандчилик устахоналари, банклар, босмахоналар, темир йўл транспорти национализация қилиниши оқибатида ишлаб чиқариш деярли тўхтади. Биринчи жаҳон урушидан аввал бутун Туркистон саноати ялпи маҳсулотининг 80 фоиздан кўпроқ қисмини шу соҳалар берар эди. Тадбиркорлик билан шуғулланиб келган жамиятлар тарқатиб юборилди. Ўлкадаги мавжуд бозор муносабатлари рад қилинди. 1918 йил 21 январдан бошлаб Туркистон ўлкасида ғалла билан эркин савдо қилиш тақиқланди. *Хусусий мулк эгалари текинхўрлар деб эълон қилиниб,* фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум қилинди.

Туркистондаги большевиклар ҳукумати иқтисодий соҳада йўл қўйган жиддий хатолар бу билан чекланмайди. 1918 йил 26 февралда Туркистон Х К С раиси Ф.И.Колесов пахта толаси ва ҳам пахтани мусодара қилиш тўғрисидаги декретни имзолади. Мазкур декретга кўра, қисқа вақт ичида заводларга топширилган 3,4 млн.пуд пахта толаси, *6 млн. пуд хом пахта,* 600.000 пуд пахта ёғи, 4 млн. пуд чигит, 1,1 млн. пуд кунжара совет давлати ихтиёрига бепул ўтди. Деҳқонлар заводга топширган пахтаси учун ҳам, уйидан олиб кетилган пахта учун ҳам лоақал қатъий нархда бўлса-да пул олмадилар[1].

---

1. Акромов А. "Босмачилик ҳаракати ва унинг моҳияти" Ҳаёт ва иқтисод, 1991, №:7, 58-бет.

Бу ҳол пахтакор деҳқонларни жунбушга келтирди.
Пахтани мусодара қилиш ҳақидаги декрет "Фарғона осмонида тўсатдан янграган момақалдироқ бўлди",-деб ёзган эди кейинчалик ҳарбий тарихчи Д. Зуев.

Туркистон республикаси хўжалигини бошқариш учун 1918 йил апрелда Халқ хўжалиги кенгаши ташкил қилинди, жойларда вилоят, шаҳар ва уездларнинг халқ хўжалиги кенгашлари (совнархозлар) тузила бошланди.

Туркистонда совет ҳокимияти вайрон бўлган қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта тиклаш учун дастлаб қишлоқ хўжалиги коммуналарини ташкил қилишга муваффақиятсиз равишда уринди. Ўлкадаги энг йирик коммуналардан бири "Интернационал" бўлиб, у 1918 йил 25 июлда ташкил топган эди. 1 ноябрда унинг 152 та бўлими мавжуд бўлиб, шу пайтгача давлат томонидан унга 8.818.050 сўм маблағ ажратилган. Бироқ ўша йили коммунада ҳосилдорлик жуда паст бўлди.[1]

"Интернационал"нинг аҳолиси 8.933 кишидан иборат бўлиб, улар 12.431 десятина ерда деҳқончилик қилишган. Коммуна аъзолари махсус қурилган катта баракда яшашган. Бу баракда 456 та хона бўлиб, ҳар бир хонада ўртача 19,6 киши истиқомат қилган. Коммуна аъзолари ихтиёрида 854 та от, 1.128 та ҳўкиз, 41 та туя, 48 та эшак, 661 та қўй, 90 та эчки, 394 та сигир мавжуд бўлган.

Коммуначилар нормал шароитда ишлашлари учун уларга маълум миқдорда турли қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари керак эди. Иқтисодчиларнинг ўша пайтдаги ҳисоб -китобларига кўра плуг, борона, сеялка, кетмон, белкурак, мотилка *сотиб олиш учун бозор баҳосида* 50.350.000 сўм талаб қилган. Бундан ташқари боғдорчилик ускуналари

---

1. О сельскохозяйственных коммунах // Народное хозяйство Туркестана, N:38, 26 декабря 1918 г. С.8.

харид қилиш учун бозор баҳосида яна 50.000 сўм пул керак бўлган. Коммуна аъзоларининг кийим-кечаги учун бозор нархларида 159.000.000 сўм талаб қилинган. Коммуначиларнинг уй-жой муаммоси ҳал қилиш учун камида 550 та квартира қурилиши керак, бунинг учун эса яна 363.000.000 сўм маблағ зарур бўлган. Булардан ташқари "Интернационал" аъзоларни янги ҳосилгача озиқ-овқат билан таъминлаш учун жон бошига фақат нон учун 13.742 сўм ва чорва молларига ем-хашак сотиб олиш учун 13.840.000 сўм маблағ талаб қилинган. Демак, *"Интернационал" коммунасида хўжалик ишларини йўлга қўйиш* учун бир йилда 641.769.000 сўм, жон бошига хисоблаганда, ҳар бир кишига 70.000 сўм маблағ зарур бўлган[1].

Албатта бундай катта миқдордаги маблағ билан коммуналар фаолиятини йўлга қўйиш иқтисодий жиҳатдан ночор бўлган совет ҳукумати учун имконсиз эди. Шунинг учун ҳам Туркистон советларининг IX съездида (1920 й. сентябрь) Х К С раиси Қайғусиз Отабоев шундай деган эди: "Коммуналар ўрнатишнинг амалий тажрибаси улар Туркистон учун мутлақо мақбул эмаслигини кўрсатди"[2].

Туркистондаги янги давлат барча корхоналар фаолиятини йўлга қўйиши: яъни уларни маблағ ва тегишли хом ашё, техник кучлар ҳамда идора ходимлари билан таъминлаши лозим эди. Афсуски, большевиклар бу вазифани анча пайтгача уддалай олмай, ишлаб чиқаришни бутунлай издан чиқардилар. Натижада корхоналар ёпилиб, ишчилар кўчага қувилди.

Туркистон Советларининг Х съездида (1921 й. август) ҳукумат бошлиғи Қ. Отабоев большевикларнинг национализация сиёсати тўғрисида қуйидагиларни сўзлаган эди: "Давлатнинг бевосита ихтиёрига

---

1. Народное хозяйство Туркестана. №:35. 28 декабря 1918 г.С.5.
2. Ўзбекистон МДА. 17-Фонд. 1-рўйхат. 39-иш. 222-223 варақлар

қуйидаги корхоналар олинди: пахта тозалаш, тери ошлаш, совун ва гишт ишлаб чиқариш заводлари, барча тегирмонлар, ҳатто маҳаллий сув тегирмонлари ҳам. Ваҳоланки, бизнинг хўжалик органларимиз национализация қилинган барча корхоналарни бошқариш тугул, ҳатто уларни ҳисобга олиш, мол-мулки ва асбоб-ускуналарини сақлаш чорасини кўришга ҳам имкони йўқлиги маълум эди. Бунинг натижасида Туркистондаги саноат корхоналарининг фаолияти тўхтаб қолди, улар хўжасизлик оқибатида ҳалокатли тарзда қисқариб кетди"[1].

Съездда бу фикрни бошқалар ҳам тасдиқлашди. Масалан, хўжалик сиёсати тўғрисида нутқ сўзлаган [Х Х М К раиси] А.Асаткин национализация қилинишдаги хато сиёсатни эътироф этиб, шундай деган эди: " Нима бўлса ҳаммаси йўл-йўлакай национализация қилинди. Хатто 1920 йилнинг охирига келиб ҳам бизга нималар қолди ва биз нималарни бажаришимиз кераклиги ҳисобга олинмаган эди"[2].

Туркистондан Россиянинг марказий губерняларига хомашё заҳираларининг ташиб кетилиши ўлкадаги иқтисодий инқирозни янада чуқурлаштириб юборди. Бу ҳолат Туркистон Иқтисодий Кенгаши (ТЭС)[3] ҳисоботларида [12-VII.1921 й] равшан кўзга ташланади: "Барча пахта, жун, тери, мўйна маҳсулотлари Марказга жўнатилди. Бунинг устига Туркистоннинг моддий заҳирасидан ҳарбий соҳа эҳтиёжлари таъминланишини ҳам ҳисобга олсак, ўлкадаги барча етишмовчилик яққол кўринади ва Туркистонда маҳсулот танқислиги вужудга келиши тушунарли бўлади"[4].

---

1. Стенографический отчёт Х-Всетуркестанского съезда советов рабочих, дехканских и красноармейских депутатов. 21-25 августа 1921 г. Ташкент, Турк госиздат, 1921, С. 20.

2. Стенографический отчёт Х-Все туркестанского съезда советов... С.70-71.

3. Туркистон Иқтисодий Кенгаши-ТЭС. 1921 йил 6 октябрда тузилган эди. Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон МДА, 16-фонд, 2-рўйхат, 83-иш, 57-58 вараклар.

4. Ўзбекистон МДА, 16-фонд, 2-рўйхат, 7-иш, 8-варақ.

Бошқа тармоқлар каби қишлоқ хўжалик соҳаси ҳам оғир аҳволга тушиб қолган эди. 1917 йилда Туркистонда барча экин майдонларининг миқдори 2,8 млн. десятина бўлган бўлса, 1923 йилда бу кўрсаткич 1,6 млн. десятина тушиб қолди. Республикадаги экин майдонлари 1,2 млн. десятина қисқарди[1].

Туркистон республикаси раҳбарларидан бири И.Хидиралиевнинг ёзишича, 1917 йилдан бошлаб Фарғона водийсида қишлоқ хўжалик соҳаси инқирозга учради. Хусусан, суғориладиган экин майдонларининг миқдори кескин камайиб кетди. Бу кўрсаткич водийда 1917 йил 596.381 десятинага тушиб қолди[2] [1915й. 994.000 десятина[3] эди]. 1918 йилдан бошлаб инқироз ҳалокатли тус олди. Тўла бўлмаган маълумотларга қараганда, ўша йили атиги 70.000 десятина ерга пахта экилган эди[4].

Фарғона водийсидаги уруш ҳаракатлари ва табиий офатлар (қурғоқчилик, ноқулай об-ҳаво шароити ва б.) натижасида деҳқончилик бутунлай издан чиқди. 1921 йил водийда тахминан 250.000 десятина ерга экин, шундан фақат 33.000 десятина ерга пахта экилган эди, холос[5]. (ҳолбуки, 1916 й. 348.525 десятина ерга фақат"америкача" пахта нави экилган эди[6].) 1922 йилда ҳам бу кўрсаткичлар ўзгармасдан қолди. Водийда мавжуд бўлган 180 та пахта тозалаш заводидан (1917 й) лоақал бирортаси ҳам бу даврда ишламас эди.

Чорвачилик бу пайтда хўжаликнинг бошқа турларга қараганда

---

1. ЦСУ Туркреспублики. Статистический ежегодник. 1917-1923 г. Составлен под ред. Д.А.Красновского. Том II.Ташкент, изд. ТЭС, 1924. С. 6.
2. Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 336-иш, 241-варақ.
3. Статистический ежегодник Туркреспублики 1917-1923 г.Т-II.Ташкент, изд.ТЭСа. 1924. С.6.
4. Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 336-иш, 225-варақнинг орқаси.
5. Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 336-иш, 242-варақнинг орқаси.
6. Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 336-иш, 225-варақ.

энг кўп зарар кўрди. 1917 йилдан 1920 йилгача подалар сони тенг ярмига қисқариб кетди. Фарғона водийсида 1917 йил 257.598 от, 526.686 қорамол, 14.289 туя, 561.197 қўй, 205.525 эчки бор эди[1]. Лекин уч йил ичида Фарғонада юк ташувчи отлар 5 марта ва қўшга қўшилувчи ҳўкизлар 4 марта камайди. И.Хидиралиевнинг ёзишича, 1917 йил мавжуд бўлган 1.565.414 бош уй ҳайвони (мол)дан 1922 йил атиги 146.336 бош қолган эди[2].

Ўлка озиқ-овқат ташкилотларининг 1919 йил 30 июнда бўлган съезди Туркистонда чорва молларининг бунчалик озайиб кетганига Россиянинг беш йиллик уруши, табиий офатлар билан бир қаторда республикада шафқатсиз равишда ўтказилган мобилизация, конфискация ва реквизиция сиёсати ҳамда айрим ваколатли идораларнинг кўпол хатоси сабаб бўлди[3], деб тўғри кўрсатиб ўтган эди.

Туркистон республикасида большевиклар юритган номақбул иқтисодий сиёсат маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олмаганлиги учун халқ хўжалигида ўзининг фожиали изларини қолдириш билан бир қаторда Ўлка халқларининг ҳақли норозилигини келтириб чиқарди ва истиқлолчилик ҳаракатини янада авж олдириб юборди.

Ўлка қишлоқ хўжалигидаги инқироз асосан ўтроқ яшовчи маҳаллий аҳоли хўжаликларига салбий таъсир қилди. Сал кейинроқ ўтказилган ҳисоб-китобларга қараганда[4], ўтроқ маҳаллий аҳолининг сони ва хўжаликлари миқдори кескин камайиб кетган. Фақат рус аҳолисининг сони ва хўжаликлари ўртасида ўсиш кўзга ташланади[5].

Туркистон коммунистларининг 3-съездида (1919 й. 6 июн)

---

1. Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 336-иш, 241-варақ.
2. Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1- рўйхат, 336-иш, 242-варақнинг орқаси.
3. Народное хозяйство Туркестана. №17.3 августа 1919 г, с.8.
4. Бу ҳақда иловадаги 1-жадвалга қаранг.
5. Отчёт о деятельности СНК и Экономического Совета Туркестанской республике на 1октября 1922г. Ташкент, изд.ТЭС, 1922 с.65.

"Фарғона масаласи" тўғрисида махсус тузилган комиссия ҳисоботи тингланаётган пайтда бир мусулмон коммунистнинг хати ўқиб берилади. Т. Рисқулов қаламига мансуб "*Инқилоб ва Туркистоннинг туб аҳолиси*" номли китобда ушбу мактубнинг тўла матни келтирилган. Туркистонда совет ҳокимияти томонидан ўтказилётган шовинистик сиёсат ва қизил армиянинг босқинчиликлари мактубда қуйидагича фош қилиб ташланди: "Биз шўрлик мусулмонларни қонхўр Николай замонида қандай ҳайвон ўрнида кўришган бўлса, йўқсиллар ҳукумати даврида ҳам шундай... Ҳозир ҳам зулматда яшамоқдамиз, оч, яланғоч, итга ўхшаб *хор бўлиб ўлиб кетяпмиз. Бунинг учун ким айбдор?.. Масалан, бир* камбағалнинг битта оти ва араваси бўлган, у извошчилик қилиб оиласини боқиб турган. Уникига бир қизил аскар кириб келади, оилани боқиб турган ягона отни текинга олиб кетади, энди оила нима ҳисобига кун кечиради, буни сўраб ҳам ўтирмайди. Наҳотки бу фирқа дастурида кўрсатилган бўлса... Улар фақат ўз русларини ажратиб ҳимоялари остига олдилар, яхши едирдилар, яхши кийдирдилар, бошқаларнинг ипак газламалари ва қиматбаҳо буюмлари билан уйларини безадилар. Биз мусулмонларга нима беришди? Қорнимизни тўйғазишдими? Йўқ. Кийинтиришдими? Йўқ. Агар кийинтиришганда камбағаллар яланғоёқ юришармиди; агар қорнимизни тўйғазишганда минглаб-ўн минглаб одам очликдан ўлармиди. Бизнинг уйларда нималар қолди? Фақат жулдур тўшаклар қолди, холос, бошқа ҳеч нарса..."[1].

Озиқ-овқат муаммоси бу пайтга келиб Туркистон республикасидаги энг ўткир муаммолардан бирига айланган эди. Большевиклар маҳаллий аҳоли қўлидаги ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини тортиб олиш учун қатъий чораларни белгилашди. 1918 йил январда

---

1. Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана. Часть I. 1917-19 г. Ташкент. Узгиз. 1925. с.101.

Туркистон ХКС ҳузурида озиқ-овқат бўлими очилиб, унга катта ҳуқуқлар берилди[1]. Маълумки, 1918 йил 9 майда РСФСРда озиқ-овқат диктатураси жорий қилинган эди. Бу масала Марказнинг ўзида ҳам қаттиққўллик билан амалга оширилди. Туркистонда эса 1918йил 15 июнда уч кишидан иборат ўлка озиқ-овқат Директорияси ташкил қилинди[2].

Директория ўз фаолияти давомида катта хатоларга йўл қўйди. Очликнинг ёвуз чангали кекирдакдан ушлаб турган пайтда фақат рус аҳолиси озиқ-овқат билан таъминланди. "Ҳокимиятдан четлаштирилган мусулмон аҳолиси ондан ҳам маҳрум қилинди... Натижада очарчиликдан қутула олмаётган мусулмон аҳолиси қирила бошлади. Русларнинг янги шаҳари ва унда кун кўраётган совет ҳокимияти билан маҳаллий аҳоли ўртасида ўтиб бўлмас девор пайдо бўлди"[3].

"Ғалла монополияси тўғрисида", "Синфий нон паёги тўғрисида"[4], "Туркистон республикасида озиқ-овқат сиёсатини амалга ошириш юзасидан озиқ-овқат комиссарига фавқулодда ваколатлар бериш тўғрисида" деган декретлар билан 1919 йил 4 июнда Туркистонда озиқ-овқат диктатураси жорий этилди.

"Туркистон М И К нинг ўша куни бўлиб ўтган мажлисида айрим маҳаллий коммунистлар ғалла монополияси сиёсати амалга оширилса, у республикада қайғули фожиаларга сабаб бўлади деб, олдиндан огоҳлантиришди. Масалан, Туркистон Мусулмонлар бюроси раиси Т. Рискулов бу сиёсат бизга тўғри келмайди деб, қуйидагиларни таъкидлаган эди: "Ғалла монополияси сиёсатини Туркистонда амалга ошириб бўлмайди... Ғаллани аҳолидан эркин нархда сотиб олишимиз керак.

---

1. Победа Советской власти в Средней Азии и Казахстане. Ташкент, "Фан", 1967. с.538.
2. Ўзбекистон МДА. 25-фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 273-варақ.
3. Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). с.81.
4. Ўзбекистон МДА. 17-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 75-варақ.

Меъёрдан ортиқ ғаллани топширишни деҳқонлардан талаб қилмаслигимиз лозим"[1].

Туркистон темир йўллар комиссарининг ушбу мажлисда айтган қуйидаги сўзлари ҳам диққатга сазовордир: "Ғалла монополияси ўтказилар экан, қурол кучидан фойдаланмаслигимиз керак. Ўлкада 7,5 млн. киши яшайди, уларнинг ҳар бирига йилига ўртача ҳисобда 10 пуд ғалла ҳисоблаганда ҳам 75 млн.пуд ғалла керак. Амалда 35 млн.пуд ғалла йиғилди. Озиқ-овқат Директорияси ушбу дондан 15 млн. пуд ғаллани шаҳардаги ишчиларга беришни мўлжаллаган. Бунинг натижасида 5 млн. мусулмон аҳолиси очарчилик гирдобида қолди"[2].

Ғалла монополияси ҳеч қандай тайёргарликсиз жорий қилинди ва шафқатсиз равишда амалга оширилди. Туркистондаги тартибсиз реквизициядан энг кўп азият чеккан мусулмон аҳолиси ғалла монополиясини, ўша даврдаги Совет амалдорларидан бири киноя қилиб ёзганидек, худо томонидан юборилган жазодек қабул қилди[3].

Деҳқонларнинг охирги қадоқ ғалласи озиқ-овқат тўпловчи отрядлар томонидан тортиб олинди. Ҳатто шу отрядларда хизмат қилган айрим маҳаллий коммунистлар ҳам ўз ишларининг нақадар жирканч эканлигини тушуниб, уни бажаришдан бош тортдилар. Ана шундай кишилардан бири самарқандлик Қоразокир Ҳамидов Туркистон Советларининг VII съездида нутқ сўзлаб, қуйидагича кескин фикр билдирган эди: "Мен ғалла монополиясига бутунлай қаршиман. Қишлоқларда аҳвол жудаям оғир... Қишлоқларда одамлар очликдан қирилиб кетди. Аввало, у ерда эркинлик йўқ"[4].

" Синфий нон паёги тўғрисида "ги декретга мувофиқ Туркистон-

---

1. Ўзбекистон МДА. 17-фонд. 1-рўйхат. 10-иш. 136-варак.
2. Ўзбекистон МДА. 17-фонд. 1-рўйхат. 10-иш. 138-варақ.
3. Қаранг: Народное хозяйство Туркестана. N:27. 12 октября 1919 г. с.3.
4. Ўзбекистон МДА. 17-фонд. 1-рўйхат. 17-иш. 127-варақ.

да карточка тизими жорий қилинди. Барча аҳоли уч тоифага ажратилди: I *тоифа-ишчилар, қизил аскарлар ва масъул ходимлар кунига* бир фунт (1 фунт-409.5 грамм), II тоифа-хизматчилар, қора ишларни бажарувчи ишчилар ярим қадоқ (205 г.), III тоифа-ишчилар ва буржуазия чорак қадоқ (102 г.) нон олишлари мумкин эди[1]. Маҳаллий аҳоли ҳатто ўзининг арзимас улуши бўлган 100-200 грамм нонни олишдан ҳам кўпинча маҳрум эди. Бу декрет, энг аввало, рус аҳолисидан иборат ишчилар синфини таъминлашни кўзда тутар эди. Масалан, Наманган озиқ-овқат бўлимида аҳоли таъминоти учун паёк тарқатилганда уезднинг маҳаллий аҳолисига ундан бирорта ҳам улуш ажратилмади[2].

Озиқ-овқат тақсимлашда қўлланилаётган миллий тенгсизлик сиёсати Туркистон Советларининг VIII съездида (1919 й. сентябр-октябр) маҳаллий делегатлар томонидан қаттиқ танқид қилинди. Андижондан келган делегатнинг айтишига, "Озиқ-овқат бўлимига тушаётган барча маҳсулотлар европали аҳолига тарқатилмоқда. Маҳаллий ахоли ҳеч нарсадан фойдаланмаяпти"[3].

Съезднинг иқтисодий секциясидаги маҳаллий делегатлар Туркистон озиқ-овқат комиссари В.С. Ляпин билан бўлиб ўтган мулоқатларида тақсимот борасида совет ҳокимияти юритаётган сиёсатнинг асл моҳиятини очиб ташладилар[4].

Туркистонда 1917 йил қишида бошланган ОЧАРЧИЛИК большевикча режимнинг қаттол сиёсати натижасида табора кучайиб борар эди. 1918 й. 20 ноябрда Туркистон республикасидаги очарчиликка қарши кураш Марказий комиссияси тузилди. Комиссия раиси Т.Рисқулов ўз

---

1. Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 76-иш, 22-варақ.
2. Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 32-иш, 86-варақ.
3. Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 31-иш, 9 "а"-варақ.
4. Қаранг: Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 36-иш, 24 "а"-варақ.

таржимаи ҳолида ёзганидек, " ... ҳақиқатан ҳам кўчалар, ариқлар ва қишлоқларда ўлаётган миллионлаб йўқсуллар ва болаларни қутқариш керак эди, ўша вақтдаги ҳокимият бунга панжа орасидан қарарди (масалан, бир миллион оч киши учун ҳаммаси бўлиб 5.000.000 сўм пул ажратилди)..."[1].

Фарғона Советларининг XIII област съездида вилоят инқилобий қўмитаси раиси водийдаги очарчилик тўғрисида тўхталиб шундай деган эди: "1917-1918 йилдаги очарчилик Фарғона вилояти хўжалигининг вайрон бўлишида кучли таъсир кўрсатди... Фақат Қўқон ва Марғилон уездида очарчилик оқибатида 1917-1923 йиллар ярим миллион одам ўлди"[2]. Архив ҳужжатларининг далолат беришича, Фарғона водийсида 1917-1923 йилларда очарчилик натижасида 1 млн киши ҳалок бўлди[3].

Туркистон республикасидаги даҳшатли очарчилик унинг бошқа вилоятларига ҳам кенг тарқалди. Масалан, Самарқанд вилояти Жиззах уездининг 70 фоиз аҳолиси очликдан қирилиб кетди.[4] Бошқа уездларда ҳам аҳвол шундай эди. Самарқанд уездининг ўзида эса 70.000 одам очарчиликдан ўлиб кетди.[5]

Т.Рисқулов очарчилик республика аҳолисининг ярмини, яъни тахминан 2,5 млн. кишини ўз домига тортди, деб ёзган эди.[6]

Т.Рисқулов Туркистон Советларининг фавқулодда VII съездида (1919 й. март) бутун бир миллат йўқ бўлиб кетиши мумкинлиги ҳақида гапирганда унинг сўзларида кучли дард бор эди. Очарчилик шу

---

1. Турор Рисқуловнинг таржимаи ҳоли. Нашрга тайёрловчи Каҳрамон Ражабов // Саодат. 1992. N:5-6. 8-бет.
2. Ўзбекистон МДА. 17-фонд. 1-рўйхат. 108-иш. 199-202-варақлар.
3. Ўзбекистон МДА. 17-фонд. 1-рўйхат. 947-иш. 201-варақ.
4. Ўзбекистон МДА. 17-фонд. 1-рўйхат. 17-иш. 85-варақ.
5. Ўзбекистон МДА. 17-фонд. 1-рўйхат. 17-иш. 88-варақ.
6. Қаранг: Семенюта В. Туркистонда 1917-1920 йиллардаги очарчилик // Инсон ва сиёсат. 1991. N:12. 78-бет.

даражада кучайган эдики, ўлка тарихида илгари учрамаган одам гўшти ейиш (одамхўрлик) каби ҳодисалар юз берди. "Туркистон халқ хўжалиги" журналида ёзилишича, Т.Рисқулов бу ҳақда ўз маърузасида куюниб сўзлади".[1] Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бу ҳодисалар ҳақида озиқ-овқат комиссари, большевик В.Ляпин "Марказий Русиядаги очарчиликлар Туркистондаги даҳшатлар олдида ҳеч нарса эмас", деб ёзган эди.[2]

Туркистондаги совет ҳокимияти оч қолганларга ёрдам учун турли қўмиталар ташкил этди[3] съезд, қурултой ва бошқа йиғилишларда бу масалани кўп марта кўриб чиқиб, қарорлар қабул қилди. Бироқ бу ҳаракатлар кутилган натижани бермади. Турли шаҳарларда арзон ва бепул ошхоналар очилди. "1918 йилда 3.000.000, 1919 йилнинг беш ойида эса 25.000.000 оч киши республика овқатланиш пунктлари томонидан тушлик овқат билан таъминланди".[4] Бироқ бу рақам бир қарашда кўпга ўхшаб кўринса-да, В. Семеновнинг киноя қилиб ёзганидек, аслида, ҳар бир оч қолган кишига ўртача ҳисобда ҳафтасига 1,5 тушлик тўғри келар эди. Умумий очарчилик шароитида бу овқатланиш жойларда чайқовчилик кучайганини ҳам унутмаслик керак.

Даҳшатли очарчилик ва оғир иқтисодий инқирозни бошидан кечираётган Туркистон ўлкасидан Марказга озиқ-овқат маҳсулотларини олиб чиқиб кетиш тобора кучайди. Архив ҳужжатларининг далолат беришига, 1920 йилда ташиб кетилаётган нон маҳсулотлари ва бошқа озиқ-овқат турларининг миқдори 4,5 мартага кўпайган.[5] Масалан,

---

1. Народное хозяйство Туркестана. N:2, 6 апреля 1919 г. С.13.
2. Семенюта В. Очарчилик // Фан ва турмуш, 1991, N:11, 7-бет.
3. 1919 йил 31 июлда Туркистон МИК қарори билан Очарчиликка қарши кураш Марказий Комиссияси тугатилиб, унинг халқ хўжалиги Марказий Кенгаши ихтиёрига бўлим сифатида қўшилиши жиддий хато бўлди. Бу ҳақда қаранг: *Ўзбекистон МДА. 17-фонд. 1-рўйхат. 10-иш.* 133-варақ.
4. Қаранг: Ўзбекистон МДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 1525-иш, 4-15-варақлар.
5. Бу ҳақда иловадаги 2-жадвалга қаранг.

жистондан Россияга 1920 йилда 18.038 тонна озиқ-овқат ва 4.219 на ғалла олиб чиқиб кетилганлиги Ўрта Осиё ва Тошкент темир лари идорасининг расмий ҳужжатларида келтирилади.[1]

Марказга жўнатилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва ёқилғи-г миқдори ой сайин кўпайиб борарди. Бошқа бир ҳужжатда ёзили-ва, "1921-1922 йилларда Туркистондан Россияга 4.400.000 пуд ла жўнатилган.[2] Ўша пайтда дон етиштиришга ихтисослашмаган жистон қишлоқ хўжалиги учун бу катта миқдордаги ҳосил ҳисобла-ди. Чунки, Туркистон чоризм томонидан босиб олинган, ўлкадаги дойзорлар ҳисобидан пахта экиладиган майдонлар кенгайтирилган иб, ғалла Россиянинг марказий губерняларидан бу ерга ташиб инарди. Маълумки, *Туркистонда большевиклар ҳокимият тепасига* гач, Россиядаги фуқаролар уруши натижасида ўлкага ғалла келти-и деярли тўхтаб қолган эди.

Халқ очликдан қирилаётган бир маҳалда Туркистондаги айрим иқ-овқат заҳиралари большевиклар томонидан фронтда ҳарбий мақ-лар учун фойдаланилди. Масалан, 1919 йилнинг биринчи ярмида қат Закаспий фронтида 198 цистерна ўсимлик мойи(ёғи) ва 305 стерна нефт ёқилғи сифатида ишлатилди. Туркистон темир йўлла-даги паровозларда 53 цистерна ўсимлик ёғи ва 223 цистерна нефт илди. Айрим завод ва корхоналарда 118 цистерна ўсимлик ёғи ва 3 цистерна нефт ҳам ёқиб юборилди.[3] Бу даврда аҳоли эҳтиёжлари *ун эса атиги 63 цистерна ўсимлик ёғи ажратилди.*[4]

Халқ хўжалиги Марказий Кенгашининг нашри бўлган "Туркистон

---

1. Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 764-иш, 508-509-варақ-.
2. Қаранг: Ўзбекистон МДА, 18-фонд, 2-рўйхат, 19-иш, 18-ва-к.
3. *Народное хозяйство Туркестана, №22, 7 сентября 1919 г.,* 3.
4. Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 32-иш, 68-варақ.

халқ хўжалиги" журналида ўсимлик ёғининг фронтда ишлатилиши тўғрисида қуйидаги маълумотлар келтирилади: "Ишлаб чиқарилаётган ўсимлик ёғининг деярли ҳаммаси ва заҳирадаги ёғ темир йўлларда *суюқ ёқилғи сифатида ишлатилмоқда*. Ҳозирги пайтгача (1919 й. сентябр -М.Ҳ.) бозор нархи 2.000.000.000 сўм бўлган 500.000 пуд ўсимлик ёғи ёқилди. Ёғнинг ёқилиши кўпайиб бормоқда, уни ишлаб чиқариш миқдори эса аввалгидек (суткада 3.800 пуд). Агар кескин чоралар кўрилмаса, биз аҳолини ягона ёғ маҳсулотидан маҳрум қиламиз..."[1].

Лекин ўсимлик ёғини ишлаб чиқариш ҳажми кўпаймаган бўлса ҳам, ундан ёғилғи сифатида фойдаланиш кескин даражада ошиб кетди. Мазкур журналнинг ёзишича, 1920 йил феврал ойига келиб 600.000 пуд ўсимлик ёғи паровозларда ёқилғи сифатида ишлатилган.[2] Кўмир ва ўтин йўқлигидан бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам (Туркистонда одамлар очарчиликдан юз минглаб қирилаётган бир пайтда!) ёқилғи сифатида ишлатилар эди. *Орол денгизи участкасида паровозлар қуритилган балиқ ёқиб юргизилган.* Шунингдек, паровозларга кунжара ёқишга уриниб кўрилган. Энг даҳшатли ҳодиса шундан иборатки, ҳамма нарсани қурбон қилиш эвазига етиштирилган пахта ёқилғи сифатида ишлатилган.[3]

1920 йил бошларига келганда ғалла монополияси сиёсати бир қадар юмшатилди. Озиқ-овқат развёрсткаси кўринишидан монополияни фақат кўчириб келтирилган крестьянлар яшайдиган районларда ўтказишга қарор қилинди, мусулмонлар яшайдиган жойларда натура солиғи жорий қилинди. Бироқ озиқ-овқат тайёрлашдаги ушбу табақалаштирил-

---

1. Народное хозяйство Туркестана. *N26, 5 октября*. 1919 г., с-13.
2. Народное хозяйство Туркестана. N3.15 февраля. 1919 г., *с-20*.
3. Народное хозяйство Туркестана. N3.13 апреля. 1919 г.,с-2.

ган ёндашув узоқ сақланиб қолмади. Туркомиссия аъзолари В.В. Куйбишев ва Ф.И. Голощекининг тазйиқи билан 1920 йил августда бутун Туркистон республикаси ҳудудида озиқ-овқат тақсимоти (продразвёрстка)ни жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Озиқ-овқат развёрсткаси (тақсимоти) аҳолини очиқдан-очиқ талашга айланиб, ижтимоий кескинликни кучайтириб юборди. "1920 йил охирида фақат ишчилардан 42 та озиқ-овқат тўпловчи отрядлар тузилди, бу отрядларда 3.000 киши бор эди".[1]

Туркистон республикасидаги озиқ-овқат тўпловчи отрядлар фақат 1920-21 хўжалик йилида маҳаллий аҳоли қўлидан 9.708.703 пуд ғалла, 6.358.144 пуд ем-хашак, 1.606.210 пуд гўшт ва бошқа маҳсулотларни тортиб олишди.[2] Тортиб олинган озиқ-овқат маҳсулотлари Россияга жўнатилар эди.

1921 йил 18 июлда бўлган Озиқ-овқат комиссарлиги ҳайъати мажлисида Малютин маъруза қилиб, "ўн кунлик муддат ичида 250.000 пуд озиқ-овқат Марказга юборилсин деган Лениннинг жанговор буйруғини ўқиб эшиттирди".

Лениннинг буйруғи келмасдан бир неча кун олдин Туркистон Х К С Оренбургга 20 вагон ғалла, Россиянинг марказий губернялари учун ҳам 20 вагон ғалла, 2 вагон гуруч, қуруқ мевалар (шунингдек, Самарқанд ва Полторацк гарнизонлари учун 16 вагон) ва Орол денгизи балиғидан бир неча вагон юбориш тўғрисида қарор қабул қилган эди.[3] "Ўлганнинг устига тепган" қилиб, бу топшириқлар Лениннинг жанговор буйруғи билан янада кўпайтирилди.

Натижада Еттисув вилоятида 70 вагон, Сирдарё вилоятида 50

---

1. Нурулин Р.А. Советы Туркестанской АССР в период гражданской войны. Ташкент, "Фан", 1965, с. 130.
2. Нурилин Р.А. Кўрсатилган асар, 221-бет.
3. Қаранг: Исоқов И. Қирғинни ким қилган-у, жадига қолган ким эди? // Шарқ юлдузи, 1992 й, №5. 159-бет.

вагон. Самарқанд вилоятида 30 вагон озиқ-овқат ва ўлка балиқ тайёрлаш қўмитаси (Крайрыба) эса 6 вагон балиқни қўшимча равишда аҳолидан тортиб олиб Оренбург орқали Марказий Россияга жўнатишлари керак эди. Большевик раҳбарларининг бу буйруғини ҳам озиқ-овқат тўпловчи отрядлар қисқа муддатда бажаришди.

Шундай қилиб, Туркистонда ғалла монополияси ва озиқ-овқат разверсткаси (тақсимоти) натижасида маҳаллий аҳоли қўлидан:

а) 1918-19 йилларда зўрлик ва товар айрибошлаш (аслида деҳқонга ҳеч нарса берилмаган эди) йўли билан 4.500.000 пуд ;

б) 1919-20 йилларда товар монополияси ва товар айрибошлаш йўли билан 5.250.000 пуд;

в) 1920-21 йилларда озиқ-овқат разверсткаси воситасида белгиланган 22.500.000 пуд ўрнига 9.700.000 пуд;

г) 1921-22 йилларда озиқ-овқат солиғи ҳисобланган 12.500.000 пуд ўрнига 4.000.000 пуд ғалла тортиб олинди.[1]

Озиқ -овқат тўпловчи отрядларнинг ҳаддан ташқари ўзбошимчалиги ҳатто большевикларнинг ўзини ҳам ташвишга солиб қўйди. Ишчи-деҳқон инспекцияси озиқ-овқат комиссарлиги ихтиёридаги бу отрядларнинг 1920 йил сентябр 1921 йил августдаги бир йиллик фаолиятини текширар экан, йўл қўйилган жиддий хатоларни кўрсатди. Текшириш натижалари махсус ёзилган ҳисоботда ўз аксини қуйидагича топди:

" Озиқ-овқат комиссарлиги Туркистонда ғалла тайёрлаш ва тақсимотни ўз ичига олган озиқ-овқат сиёсатини амалга ошириш керак эди. Лекин таъминот суст олиб борилди. Белгиланган топшириқлар қоғозда қолиб кетди. Карточка системаси амалга ошмади. Озиқ-овқат комиссарлиги республикада ўз соҳасини бирмунча вақт бошқара олмай

---

1. Ўзбекистон МДА. 17-фонд. 1-рўйхат. 45-иш. 221-варақ.

қолди. Комиссарлик томонидан раҳбарлик йўқлиги ва инструкциялар тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги учун озиқ-овқат тўпловчи отрядлар нотўғри ва ёмон ишладилар. Улар нафақат ишни барбод қилдилар, балки мустамлакачилик сиёсатининг энг хунук кўринишларини намоён қилиш билан совет ҳокимиятини обрўсизлантирдилар. Комиссарликда ғалла тайёрлаш борасида жиноятқорона кайфиятдаги хўжасизлик ва бошбоқдоқлик кўзга ташланади. Бундай аянчли аҳволнинг сабаблари қуйидагича: биринчидан , кўпчилик ходимлар ўз ўрнига нолойиқ, иккинчидан, мусулмон аҳолисига эътиборсизлик ва уларнинг қўрқувда эканлиги, учинчидан, мусулмон аҳолисини озиқ-овқат тўпловчи отрядларга ёмон жалб этилгани ва шу кабилар".[1]

Хулоса қилиб айтганда, Туркистонда большевиклар ҳокимият тепасига келгач, ўлка иқтисодиёти бутунлай издан чиқди. Республикадаги бозор муносабатларига кескин зарба берилди. Шу даврдан бошлаб барча шаклдаги хусусий мулк давлат мулкига айлантирила бошланди. Марказ Туркистонга юборган ваколатли ташкилот ва комиссиялар орқали большевиклар бошқаруви тизимини ўз қўлларида сақлаб қолишга муваффақ бўлдилар.

Халқ хўжалигини бошқариш учун ташкил қилинган Халқ Комиссарлар Совети(Х К С) жуда кенгайиб бюракратик аппаратга айланди, маҳобатли марказий вазирликлар-монополистлар пайдо бўлди. Марказий вазирликлар ва бошқармалар бутун мамлакат миқёсида давлат ва бутуниттифоқ манфаатлари ниқоби остида Россия манфаатларини марказдаги большевиклар амалга оширишга киришдилар. "Бозор ва бозор муносабатлари таг-тугидан издан чиқарилди. Нарх - наво, маошлар, даромадлар, молия , солиқлар, деярли барча пул ва бозор муносабатлари монополиялаштирилди. Дунёда СССР каби

---

1. Ўзбекистон МДА. 17-фонд.1-рўйхат,50-иш, 81-83- варақлар.

давлат супермонополизми юксак даражада ривожланган бошқа мамлакат йўқ эди".[1]

Туркистондаги оғир иқтисодий аҳвол мамлакатда бошланган очарчиликни ниҳоятда кучайтириб юборди. Қишлоқларда нонсиз ва ерсиз қолган деҳқонлар, шаҳарда яшовчи ҳунарманд ва зиёлилар маҳаллий аҳолига мансуб юз минглаб кишилар даҳшатли очарчиликнинг қурбони бўлишди. Ўлкадаги большевикча режим, халқ очликдан қирилаётган бир пайтда Марказий Россияга ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари юзлаб эшелонларда жўнатиш билан чекланмасдан, балки ўсимлик ёғи , қуритилган балиқ, буғдой каби таркибида оқсил ва углеводлар кўп бўлган маҳсулотлардан паравозларни юритишда ёқилғи сифатида фойдаланди, уларни фронтда ҳарбий мақсадларда ишлатди.

2.2§. Туркистонда хўжалик ташкилотларининг фаолияти: камчилик ва нуқсонлар.

Туркистон республикасида совет ҳокимияти томонидан ўтказилган иқтисодий ислоҳотлар социалистик жамият қуриш режаси бўйича амалга оширилди. Туркистонни оғир иқтисодий аҳволдан олиб чиқишда турли марказий хўжалик органлари муҳим рол ўйнади. Бироқ уларни ташкил қилиш жараёни ва фаолияти даврида пролетариат диктатурасининг умумий характеридан келиб чиқадиган хусусиятлар кутилмаган оқибатларни юзага келтирди.

Туркистоннинг большевик раҳбарияти Марказнинг кўрсатмаларига сўзсиз амал қилиб, буларни ўзига хос инқилобий кескинлик ва сабрсизлик билан амалга оширишга уринар эди. Бироқ ўзининг кўпчилик қисми назарий ва амалий жиҳатдан етилмаган, туб аҳолининг одатла-

---

1. Носиров П. Иқтисодиётни тартибга солиш //Жамият ва бошқарув 1997.№1.31-бет.

ри ва анъаналари билан таниш бўлмаган, уни назар-писанд қилмайдиган бу ҳокимият кутилмаган ҳодисаларга дуч келиб қолди.[1]

Туркистон раҳбарлари Россия саноат марказлари эҳтиёжларига хизмат қилувчи соҳа корхоналарини национализация қилишга шошилдилар ва ўлка халқларининг манфаатларини, бу тадбирнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ва тайёргарликни ҳисобга олмадилар. Хомашё, ёқилғи, маблағлар, ишчи қўллар йўқлиги туфайли, шунингдек, уруш муносабати билан тайёр маҳсулотни сотиш қийинлашиб қолганига кўра корхоналарнинг жуда кўпчилиги, айниқса пахта тозалаш заводлари ишдан тўхтаб қолди, уларда банд бўлган ишчилар ишсиз қолишди. Национализация қилинган, "хеч кимга қарашлимас" бўлиб тушлган, аслида давлат тасарруфига ўтган корхоналарнинг мол-мулклари ташиб кетилди ва яроқсиз ҳолга келтириб қўйилди.

1918 йил феврал ойининг охирида Тошкент Совети ҳузурида Туркистонда биринчи Халқ хўжалиги кенгаши тузилган эди.[2] У дастлаб ижтимоий фаолият билан, яъни чайқовчилик ва очарчиликка қарши кураш билан шуғулланди. Эски армиянинг мол-мулкларини ҳисоблаш билан машғул бўлди. Бу ташкилот соф маҳаллий аҳамиятга эга бўлиб, фақат Тошкент уездида фаолият кўрсатди.

Туркистон ўлкасида хўжалик органларининг ташкил этилиши 1918 йил март ойидан Қўқон шаҳрида бошланди. Тадқиқотнинг олдинги қисмида айтиб ўтилганидек, 1918 йил апрелда Туркистон республикаси Халқ хўжалиги кенгашини тузишга уриниб кўрилди. Халқ хўжалигини бошқариш учун тузилган бу кенгаш Москвадан жўнатилган Низомга мувофиқ ташкил қилинди.[3]

---

1. Ўзбекистон тарихи (1917-1993 й.) 38-39 бетлар.

2. Халқ хўжалиги Олий Кенгаши (В С Н Х - Х Х О К) 1917 йил декабр ойида В.И.Ленин декрети билан Петроградда биринчи марта тузилган эди.

3. Қаранг: Ўзбекистон МДА. 16-фонд. 2-рўйхат. 8-иш. 94-варақ.

Туркистон республикаси Советларининг V съездида (1918 й. апрел) Туркистон Х К С ҳузурида ташкил этилган ҳамда пахтачилик, кончилик ва полиграфия бўлимларини ўз ичига олган ишлаб чиқариш Ўлка Кенгаши [С Н П] қўлига асосий саноат тармоқлари олиб берилди. Бу кенгашнинг пахтачилик бўлими пахтанинг қайта ишлаш саноатини бошқарувчи олий орган бўлди.[1] Кенгаш Тошкент кўн заводи, ўлка типографияси ва Орол денгизи балиқчилик тармоғининг бошқаришини ҳам ўз қўлига олди. Лекин кенгаш Тоғ-кон саноати ва пахтачиликни ўзига бўсундириш учун муваффақиятсиз равишда уринди. Шундай бўлишига қарамасдан, кенгаш Туркистоннинг сув ҳавзаларидан фойдаланишни ташкил этиш ва химия саноатини йўлга қўйиш бўйича баъзи лойиҳалар ишлаб чиқди. Партия олий раҳбарияти ва турли бюрократик идоралар ўртасидаги ўзаро курашдан қийналиб кетган ишлаб чиқариш Ўлка Кенгаши ҳеч қандай ўзгариш қилишга улгурмасдан ўз ўрнини Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши (Ц С Н Х -Х Х М К)га бўшатиб берди.[2]

Туркистон Советларининг фавқулодда VI съезди Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши тузишга қарор қилди ва бу Кенгаш 1918 йил декабр ойининг бошларида тузилди. Х Х М К ҳақидаги низомининг 1-бандида у республиканинг хўжалик соҳасидаги барча комиссарликларини бирлаштириш ва ривожлантириш орқали мамлакат халқ хўжалиги ва саноатининг кўтаришни вазифа қилиб олади, деб қайд қилинди. Туркистондаги барча иқтисодий комиссарликларга раҳбарлик қилувчи Х Х М К ягона ҳукумат органига айланиши лозим эди. Лекин низомда кўплаб ноаниқликлар бор эди. Масалан, жойлардаги халқ хўжалик кенгашларининг Х Х М К ига муносабати мавҳум бўлиб, улар ўз юқори орган-

---

1. Ўзбекистон ССР тарихи. Т.III. Бош муҳаррир И.М. Мўминов. Тошкент. "Фан". 1971. 137-бет.
2. Ўзбекистон МДА. 18-Фонд, 2-рўйхат, 6-иш. 94-варак.

ларига бўйсунмас эди. Марказий бошқарувга эга бўлган ва мамлакат мудофаасига тегишли соҳалар жойлардаги Х Х К ларини четлаб ўтиб, тўғридан-тўғри Марказдаги тегишли идоралар томонидан бошқарилади.

Бу ҳолат халқ хўжалиги органларини тузишда дастлабки қадамларда йўл қўйилган энг асосий ташкилий хато бўлди. Жойларда Х Х К ларининг ташкил топиши режасиз ва стихияли кечди. Бу ташкилотлар Х Х М К билан ҳеч қандай алоқа ўрнатмасдан, ягона режасиз ва сметаларсиз ишлайдиган, ҳисобот бермайдиган мустақил ташкилотга айланиб қолди. Улар нафақат Х Х М К ига, балки маҳаллий бошқарув органларига ҳам бўйсунмас эди. Турли бошқарма ва марказий органларнинг ҳали ташкилий заифлиги оқибатида улар Марказдан ҳам мустақил фаолият юрита бошладилар. Шундай қилиб, Туркистондаги ишлаб чиқариш органларини бошқаришда икки йўналиш пайдо бўлди. Бири жойлардаги Х Х К лари, иккинчиси, турли бошқарма ва марказий органлар.

Низомга кўра, Х Х М К Туркистон МИК ва Туркистон Х К С олдида масъул, Марказдаги Х Х О К (В С Н Х)ининг умумий қоида, режа ва директивалари доирасида фаолият кўрсатади, бу фармойишлар маҳаллий шароитга мос тушмаган тақдирда шу масалаларга ўзгартириш киритиши мумкин.[1] Лекин Марказнинг хўжалик соҳасида юборган декрет ва буйруқлари худди сиёсий қарорлари каби Туркистонда сўзсиз тарзда бажарилар эди.

Туркистон Халқ хўжалиги кенгашининг I съезди (25.VIII - 5.IX.1919 й.) юқорида айтиб ўтилган ўзбошимчаликка сал нуқта қўйгандек бўлди. Съездда ягона ташкилий режа ва қоида ишлаб чиқилди. Ҳатто қоиданинг 3-бандида жойлардаги Х Х К лари Х Х М К ига бўйсуниши ёзилган эди. 5-бандда эса яна ҳам аниқ қилиб, жойлардаги

---

1. Ўзбекистон МДА, 27-фонд, 1-рўйхат, 149-иш, 79-варақ.

Х Х К лари Х Х М К ининг шу уездаги халқ хўжалигининг бошқарувчи ва ташкилотчи деб таъкидланган эди.

Бу съездда Туркистон ва Россиянинг келгусидаги алоқалари ва унинг оқибатлари ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. "Туркистон халқ хўжалиги" журналида эълон қилинган "Иқтисодий сиёсат ва Х Х М К " мақоласида бу хусусида қизиқарли маълумотлар келтирилади:

"Россия учун Туркистонда пахтачиликни ривожлантириш ва рус фабрикаларига хомашё етказиб берилиши шак-шубҳасиз фойдали ва зарурдир. Россиянинг ўз ғалласи ва чорваси бор... Лекин бундай ривожланиш Туркистоннинг ўзи учун маъқулми?

Биз яққол кўриб турибмизки, пахта экиш учун бедапоялрнинг йўқ қилиниши чорва молларининг кескин қисқаришига, гўшт ва сут маҳсулотларининг камайиб кетишига олиб келди. Аҳолининг катта қисми йил бўйи ғаллани сотиб олиши натижасида унинг озиқ-овқат таъминоти пасайиб кетди. Бу ҳолат турли касалликлар ва эпидемиялар бошланишига сабаб бўлди.

Биз кўриб турибмизки, Россиядаги "қурғоқчилик" даврида ўз *ғалласига эга бўлмаган Туркистон халқи очликдан ўлиш* ва қирилиб кетишга маҳкум бўлади, бироқ пахта мўл-кўл бўлади. Туркистон учун бундай бир томонлама тараққиёт фойдалими ё?..

Бизнинг ўлка Россиянинг бошқа қисмлари ва хорижий давлатлардан ишлаб чиқариш бўйича мустақил ва эркин бўлишга ҳаракат қилиши керак эмасми ёки умум Россия оиласида иқтисодий аъзо, унинг хўжалик қурилиши ва режасининг умумий занжиридаги бир бўғин бўлиб қолиши керакми?

Бу масаланинг у ёки бу томонини ҳал этилиши иқтисодий сиёсатда мутлақо турли режаларни *келтириб* чиқарди ва шу нуқтаи назардан олганда ўлкани ҳар томонлама чуқур ўрганилгандан кейингина

бу муаммони ечишга виждонан киришиш мумкин.[1]

I съезд томонидан белгиланган тадбирлар, бир қараганда, Туркистонда хўжалик қурилиши соҳасидаги тартибсизликларнинг тугатилишига қаратилган эди. Бироқ, одатдагидек большевикларнинг бу резолюция ва қарорлари ҳам қоғозда қолиб кетди. Съезд тугагандан кейин атиги 3 ой ўтгач, яъни 1919 йил охирида Х Х К ларининг фаолияти ва ташкилий тузилишида ягона режа ва марказ билан алоқанинг йўқлиги кузатилди. Яна "бошқармачилик" кучайиб кетди.[2]

Х Х М К ўз ихтиёрига 25 тадан ортиқ бўлим, бошқарма, комитетларни бирлаштирди, лекин уларни бошқариш имкониятига эга эмас эди. Жойлардаги бу органлар ўз сиёсатини мустақил ўзи юргизар, Марказий Кенгаш Президиумига эса маблағ зарур бўлиб қолганда мурожаат қилишарди, холос.[3]

1919 йилнинг кузидан Туркистоннинг Россия Федерацияси билан алоқаси қайта тикланди. Марказдаги "тажриба"дан фойдаланиб ўлкада совет қурилишини амалга оширишга киришилди. Москвадан жўнатилган бир гуруҳ партия ва хўжалик ходимлари Х Х М К Президиуми таркибига киритилди ва улар 1919 йил октябр ойидан бошлаб Кенгаш фаолиятини амалда бошқара бошладилар.[4] Бу билан Туркистонни Марказга бўйсундирилишининг янги даври бошланди. Бу ҳолат ўлканинг Россияга иқтисодий қарамлигини кучайтирди, уни хомашё базаси сифатида қолишини таъминловчи омил бўлди.

Туркистон Советларининг VIII съездида (6.IX-4.X.1919 й.)

---

1. Народное хозяйство Туркестана, N:24, 21 сентября 1919 г, с.13.

2. Ўзбекистон МДА. 27-фонд, 1-рўйхат, 764-иш, 348-359-варақлар.

3. Х Х М К ининг асосий фаолияти саноатни бошқариш бўлди. Бу хўжалик органи Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилиши муносабати билан 1924 йил 1 ноябрда тугатилди.

4. Ўзбекистон МДА. 27-фонд, 1-рўйхат, 764-иш, 348-349-варақлар.

Х Х М К раислигига сайланган Б.М. Шварц Москвадаги Х Х О К ининг ваколатли вакили бўлиб, ўлкага Марказ тўқимачи (*Центротекстиль*) топшириғи билан келган эди. У "Туркистон халқ хўжалиги" журнали-нинг мухбири билан бўлган мулоқотда Туркистон ва Марказнинг ўзаро муносабатларига тўхтаб ўтиб, Россиянинг шовинистик сиёсатини оқ-лаб қуйидагича иддао қилади: "...Иқтисодий масалаларда Туркистон Россиянинг ажралмас қисми эканлигини тушуниб олиш керак. Туркис-тон Марказнинг бу масаладаги барча буйруқларига дарҳол бўйсуниши ва уни шубҳасиз бажариши шарт. Туркистоннинг барча бойликларини идора этиш ҳуқуқига эга".[1]

Марказдан келган ходимлар назарида Туркистондаги хўжалик қу-рилиши соҳасидаги қолоқлик Россиянинг марказида амалга оширилган хўжалик қурилиши метод ва шакллари билан таниш эмасликдан келиб чиққан. Уларнинг назарида агар Кремл йўналиши ва Россиядаги чо-ра-тадбирлар ўлка иқтисодига тўғридан-тўғри механик тарзда кўчи-рилса ҳаммаси гўё яхшиланиб кетади.

1920 йилнинг биринчи ярмида Москва курси бўйича фаолият олиб боришга ҳаракат қилинди. Янги ташкил этилган Президиумнинг биринчи мажлисидаёқ Х Х М К ни Х Х О К ининг вилоят органига айлантиришга, унинг номини Туркистон ўлка Х Х К деб ўзгартиришга ҳамда унинг барча бўлимларини Х Х О К ининг шу соҳадаги бўлимларига бў-сундиришга, унинг директивалари асосида ишлашга қарор қилинди. Туркистоннинг маҳаллий шароитлари мутлақо эътиборга олинмади.

1920 йил 17-25 июнда Туркистон Х Х К ларининг II съезди бў-либ ўтди. Съездда қабул қилинган хўжалик қурилиши ҳақидаги ре-золюцияларда ҳунармандчиликдан бутунлай воз кечиш ва республикада қатъий режа асосида ишлаб чиқаришни таъминлаш батафсил ишлаб чи-

---

1. Народное хозяйство Туркестана. N:29, 26 октября 1919 г. стр.9.

қилди. Съездда Марказ билан алоқалар қуйидагича белгиланди:

"1) мамлакатнинг ишлаб чиқариш кучларини қайта тақсимлашда умумфедератив манфаатлари юзасидан Федерация билан мустақил алоқада бўлиш;

2) қайта ишловчи саноат марказларини хомашё ва қазилма бойликлар етказиб берувчи районлар билан боғлаш".[1]

Туркистонда катта аҳамиятга эга бўлган ҳунармандчиликдан воз кечиш, ишлаб чиқариш воситаларини национализация қилиш бу соҳага жиддий путур етказди ва ишсизлар сонининг кескин ошиб кетишига олиб келди. Ҳунармандлар ҳатто касаба уюшмаларига ҳам қабул қилинмади.[2]

Туркистонга нисбатан кўчирилаётган Россия иқтисодиёти ҳам қаттиқ марказлаштириш йўлидан борди. РСФСР Х Х О К ишлаб чиқаришни бутунлай ўз қўлига тўплаб олди. Бу ташкилот қатъий марказлашган ҳарбий структурани қарор топтирди. Давлат корхоналарининг мустақиллиги бутунлай чегараланди, уларнинг муҳим масалалари Марказда ҳал қилинди. Адолат юзасидан айтганда, иқтисодий инқирозлар даври учун бу йўл маълум даражада ўзини оқлади ҳам. Лекин қаттиқ марказлаштириш сиёсатининг салбий томонлари ҳам бор эди. Унда ташкилотларнинг молиявий мустақиллиги ва моддий бойлик топишга бўлган иштиёқи йўққа чиқарилди. Буни ҳатто совет ҳокимиятининг жойлардаги хўжалик органлари раҳбарлари тан олишган эди.

Туркистондаги Х Х М К нинг фаолияти совет ҳокимияти қурилишидан келиб чиқадиган катта бюрократик аппарат ва сансоларликни амалда намойиш қилди. Ҳокимият тузилмаларидаги бюрократизм совет

---

1. Очерки хозяйственной жизни Турк. Республики. Под редакцией А.Асаткина. Ташкент. изд. Ц.С.Н.Х., 1920. с. 135-155.

2. Фақат кейинчалик-Туркистон Советларининг IX съездида (1920 йил сентябр) бу хато бир қадар тузатилди.

даврининг кейинги босқичлари учун ҳам хос хусусият бўлиб, бу иллатдан ҳатто ҳозир ҳам биз тўлиқ равишда қутула олганимиз йўқ.

Х Х М К ига юкланган вазифалардан асосийси Марказни хомашё билан таъминлаш эди. Ўша даврга оид хужжатларнинг бирида келтирилишича, "Туркистон Х Х М К омборларида Марказга жўнатиш учун қуйидаги миқдорда хомашё тайёрлаб қўйилган:

Тери ва тери маҳсулотлари	-	5.000.000 дона;
От ёллари	-	10.000 пуд;
Қўй ичаклари	-	1.000.000 дона;
Қорамол ичаклари	-	500.000 дона.

Туркистонда нафталиннинг бутунлай йўқлиги хомашёни яроқсиз ҳолга келтириб қўяди, шунинг учун шошилинч 3.000 пуд нафталин зарур".[1]

Архив хужжатларидан бошқа бирида келтирилишича, "Пахта бўлими 1921 йил 1 январгача 3.311.728 пуд пахтани қайта ишлаб чиқарган, шундан 905.954 пуд тола, 21.752 пуд линтер пахтаси, 2.190.031 пуд чигит олинди ва Марказга 6.415 вагон пахта толаси жўнатилди. 1921 йил январда 6.500 вагон тола жўнатишга тайёрлаб қўйилди.

Транспорт - Материал бўлими Марказга 6 ой ичида 2.909 вагон пахта жўнатди, бир суткада ҳатто 121 вагон пахта жўнатилган. Марказга 450.701 пуд жун жўнатилган, ўлкадаги хўжалик ташкилотларига 14.802 пуд жун тарқатилган".[2]

Тери маҳсулотлари 1920 йил Россияга 562.040 дона жўнатилган бўлса, 1921 йил 1.071.117 дона жўнатиш мўлжалланди.[3]

---

1. Народное хозяйство Туркестана. №4, 4 мая 1919., С.15.
2. Ўзбекистон МДА. 41-фонд, 1-рўйхат, 1701-иш, 177-178-варақлар.
3. Ўзбекистон МДА. 17-фонд, 1-рўйхат, 43-иш, 85-варақнинг орқаси.

Марказий Статистик Бошқармасининг расмий ҳисоб-китобларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики[1], Туркистон билан Россия ўртасидаги "Товар айрибошлаш" ўлка манфаатларига мутлақо зид бўлган. Очарчилик гирдобида қолган Туркистонга келтирилган ғалла олиб чиқиб кетилганидан икки марта кам эди. 1920 йил Туркистондан бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари 3 баравар, тўқимачилик хомашёси 10 баравар кўп олиб чиқиб кетилди. Чорвачилик маҳсулотлари эса Марказга 5 баравар ортиғи билан жўнатилди.[2] Бу маълумотлар бирни бериб, ўнни талаб кетадиган Россияга Туркистон ҳам хомашё базаси бўлганлигини, ҳам яшаш учун тиргак вазифасини бажарганлигини яққол кўрсатади. Туркистондан, кейинчалик Ўзбекистон ССРдан Марказга олиб кетилган хомашё ва бошқа маҳсулотлар СССРнинг иқтисодий ва ҳарбий қудратини оширишда муҳим рол ўйнади.

Туркистондаги Пахтакор деҳқон кооператив хўжаликларининг III съездида (25.IX.1920 й) Х Х М К қишлоқ хўжалигини бошқариш, хусусан, пахтачиликни ривожлантириш соҳасидаги тадбирларини белгилаб берди. Съездда Х Х М К раиси Плетнеев талаби асосида ҳар десятина ердан 40 пуд пахта етиштириш ва пахтага қатъий нарх белгилаш тўғрисида резолюция қабул қилинди.[3] Ваҳоланки, съезд вакиллари бўлган пахтакор деҳқонлар Фарғона областининг бир қисми ва Сирдарё областида пахта ҳосилдорлиги ҳар десятина ерда 30 пудга ҳам етмаслигини яхши билишарди.

Х Х М К томонидан қатъий нархнинг жорий қилиниши пахтакор деҳқон хўжаликларининг янада хонавайрон бўлишига олиб келди. Пах-

---

1. Бу ҳақда иловадаги 3 а,б,в - жадвалларга қаранг.
2. Труды ЦСУ. Статистический ежегодник 1921г. с присоединением некоторых свидение за 1922 г. Том VIII. Выпуск 4. Москва. 1923. с. 156.
3. Ўзбекистон МДА. 41-фонд. 1-рўйхат. 1095-иш. 4-варақ ва унинг орқаси.

та етиштириш ҳосилдорлик паст бўлган шароитда деҳқонга икки марта қимматга тушар эди. Съезд қатнашчилари ўз жойларига етиб бормасдан, об-ҳаво айниб, қаттиқ совуқ бошланди. Кетма-кет ёққан кўчли ёмғир ва қор пахта ҳосилига катта зарар келтирди. Деҳқонларнинг аянчли аҳволи ва юз берган табиий офатлар натижасида съездда белгиланган режани бажариш мумкин эмаслиги ҳақида қишлоқлардан хабарлар кела бошлади.

Хабарномаларда пахтакорларнинг мол-мулки реквизиция қилинаётганлиги, от аравалари тортиб олиб қўйилаётганлиги, мажбурий меҳнат бекор қилинмаганлиги, мажбурий юк ташиш жорий қилинғач, йиғилган пахта ҳосили далада қолиб кетганлиги, заводларга бўлиб кетилаётган пахта ерга улоқтирилиб аравалар юк ташишга олиб қўйилаётганлиги баён қилинган. Шунингдек, пахтакорлар ҳалигача развёсткадан озод қилинмай, улардан пахта экилган майдон учун ҳам ғалла талаб қилинаётганлиги кўрсатиб ўтилган.[1] Пахтани сотиб олиши керак бўлган завод ва кооперативларнинг омборларида товар айрибошлаш учун ҳеч вақо йўқ эди. Туркгўқимачи (Туркгекстиль), ва Х Х М К ихтиёрида мануфактура, керосин, гугурт, совун, ўсимлик ёғи, туз ва чой бўла туриб, бу маҳсулотлар деҳқон хўжаликларига берилмади.

Деҳқон хўжаликларининг ночор иқтисодий турмушини яхшилаш учун ҳеч қандай чоралар кўрилмади. Пахта тайёрлаш режаси ва унинг харид нархини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги илтимослар Х Х М К Президуми томонидан қатъиян рад этилди. Ҳолбуки, пахтакор деҳқон хўжаликларининг мол-мулкига тажовузни тўхтатишга Х Х М К ининг ҳуқуқи бор эди.[2]

---

1. Қаранг: Ўзбекистон МДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1097-иш, 23-варақ.

2. Х Х М К тўғрисидаги низомнинг 6-бандида кўрсатилишича, кенгаш реквизиция сиёсатини тўхтатиш хукукига эга. Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 149-иш, 1-варақ.

Туркистонда пахтачиликни "ривожлантириш"да бўлган бундай хўжасизлик ва бошбошдоқлик вайрон бўлган қишлоқ хўжалигини янада издан чиқарди ва маҳаллий аҳолининг ҳаётида оғир жароҳатлар қолдирди. Оқибатда пахта экиладиган майдонлар миқдори камайди, унинг ҳосилдорлик даражаси кескин пасайди, пахта толасининг сифати бузилди.

1920 йилда пахта етиштириладиган майдон ҳажми 1913 йилдагига нисбатан тахминан беш марта камайиб кетган бўлса, бир десятина ердан олинадиган ҳосил эса 70 пудга камайган.[1]

Туркистонда совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида фаолият кўрсатган иқтисодий органларнинг бири - *Туркистон Иқтисодий Кенгашидир*. Туркистон Иқтисодий Кенгаши - Турк ЭКОСО 1921 йил феврал ойида Тошкентда ташкил этилди, областларда эса (область ижроия комитетлари бўлимларининг ҳуқуқларига эга бўлган) область иқтисодий кенгашлари тузилди.[2] Шу йили 6 октябрда Туркистон М И К ва Туркистон Х К С унинг фаолиятини кучайтириш мақсадида низом қабул қилди.[3] Турк ЭКОСО Туркистон республикасида олий хўжалик органи бўлиб, ўз фаолиятида Туркистон Х К С ва Туркистон М И К олдида масъул эканлиги ва унинг барча кўрсатма ва қарорлари халқ комиссарликлари ва ташкилотлари учун бажарилиши шарт эканлиги кўрсатиб ўтилди. 1921 йил ноябр ойида Турк ЭКОСО қошида давлат *умумий режа комиссияси* - Госплан таъсис этилди.

Турк ЭКОСО Туркистоннинг халқ хўжалиги қурилишида ягона хўжалик асосида иш юритиш, комиссарликлар томонидан қабул қилинган

---

1. Раззоков А. Ўзбекистон пахтачилиги тарихи (Ўтмиш ва ҳозир). Тошкент, "Ўзбекистон", 1994, 79-бет.
2. Областларда тузилган маҳаллий иқтисодий кенгашлар 1923 йилда тугатилди, уларнинг вазифаси область ижроия комитетлари зиммасига юклатилди.
3. Ўзбекистон МДА, 18-фонд, 2-рўйхат, 83-иш, 56-варак.

таъминот ва молия масалаларини тасдиқлаши, РСФСР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши (СТО)нинг умумий қоидаларига мос тушувчи ўзгаришларни амалга ошириши. РСФСР ва Туркреспубликанинг ягона хўжалик режаси асосида корхоналар талабларини кўриб чиқиши ва уларнинг фаолиятини бошқариши лозим эди. Туркистоннинг иқтисодий ривожланиши РСФСР учун ягона хўжалик сиёсати доирасида олиб борилиши ушбу низомда таъкидланган эди.[1]

Турк ЭКОСО таркибига озиқ-овқат, молия, меҳнат, ер ишлари, темир йўллар, Ишчи-Деҳқон инспекцияси, Халқ комиссарликлари, Х Х М К , Бутун Россия Касаба уюшмалари Марказий Иттифоқи, Туркбюро вакиллари ва Туркистон М И К сайлаган 2 вакил кирар эди. Бу ташкилотга катта ҳуқуқлар берилганлигини шундан ҳам кўрса бўладики, Турк ЭКОСО раиси Туркистон ХКС раисининг ўринбосари ҳисобланар эди. Турк ЭКОСОнинг биринчи раислигига С.Паскуцкий, унга ўринбосарлар қилиб эса А.Асаткин ва Шерғозиев сайланди.

Аммо Турк ЭКОСО, ўзининг дастлабки раиси ибораси билан айтганда, "Х К К вакиллар гуруҳи сифатида пайдо бўлиб, аниқ хўжалик режасига эга бўлган марказга айлана олмасдан, Иқтисодий Кенгашнинг бошқармалараро органи бўлиб қолди. Унинг жойларда мустаҳкам таянчи бўлмагани учун хўжалик вазифаларини амалий жиҳатдан бошқара олмади".[2]

Турк ЭКОСО тузилгандан олти ой кейин бўлиб ўтган Туркистон Советларининг X съезди [21-25.VIII.1921й] бу ташкилотнинг фаолиятида *ўзгариш ясади ва уни ўзининг* асосий вазифасини бажаришга йўналтирди. Бу ташкилот тўлиқ равишда Москванинг фармойишлари асосида иш юритди. Паскуцкийнинг тан олишича, "Турк ЭКОСОнинг хўжа-

---

1. Ўзбекистон МДА. 18-фонд. 2-рўйхат. 83-иш. 57-варақ.
2. Отчет 1-съезда Экономических совещаний Туркреспублике Ташкент, изд.ТЭС, 1922. С.6.

лик режаси ва бюджети РСФСРда кўриб чиқилди... Бюджет шафқатсиз қисқартиришлардан кейин 48 млн сўм қилиб (урушгача бўлган баҳода) тузилди. Бироқ режада кўрсатилган миқдор эмас, балки Туркистон аҳолисининг РСФСР ҳудудидаги пропорционал нисбатидан келиб чиққан ҳолда 16 млн сўм маблағ ажратилди".[1]

Маълумки, 1921 йил баҳорига келиб большевиклар Россиясининг иқтисодий ҳаётида кескин ўзгаришлар ўтказиш зарурлиги равшан бўлиб қолди. РКП(б) X съезди (1921й.март)нинг озиқ-овқат развёрсткасини озиқ-овқат солиғи билан алмаштириш тўғрисидаги қарори билан фаолият бошланиб кетди.

Туркистон республикасида *Янги иқтисодий сиёсат* - НЭПга ўтиш Ўлка Советларининг X съездида расмийлаштирилди. НЭПнинг асоси иқтисодиёт, халқ хўжалигига раҳбарлик қилишнинг ҳарбий-коммунистик усулларидан воз кечиш, ишлаб чиқарувчига, аввало деҳқонга бир қадар эркинлик беришдан иборат иборат эди.[2]

1921 йил 20 апрелда Туркистон М И К озиқ-овқат, ем-хашак ва хом-ашё развёрсткасини натурал солиқ билан алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилди.[3] Қишлоқ хўжалигида ижобий ўзгаришлар юз бера бошлади. Россиядан маҳаллий саноат учун асбоб-ускуналар кела бошлади. Шаҳарда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ўрта ва майда корхоналар, савдо шахобчалари ва б. ижарага берилди. Иқтисодиёт либераллаштирилди, укладлараро алоқалар қайтадан тузилди. 1921 йил ёзидан ер-сув ислоҳоти ўтказила бошланди. Марказ пахтачилик, ипакчилик каби муҳим хомашё етказиб берувчи соҳаларни шунингдек, йирик корхоналарни давлат тасарруфида қолдирди.[4] Хусу-

---

1. Отчёт 1-съезда Экономических совещаний Туркреспублике. С.6.
2. Ўзбекистон тарихи (1917-1983й). 91-бет.
3. Ўзбекистон ССР тарихи. Т.III, 348-бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедия. Тошкент. 1997, 164-бет.

сий капитал билан акционерлик жамиятлари тузишга, ишчи кучини ёллашга рухсат берилди. *Лекин шундай бўлишига* қарамасдан, Туркистон саноатида давлат секторининг улуши бу пайтда 93,1 фоизни ташкил киларди.

Туркистондан Марказий Россияга озиқ-овқат маҳсулотларини ташиб кетиш 1921 йилда ҳам тўхтамади. "Волгабўйи губерняларида очлик" деган важ билан ўзи очарчилик давом этаётган Туркистондан 1921 йилнинг кузида Москва ва бошқа шаҳарларга 300.000 пуддан кўп ғалла юборилди. Марказий Россия ва Волга бўйи районларидан 310.000 киши "нон шаҳри" - Тошкентга келтириб жойлаштирилди.[1] Насл-насабининг тайини йўқ, қўлида ҳунари бўлмаган, аксарияти кўчада ётиб юрадиган бу қаланғи-қасанғилар тўдаси кейинчалик Тошкент *шаҳридаги демографик вазиятга салбий таъсир кўрсатди, минтақа* менталитетидаги кучлар нисбатини ўзгартиришга уринди.

Туркистон халқ хўжалиги инқироздан жонланиш томон аста-секин юз бурди. Бунда совет ҳукуматининг либераллаштириш сиёсати анча таъсир қилди. НЭП муносабати билан Туркистон республикаси иқтисодиётида пайдо бўлган силжишлар, ижтимоий-хўжалик юзасидаги ўзгаришлар бу ерда сиёсатнинг бир оз юмшатилганлигидан далолат беради.

НЭПнинг дастлабки натижалари Туркистон МИКнинг II сессияси [1922 й. февраль]да муҳокама қилинди. Сессия Туркистон иқтисодий Кенгашининг иқтисодий сиёсат ва ягона хўжалик режаси тўғрисидаги маърузаларини тинглади. Туркистоннинг иқтисодий аҳволини мухокама килиш республиканинг хўжалик ҳаётида айрим силжишларга эришилган-

---

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи даврида, хусусан, совет ҳокимияти йилларида СССРнинг европа қисмидан руснйзабон аҳолини республикамиз пойтахти Тошкент ва бошқа йирик шаҳарларга келтириб жойлаштириш одатий ҳолга айланган эди. Бу ҳам мустамлакачилик сиёсатининг ўзига хос кўриниши бўлиб, улуғдавлатчилик *шовинизми* касалига мубтало бўлган Кремл раҳбарларининг доимий машғулоти эди.

лигини кўрсатди.[1]

Лекин Туркистон республикасида халқ хўжалигини тиклашда НЭП даврида ҳам катта хатоликларга йўл қўйилди. Туркистон ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан тўла-тўкис равишда Марказга бўйсундирилди. Бу ҳол Бутун Россия М И К томонидан Туркистон республикаси бўйича чиқарилган ушбу қарорда ҳам яққол кўзга ташланади: "ТАССР Х Х М К ва озиқ-овқат комиссарлиги РСФСР Х Х О К ва озиқ-овқат комиссарлиги ўрнатган режа асосида иш олиб борди.[2] Туркистон Х Х М К раиси ва озиқ-овқат комиссари РСФСР нинг тегишли халқ комиссарлари розилиги билан Туркистон МИК томонидан тайинланди".[3]

Хўжалик ташкилотларининг Марказга бўйсундирилиши 1921 йилдаги Туркистон Х Х М К таркибий тузилишининг схемасида яққол кўринади.[4] Унда хўжалик қурилишидаги энг қуйи ташкилот - уезд Х Х К ларидан тартиб то Х Х М К игача барча бўғиндаги функцияларни бажарувчи хўжалик ташкилотлари РСФСР Х К С ва Х Х О К ига бўйсуниши акс этган.

Туркистон ташкилотларининг фаолияти 1922 йил май-июн ойларида Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон Иқтисодий Кенгашининг 1-съезди диққат марказида бўлди. Съездда қабул қилинган резолюцияда бу ташкилотнинг 1921 йил февралдан октябргача бўлган биринчи давридаги хато ва камчиликлари батафсил кўрсатилди.[5] Съездда Турк ЭКОСО олдига вазифа қилиб Туркистон халқ хўжалиги ривожланишининг бутун бир йўналиши белгилаб берилди. Бу вазифага кўра Туркистон-

---

1. Ўрта Осиё коммунистик ташкилотларининг тарихи. 601-бет.
2. Ўзбекистон МДА. 17-фонд. 1-рўйхат. 39-иш. 269-варақ.
3. Сборник важнейших декретов, постановлений и распоряжений правительства ТАССР за 1922г.г. Ташкент. изд. Комиссии СНК. 1922. С.15.
4. Бу ҳақда 10-иловадаги схемага қаранг.
5. Отчёт 1-съезда Экономических совещаний туркреспублике. С.78.

ни хомашё базаси сифатида тиклаш унда пахтачилик, чорвачилик, балиқчилик, овчиликни ривожлантириши керак эди.[1]

Туркистон республикасида ўтказган иқтисодий марказлаштириш сиёсатида *Ўрта осиё Иқтисодий Кенгашининг* тузилиши муҳим ўрин тутади.

РКП (б) МК ҳам 1921 йил октябр ойидаёқ Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларини хўжалик томонидан қайта тузилишини, бу республикалар билан Совет Россиясининг хўжалик курсларини бирлаштириш кераклигини зарур деб топган эди. 1922 йил 13 февралда РКП(б) МК Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларини Иқтисодий бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди.[2]

1922 йил 9 мартда РКП(б) МК Туркбюронинг 18-сонли мажлисида Ўрта Осиё республикалари конференциясини тайёрлаш учун С.И.Гусев раислигида комиссия тузилди. Бу конференция Ўрта Осиё республикаларини иқтисодий жиҳатдан бирлаштириши ва РСФСРдан юборилган фармойишлар *асосида уни* бошқариш режасини белгилаш керак эди.

Туркбюронинг мазкур қарорини бажариш учун махсус техник комиссия тузилди. Комиссия Ўрта Осиё республикаларини иқтисодий жиҳатдан бирлаштиришнинг зарурияти ва асосий шартлари бўйича ўз хулосасини чиқарди.[3]

1922 йил 26-30 ноябрда бўлиб ўтган Туркистон Иқтисодий Кенгашининг *2-съезди Ўрта* Осиё республикаларини иқтисодий бирлаштиришга марказнинг кўрсатмаси билан катта эътибор қаратди. Унда Ўрта Осиё иқтисодий районининг ишлаб чиқариш кучларини тиклаш та-

---

1. Отчёт 1-съезда Экономических совещаний Туркреспублике. С.8.

2. Турсунов Ҳ.Т. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барпо этилиши Ташкент, "Фан", 1953. 78-бет.

3. Бу ҳақда батафсил қаранг: Отчёт о деятельности СНК Экономического Совета Туркестанской республике на 1 октября 1922г. С.36-38.

лабларидан келиб чиққан ҳолда, Туркистон республикаси хўжалик ҳаётини тиклаш учун катта ва зарур вазифаларни амалга ошириш ва унинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ҳамда буларни Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари ҳудудида жойлашган бутун Ўрта Осиё иқтисодий райони миқёсида амалга оширилгандагина мумкин деб топилди. Шунингдек, съездда Туркистон республикаси ҳукумати олдида турган давлатнинг хўжалик вазифаларини бажариш учун Ўрта Осиё учун умумий бўлган ягона Олий иқтисодий Кенгаш тузилиши кўрсатиб ўтилди.[1]

Ниҳоят, 1923 йил 5-9 мартда Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё республикалари - Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг I иқтисодий Конференцияси чақирилди.[2] Конференцияда ҳақиқий овозга эга бўлган 42 делегат ва маслаҳат овозига эга бўлган 29 делегат қатнашди. Анжуман фаолиятига Туркомиссия номидан[3] Любимов раҳбарлик қилди. Конференцияда ҳар бир республиканинг иқтисодий аҳволи тўғрисидаги асосий маърузаларни Турк ЭКОСО раиси С.Паскуцкий[4], Бухоро Нозирлар Шўроси раиси Файзулла Хўжаев[5], Хоразм республикаси номидан Олимжонов[6] қилишди. Шунингдек, конференцияда молиявий аҳвол моли-

---

1. Отчёт 2-съезда Экономических совещаний Туркестанской республике Ташкен. изд.ТЭС, 1923, С.16.

2. Первая Экономическая Конференция. Средне-Азиатских республик - Туркестана, Бухары и Хорезма. 5-9 марта 1923г. Стенографический отчёт. Ташкент, Туркгосиздат, 1923. 56с.

3. Конференция материаллари эълон қилинган стенографик ҳисоботда мундай ёзилган. Бу ҳақда 1-бюллетень иловасига қаранг: Бюллетень Первой Экономической Конференций Средне-Азиатских Республик (Туркестанской, Бухарской и Хорезмской). N1, 6 марта 1923г., с.2.

4. Бюллетень... N1, 6 марта 1923г., с. 6-10.

5. Бюллетень... N1, 6 марта 1923г., с. 1-4.

6. Конференция ўтаётган кунларда чиқарилган 2-бюллетенда (4-бет) шундай кўрсатилган. Лекин хоразмлик делегатлар рўйхатида Олимжонов фамилияси мутлақо учрамайди (1-бюллетень иловаси 2-4-бетлар). Бизнингча ушбу ўринда Хоразм республикаси М.И.К. вакили Отахонов (1-бюллетень иловаси. 3-бет) кўзда тутилган бўлса керак. Бу ҳақда батафсил қаранг: Бюллетень...N2, 6 марта 1923 г., С.4-7.

явий аҳвол бўйича Иевлев ва Любимов[1] маъруза қилишди.

С.Паскуцкий ўз маърузасида Марказ манфаатларидан келиб чиқиб Туркистонни пахта етиштирувчи хомашё манбаига айлантириш тўғрисида қуйидаги фикрларни баён қилди: "Ҳозирги куннинг навбатдаги вазифаси бу федерация (бу ерда СССР кўзда тутилмоқда - М.Ҳ.) бизга берган ўша имкониятидан кенг фойдаланиб хом ашё етиштиришни ва биринчи ўринда пахтачиликни тиклашдан иборатдир. Пахтачиликни тиклаш вазифаси алоҳида муҳим касб этадики, бу ерда масала фақат Туркистоннинг келажаги устида эмас (Туркистоннинг келажаги яна узоқ вақт унинг хомашё имкониятлари билан белгиланади)[2], балки бизнинг (бу ерда Марказ кўзда тутилмоқда - М.Ҳ.) тўқимачилик саноатимизни гуллаб-яшнаши ва шунингдек, биз хорижий мамлакатларга чопиб борамизми ёки республикамизнинг ички кучларидан фойдаланиш эвазига ўзимизнинг хўжалигимизни тиклаш устида борадиг"[3].

Файзулла Хўжаев ўз маърузасида қатнашчиларни Бухоро халқ республикасидаги иқтисодий аҳвол билан батафсил таништиради. Нотиқ Бухоро мамлакатининг иқтисодий даромади ва бойлиги I жаҳон уруши ва инқилобигача асосан тижоратдан келганлигини таъкидлайди Ўзи кучли иқтисодчи бўлган Ф.Хўжаевнинг айтишича, Бухоро Ўрта Осиёдаги савдо-сотиқнинг Маркази бўлган. Бухоро бир томондан Афғонистон, Эрон, Туркия, Хитой билан, иккинчи томондан Туркистон Ўлкаси ва Хива хонлиги билан, учинчи томондан Россия ва у орқали Ғарбий Европа давлатлари билан савдо-сотиқ қилган. Бухоронинг ўша пайтдаги йиллик савдо обороти 45-50 млн. олтин сўмни ташкил қилган, у ҳар йили четга 2 млн. дона қоракўл тери, 2 млн. пуд пахта,

---

1. Бюллетень ...№2, 6 марта 1923 г., с.7-12.
2. Туркистондаги большевикча режим раҳбарларининг устамонликларига қойил қолмасдан илож йўқ. Улар марказдаги ҳамтовоқлари олдига ўз режаларини ошкора баён қилишдан чўчимаган.
3. Бюллетень ... №1, 6 марта 1923 г., С.10.

400.000 пуд ипак ва бошқа товарларни чиқарган. Лекин I жаҳон уруши ва феврал инқилобидан кейин Россияда юз берган воқеалар натижасида (чунки сўнгги ярим асрда Бухоронинг асосий савдо-сотиғи Россия ва у орқали хорижий давлатлар билан бўлган эди) Бухоронинғ ташқи савдоси 1917-1921 йиллар давомида деярли тўхтаб қолди. Бухородан 1914 йил 30.000 дона, 1920 йил 50.000 дона, 1922 йил 250.000-300.000 дона қоракул тери, 1918 йил 200.000 пуд, 1922 йил 400.000 пуд пахта четга сотилди, холос[1]. Ф.Хўжаев маърузанинг кейинги қисмида Бухоро иқтисодининг турли масалалари: пул ислоҳати, банклар тизими, бюджетдаги молиявий аҳвол тўғрисида ҳам тўхталиб ўтади.

Адолат юзасидан айтганда, Ўрта Осиёнинг иқтисодий жиҳатдан бирлашуви тўғрисидаги фикрни бошида Ф.Хўжаев қўллаб-қувватламаган эди. Чунки у иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш, ҳатто минтақа халқ хўжалиги истиқболлари тўғрисида қарор қабул қилишгача бўлган ишлар Марказ қўлига ўтаётганлигини энг аввало сезган ва бу маккор сиёсат оқибатларини чуқур тушунган давлат арбоби эди. Шунинг учун ҳам Ф.Хўжаев конференцияда сўзлаган бошқа нутқида Бухоро томонидан Россия ва Туркистонга етказиб бериладиган молларга аниқ товар эквиваленти белгилаш зарурлиги тўғрисида ташвишланиб гапирди. У РСФСР вакили Любимовнинг уч республикадаги молия тизимини бутунлай Марказ қўлига топшириш керак деган фикрини асосли равишда кескин танқид қилди[2]. Шундай бўлишига қарамасдан, уч республикада ягона пул системасини жорий қилиш ва уни РСФСР Давлат Банкига тобе қилиб қўйиш масаласи конферецияда кўриб чиқилди.

Конференцияда уч республикадан келган вакиллар ўз давлатла-

---

1. Бюллетень...N 2, 6 марта 1923 г, с1-2.
2. Каранг. Бюллетень...N 2, 6 марта 1923 г, с12-13.

ридаги иқтисодий аҳвол билан анжуман қатнашчиларини батафсил таништирдилар. Уларнинг нутқларида уч республиканинг моддий ва маънавий бирликка эга эканлиги қайд этиб ўтилди. Ҳатто Хоразм МИК вакили Отажонов ўз нутқида "балиқ сувсиз яшай олмаганидек, биз ҳам Россия ва Туркистонсиз яшай олмаймиз"[1], деб гапирди. Вакиллар республикаларни иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш, энг аввало, қишлоқ хўжалиги (асосан пахтачилик), ирригация, саноатни қайта тиклаш учун зарурлиги таъкидланди. Ўрта Осиё иқтисодий райондаги қишлоқ хўжалиги ва саноати Россия халқ хўжалиги билан боғлаш мумкинлиги конференцияда алоҳида кўрсатиб ўтилди. Чунки бу пайтга келиб аллақачон СССР тузилган ва унинг тимсолидаги Россия ўз ҳудудларини кенгайтиришни бошлаб юборган эди.

Конференцияда Туркистон Х К С раиси Т.Рисқулов ташкилий масала бўйича маъруза қилиб, уч республикани иқтисодий жиҳатдан бирлаштиришни асослашга ҳаракат қилди. Марказ вакили Любимов ва РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси раиси Рудзутак конференцияда бу хусусида сўзлашни айнан маҳаллий миллат вакили Рисқуловга топшириши характерли ҳолдир. Рисқуловнинг нуфузи ўша пайтда Туркистонликлар ўртасида жуда баланд эди.

Т.Рисқулов ўз маърузасида қўйидагиларни кўрсатиб ўтган эди: "Районлаштиришнинг мақсади ва асоси шундан иборатки, биз чоризм давридагига қараганда давлат қурилишида катта ўзгаришлар қилишни хоҳлаймиз. Биз бу ўзгаришлар мамлакат иқтисодиётида амалга оширишни, яъни қишлоқнинг шаҳар билан алоқаси яхшиланишини хоҳлаймиз. Иқтисодий районларнинг Маркази фабрика-заводларнинг марказлари бўлиши шарт: бу масаланинг бир томони, бошқа томони эса комбинациялашган хўжалик ташкил қилишдир. Чоризм ҳукумати даврида

---

1. Бюллетень...N 3-4, 7 марта 1923 г. с.1

сиёсат бошқа томонга йўналтирилган эди. Метрополия ва чекка ўлкалар-мамлакатлар мавжуд бўлиб, улардаги хомашё Марказга жўнатиларди. Лекин эндиликда, районлаштириш принципида, бошқа шароитлар вужга келади: бу ердаги маълум иқтисодий районларда нафақат ер ости бойликларини қазиб олувчи саноатнинг, балки қайта ишловчи саноат билан ҳам шуғулланиш, шу ернинг ўзида хомашёни завод ва фабрикаларда қайта ишлаши мумкин ва бундай қилиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу завод ва фабрикаларни фақат федерация марказида ташкил қилиш шарт эмас"[1].

Рисқулов Ўрта Осиё республикаларини иқтисодий бирлаштиришда етакчилик роли Туркистон Республикаси зиммасига тушишини таъкидлаб, буни саноат кўп тармоқлари шу ерда қурилганлиги, темир йўл устахоналари, нефт ва кўмир конларининг мавжуд эканлиги билан изоҳлайди.

Рисқуловнинг кўрсатишича, мавжуд уч республика худудининг 83 фоизи Туркистонда жойлашган, аҳолисининг 66,5 фоизи бу ерда яшайди[2].

Ниҳоят, конференциянинг 1923 йил 9 мартда бўлган охирги мажлисида Туркистон ССР, Бухоро ва Хоразм халқ республикаларини иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиниб, *Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши*– Средаз ЭКОСО ташкил қилинди. Конференцияда ўн кишидан иборат Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши Президиуми тузилди. Унга РСФСРдан 1 вакил (Любимов), Туркистондан 4 вакил (Хидиралиев, Паскуцкий, Прибытков, Рисқулов), Бухородан 3 вакил (Ота Хўжаев ва б.[3]), Хоразмдан 2 вакил (Якубов, Сарсонбоев) сайланди[4].

---

1. Бюллетень...N 5. 8 марта 1923 г. с10-11
2. *Бюллетень...N 5. 8* марта 1923 г. с11
3. Бухоро делегацияси қолган 2 вакили номзодини конференциядан кейин кўрсатишини айтди.
4. Бюллетень...N 6. 9 марта 1923 г. с4

Иқтисодий Кенгаш раиси қилиб Турк ЭКОСО нинг бошлиғи С.Паскуцкий тайинланди.

Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг ихтиёрига уч республиканинг хўжалик режаларини кўриб чиқиш ва уйғунлаштириш, барча Ўрта Осиё Республикалари учун умумий қонун формаларини ишлаб чиқиш, савдо ва молия сиёсатига умумий йўналиш бериш масалалари кирар эди. Кенгаш транспорт, алоқа, мелиорацияни яхшилашга оид ишларнинг умумий йўналишини белгилаб берар, шунингдек, ўлкадаги хомашё ва ёқилғи ресурсларини ҳисобга олиб, уларни Марказга жўнатиш учун тайёрлаб қўяр эди. Бир сўз билан айтганда, бу кенгаш вазифасига Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари халқ хўжалигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, шунингдек, Ўрта Осиё аҳамиятига эга бўлган иқтисодий масалаларни мувофиқлаштириш юклатилган эди.

Конференция қабул қилган Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши ҳақидаги низомда Туркистон, Бухоро ва Хоразм иқтисодий кенгашлари Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаш ўрнатган низом асосида ҳаракат қилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, бу кенгаш СССРнинг меҳнат ва мудофаа кенгаши ташкилий структурасига кириши ва унинг умумий директивалари асосида фаолият кўрсатиши алоҳида таъкидланди[1].

1923 йилда маҳаллий пул системаси ўрнига уч республикада ягона валюта-червон сўм жорий қилинди. Шу билан бир қаторда республикаларнинг банк системаси РСФСР банк системасининг бир қисмига айланди.

Чор Россияси томонидан бошланган минтақа бозорларини эгаллаб олиш сиёсати, ниҳоят, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг тузилиши билан, совет даврига келиб ўзининг мақсадига эришди. Шунингдек, Марказ ўзининг хомашёга бўлган чексиз эҳтиёжини Туркистонда

---

1. Ўзбекистон МДА.20- фонд.1-рўйхат.249-иш.25-29- варақлар.

етиштирилган маҳсулотлар билан бир қадар қондирди.

Турк ЭКОСО ва Средаз ЭКОСО тузилиши. НЭП сиёсатининг қўллашдаги айрим чекланишларга қарамасдан Туркистон Республикаси халқ хўжалиги секинлик билан бўлса ҳам ривожлана бошлади. Туркистондаги қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтачиликни тиклашни рағбатлантириш мақсадларида бу ерга дон, керосин, газлама ва бошқа молларни етказиб беришни Марказ ўз зиммасига олди. Туркистондан Марказга эса пахта толаси, ипак, жун, қуруқ мева, қоракул тери ва бошқа моллар олиб кетилар эди.

Туркистондан Россияга фақат 1920 йил 2.728-000, 1922 йил 1.600.000 пуд, 1922-23 хўжалик йилида 7.362.000 пуд пахта олиб кетилди[1].

Туркистон республикасида саноат асосан икки йўл билан ривожланди: эски заводларни тиклаш ва янги корхоналар, тармоқлар ташкил этиш. Бунда биринчи галда пахтани қайта ишлайдиган корхоналар ва хомашё тайёрлашга алоҳида эътибор берилди.

1921 йил 40 пахта тозалаш ва 2 та ёғ заводи қайта тикланди. Тошкентда йилига 120.000 пуд канакунжит етказиб берадиган завод қурилиши тугалланди. 1923 йилга келиб Туркистон республикасида 23 та, 1924 йили эса 95 та пахта тозалаш заводалари ишга туширилди. Улар ишлаб чиқарган маҳсулот 57,8 млн. сўмни ташкил қилди. Тиклаш ишлари ёғ-мой саноатида ҳам юқори суръатлар билан борди. 1923 йили бу саноат корхоналари 61.000 пуд тоза мой ишлаб чиқарган бўлса, 1924 йилга келиб бу миқдор 201.000 пудни ташкил этди.

Темир йўл транспортини тиклаш ишлари ҳам сезиларли даражада жонланди. 1922 йилнинг охирига бориб Туркистон республикасида темир йўллар, йирик паровоз деполари ва темир йўл устахоналари тик-

---

1. Ўзбекистон ИДА.18- фонд, 1-рўйхат,23-иш, 17- варак.

лаб бўлинди[1].

Иқтисодий ўсиш суръатлари 1923 йилнинг бошидан бошлаб саноатда айниқса кўзга ташлана бошлади. Туркистон республикасида 1923 *нефт ишлаб чиқариш* олдингига қараганда 60 фоиз, ун ишлаб чиқариш 66 фоиз, виночилик 70 фоиз, қанд ишлаб чиқариш 90 фоиз кўпайди[2].

1924 йил май ойида бўлиб ўтган II Ўрта Осиё иқтисодий конференциясида маҳаллий делегатларнинг бири киноялн қилиб айтганидек, республиканинг халқ хўжалиги эндиликда "биздан хомашёни олиб кетиш ва фабрикатлар келтириш" йўлида ишламоқда эди.

Юқорида келтирилган маълумотларга таяниб қўйидагича хулоса чиқариш мумкин. Туркистонда халқ хўжалигининг бошқарув органлари сифатида ташкил қилинган турли халқ хўжалиги кенгашлари, Туркистон Иқтисодий Кенгаши ва Ўрта Осиё Иқтисодий кенгаши республика иқтисодиётини тиклаш учун баъзи ишларни амалга оширди. Лекин Туркистон халқ хўжалигини бошқаришда совет ҳокимиятининг марказлаштириш сиёсати ушбу иқтисодий кенгашлар орқали ҳаётга тадбиқ қилинди. Бу органлар тузилмасдан анча олдин Т С С Р сиёсий жиҳатдан РСФСР ҳукуматига буйсундирилган бўлиб Россия Федерациясининг бир қисми сифатида СССР таркибига киритилган эди. Шунинг учун ўлкадаги иқтисодий ривожланиш Марказ халқ хўжалигидан алоҳида бўлиши мумкин ҳам эмас эди. Бироқ чоризм давридан қолган мустамлакачилик сиёсати ўзгармасдан давом этаверди. Туркистон республикасида тўқимачилик, озиқ-овқат ва енгил саноатни ривожлантириш ўрнига хом ашё ишлаб чиқариб, уни Марказга тинимсиз равишда олиб кетилишига алоҳида эътибор берилди. Хорижий давлатлар билан савдо алоқалари тақиқланиб, Туркистон Россиянинг аграр ўлкасига айлантирилди.

---

1. Каримов Р. Ўзбекистон социал иқтисодий тараққиёт тарихидан. Тошкент, "Фан", 1981, 29-бет.
2. История Узбекской ССР с *древнейших* времен до наших дней. Ташкент, "Фан", 1974. с.306

2.3§. Туркистон қишлоқ хўжалигининг пахта якка ҳокимлигига асосланиши ва ўлканинг хом ашё базаси сифатли сақланиши.

Туркистонда совет ҳокимияти йилларида Р С Ф С Р иқтисодий манфаатларини қарор топтириш, яъни Марказ саноатини хомашё билан таъминлаш, хусусан, енгил саноатни пахтага бўлган эҳтиёжини қондиришга катта эътибор берилди. Бунда аввалги тузумнинг сиёсати, янгича асосда давом эттирилди.

Янги ўрнатилган совет тузуми органлари асосий эътиборни Туркистонда пахта яккаҳокимлигини қарор топтиришга ва бу билан бутун мамлакатнинг пахтага бўлган эҳтиёжини ўлкамиз ҳисобидан қондиришга қаратди. Марказ ўзининг иқтисодий сиёсатини Туркистон республикасида фақат саноатнинг айрим енгил турларини ривожлантиришга йўналтирди ва ўлкани хомашё базасига айлантиришга интилди.

Советча режимнинг Туркистонда пахтачиликни ривожлантиришдан кўзлаган асосий мақсади-Марказнинг эҳтиёжларини қондириш ва аввал Россиянинг, сўнгра СССРнинг пахта мустақиллигини таъминлашдан иборат бўлди.

Большевикларнинг ўлкада амалга оширган энг биринчи тадбирларидан бири-1917 йил 9 декабрда Туркистон ўлкасида ерни сотиш ва сотиб олишни таъқиқлаш тўғрисидаги қарор бўлди. 1918 йил 26 январда эса ўлкада ер қўмиталарини ташкил этиш тўғрисида махсус фармон чиқди. Кейинчалик эса барча эски ер қўмиталари тарқатиб юборилиб, улар ўрнига советлар қошида янги ер қўмиталари тузила бошланди[1].

Туркистондаги янги тузум пахта ишлаб чиқаришга давлат монополиясини ўрнатди. Яъни 1918 йил 12 январда Туркистон Х К С

---

1. Раззоқов А. Ўзбекистон пахтачилиги тарихи. 78-бет.

пахта тайёрлаш, уни сотиш ва сотиб олиш устидан давлат назорати хусусида декрет чиқаради. Шу даврдан бошлаб пахтачилик ўлка қишлоқ хўжалигининг, умуман олганда халқ хўжалигининг асосий эътибор берилган бош тармоғи бўлиб қолди. Лекин юқоридаги декретнинг ҳаётга жорий этилиши оқибатида пахта маҳсулотини етиштиришга бўлган моддий манфаатдорлик пасайиб кетди. Пахта ҳосилини сотиш ва сотиб олишнинг таъқиқланиши натижасида савдо-сотиқ ривожланишига кучли зарба берилди, туркий халқларнинг минг йиллардан буён давом этиб келаётган анъаналари ва урф-одатлари таҳқирланди. Оқибатда пахта экиладиган майдонлар миқдори қисқарди, унинг ҳосилдорлиги пасайди, пахта толасининг сифати бузилди.

1917-1918 йилларда пахта экиладиган майдонлар миқдори 445.771 десятинага камайиб кетди[1]. Бундай ҳолат юз беришига юқорида кўрсатилган сабаблар билан бир қаторда ўлкадаги очарчилик ва урушнинг давом этиши ҳам маълум даражада ўз ролини ўйнайди.

Туркистонда национализация қилинган пахта ишлаб чиқариш саноатида катта миқдордаги хомашё ва мол-мулк тўпланиб қолган эди. Ҳужжатларда келтирилишича, 1917 йил Туркистон ўлкасида қуйидаги миқдорда заҳирадаги хомашё мавжуд эди:

1. Пахта тозалаш заводлари - 259та
2. Пахта хомашёси - 3.000.000 пудга яқин
3. Пахта толаси - 4.398.000 пудга яқин
4. Чигит - 2.000.000 пуд
5. Линтер (чигитда қоладиган қисқа тола) - 265.400 пуд
6. Чахбутда (дезинфекция қилинган эски чигитлар)-103.000 пуд

1.Каранг. Вся Средняя Азия. Справочная книга на 1926 год. Ташкент, изд. Средне-Азиатского отделения Российской Восточной Палаты, 1926. с.156.

7. Жут - 15.000.000 аршинга яқин[1].

РСФСР тўқимачилик корхоналарини арзон пахта билан таъминлашга зўр берилиши оқибатида Туркистон Марказдан келадиган тайёр маҳсулотларга шу қадар муҳтож қилиб қўйилдики, ўз ғалласи ва саноати бўлмаганлиги сабабли у оғир иқтисодий инқирозни бошидан кечира бошлади.

Туркистонда пахта етиштириш ва уни Москвага ташиб кетиш кучли марказлашган орган орқали амалга оширилди. Туркистон ХХМК ининг Пахта бўлими ўзининг бутун эътиборини пахта ишлаб чиқаришни марказлаштиришга қаратди. Бўлим амалда олий орган сифатида 1920 йил охиригача шу соҳани бошқарди.[2]

Пахта толаси маҳалий саноат эҳтиёжларига ишлатилмасдан фақат Марказдаги тўқимачилик корхоналари учун жўнатилар эди. Туркистон Советларининг VII фавқулодда съездида [1919 йил март] таъкидланишича, пахтачилик национализация қилингандан кейин қисқа муддат ичида ўлкада РСФСР Х Х О К ихтиёрига Оренбург йўналишида 723 вагон, Краснаводск йўналишида 668 вагон, жами 1.391 вагон пахта толаси жўнатилган.[3]

Бошқа бир маълумотда келтирилишича, 1918-1919 йилларда Туркистондан Марказга жами 2.151 вагон пахта толаси жўнатилган. Бу пахта толасининг 1.310 вагони 1918 йилда (Оренбург йўналишида 596 вагон, Красноводск йўналишида 714 вагон), қолган 841 вагон 1919 йилда Оренбург тиқини бўлмасдан аввал Марказга жўнатилган.[4]

Оренбург тиқини тугатилгач эса, Туркистондан Марказга қуйидаги миқдорда пахта толаси жўнатилди:

---

1. Очерки хозяйственной жизни Туркреспублике. с.513-516.
2. Народное хозяйство Туркестана. N4, 4 мая 19919г, с.4.
3. Народное хозяйство Туркестана, N5, 11 мая 1919г, с.9.
4. Очерки хозяйственной жизни Туркреспублике. с.517.

Ойлар	Красновдск йўналиши бўйича	Оренгбург йўналиши бўича
Январ-май	-	443 вагон
Июн	131 вагон	549
Июл	389	1149
Август	405	814
Сентябр	197	795
Октябр	382	189
Жами:	1504 вагон	3.939 вагон.[1]

Демак, фақат 1919 йилнинг иккинчи ярмида Туркистондан Россияга 5.443 вагон пахта толаси олиб кетилди.

Архив ҳужжатларда келтирилишича, 1920 йил Туркистондан Марказдаги тўқимачилик фабрикаларига 8.565 вагон 4.283.000 пуд пахта толаси жўнатилган.[2] Бундан ташқари Россияга 1919йил 3.150.000 пуд ва 1920 йил 2.728.000 пуд хом пахта ҳам жўнатилди.[3]

Туркистонда ишлаб чиқарилган хомашёни сотиб олишнинг барчаси Марказда ишлаб чиқилган низом асосида йўлга қўйилар эди. Пахта хомашёсини сотиб олиш ҳам белгиланган қатъий нарх ва қатъий режа асосида амалга оширилдики, бундай қаттиққўллик билан марказлаштириш сиёсати ўша 20 йиллар совет сўмининг мислсиз қадрсизланиши-пулнинг суперинфляцияси шароитида бор-йўғидан ажралган деҳқонни яна ҳам хонавайрон бўлишига олиб келди.

Пахта харид нархининг ўта пастлиги энг аввало уни етиштирувчи пахтакор деҳқонлар манфаатига зид эди. 1919 йил бошида биринчи навли пахта 1 пуднинг харид баҳоси 80 сўм қилиб белгиланди. Ғалла ўрим-йиғими даврида энг ҳосилдор Фарғона водийсида 1 пуд буғдойнинг нархи эса 55-60 сўм бўлган. Лекин бу нарх узоқ турмай, кўта-

---

1.Очерки хозяйственной жизни Туркреспублики. с.520.
2.Ўзбекистон МДА, 111-фонд, 1-рўйхат, 940-иш, 123-варақ.
3.Ўзбекистон МДА, 111-фонд, 1-рўйхат, 940-иш, 123-варақ.

рилиб кетган. Январ ойига келиб кўп жойларда 1 пуд буғдойнинг нархи 200 сўмгача чиқиб кетган. Пахтага белгиланган қатъий нарх ўзгармагани ҳолда ғалланинг нархи кундан кунга ўсиб бораверган.[1]

Ўша давр расмий матбуотида ёзилишича, 1 пуд буғдойнинг нархи 850 сўмдан ҳатто 1850-2000 сўмгача кўтарилган.[2] Бундан ташқари бошқа ҳамма озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи мисли кўрилмаган даражада ўсиб кетди. Лекин пахта учун жорий қилинган нарх яна ўзгармасдан қолаверади.

Пахта харид нархининг ўта паст баҳоланиши табиий равишда етиштиришга салбий таъсир кўрсатди. Бироқ совет ҳокимияти пахтакорлардан нима қилиб бўлса ҳам кўпроқ пахта етиштиришни талаб қилади. Пахтакор деҳқон кооперативларининг[3] II съездида [1920 йил февраль] Пахта бўлими бошлиғи Гуревич уларга қарата шундай деган эди: "Агар бу йил пахта экмасангизлар бу оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Келгуси йилда чигит ҳам, мануфактура ҳам, пахта ёғи ҳам бўлмайди. Сизлар натижада оч ва яланғоч қолишингиз мумкин. Пахта бўлими ҳар хил кимсаларнинг пахта экишни қўйиб, қовун-тарвуз экинг деган маслаҳатларига сизлар қулоқ солмайсиз, деб умид қилади".[4]

Туркомиссия аъзоси Я.Рудзутак[5] съездда Марказ фикрларини янада аниқроқ баён қилган эди: "Агар биз Россияни хомашё билан

1.Народное хозяйство Туркестана, №7, 25 мая 1919г, с.20.

2.Народное хозяйство Туркестана, №5, 15 марта 1920г, с.46.

3.Пахтакорлар кооперативи Туркистон республикасида 1919 йилда ташкил қилинган эди. Қабул қилинган низомга кўра улар чигитни, пахтани Пахтачилик Қўмитасига топшириш ва шу мақсадда пахтакор деҳқонларни пул билан таъминлаши керак эди. Пахта етказиб берувчиларнинг кооперативларга кириши мажбурий эди. 1921 йилнинг охирига келганда Туркистон республикасида 60га яқин мана шундай кооперативлар бор эди. Бу ҳақида батафсил қаранг: Раззоқов А. "Ўзбекистон пахтачилик тарихи" 102-103-бетлар.

4.Народное хозяйство Туркестана, №4, 1 марта 1920г, с.28

5.Я.З.Рудзутак сал кейинроқ 1920-1921 йилларда Туркомиссия ва Туркбюро раиси вазифаларида ишлаган.

таъминласак, у бизга бу маҳсулотларни қайта ишланган ҳолатда қайтарди".[1]

Совет ҳокимияти раҳбарлари Туркистонда пахтачиликни юксалтириш учун бир қанча тадбирларни амалга оширишга мажбур бўлади. Бунинг натижасида ўлкамиз аста-секин собиқ иттифоқнинг хомашё базасига айлана бошлади.

1920 йил 2 ва 27 ноябрда РСФСР ҳукумати Туркистон [ва Озарбайжон] республикларида пахтачиликни тиклаш тўғрисида иккита декрет қабул қилди.[2] Бу қарорларда пахтачиликни тиклаш ва ривожлантириш учун тезда амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги вазифалар белгилаб берилган эди:

-пахта экиш билан шуғулланувчи коллектив ва якка хўжаликларга ердан ва сувдан фойдаланиш имтиёзларини бериш;

-пахтакор районлардаги ҳамма давлат ва жамоа хўжаликларида мажбурий алмашлаб экишни жорий қилиш, бу алмашлаб экишда экиннинг асосий қисмини пахта ташкил қилишига эришиш;

-илгари ишлаб келган тажриба далалари ва селекция станцияларини тиклаш ва янгиларни ташкил қилиш;

-ирригация иншоатларини тартибга солиш йўлида биринчи галда қилинадиган ишларнинг ҳаммасини 1921 йил кўкламигача битказиш;

-пахтакор хўжаликларни қишлоқ хўжалик асбоблари ва ўғитлар билан биринчи галда таъминлашнинг мажбурий қилиб қўйилиши;

- пахтакорларни зарур буюмлар билан таъминлаш режасини ҳамда уларни рағбатлантириш чоралари тизимини ишлаб чиқиш ва шунга яраша товар фонди ажратиш;

---

1. Народное хозяйство Туркестана, №4. 1 марта 1920г. с.25
2. Қаранг: Социалистическое переустройство сельского хозяйство в Узбекистане (1917-1926гг). Сборник документов. Ташкент, "Фан", 1926 г. 113-115.

-аҳолини шартнома асосида ва топширган пахтаси учун маҳсулот алмашлаб бериш тариқасида озиқ-овқат ва *кенг истеъмол моллари* билан таъминлашни уюштириш;

-пахтачилик соҳасидаги мутахассисларнинг ҳаммасини, улар ҳозир қандай муассаса ва ташкилотларда ишлаб турганидан қатъи назар, пахтачилик хўжалигини тиклашга сафарбар қилиш.[1]

Бу қарорларга мувофиқ 1920 йил 24 декабрда Россия Федерацияси ҳукумати Туркистон республикасида пахтачиликни тиклаш ва ривожлантиришнинг беш йиллик режасини ишлаб чиқди ва қабул қилди. Туркомиссия қарорига кўра 1920 йил декабрда Туркистон ХКС ҳузурида Туркистон Пахта қўмитаси тузилди. Янги ташкил қилинган Пахта қўмитасининг режасига кўра Туркистон 1921 йилдан бошлаб пахта экишни урушдан олдинги даражага етказиш мажбуриятини олди[2].

Пахтачиликни қайта тиклаш ва ривожлантиришга раҳбарлик қилиш учун РСФСР Х Х О К ҳузурида Бош Пахта Қўмитаси (Главхлопком) [ҳамда пахтакор республикаларда пахта қўмиталари] таъсис этилди: 1921 йил 13 сентябрда Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши пахтачиликни, пахта тозалаш саноатини ва пахта тайёрлашни давлат йўли билан ташкил этиш тўғрисидаги низомни қабул қилди. Ленин имзо чеккан низом пахтани давлат монополиясига олиш принципини узил-кесил тасдиқлади. Большевикларнинг "доҳийси" Ленин "пахта бу сиёсатдир", деб бежиз равишда таъкидламаган эди. Пахта қўмиталари зиммасига пахта экишни ҳамда пахта ва пахтачилик маҳсулотларини сотиб олишни, Главхлопкомга ва унинг маҳаллий пахта қўмиталарига топшириб қўйилган пахта тозалаш ва ёғ-совун заводларини ишга солиш вазифаси юкланди.

1.Ўзаро таққослаш учун қаранг: В.И.Ленин Ўрта Осиё ва Козогистон тўғрисида. 588-591; Раззоков А. Ўзбекистон пахтачилиги тарихи. 89-90-бетлар.

2. Ўзбекистон ИДА. 41-фонд. 1-рўйхат. 1245-иш. 63-варақ.

Главхлопком ва унинг маҳаллий органлари ташкил этилганлиги натижасида пахта етиштиришга раҳбарлик қилиш ва уни бошқариш ягона ташкилот қўлида марказлаштирилди.[1] Бу, бир томондан, пахтачиликдаги қайта тиклаш ишларини тезлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган бўлса, иккинчи томондан, Туркистондан иложи борича кўпроқ пахта толаси ва бошқа қишлоқ хўжалик хомашёсини Марказга ташиб кетилишини жадаллаштирилди.

Туркистон Советларининг тахминан шу вақтда бўлиб ўтган IX съездида РСФСР ҳукумати вакили Любимов Туркистонда ғалла етиштиришни бутунлай тўхтатиб, пахта етиштиришни кўпайтириш Марказ юритаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг ажралмас қисми эканлигини таъкидлаб, шундай деган эди: "Туркистон Россия федерацияси таркибидаги шундай бир ягона мамлакатки, унда ноёб ва қимматбаҳо маҳсулот-пахта етиштириш мумкин. Шунинг учун Туркистон бутунлай пахта майдонига айлантирилиши керак. Лекин бу режа амалга ошиши учун Туркистон бошқа областлардан келадиган ғалла билан таъминланиши керак"[2].

1921 й. РСФСР Х Х О К ва Тўқимчилик бошқармаси пахтакор деҳқон-кооператив хўжаликларига турли истеъмол моллари етказиб бериш ҳақида кўплаб ваъдалар беришди. Аммо бу ваъдаларнинг аксарияти амалга ошмади. Марказдан Туркистонга юборилган товарлар оз миқдорда бўлиб, улар бу ерга кечикиб етиб келарди[3].

Туркистон республикасининг қишлоқ хўжалигини асбоб-ускуналар билан таъминловчи омбор томонидан деҳқонлар ва уларнинг хўжалик-

---

1. Ўзбекистон ССР тарихи. Т.III, 370-бет
2. Ўзбекистон ИДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 39-иш, 1889-варок
3. Отчет о деятельности СНК и Экономического Совета Туркестанской Республике на 1 октября 1922г. с-325.

ларига давлат йўли билан 1919, 1920, 1921, 1922 йилларда мос равишда қуйидаги асбоб- ускуналар етказиб берилди: омоч-30,156, 1468,713; мола-6,49,96, 58; сеялка- 63,46,94,8; культиваторлар - 456,38,97,60; кетмон-982,265,70,8930; белкурак-350,14,7512, 1250[1].

Миллионлаб аҳоли яшайдиган ва асосий халқи деҳқонлардан иборат бўлган Туркистондек катта ўлка учун биз юқорида келтирган рақамлар даражасида қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарининг берилиши тушунарсиз ҳол бўлиб, кишини ажаблантиради.

Маълумки, 1921 йилда Туркистонда ҳам янги иқтисодий сиёсат жорий қилинган эди. Бу ҳолат ўлкада пахтачиликнинг жонланишига олиб келди, пахта экиладиган майдонлар кўпайди, ҳосилдорлик ошди. Қисқа қилиб айтганда, 1921 йилдан бошлаб Туркистонда пахта етиштириш ва уни Марказга жўнатиш сезиларли равишда кўпайиб борди.

1921 йил Бош Пахта қўмитасига 1.048.240 пуд пахта толаси жўнатилган эди.[2] Бироқ Марказдаги корчалонларга бу миқдордаги тола жуда кам туюлди ва улар Туркистонда қўшимча равишда яна пахта жўнатишни талаб қилишди.

Ишчи-Деҳқон Инспекцияси комиссари Климовнинг Х Х М К фаолияти таҳлил қилинган ҳисоботида кўрсатишича, 1921 йил январь ойида Марказга жўнатиш учун 7.000.000 пуд пахта толаси, 327.000 пуд линтер, 103.000 чахбута тайёрлаб қўйилган[3].

Туркистон Пахта қўмитаси 1921 йилдаги фаолияти даврида Марказга бўйсунмасликка анча уринди. Чунки Туркистон Х К С бу қўми-

---

1.Справочная книжка по хлопководству в СССР. Москва, 1925. С.318-319.

2.Отчет о деятельности СНК и Экономического Совета Туркестанской Республике на 1 октября 1922г. с-333.

3.Ўзбекистон МДА. 41-фонд, 1-рўйхат, 1033-иш, 69-варақнинг орқаси.

тани ўз ҳузурида ташкил қилинганлигини биз юқорида айтиб ўтган эдик. Лекин Москвадаги Главхлопком тез орада бу қўмитани бутунлай ўзига бўйсундирди. Ҳатто Х Х О К Туркистон Марказга кўпроқ хом ашё келтириш учун Еттисув темир йўлини қуриш тўғрисида қарор қабул қилди.

1922 йилнинг бошларида Туркистондан Марказга Красноводск йўналиши бўйича 1.150 вагон (63.470 та той пахта), Оренбург йўналиши бўйича 1.547 вагон (85.030 то той пахта), ҳаммаси бўлиб 2.724 вагон (148.500 та той пахта) толаси жўнатилди. Фақат шу йилнинг июн ойида Оренбург ва Красноводск йўналишлари бўйича 2.180 вагон пахта толаси Марказга юборилди.

1922 йил 16 майда Главхлопком ва Темир йўллар комиссарлиги ўртасида 1922 йил мобайнида Туркистондан пахта ташиб келтириш ва у ердаги корхоналарга зарур маҳсулотлар етказиб бериш тўғрисида тузилган шартномага кўра, Темир йўллар комиссарлиги бутун йил давомида ҳар уч кунда иккита махсус эшелонда пахта толаси ташиб бериш мажбуриятини олди.[1] Демак, Туркистондан деярли ҳар куни пахта толаси ортилган махсус поездлар состави Марказга жўнатилган.

Бош пахта қўмитаси ва Х Х О К Туркистонда қанча миқдорда пахта экилишини шахсан ўзлари назорат қилиб туришди. РСФСР Х Х О К Туркистон республикасидаги пахтачилик аҳволини текшириб чиққан комиссиянинг маърузасини тинглаб, 1922 йил 1 январда қабул қилган қарорида пахтага бўлган давлат монополиясини сақлаб қолиш зарурлигини таъкидлади. Х Х О К 1922 йил Туркистонда 210.000 десятина ерга пахта экишни назорат рақам қилиб белгиланган бўлса ҳам, аслида ўша йили Туркистонда атиги 51.428 десятина ерга чигит экилди. Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, фақат 1924 йилга

1. Ўзбекистон МДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1245-иш, 60-63-варақлар.

келиб 283.669 десятина ерга пахта экилган.[1]

Пахтакор деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигини таъминламасдан туриб ўлкада пахта етиштиришни кўпайтириш мумкин эмаслигини ниҳоят Марказдаги "мутасадди ўртоқлар" тушуниб етишди. Пахтанинг харид нархи оз бўлса ҳам оширилди. Пахтакор деҳқонларнинг илгариги иттифоқи ўрнига қишлоқ хўжалик кооператив ширкатлари тузиш тўғрисида қарор қабул қилди[2]. Пахтачилик кооперацияси деҳқонлар билан ҳисоб-китоб қилишдан озод қилиниб, унинг зиммасида пахта комитетлари билан биргаликда пахта экишни ташкил этиш ва давлат режаларини бажариш учун пахтакорларга кафил бўлиш вазифаси юкланди.

Главхлопком пахта шартномасини жорий қилди, пахта учун натура тариқасида аванс бериш ва ҳисоб-китоб қилишнинг илгариги тартиби ўрнига пахта экувчиларнинг ўзлари билан бевосита пул билан ҳисоб-китоб қилиш системасини ўрнатди.

Пахтачилик кооперацияси вакилларининг 1922 йил февралда Тошкентда, бўлиб ўтган таъсис съезди давлат пахтачилик органларининг пахтакорлар билан ўзаро муносабатларидаги янги системани маъқуллади. Деҳқонлар иттифоқи Пахтакорлар қишлоқ хўжалиги ширкати (Туркхлопсоюз)га айлантирилди. Съезд 1922 йилда пахта экишни ташкил этиш тўғрисида кооперация билан Туркистон Пахта қўмитаси ўртасида тузилган шартномани тасдиқлади.

Туркистон Советларининг XI съезди (2-6.XII 1922й) республикада пахтачилик ва пахта саноатини ривожлантириш бўйича 19 бандан иборат резолюция қабул қилди.[3]

---

1. Справочная книжка по хлопководству СССР. с.124.
2. Туркистон М.И.К.нинг бу хусусидаги 102-сонли қарори 1921й. 21 сентябрда қабул қилинди.
3. Ўзбекистон. МДА. 17-Фонд. 1-рўйхат. 69-иш. 91-92-варақ.

1923 йил 1 январда Пахта Пайчилик ўртоқлик ташкилоти тузилди. Унинг пайчилари қуйидагилар эди: *Бош Пахта қўмитаси*, Тўқимачилик синдикати, Туркистон, Бухоро, Хоразм ва Закавказье республикалари.

Бу ташкилотга пахтачиликни ривожлантириш, пахта билан ички ва ташқи бозорда олди-сотди муносабатларини ўрнатиш юкланди.[1]

Туркистонда пахтачиликни ривожлантириш муаммолари Ўрта Осиё республикалари I иқтисодий конференциясида (5-9.III.1923й) ҳам муҳокама қилинган эди. Конференцияда Бухоро республикаси деҳқончилик ишлари халқ нозири Ҳожи Сафо Жўрабоев пахтанинг харид нархига тўхтатиб шундай деган эди: " Бу ерда И.М.Бирюшев (Туркистон Пахта қўмитаси раиси-М.Ҳ.) таъкидлашича, бизда барча чоралар кўрилди деб айтилмоқда, амалда эса ундай бўлмаяпти. Уч республика: Туркистон, Бухоро ва Хоразмда пахта тургани ҳолда Россия чет элдан пахта сотиб олмоқда. Биз биламизки, Бухорода 1 пуд пахтага жанжал билан зўрга 10 сўм тўланаётган пайтда Россия чет элдан олтин валюта ҳисобида 28 сўмдан пахта сотиб олмоқда. Хориждаги пахтадан Туркистон ва Бухоро пахтасининг нима фарқи бор? Бундай шароитда пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида гапириш у ёқда турсин, ҳатто буни орзу қилиш мумкинми?"[2]

Бу конференцияда бошқалар ҳам пахтачилик соҳасида тузатилиши лозим бўлган камчиликлар ва ер-сув ислоҳотига атрофлича тўхталиб ўтдилар. Айниқса ер-сув ислоҳотида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар анча тўпланиб қолган эди.

Ниҳоят, 1923 йил 3 августда СССР М М К қарори билан Главхлопкомга ички бозордан 10млн пуд хом пахта ва 3 млн. пуд пахта

---

1. Ўзбекистон МДА, 15-фонд, 2-рўйхат, 190-иш, 57-58-варақ.
2. Бюллетень... №3-4, 7 март 1923г, с.28.

толаси сотиб олиш вазифаси топширилди. Бу вазифани амалга ошириш учун Главхлопкомга 20 млн. сўм ажратиш ва унга кредит тарзда 14 млн. сўм-червон белгилашга қарор қилинди. Шу мақсадда пахта етиштирувчи Туркистон ва Закавказье республикаларидаги аҳоли эҳтиёжи учун 8 млн. пуд ғалла, 227 вагон (50млн аршин) мануфактура, 110 вагон шакар, 32 вагон чой, 150 вагон шиша ва идиш-товоқлар, 40 вагон резина буюмлар (калиш ва б.), 300 вагон ёғоч жўнатиш режалаштирилди[1].

1923 йил Туркистон республикасида 147.022 десятина ерга чигит экилди, бу рақам 1922 йилдагидан 95.594 десятина кўп эди. Аммо шуни айтиш керакки, пахта ҳосилдорлиги ошмай қолаверди ва 1923 йилда атиги 7 центнерни ташкил қилди.

1923 йилдан бошлаб пахтакорларнинг манфаатдорлигини оширишга эътибор берила бошланди. Шу йилдан бошлаб пахта етиштиришдан олинадиган қишлоқ хўжалик солиғи бекор қилинди. Буларнинг барчаси СССРнинг пахта мустақиллигини тезроқ таъминлашга қаратилган тадбирлар эди. Аслида Марказ томонидан берилаётган айрим имтиёзлар меҳнаткаш ўзбек деҳқонининг қарамлигини оширар, ўлкада пахта якқаҳокимлиги табора чуқурроқ илдиз отиб, у пахта монокультурасига айланаётган эди.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистонда пахтачиликнинг ривожланиши 1923 йилдан бошлаб янгича тус олди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалигининг ушбу асосий тармоғида ўсиш қуйидагича бўлади:

Йил	пахта экилган майдон (десятина)	етиштирилган пахта (пуд)
1923	171.523	7.102.292
1924	384.896	15.230.532

1. Ўзбекистон МДА, 18-фонд, 2-рўйхат, 140-иш, 33-38-варақлар.

Туркистондаги пахта майдони 1924 йилда 1922 йилдагига қараганда 350.000 десятинага [аслида 334.468] кўпайиб, 600 фоизга [аслида 680] ўсди.[1]

Туркистондаги маҳаллий давлат арбоблари ва миллий зиёлилар пахта яккаҳокимлигиги қарши имкониятлари доирасида кураш олиб борар эдилар. 1923 йил июн ойида Москвада бўлиб ўтган РКП(б) МК миллий республикалар ва областлар масъул ходимлари иштирокидаги 4-кенгашида Туркистон ва Бухоро республикаларининг раҳбарлари Т.Рисқулов, Ф.Хўжаев, И.Хидиралиев, А.Икрамов, С.Хўжанов ва бошқалар Россиянинг совет ҳокимияти йилларидаги сиёсати босқинчиликдан иборат эканлигини, унинг моҳияти чор Россиясининг шовинистик мустамлакачилик сиёсатидан ҳеч фарқ қилмаслигини алоҳида таъкидладилар. Уларнинг ҳаққоний равишда кўрсатишларича, Россия 1917 йилгача ва ундан кейин ҳам фақат бир нарса учун-пахта ва бошқа бойликларни Туркистондан Марказга тезроқ ва кўпроқ ташиб кетиш учун курашди. С.Хўжанов ва А.Икрамов кенгашда сўзлаган нутқларида, ҳозирги Туркистон билан чор Туркистони ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ, фақат вивескаси ўзгарди, холос", деб таъкидлаган эдилар. Кенгашда 10 июнда нутқ сўзлаган РКП(б) МК Бош котиб И.В.Сталин уларнинг бу чиқишларини қаттиқ қоралайди.[2]

Марказнинг мустамлакачилик сиёсатига ва Туркистоннинг хом ашё манбаи даражасида сақлаш учун кўраётган тадбирларига қарши курашган миллий етакчилар орасида Ф.Хўжаев алоҳида ўрин тутди. Бу пайтда Бухоро халқ Нозирлар Шўросининг раиси лавозимида ишлаган Ф.Хўжаев [1920-1924й], Ўзбекистон ССР тузилгач, унинг биринчи

---

1. Қаранг: Новиков А. Хлопководства и хлопковая промышленность //Вся Средняя Азия. Справочная книга на 1926 год. Ташкент, 1926. с.156

2. Бу ҳақида қаранг: Сталин И. Асарлар. т.5. Тошкент, Ўздавнашр. 1949. 351-352-бетлар.

ҳукуматини умрининг охиригача бошқарди. Сал олдинроққа кетиб шуни маълум қиламизки, Ф.Хўжаев (1925 й.ноябрда бўлган Ўзбекистон компартияси II съездида) "Иқтисодий қурилишнинг вазифалари тўғрисида" қилган маърузасида[1], пахтачиликнинг жадал суръатлар билан кенгайтирилиши деҳқонларни иттифоқдан ғалла ва саноат моллари келтирилишига қарам қилиб қўйди, лекин мабодо иттифоқда қурғоқчилик бўлса ёки темир йўл ишида камчилик рўй берса, унда жиддий ҳалокат келиб чиқади. У ўз сўзида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тўла-тўкис пахта нархига, иттифоқдаги саноат моллари ва унда етиштирилган ғалла ҳосилига боғлиқ бўлиб қолмаслиги керак, деган дадил фикрни айтган эди[2]. Ф.Хўжаев Ўзбекистондаги пахта монокультурасига қарши курашган дастлабки давлат арбобидир.

Ф.Хўжаев чорвачилик маҳсулотлари ва боғдорчилик, ғаллачилик (буғдой ва шоли)ни сунъий равишда камайтирилишини ўта салбий ҳол деб баҳолаган ва аҳволни ўнглаб олиш учун маълум чораларни кўрган эди.

Совет ҳокимияти Туркистоннинг қазилма бойликлари ва барча хомашё маҳсулотларидан унумли фойдаланишга интилди. Туркистон республикасидан Марказга пахта хомашёсидан ташқари доимий равишда қоракўл тери ва тери маҳсулотлари, мўйна, жун, пилла, қуруқ мева ва бошқалар ташиб кетилди. Марказнинг бу сиёсатини ўзича оқлаб, Туркистон Советларнинг X съездида [1921й.август] Асаткин шундай деган эди: "Биз қачонки Туркистон қишлоқ хўжалиги тўғрисида гапирар эканмиз, уни фақат Туркистон учунгина эмас, балки федерациянинг (Марказнинг-М.Ҳ.) хўжалиги учун ҳам катта аҳамиятга

1.Қаранг: Хўжаев Файзулла.Танланган асарлар. IIтом Тошкент,"Фан",1978.657-бет.

2.Каримов Р.Ҳ. Ф.Хўжаевнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари//Ўзбекистонда Ижтимоий фанлар. 1996.N4-5. 77-бет.

эга эканлигини назардан чиқармаслик керак. Биз Туркистон пахта ватани ва тери хомашё базаси эканлигини унутмаслигимиз керак".[1]

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, Туркистон хомашё базасига айлантирилишидаги асосий босқич Оренбург тиқини тугатилгач, йўлга қўйилган эди.

Туркомиссия раисининг ўринбосари В.Куйбишев 1920 йил июл ойида Ташқи савдо бўлими ҳақидаги низомни тасдиқлади. Туркомиссия таркибидаги Ташқи савдо бўлими ваколатига шу соҳа билан боғлиқ барча фаолият ҳисоб-китобларини марказлаштириш, амалга ошириладиган операцияларни молиявий таъминлаш ва бошқа вазифалар кирар эди[1]. Демак, Туркистондаги бутун савдо-сотиқ ишлари Туркомиссия қиёфасида Марказ қўлида тўпланди.

Дастлабки йилларда Туркистондаги тижорат ишларини давлатнинг нуфузли ташкилотлари "Центрокож", "Центрошерст", "Главхлопком", "Турктекстил", "Туркхлопком" ва б. олиб борган бўлса, кейинчалик хомашё тайёрлаш, уни ташиб кетиш ва сотиш маълум бир тизимга эга бўлди.

Туркистонга тайёр маҳсулотлар келтириб, хомашёни ташиб кетиш механизми қарор топди. Туркистондаги давлат ва кооператив ташкилотлар 1922-23 йилларда 24.159.882 (червон) сўмлик, 1923-24 хўжалик йилининг фақат 1-ярмида 39.316.421 (червон) сўмлик товар юнатиш ва келтириш операцияларни бажарганлар[2]. Бу ҳолни олиб келинган ва ташиб кетилган маҳсулотлар нисбати тасдиқлайди[3].

1920 йил 20 апрелдаги маълумотга кўра, Давлат савдо бошқар-

---

1. Стенографический отчет X-Всетуркестанского съезда Советов рабочих, дехканских и красноармейских депутатов 21-25 августа 1921г.Ташкент,Туркгосиздат,1921,с.163.

2.Ўзбекистон МДА.41-фонд,1-рўйхат,963-иш,6-9-варақлар.

3.РСФСР, ЦСУ Туркреспублики. Статистический ежегодник 1917-1923 гг. т.II. с.69-70

4.Бу ҳақида иловадаги 4-5-жадвалларга қаранг.

маси ва унинг Ўрта Осиё республикаларидаги бўлимлари сони 364 та бўлиб, 88 таси Марказий ва 276 таси маҳаллий савдо шохобчалари эди.[1] Ташқи савдо комиссарлиги ва унинг республикалардаги бўлимлари ўз ишларида мустақил бўлиб, фақатгина Марказга ҳисобот берарди.

Туркистондан ташиб кетиладиган хомашё маҳсулотлари ичида тери хомашёси асосий ўрин тутади. Қоракўл тери, қўй, эчки, сигир, от, туя терилари ҳамда барча турдаги қимматбаҳо мўйна маҳсулотлари: тулки, бўрсиқ, бўри терилари ва турли хил жунлар Марказга жўнатилган.

Тери хомашёсини йиғиш 1920 йилгача Губкожа орқали, 1920 йил ноябрдан бошлаб озиқ-овқат комиссариати орқали амалга оширилган. 1920 йилда тери ишлаб чиқариш ва хомашёга тўлиқ давлат монополияси жорий қилинди.[2]

Х Х М К ида тери ишлаб чиқаришни бошқарувчи "Центрокож" - "Марказтери" ва "Туркглавкож" - "Туркбоштери" мавжуд эди. "Марказтери"нинг жойларидаги пунктлари терига давлат монополияси жорий қилинганда аҳолининг қўлидаги терини мажбурий равишда тортиб олдилар. 1918-1920 йилларда йиғилган хом ашёсининг асосий қисми 1920 йил охирида Марказга жўнатилган[3].

1921 йилга келиб Туркистон республикасидаги барча тери ошловчи заводлар "Марказтери" ва унинг органлари ихтиёрига берилди[4]. Тери маҳсулотларини Марказга жўнатиш сезиларли даражада кўпайди. 1921 йилда Туркистонда Россияга зудлик билан жўнатишга 1.997.998 дона турли хил тери хомашёси тайёрлаб қўйилди. Аслида

---

1. РСФСР.ЦСУ Туркреспублики. Статистический ежегодник.1917 - 1923 г г. т.II. с.65.
2. Очерки хозяйственной жизни Туркреспублике. с.201.
3. Очерки хозяйственной жизни Туркреспублике. с.301-309.
4. Очерки хозяйственной жизни Туркреспублике. с.310.

Самарқанд, Фарғона, Закаспий, Сирдарё, Еттисув вилоятларидан 1921 йил Марказга 2.035.442 дона тери олиб кетилди.[1]

Хомашёни тайёрлаш ва жўнатиш Марказдаги "Хомашё тайёрлаш бошқармаси" ташкилотининг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. 1922 йилга келганда бу ташкилотнинг 19та бўлими бўлиб, улар қуйидаги шаҳарларда жойлашган эди: Жаркент, Гавриловка, Лепсинск, Олмаота, Кармоқчи, Мерка, Казалинск, Туркистон, Полторацк (Ашхобод), Пахтаобод, Авлиёота, Фарғона, Тўрткўл. Бошқарманинг ҳисобот режасида хомашё тайёрлаш ва йиғиш асосий ўринни ташкил қилиб, тўпланган маҳсулотлар Москва, Петроград, Ботуми каби шаҳарларга ва Нижний Новгород ярмаркасига жўнатилган.[2]

Хомашё тайёрлаш бошқармаси фақат 1923 йил 1 октябрдан 1924 йил 1 октябргача (1923-24 хўжалик йилида) турли хил тери маҳсулотларидан жами 137.140 дона, чорва моллари ичакларидан 1.009.441 дона, қимматбаҳо мўйна терисидан 346.952 дона тайёрлади ва Марказга жўнатди.[3]

Бошқарма томонидан 1922-23 ва 1923-24 хўжалик йилларининг 9 ойида тайёрланган чорвачилик маҳсулотлари хом ашё миқдорининг бир-бирига нисбатан бу соҳада талабчанлик йилдан йилга ошиб бораётганлигини кўрсатади.[4]

Туркистонни Марказнинг хомашё базасига айланишида темир йўлларнинг ўрни катта бўлди. Х Х М К ида 1920 йилда Туркистон-Материал бўлими (Трамот ташкил қилинди). Трамотнинг ёрдамчи транспорт бўлими бўлиб, у ҳам ўз навбатида учта бўлимга бўлинган эди.

---

1. Ўзбекистон МДА. 41-фонд. 1-рўйхат. 1109-иш. 96-98-варақлар.
2. Отчет о деятельности СНК и экономического Совета Туркестанской республике на 1 октября 1922г.с.320.
3. Ўзбекистон МДА. 18-фонд. 1-рўйхат. 199-иш. 55-57-варақлар.
4. Бу ҳақида иловадаги 6-жадвалга қаранг. 4-Ўзбекистон МДА, 27-фонд. 1-рўйхат. 764-иш. 500-501-варақлар. 5-Бу ҳақида иловадаги 7-8-жадвалларга қаранг.

Шундан экспедция бўлими мажбуриятларига пахта, жун ва терини Марказга жўнатиш: барча хомашёларни станцияларга ташиб келтириш, махсус эшелонлар (поездлар) уюштириб, тегишли соқчилар (комендантлар) ва состав (поезд) бошлиқлари воситасида уларни белгиланган станцияларга етиб боришини таъминлаш кирар эди. Қўшимча транспорт бўлимининг ҳисоботига кўра, экспедиция бўлими ўз вазифасини доимо бажариб турган.

Шу ўринда Марказ томонидан Туркистонга жўнатилган товарлар устида РСФСРдан Туркистонга келтирилган маҳсулотлар ҳақидаги маълумотларни[1] жиддий таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, келтирилган юклар ўлка саноатини тиклаш ва ривожлантириш учун мўлжалланмаган бўлиб, аксинча унинг Марказга қарамлик хусусиятини тобора мустаҳкамлаган. Товарларнинг асосий қисми Туркқомиссия номига келганлиги ўша йилларда Туркистон учун муҳим аҳамиятга эга бўлган маҳсулотларнинг тақсимоти ва ихтиёри Марказ ташкилоти қўлида эканлигини кўрсатади.

Туркистонга келтирилган тайёр маҳсулотлар билан Марказга жўнатилган хом ашё ўртасидаги тафовут жуда катта миқдорни ташкил қилади. Масалан, Туркистонга 1918-1920 йилларда 13.720.000 сўмлик турли хил саноат моллари келтирилган бўлса, шу даврда бу ердан Марказга 31.651.000 сўмлик хомашё жўнатилган [2]. Пахта толаси мануфактурадан деярли 20 баробар, хомашё эса 9 баробар кўп олиб ўтилган[3]. Пахта, тери хомашё ва ҳайвон ичаклари, қуруқ мевалар қатъий нарх жорий қилинганлигини[4] эътиборга олсак, бу ўрнида фой-

---

1. Қаранг: Очерки хозяйственной жизни Туркреспублики. с.446. Ўзбекистон МДА. 27-фонд. 1-рўйхат. 764-иш. 509-513-варақлар.
2. Ўзбекистон МДА. 18-фонд. 2-рўйхат. 190-иш. 16-варақ.
3. Бу ҳақида иловадаги 9-жадвалга қаранг.
4. Қаранг: Ўзбекистон МДА.17-фонд. 1-рўйхат.47-иш. 42-45-варақлар.

данинг асосий қисми Марказда қолиши шак-шубҳасиз равшан бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, октябр тўнтариши Россиянинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатини асло ўзгартирмади. Ўлка ҳам сиёсий жиҳатдан, ҳам иқтисодий жиҳатдан Марказга бутунлай қарам қилиб қўйилди. Совет ҳокимиятини Туркистон Халқ хўжалигини бошқаришдаги марказлаштириш сиёсати натижасида юртимиз аввал РСФСР, сўнгра СССРнинг хомашё базасига айлантирилди. Туркистон республикасидан Марказга пахта, пилла, қоракўл тери, жун, қуруқ мева ва бошқа қимматбаҳо хомашё маҳсулотлари доимий равишда ташиб кетилди. Ўлка қишлоқ хўжалиги пахта яккаҳокимлиги асослаб асрлар давомида мавжуд бўлган деҳқончилик тажрибаси инкор қилинди. Большевиклар Туркистонни бепоён пахта плантациясига айлантириб, бу ерда буғдой, шоли узум ва турли мевалар етиштиришни ҳаддан ташқари камайтириб юбордилар. Туркистон республикаси СССРнинг пахта мустақиллигини таъминлашда муҳим рол ўйнаб, узил-кесил равишда хомашё етказиб берувчи аграр ўлкага айланди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ёш республикамизда жаҳон ҳамжамияти давлатлари сафига кириб бориш тажрибалари шуни яққол кўрсатадики, фақат хомашё етказиб берувчи мамлакат ҳеч қачон ривожланиш йўлига чиқа олмайди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги бутунлай бошқача йўналишда ривожланмоқда. Мамлакатимизда машинасозлик ва нефтни қайта ишлаш каби саноатнинг биз учун янги тармоқлари қисқа муддат ичида ташкил қилинди ва улар ўзининг дастлабки самарасини бера бошлади. Қишлоқ хўжалигида пахта яккахокимлигидан воз кечилиб, ғалла маҳсулотлари етиштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг ғалла ва нефт мустақиллигини таъминлаш бугунги кундаги энг долзарб вазифалардан бирига айланди.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришганидан кейин ўтган етти йил ичида миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихимиздаги "оқ доғлар"ни тугатиш борасида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Лекин ҳали республикамиз тарихчи олимлари олдида Ўзбекистоннинг мукаммал тарихини яратишдек улкан вазифалар турибди. Чунки қарийиб 75 йил хукм сурган совет ҳокимияти даврида тарихимиз ҳукмрон коммунистик мафкура нуқтаи назаридан ўрганилиб сохталаштирилди.

1917 йил Россияда юз берган феврал инқилоби Туркистонга ҳам анча таъсир қилди. Ўлкада демократик ҳаракатлар авж олиб кетди. Мухториятчилик ҳаракати 1917 йил кеч кузида ўзининг янги босқичига кўтарилди.

Бироқ Петроградда октябр тўнтариши амалга оширилгандан сўнг. Туркистон ўлкасида иқтисодий, ижтимоий, маънавий, сиёсий асос бўлмаса ҳам рус большевиклари ва эсерлар қуролли куч билан совет ҳокимиятини ўрнатишга муваффақ бўлдилар. "Халқчил" совет ҳукумати дабдабали декларацияларда халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини расмий жиҳатдан эътироф этишга мажбур бўлган бўлса-да, амалда у чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатини янгича асосларда давом эттирди. "Рус инқилобий демократияси чоризмдан реакционроқ иш тутди"[1],-деб таъкидланади ўша давр ҳужжатларининг бирида.

Туркистон республикасида маҳаллий шароитга мутлақо тўғри келмайдиган ғалла монополияси, озиқ-овқат тақсимоти каби иқтисодий чора-тадбирлар кўрилди. Шунингдек, вақф мулки бекор қилинди. Ко-

---

1. Ўзбекистон МДА. 17-фонд. 1-рўйхат. 45-иш. 382-варак.

зихона ва эски мактаблар тақиқланди, ислом дини ва шариат асосларига қарши аёвсиз кураш олиб борилди. Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тадбирлар билан бир қаторда советча режим миллий масалада улуғдавлатчилик шовинизми кўринишларини давлат сиёсати даражасига кўтариши Туркистондаги вазиятни янада мураккаблаштирди.

Туркистонда совет ҳокимиятининг марказлаштириш сиёсати оқибатлари аянчли бўлди. Бу сиёсат хусусан сиёсий марказлаштириш борасида ва Туркистон халқ хўжалигини бошқаришдаги иқтисодий марказлаштиришда яққол намоён бўлди.

Тадқиқотчи юқорида келтирилган воқеа-ҳодисалар баёнидан сўнг қуйидаги хулосага келди:

- Туркистон ўлкасида феврал инқилобидан сўнг кучли сиёсий уйғониш бўлди. Туркистонда турли жамоа ва сиёсий уюшмалар тузила бошланди;

- 1917 йил февралдан октябргача бўлган даврда жадидчилик жиддий ўзгаришларни бошдан кечирди. Жадидчилик айни шу даврда маърифий ҳаракатдан сиёсий ҳаракат даражасига кўтарилди. Жадидлар жойларда "Шўрои Исломия" тизими яратилишининг ташаббускори бўлдилар;

- 1917 йил 1 ноябрга қадар ўлкадаги сиёсат вазиятни учта асосий куч: Муваққат ҳукуматнинг Туркистон Комитети, Туркистон ўлкаси Мусулмонлар Шўроси (Краймуссовет), ишчи ва солдат депутатлари ўлка Совети белгилади;

- бу даврда Бутун Туркистон мусулмонларининг тўртта қурултойи ўтказилди. Биринчи қурултойда демократик Россия таркибида Туркистон мухториятини ташкил этиш ғояси олға сурилди. Иккинчи қурултойда фақат мусулмон депутатларининг ўлка Шўроси Туркистон мусулмон аҳолиси манфаатларини ҳимоя қилиши мумкин, деган фикр

қатъий қилиб қўйилди. Тўртинчи қурултойда Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ташкил этилганлиги энг муҳим натижа бўлди; - Туркистонда октябр тўнтариши асосан европали аҳоли томонидан амалга оширилди. Унда маҳаллий миллат вакиллари деярли иштирок этмади;

- ишчи ва солдат депутатлари III ўлка сеъздида тузилган янги ҳукумат - Туркистон ХКС большевик ва эсерлардан ташкил топган бўлиб, унга туб жой аҳолисидан биронта киши ҳам киритилмади;

- Туркистон Мухторияти ҳукумати туб миллат вакилларининг ҳақиқий манфаатини ифодалаган ва ўлкада биринчи демократик ҳукумат бўлганлиги учун ҳам куртаклигидаёқ большевиклар томонидан шафқатсиз равишда тор-мор келтирилди;

- Марказнинг ҳоҳиш-иродаси ҳисобга олиниб, "советча асосдаги автономия" эълон қилинди ва совет "мухторияти" ўлка бошқаруви сиёсати негизининг асоси деб белгилаб қўйилди;

- Марказнинг Туркистонни бошқаришдаги ҳукмронлиги республика Конституциясининг (аслида Россия Конституциясининг сал ўзгарган шакли) қабул қилиниши натижасида "қонуний" йўл билан "ҳуқуқий" жиҳатдан мустаҳкамланди;

- Даҳшатли очарчилик натижасида Туркистонда юз минглаб кишилар қурбон бўлди;

- Советлар тузуми ва большивекча режимга қарши Фарғона водийсида бошланган истоқлолчилик ҳаракати тез орада бутун Туркистон минтақасини қамраб олди ва умумхалқ курашига айланиб кетди;

- Туркистонда Россия манфаатларининг устиворлигини таъминлаш учун марказий ва маҳаллий бошқарув органларида асосан европалик ходимлар хизмат қилишди;

- Совет ҳокимиятининг Туркистон республикасида турмушга тадбиқ қилган декрет ва қарорлари туб халқларни мустамлакачилик ки-

шанида сақлаб, уларни асоратда тутиб туриш учун хизмат қилди;

- Туркомиссия ўлкадаги бутун ҳокимиятни тўлалигича ўз қўлида тўплаб, фақат Марказ манфаатларини амалга оширувчи "давлат ичидаги давлат" функциясини бажарди;

- Туркистон ўлка Мусулмонлар Бюроси Туркомиссиянинг мустамлакачилик сиёсатига қарши изчил кураш олиб бордилар. Т.Рисқуловнинг "Турк республикаси" ва "Турк Компартияси" тузиш ғоялари деярли рад қилинган бўлса ҳам, миллий раҳбар ходимлар имкониятлари даражасида Туркистоннинг мустақиллиги ва бирлиги учун курашдилар;

- совет ҳокимиятининг сиёсий марказлаштириш борасидаги ҳаракатлари 1920 йил охирида ўз ниҳоясига етди;

- Туркистон халқ хўжалигини бошқаришда совет ҳокимиятининг марказлаштириш сиёсати эса турли иқтисодий кенгашлар - Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши, Туркистон Иқтисодий Кенгаши, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши орқали амалга оширилди;

- НЭП даврида халқ хўжалигини тиклаш учун анча ишлар қилинди: саноатни қайта ишлашга мўлжалланган тармоқлари ривожлантирилди, пахта экиладиган майдонлар кенгайтирилди;

- Марказ Туркистон республикасини хомашё базаси сифатида сақлаб қолиш учун бу ерда асосий эътиборни фақат пахтачиликни тиклаш ва ривожлантиришга қаратди. Оқибатда ўлка қишлоқ хўжалиги пахта яккаҳокимлигига асосланди;

- Туркистонда етиштирилган хомашё, ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари доимий равишда Россияга жўнатилиб турилди, ҳатто халқ очликдан қирилаётган бир пайтда ўсимлик ёғи, қуритилган балиқ каби тансиқ маҳсулотлардан паравозларни юритишда ёқилғи сифатида фойдаланилди.

Фақат Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин

вазият тубдан ўзгарди. Марказнинг сиёсий ва иқтисодий ҳукмронлигига қатъиян чек қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз халқ хўжалиги бутунлай бошқача йўналишда ривожланмоқда. Мустақил Ўзбекистон давлатида машинасозлик ва нефтни қайта ишлаш каби саноатнинг янги тармоқлари қисқа муддат ичида ташкил қилинди. Қишлоқ хўжалигида ҳам иқтисодий ислоҳотлар жараёни жадал кечмоқда. Деҳқон-фермерхўжаликларининг ташкил қилиниши, кичик ва ўрта тадбиркорликка давлат томонидан кўрсатилаётган алоҳида ғамхўрлик бунинг яққол далилидир.

ИЛОВА

1-жадвал

Қишлоқ хўжалигида аҳоли ва хўжаликларнинг 1922 йилда 1920 йилга нисбатан %% ҳисобидаги миқдори [1]

Аҳоли тоифалари	Хўжаликлар сони		1920 йилга нисбатан %% ҳисобида	
	1920	1922	Хўж.. сони	Аҳоли
Маҳаллий ўтроқ	18308	17411	87	90
Маҳаллий кўчманчи	*10065*	*16456*	*114*	*109*
Руслар	4954	5161	100	107
Умумийси	39327	39028	191,2	99

1 Отчет о деятельности СНК и Эконом. Совета Туркресп. на 1 октября 1922 г , изд. ТЭСа, Ташкент, 1922 г, с.65

2-жадвал

ХХМК Транспорт-материал бўлимининг 1920 йилги фаолияти. Пахта, тери ва жундан ташқари имтиёзли юкларнинг Россияга Ўрта Осиё ва Тошкент темир йўллари орқали ташилиши (кўрсаткичлар тоннада)[1]

Юклар номи	ОЙЛАР											
	Ян-Вар	фев-рал	март	ап-рел	май	Июн	июл	ав-густ	сен-тябр	ок-тябр	но-ябр	де-кабр
ўтин	16666	1470	1622	1560	1233	582	329	519	1078	780	801	1146
Озиқ-овқат-лар	886	608	883	853	750	974	1203	1235	4203	1920	2316	2207
Тошкўмир	*635*	*619*	*645*	*515*	*546*	*484*	*455*	359	*523*	*601*	*451*	*495*
Галла маҳсулотлари	278	145	293	216	210	299	283	150	457	704	546	638
Красновод ск нефти				*170*	*608*	1339	1489	*1596*	1341	1520	1456	1271
Фарғона нефти	27	47	61	117	138	*76*	56	32	26	88	28	33
Бошқа турли юклар	484	417	645	698	909	1399	2396	1916	2913	5861	3470	3495

1 ЎзМДА, Ф-17, 1-рўйхат, 764- иш, 508 - 509- варақлар

II

3[a] –жадвал

Темир йўлларда 1920 йил учун муҳим юкларни жўнатилиши ва қабул қилинишининг губернялар бўйича натижаси.

Асосий юкларнинг умумий натижаларида **ғалла маҳсулотлари миқдори (пудда).**[1]

Республикалар,вилоятлар ва Губернялар номлари		Жўнатилиши	Қабул қилиниши
	Ҳаммаси	1209715	1206496
I	Россиянинг Европа қисми		
а)	Губернялар	841765	997508
В)	Алоҳида республика ва автоном вилоятлар	11469	5302
II	Қрим ССР	69	67
III	Шимолий Кавказ ва Дон	32312	42741
IV	Озарбайжон ССР	27704	13498
VII	*Белоруссия ССР*	*2115*	*3809*
X	Сибир	132489	13352
XI	Қирғизистон ССР	12061	2533
XII	*Туркистон ССР*	*12171*	*5796*

3[б]-жадвал

Сабзавотлар, истеъмол қилинувчи ва тўқимачилик маҳсулотлари (минг пудда). [2]

Республикалар, вилоятлар ва губернялар номлари		Полиз сабзавотлари		Турли истеъмол маҳсулотлари		Тўқимачилик ашёлари	
		Умумийси		Умумийси		Умумийси	
		Жўна.	Келтир.	Жўнат.	Келтир.	Жўнат.	Келтир.
	Ҳаммаси	38992	38397	56662	67524	9454	5513
I	*Россиянинг Европа қисми*						
а)	Губернялар	31421	33906	43134	52686	4604	8466
в)	Алоҳида республика ва автоном вилоятлар	789	334	533	555		8
II	Крим ССР			8	8		
III	Шимолий Кавказ ва Дон	353	299	1640	1767	860	69
IV	Озарбайжон ССР	354	43	*1648*	*1575*	*558*	*305*
VII	Белоруссия ССР	*76*	*76*	165	436		3
VIII	Украина ССР	3078	2893	15389	8471	75	259
X	Сибир	480	257	1592	1171	142	18
XI	Қирғизистон ССР	479	195	1420	589	303	
XII	Туркистон ССР	72	66	1083	370	3537	371

1-2 Труды ЦСУ, Статистический ежегодник, том VIII, выпуск 4, с присоединением некоторых свидение за 1922 г, Москва, 1923 г, с.156

3[a]-жадвал

Калава, мануфактура ва чорвачилик маҳсулотлари[1].

Республикалар, вилоятлар ва губернялар номлари		Калава ва мануфактура		Чорвачилик маҳсулотлар	
		Умумийси		Умумийси	
		Жўнат.	Келтир.	Жўнат.	Келтир.
	Ҳаммаси	6661	6661	23294	23500
I	Россиянинг Европа қисми				
а)	Губернялар	6367	5984	15636	21261
в)	Алоҳида республика ва автоном вилоятлар	11	160	1157	226
II	Крим ССР	——	——	4	4
III	Шимолий Кавказ ва Дон	12	60	210	633
VII	Белоруссия ССР	1	19	193	342
VIII	Украина ССР	110	234	991	734
X	Сибир	102	125	2517	186
XI	Қирғизистон ССР	16	17	1079	41
XII	Туркистон ССР	39	54	1739	34

1 Труды ЦСУ. Статистический ежегодник. том VIII, выпуск 4, с присоединением некоторых свидение за 1922 г, Москва, 1923 г, с.156

4-жадвал

Давлат органлари ва кооперацияларнинг бутун 1922-1923 йиллар ва 1923-1924 йилларнинг 6 ойи учун асосий товарларнинг ташиб келтириш миқдори[1]

Товарларнинг номлари		Ўлчов бирлик-лари	1922-1923 йилларда ташиб келтир.	1923-1924 йиллар нинг 6 ойи учун таш. келтир.	1923-1924 йилларда 1922-1923 йиллар %
1	Буғдой ва ун	Пуд	1943680	2907217	143,6
2	Шакар	Пуд	180647	298652	165,3
3	Мануфактура	Метр	18379683	15742758	85,6
4	Ўтказувчи ва танланган темир	Пуд	73908	113024	152,9
5	Чинни идишлар	Пуд	21352	44800	209,8
6	Шиша ва шиша идишлар	Пуд	35227	59200	165,2
7	Зиғир ашёлари	к. Фут	216803	677837	312,6
8	Керосин	Пуд	443514	840682	189,5

5-жадвал

Давлат органлари ва кооперацияларнинг бутун 1922-1923 йиллар ва 1923-1924 йилларнинг 6 ойи учун асосий товарларнинг ташиб кетилиши миқдори[2]

Товарларнинг номлари	Ўлчов бирлик-лари	1922-1923 йилларда ташиб кетилиши	1923-1924 йилларнинг 6 ойи учун таш. кетил.	1923-1924 йилларда 1922-1923 йилларга нисб. %
Пахта	пуд	1164989	1606368	137,9
Жун	пуд	159838	216531	135,5
Буғдой	пуд	234744	406291	173,1
Қуруқ каноп	дона	2031	5194	255,1
Пилла	пуд	410	387	80,6
Қуруқ мевалар	пуд	132263	89726	67,08

1-2. РСФСР ЦСУ Туркреспублики Статистический ежегодник 1917 – 1923г. Составлен под ред. Д.А.Красновского, т.II, изд. ТЭСà, Ташкент,1924 г. с.77

Y

6-жадвал

Хом-ашё тайёрлаш Бошқармасининг 1922-1923 йилларнинг 9 ойи ва 1923-1924 йилларда тайёрлаган хом-ашёси[1]

Товарларнинг номлари		Ўлчов бирлик-лари	1922-1923 йилларнинг 9 ойи учун	1923-1924 йилларда	1923-1924 йилларда 1922-1923 йилларга %
1	Майда терилар	Дона	221049	438513	198,3
2	Йирик терилар	Дона	24800	49051	197,1
3	Муйна	Дона	82200	335768	408,4
4	Ичаклар	Дона	532462	572211	107,4
5	От ёллари	Пуд	414	956	230,9

1 РСФСР ЦСУ Туркреспублики, Статистический ежегодник, 1917-1923 г. Составлен под ред. Д.А.Красновского, т.II,изд. ТЭСа, Ташкент,1924 г. с.81.

7-жадвал

Ёрдамчи Транспорт бўлимининг фаолияти тўғрисида умумий маълумот[1]

Товарларнинг номлари	Жўнатилиш станцияси	Белгиланган станцияси	Вагонлар сони	Оғирлиги	Жўнатилиш вақти
Пахта	Турли	Волгага	617	308000 пуд	ноябр
			429	21500	декабр
Жун	Коракул	Москва	26	11112	ноябр
	Келес	Савелово	26	9914	декабр
	Турли	Москва	20	8000	декабр
	Бурное		36	12345	декабр
Солод илдизлари	Черняево		27	21829	декабр
Мануфактура	Тошкент	Бухоро	5	3500	ноябр

1 УзМДА, Ф-27, 1-руйхат, 764-йиғма жилд, 500 варак.

8-жадвал

Юклаш ва тушириш ёрдамчи бўлими орқали юкларнинг станциялардан ташиб кетилиш кўрсаткичлари (пудда)

Юкларнинг номлари	июн	июл	Август	сентябр	октябр	ноябр	декабр
Турли	11549	41422	125638	61315	90135	105840	116070

1 ЎзМДА, Ф-27, 1-руйхат,764- ип, 501- варақ.

9-жадвал

1918-1920 йилларда юкларни олиб келиш ва ташиб кетиш хақидаги маълумот.

Олиб келиш	суммада:
1. Мануфактура,15.000.000 аршинга якин	4.500.000
2. Темир,чуян (100.000 пуд),рангли металлар (10.000 пуд)	2.100.000
3. Ўрмон ашёлари	2.000.000
4. Машина ва и. ч. воситалари	700.000
5. Идишлар	500.000
6. Шакар (100.000 пуд)	500.000
7. Чой (6.000 пуд)	360.000
8. Гугуртлар (3.000 ящик)	60.000
9. РСФСР пул бирлиги	3.000.000
Умумийси	13.720.000
Ташиб кетилиши	
1. Пахта толаси (7.433.000 пуд)	89.196.000
2. Пилла (5.500)	1.375.000
3. Турли терилар (1.200 дона)	720.000
4. Ичаклар (1.800.000 дона)	360.000
Умумийси	91.651.000 [1]

1. Ўз МДА, 18 фонд, 2-руйхат, 190 - ип, 16 - варақ

Органы Советской власти
Верховный
Управление
Народный
Совнарком
Совнархоз
Совет
Совет
Совет

IO-КАДНАЛ.


Переснята из книги: Очерки хозяйственной жизни Туркреспублики под. ред. А.Асадкина, изд. ЦСНХ, Ташкент, 1924, с 560.

СХЕМА

Р.С.Ф.С.Р. ОРГАНИЗАЦИИ

Центральнаго Совета Народнаго Хозяйства Туркреспублики.

Январь 1921 г.


С.Н.Х.
В.С.Н.Х.
Ц.С.П.С.
С.Н.К.Т.Р.
Отделы - вспомогательные.
Отдель
Главные и Ц
Отделы производственные
Отдель
Общие-хозяйственные.
Отделы
Управлен
Комгосор
Турцие
Тяжпут
Тяжпут
Тяжпут

I.Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.

Эълон қилинган хужжат ва материаллар тўплами.

1. Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Т 1. май 1918 - сентябрь 1919 г. Документы и материалы.- Алма-ата: Наука, 1963.- 700 с.

2. Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. Т 1.- Ташкент: АН Узбекской ССР, 1963.- 658 с.

3. Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. Т 2.- Ташкент: Фан, 1972.- 608 с.

4. РСФСР, ЦСУ Туркреспублики. Статистический ежегодник 1917-1923 г. / Сост. под. ред. Д.А. Красновского Т II.- Ташкент: Т Э С , 1924.- 598 с.

5. Сборник декретов и приказов Совета Народных Комиссаров Туркестанской Федеративной Республики (с 23 ноября 1917 г. по 1 июля 1918 г.).- Ташкент: нашриётсиз, 1918.- 50 с.

6. Сборник важнейших декретов постановлений и распоряжений Правительства ТАССР за 1917 - 1922 гг.- Ташкент: Комиссии СНК, 1922.- 213 с.

7. Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане *(1917-1926 гг.). Сборник документов.*- Ташкент: Фан, 1962.- 796 с.

8. Труды ЦСУ. Статистический ежегодник 1921 г. с присоединением некоторых сведений за 1922 г. *Том VIII. Выпуск 4.- М.: ЦСУ.*, 1923.- 425 с.

9. Хроника событий Великой Октябрьской Социалистической революции в Узбекистане, февраль-ноябрь 1917г. Ташкент: Фан, 1962.- 288 с.

10.Хроника событий Великой Октябрьской Социалистической революции в Узбекистане, ноябрь 1917 г. - июнь 1918 г.- Ташкент: Фан, 1975.- 296 с.

II. Архив хужжатлари.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (Ўз МДА)

2.1. 17 фонд - Туркистон МИК Советлари.

2.2. 18 фонд - Туркистон Иқтисодий Кенгаши.

2.3. 25 фонд - Туркистон Халқ Комиссарлари Совети.

27 фонд- Туркистон Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши.

36 фонд- Туркистон Миллий ишлар Халқ Комиссарлиги.

39 фонд - Туркистон Ички ишлар Халқ Комиссарлиги.

2.7. 41 фонд-Туркистон Ишчи-деҳқон Инспекцияси

2.8. 111 фонд - Туркистон Пахтачилик Комитети.

2.9. И1 фонд - *Туркистон генерал-губернаторлиги* Девони.

2.10. И22 фонд- Каттақўрғон уезд бошқармаси.

2.11. И128 фонд - Тошкент округ суди .

2.12. И 1044 фонд - Муваққат ҳукумат Туркистон Комитети.

3. Вақтли матбуот

1. Ҳуррият-1917-1918 й.
2. Улуғ Туркистон- 1917-1918 й.
3. Эл байроғи-1917-1918 й.
4. Народное хозяйство Туркестана-1919-1922 гг.
5. Наша газета -1917-1918 г.
6. Туркестанский курьер-1917 г.
7. Туркестанские ведомости-1917 г.
8. Туркестанский вестник -1917 г.
9. Свободный Самарканд-1917 г.
10. Жизнь национальностей-1923 г.

4. Адабиётлар.

1. Абдуллаев Р.М. Национальные политические организации в Туркестане в 1917-18 г.: Авторефер. дисс... д-ра ист. наук.- Ташкент, 1998.- 62 с.

2. Акрамов А. Босмачилик ҳаракати ва унинг моҳияти// Ҳаёт ва иқтисод .-1991 .- №7.- Б. 58-63.

3.Акрамов А. Авлиякулов К. В.И.Ленин Туркомиссия и укрепления Советской власти в Средней Азии.-Ташкент: Узбекистан, 1991.- 344 с.

4. Алексеенков П. Кокандская автономия.- Ташкент: УзГИЗ, 1931.- 72 с.

5.Антропов П. 2-ой краевой съезд РКП(б) в Туркестанской республике// Революция в Средней Азии. Сборник.- Ташкент, 1920.- N 2.- с. 10-43.

6. Агзамходжаев С. Туркистон мухторияти: Борьба за свободу и независимость (1917-18гг). Автореф. дисс... д - ра ист. наук.- Ташкент, 1996.- 62 с.

7. Аъзамхўжаев С. Туркистон бирлиги учун (Мустақиллигимиз тарихидан саҳифалар).- Тошкент: Фан, 1995.- 16 б.

8. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти (Мустақиллигимиз тарихидан саҳифалар). - Тошкент: Фан, 1996.- 60 б.

9. Бердяев Н.А. Истоки и смысл русского коммунизма.- М.: Наука, 1990.- 224 с.

Беҳбудий М. Танланган асарлар.- Тошкент: Маънавият, 1997.- 232 б.

11. Борисов Н. Октябрь в Туркестане.- Ташкент: Подотдел печати ЦК КПТ. 1922.- 25 с.

12. Валидий - Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер. Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар. / Бошқирд тилидан Ш.Турдиев таржимаси.- Тошкент: Адолат, 1997.- 280 б.,

13. Ваҳобов М.Г. Файзулла Хўжаев// Мангу барҳаёт сиймолар.- Тошкент: Ўзбекистон, 1968.-Б. 385-409 .

14.В.И.Ленин. Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида.- Тошкент: Ўзбекистон, 1984.- 800 б.

15. Воскобойников Э., Зевелев А. Туркомиссия ВЦИК и Совнаркома РСФСР и Туркбюро ЦК РКП(б) в борьбе за укрепление Советской власти в Туркестане. - Ташкент: Госиздат , 1951.- 192 с.

16. Вся Средняя Азия. Справочная книга на 1926 г.- Ташкент: Среднеазиатского отд. Российской Вос. палаты, 1926.- 743 с.

17. Гинзбург С. Басмачество в Фергане.// Очерки революционного движения в Средней Азии. Сборник статей.- М., 1926.- С. 123-152.

18. Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: Эволюция социального положения 1917-1937 гг.- Ташкент: Фан, 1992.- 160 с.

19. Горький М. Несвоевременные мысли и рассуждения о революции и культуре (1917-1918 гг.).- М.: Интерконтакт, 1990.- 193 с.

20. Гражданская война и военная интервенция в СССР, Энциклопедия.- М.: Советская Энциклопедия, 1987.- 720 с.

21. Дониёров Ш. Мухторият қисмати// Шарқ юлдузи.- 1991.- №12, 45 б.

22. Дулатова Д..И., Нуртазина Н.Д. «Докладная записка» Серали Лапина//Вестник КазГУ. Историческая серия.- Алматы, 1997.- №5.- С. 10-17.

23. Зияева Д.Ҳ. Кишаннинг сўнгги халқалари//Жамият ва бошқарув.- 1997.- №1.- Б. 60-62 .

24. Зоҳидов Т. Ватан ҳимоячилари //Турон тарихи. Тўплам.- Тошкент, 1992.- №1.- Б. 11.

25. Ильин И.А. О причинах русский революции //Посев.- 1993.- №2 .- С. 9-15.

26. Инқилоб жангчилари.- Тошкент:Ўзбекистон, 1990.- 184 б.

27. Исоқов И. Қирғинни ким қилгану, жадига қолган ким эди ? // Шарқ юлдузи.- 1992.- №5.- Б. 56-60.

28. Истиқлолимизнинг тарихий илдизлари (Давра суҳбати) //Шарқ юлдузи.- 1995.- №11-12.- Б. 3-29.

29. Историография источниковедения истории Компартии Туркестана.- Ташкент: Узбекистан, 1989.- 190 с.

30. История Узбекской ССР. Под ред. И. М. Муминова, том III.- Ташкент: Фан, 1967, 700 с.

31.История Узбекистана (1917-1993гг.).-Ташкент: Ўқитувчи,1995.- 344 с.

32. ХХ асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида Ўзбекистонда тарих фани (тарихшунослик очерклари) 1-қисм.-Тошкент.:Фан, 1994.- 455 б. 2-қисм.- Тошкент, 1994.- 392 б.

33. Каддафи Муаммар. Зеленая книга.- М.: Международные отношения, 1989.- 160 с.

34. Каззофий - Муаммар ал-Каззофий. Яшил китоб.- Тошкент: нашриётсиз.- 1992.- 111 б.

35 Каримов И. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Тошкент: Ўзбекистон, 1997.- 328 б.

36. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.- Тошкент: Ўзбекистон, 1998.- 31 б.

37. Каримов Р.Ҳ. Ф.Хўжаевнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари// Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.- 1996.- №4-5.- Б.76-81.

38. Карр Эдвард. История Советской России, том 1,2 Большевистская революция 1917-1923гг. М.: Прогресс, 1990.- 768 с.

39. Карр Э. Х. Русская революция от Ленина до Сталина 1917-1929 гг. М.: Интер Версо, 1990.- 208 с.

40. Куллиев Х.М. Складывание экономических и духовных основ тоталитарного строя в Туркестане (1917-1920): Автореф. дисс...канд. ист. наук.- Ташкент, 1998.- 25 с.

41. Курганов И. Три цифры // Посев.- 1993.- №2.- С. 15-20.

42. Лаврентьев Вл. Капитализм в Туркестане (Буржуазная колонизация Средней Азии).- Л.: Комакадемия, 1930.- 160 с.

43. Маликов М. Г. Революционно - демократический блок большевиков и левых эсеров Туркестана в Октябрьской

революции//Октябрькая революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы перспективы изучения.- Ташкент, 1991.- С. 117-131.

44. Материалы и документы 1 съезда Компартии Туркестана/ Сост.: Антропов П.; под ред.: П.Т. Алексеенкова.- Ташкент: Средазпартиздат, 1934.- 87 с.

45. Маҳмудов М Барҳаёт сиймолар.- Тошкент: Ўзбекистон, 1991.- 200 б.

46. Мунаввар Қори. Хотираларим // Турон тарихи, тўплам, 1992.- №1.- Б. 19-20.

47. Муравейский С. Материалы по истории Октябрьской революции в Туркестане.- Ташкент: изд. Подотдела печати ЦК К.П.Т., 1922.- 48 с.

48.Мусбюро РКП(б) в Туркестане, 1,2 и 3 Туркестанские Краевые Конференции РКП 1919-20 гг. введением товарища Рыскулова.- Ташкент: Туркгосиздат, 1922- 92 с.

49.Мустафо - Чўқай ўғли. Истиқлол жаллодлари (1917 йил хотиралари).-Тошкент: Нашриёт - матбаа бирлашмаси, 1992.-80 б.

50. Назаров М. Туркистон интервенция ва гражданлар уруши даврида.- Тошкент: Ўздавнашр, 1961.- 299 б.

51. Назаров М. Актуальные и малоизученные проблемы борьбы КПТ с оппозиционными группами // Историография источниковедения истории Компартии Туркестана.- Ташкент: Узбекистан, 1989.- С.35 -44.

52. Независимость и история: новые подходы к изучению истории Узбекистана.- Ташкент:Ташк.Университет, 1997.- 52 с.

53. Новиков А. Хлопководство и хлопковая промышленность// Вся Средняя Азия. Справочная книга на 1926 год.- Ташкент,1926.-с.153-165

54. Норжигитова Н.А. Историография басмаческого движения в Туркестане (Советский период): Автореф.дисс... канд. ист.- Ташкент, 1995.- 25 с.

55. Носиров П. Иқтисодиётни тартибга солиш // Жамият ва бошқарув.- 1997.- №1.-Б. 30-32 .

56. Нуруллин Р.А. Советы Туркестанской АССР в период гражданской войны.- Ташкент: Фан, 1965.- 228 с.

57. Озерова Н.Г. Дехканство Туркестана в условиях перехода к НЭП у (1921-1924 годы): Автореф.дисс... канд. ист. наук.-Ташкент, 1997.- 24 с.

58. Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, *перспективы изучения*.- Ташкент: Фан, 1991.- 288 с.

59. Октябрьская *революция* перед судом американских сенаторов. Официальный отчет *«Оверменской* комиссии» сената.- М.: Профиздат, 1990.- 208 с.

60. Отчет о деятельности *СНК и Экономического* Совета Туркестанской республике на 1 октября 1922 г.- Ташкент: ТЭС, 1922.- 405 с.

61. Отчет 1 съезда Экономических совещаний Туркреспублике/ Сост. А.П. Апухтин.- Ташкент: ТЭС, 1922.- 106 с.

62. Отчет 2 съезда Экономических совещаний Туркестанской республике 26-30 ноября 1922 г.- Ташкент: ТЭС, 1923.- 88 с.

63. Очерки революционного движения в Средней Азии. Сборник статей.- М.: Научная Ассоциация Востоковедения при ЦИК СССР, 1926.- 152 с.

64. Очерки хозяйственной жизни Туркреспублики/ Под редакцией А. Асаткина.- Ташкент: ЦСНХ, 1920.- 598 с.

65. Первая Экономическая Конференция Среднеазиатских республик - Туркестана, Бухары и Хорезма, 5-9 марта 1923 г. Стенографический отчет.- Ташкент: Туркгосиздат,1923.- 86 с.

66. Первый съезд Народов Востока, Баку, 1-8 сентября 1920. Стенографический отчет.- Петроград: Ком. Интер-а, 1920.- 232 с

67. Победа Советской власти в Средней Азии и Казахстане.- Ташкент :Фан, 1967.- 772 с.

68. Раджапова Р.Я. К вопросу о диалектике социалистического, демократического и национального в социальной революции (историографические аспекты проблемы)// Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы перспективы изучения.- Ташкент,Фан, 1991.-С. 8-32.

69. Ражабова Р.Я. Султонбек Хўжанов // Инқилоб жангчилари.- Тошкент , 1990.-Б. 52-74.

70. Раджабов К.К. Истиклолчилик харакати в Ферганской долине: Сущность и основные этапы развития (1918-1924гг.).: Автореф. дисс... канд. ист. наук.-Ташкент, 1995.- 32 с.

71. Ражабов Қ. "Совет ҳокимияти бизга қиммматта тушди" // Ёш куч , 1991.- N11.-Б. 20-21.

72. Ражабов Қ. Ленин билан баҳслашганлар// Саодат.- 1991.- N4.- Б. 5-6 .

73. Раззоқов А. Ўзбекистон пахтачилиги тарихи (Ўтмиши ва ҳозир).- Тошкент : Ўзбекистон, 1994.- 304 б.

74. Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана. Часть 1. 1917 - 1919 гг. - Ташкент: УзГИЗ, 1925.- 218 с.

75. Рискулов Т. Восстание туземцев в Туркестане в 1916 году. //Очерки революционного движения в Средней Азии: Сборник статей.- М., 1925.- С. 45 - 122.

76. Рискулов Т.Р Избранные труды.- Алма - Ата: Казахстан, 1984.- 260 с.

77. Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана).- М.-, Госиздат, 1921.-, 147 с.

78. Сафаров Г. Национальная политика Советской власти // Три года Советской власти.- Ташкент,1920.-С. 17 - 33.

79.Семинюта В. Туркистонда 1917 - 1920 йиллардаги очарчилик// Инсон ва сиёсат.- 1991.- № 12.-Б. 73 - 79 .

80.Семинюта В. Очарчилик // Фан ва турмуш.- 1991.- № 11.-Б.7-8.

81. Сольц И. К истории КПТ // Три года Советской власти.- Ташкент,1920.- С. 45 - 53.

82. Сталин И. Асарлар. Т.5 .- Тошкент: Ўздавнашр, 1949.- 508 б.

83. Стенографический отчёт X-го Всетуркестанского съезда Советов рабочих, дехканских и красноармейских депутатов, 21 - 25 август 1921 г.- Ташкент: Туркгосиздат, 1921.- 163 с.

84. Ташкулов Д. Основные направления политико - правовой мысли народов Узбекистана во второй половине XIX - первой чертверти XX вв.- Автореф. дисс... д-ра юрид. наук.- Ташкент, 1995.- 48 с .

85. Тоҳир Қаҳҳор. Ҳур Туркистон учун.- Тошкент:Чўлпон, 1994.- 112 б.

86. Три года Советской власти.-Ташкент:Туркгосиздат, 1920.-87 с.

87. Турк адами марказият (федералист) фирқасининг маромномаси ва низомномаси //Фан ва турмуш.- 1990.- N7.- Б.6-8.

88. Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан.- Тошкент: Фан, 1996.- 83 б.

89. Турор Рисқуловнинг таржимаи ҳоли// Саодат.- 1992.- N3-4.- Б. 17-18; N5-6.- Б. 8-9 .

90. Турсунов Х.Т. Образование Узбекской Советской Социалистической Республики.- Ташкент: Фан, 1957.- 244 с.

91. Фитрат. Мухторият // Ҳуррият.- 1917 .- 5 дек.

92. Хакимов М.А., Серый Я.М. Борьба большевиков за создании национальной советской государственности в Туркестане.- Ташкент: Узбекистан, 1964.- 129 с.

93. Хасанов М. Альтернатива. Из истории Кокандской автономии //Звезда Востока.- 1990.- N7.- С.105-120.

94. Хасанов М. Туркистон мухторияти: ҳақиқат ва уйдирма. // Фан ва турмуш.- 1990.- N9.- Б. 4-6 ; N10.- Б. 8-9 ; N11.-Б. 6-7.

95. Ходжанов С.К. К десятилетию Туркестанской Советской Автономии Туркестана.- Ташкент: Правда Востока, 1928.- 22 с.

96. Холбоев С. Мунаввар Қори // Мулоқот.- 1987.- N1.-Б. 24-25.

97. Ходжаев Ф. Жадиды.//Очерки революционного движения в Средней Азии: Сборник статей.- М., 1996.- С. 5-12.

98.Ҳўжаев Ф. Танланган асарлар.II том.-Тошкент:Фан, 1978.- 676 б.

99. Цвибак М. Классовая борьба в Туркестане// Историк-марксист.- М., 1929.- Т.II.- С. 130-152.

100. Чўлпон. Озод турк байрами // Эл байроғи.- 1917.- 3 дек.

101. Шамагдиев Ш.А. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине.- Ташкент: Фан,1961.- 388 с.

102. Шигабиддинов Р.Н. Ахмед Заки Валиди и идея автономии Туркестана // Туркистон мустақиллиги ва кураш саҳифаларидан.- Ташкент, 1996.- С. 34-38 .

103. Эргашев Б. Отец, сын, внук...// Правда Востока.- 1991.- 11 дек.

104. Юсупов Э., Зиёмов Ш. Аср билан ёнма-ён.- Тошкент: Ёш гвардия, 1983.- 168 б.

105. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия/ Бош муҳаррир Н. Тўхлиев.- Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1997.- 656 б.

106. Ўзбекистон ССР тарихи. Бош муҳаррир И. М. Муминов Т.IV.- Тошкент: Фан, 1971.- 712 б.

107. Ўзбекистон тарихи (1917-1983 йиллар).- Тошкент: Ўқитувчи, 1994.- 400 б.

108. Ўрта Осиё Коммунистик ташкилотларининг тарихи.- Тошкент: Ўзбекистон, 1969.- 840 б.

109. Қосимов Б. Абдулла Авлоний.- Тошкент: Ўқитувчи,1979.-56 б.

110. Қосимов Б. Жадидчилик // Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари.- Тошкент,1993.- Б.12-13.

111. Қулжонов А., Абдурауф Абдураҳим ўғли Фитрат // Гулистон.- 1996.- N4.- Б. 30-38.

112. Ҳамза. Туркистон мухториятина // Улуғ Туркистон.-1918.- 11 янв.

113. Ҳамид Исмоил. Туркистон 1917 йилда // Ўзбекистон адабиёти ва санъати; 1990.- N30.- 27 июл .

114. Ҳўқанд фожиаси // Саодат.- 1992.- N12.- Б.14-15.